

84
УДБ. 23
К-53

Сарвар Қодирсов

ЯҚИН ЎТКАН
КУНЛАР



435.23
153

САРВАР ҚОДИРИЙ

ЯҚИН ЎТКАН КУНЛАР

роман

3005



543

Тошкент — 2006

Азиз китобхон!

Халқимизда "Олим бўлиш—осон, одам бўлиш—қийин" деган нақл бор. Бу нақл замиридаги ҳақиқат ҳам ўз ўрнида тўғридир. Аммо олимликнинг машаққатлари, бедор, беоромликларини, илм сўқмоқлари ва тошлоқ йўлларидан ўз кучи билан юриб ўтганлар яхши билишади. Гоҳ хатолар изтироби, гоҳ ғалабалар қувончи йўлдош бу йўлларда. Баъзан ҳасаднинг тош деворлари рўпарангдан ўсиб чиқади, баъзан меҳрнинг нурлари қалбингни иситади. Олимлик йўлларида манзилга етолмай сочилиб қолганлар қанча?!

Мазкур асарда Ўзбекистоннинг машҳур олимларидан бирининг ҳаёт йўли ҳақида ҳикоя қилинади. Ҳар одам—бир олам. Олимнинг дунёсида фақат илм эмас, муҳаббат изтироблари, севинчлари ҳам бор. У ҳам суяди, куюди...

Сиз бу китоб саҳифалари билан бирга олим юрган йўллардан юрсангиз: "Дунёга нима учун келамиз?" — деган абадий бир саволга чиройли жавоб топасиз. Бу жавобда саёҳат ҳам, ибрат ҳам, ҳикмат ҳам, муҳаббат ҳам бор...

Бадий раҳбар: Қутлугбека Раҳимбоева
Муҳаррир: Х.Хайитметова
ЭҲМда матн
терувчи 3.Кошаева



© С.Қодиров

© "Zarqalam" нашриёти—2006

Муаллиф дейдики:

Миллатимизнинг фахри бўлган Абдулла Қодирий номидаги кўчада яшайман. Баъзан шом, баъзан тонг пайти кўчамизни ёлғиз айланадиган одатим бор. Иморатларимиз пештоқига, дарвоза, эшикларимизга муҳрланган бу азиз, мўътабар номга кўпинча қараб қоламан. Унинг қаҳрамонлари керак пайтда назокатли, зариф; зарур пайтда эса мард. Жасур Отабек, латофатли, оқила Кумушбибилар хотирамда жонланади. Сўнг Абдулла Қодирий ҳазратларининг "Гуноҳим нима?"—деган оғриқли сўроғи ва ҳибсга олинган пайтдаги беҳад маънос кўзлари нигоҳимда туриб қолади. Ана шундай лаҳзаларда юрагимда исмсиз бир туйғулар ғалаёнга келади, ёзишни истайман...

Мазкур асардаги лавҳалар, кечинмалар ана шундай дақиқалар ҳосиласи. Гарчанд Отабеклик даъвои бўлмасада, қаҳрамоним ҳам юрт юкига елка тутган йигит, унинг учун ҳам ўз севгилиси Кумушбиби янглиғ азиз...

Асарни "Яқин ўткан кунлар" дея атаганимни азиз ўқувчилар нокамтарликка йўймаслар... Бу — менинг ўзим эътиқод қўйган улуғ ёзувчига эҳтиромим, жуда катта ҳавасим, холос...

Яна бир жиҳатини ҳам хотирдан фаромуш қилмаслик жоизки, ҳар бир инсон тақдирида, худди, қатрада қуёш акс этгандай, ўз халқининг тарихи акс этади. Шу маънода, ҳар ўзбек кеча ҳам, бугун ҳам, эртага ҳам Ўзбекистоннинг бир қисми. Менинг кечинмаларим, умидларим—шу. Қай бир нуқтада улар сизнинг тақдирингиз билан туташшига аминман, зеро, биз бир тупроқ устида, бир офтоб остида яшаймиз...

Муқаддима

Дарвоза очик, ҳовлидан мусиқа оҳанглари эшитилади, эркак-аёл аралаш овозлар... Ойбек тараддулланиб қадамини секинлатди. Абдуборий савол назари билан унга қаради:

— Шу ... ўзимиз бўламиз, дегандинг. Базм шекилли?

— Адам шунақа дегандилар. Энди келишга келдинг... Ўзинг айтасан-ку, дарвозагача келдингми, ҳовлига кир, ҳеч ким йўқ бўлса, дарвозани қаттиқ тақиллат деб. Абдуборий салмоқланиб гапирди:

— Сен асли дўхтир эмас, файласуф бўладиган одамсан, — Ойбек дўстига эргашди. Дарахтларга фонуслар осилган. Дарахтларнинг қуюқ шохлари, барглари фонус шуълалари билан бирлашиб ажойиб манзара ҳосил қилган. Ҳовлидаги сўриларга жой қилинган. Одам кўп— аксарияти ёшлар...

— Мана, биз ҳам келдик, жамоат жам экан, — деди Абдуборий йигитлар билан қўл олишиб сўрашар экан.

— Хуш келибсизлар. Ҳамма жам, фақат сизлар кам, — Ойбек ўзларини алоҳида тавозе билан қаршилаган бу қизнинг мезбон—Қаноат эканини билди. Гап шундаки, Қаноат ҳам Ойбекнинг қадрдон дўсти Абдуборий билан Андижон тиббиёт институтига ўқишга кирган. Бугун бу ҳовлига яқинлар, дўстлар жам бўлишиб, уларни кузатишмоқчи.

— Бу шоввозлар бугун Москвадан жаҳон ёшлари фестивалидан қайтиб келишди. Бу менинг опам Турсуной, буниси Захро...—Қаноат йигит-қизларни янги кириб келганларга таништирар экан, Ойбекнинг тезроқ бир бурчакка ўтиргиси келарди. Кейинги пайтларда унинг издиҳом қўнгли бунақа издиҳомларни мутлақо кўтармас эди. Кўкси очилиб, юраги кўриниб қолганга ўхшарди. Ҳар шарпа унга тегиб кетар, ҳар шарпа унга билинарди. Кўпчилик ичига кирса, ҳамма унга ачиниб қараётгандай туюларди.

— Вой, гулдай йигит сарғайиб бир сиқим бўлибди-я, муҳаббат ёмон дард-да...

— Э, ўзиям заргарнинг қизига ошиқ бўладими? Улар муҳаббатни биладими? Уларнинг ишқи ҳам, Худоси ҳам пул...

— Шунинг учун "Ойбек нимасига уйланади?" деган-да...

Ойбекка ҳеч ким ҳеч қачон шундай демаган бўлса-да, негадир ҳамма шу тарзда гапиряпти деб ўйларди. Ўйлаган сари Ойхуморга ёзган ишқ изҳорлари, қизнинг умидвор этувчи мактублари ...ўртадаги воситачи синглисининг: "Кеннойим сизга салом дедилар", — деган сирли шивири... сўнг онаизорининг қўшни

ҳовлига кулиб чиқиб кетиб, эшикдан бўшашиб қайтиб келгани... "Сенга бермас экан", деган хўрсиниғи... Ойбекнинг умидларига чақмоқ тушгандай бўлган эди ўшанда. Йўқ, у ҳеч ким учун ўлиб қолмайди. Бу бўлмаса — бошқаси. Қанча қизларнинг сузилиб, севиб қарашларини ҳис этади. Унга алам қилгани заргарнинг гапи эди.

"Нимасига уйланади?!" — дебди заргар. У ким ўзи? Нега у Ойбекнинг тақдири устидан ҳукм чиқаради?!

— Оғайни, Амударёга чўқдингми, Сирдарёгами ё саҳрои Кабирдамисан? Даврага қўшил, қара, зўр қизлар эканми? — Ойбек қулоғи остида Абдуборийнинг овози, иссиқ нафасини ҳис этди.

Хўп, ажойиб дўстлари бор-да, Абдуборий биттаси, холос. Улар бўлмаганда Ойбек чиндан ҳам аллақайси дарёга чўкиб кетган бўлармиди, дунёдан кўнгли қолган бўлармиди. У истаристамас атрофидагиларнинг гапига қулоқ тутди:

— Шунақа зўр дўконлар экан, кийимлари бирам ихчам... кийиб кўрдик, нақ ўрис қизларнинг ўзи бўлдик, қолдик...

— Дарёдаги сайрни айт, тўлин ой биз билан сузаётганга ўхшайди, эҳ-ҳе, қолиб кетгим келди ўша дарёларда...

"Эҳ қизлар, қизларжон-ей, дардингиз кийим, сайру-саёҳат..." Ойбек бу гапни ичида айтди, юзида лабининг бир учи билан кулимсираб қўя қолди.

— Ёшлар бирам эркин. Ҳеч қачон ҳеч кимдан ҳайиқишмайди. Фикрларини тўғрими, нотўғрими-очиқ айтишади. Ёқса, эшитувчилар маъқуллашади, ёқмаса, тушунтиришади... Балки, ихтиёри ўзида бўлган юртнинг ёшлари шундай яшар...

"Ким бу? Ким гапиряпти бу гапларни?" У қиз Ойбекдан анча нарида ўтирар эди. Ўртадагилар уларни тўсиб турар, Ойбек қизнинг жарангдор овозини эшитар эди, холос:

Ғалати куларкан озод инсонлар,
Ялинчоқлик йўқдир кулгуларида.

Ғалати йиғларкан озод инсонлар,
Хўрлик довуши йўқ йиғиларида,

Ғалати ўларкан озод инсонлар

...Гўзал бўлар экан ўлимлари ҳам...

Ойбек жарангдор овоз соҳибасини беихтиёр ахтарар, қатордагиларнинг орқа-олдига эгилиб уни кўргиси келарди. "Овози чиройли экан"... Ойбек хаёлига келган фикрдан уялди. Ахир, овоз нима деган гап, бу гаплар, бу шеърлар олдида... Фақат ким у? — Ойбек ўрнидан туриб қарашга хижолат чекар, аммо руҳига жуда яқин бу гап эгасини кўришни хоҳларди, жуда хоҳларди...

БИРИНЧИ ҚИСМ

ҚАЙТМАС ТҮЛҚИНЛАР

Мен ботинка кияман

— Вуй ёғишини! — Ойбек капалак қорға кафтларини тутди.

— Қўлинг совқотади, тўкиб ташла, қўлларингни бири-бирига ишқа! — деди Анвар катталардек салмоқланиб. Ойбек акасига жилмайиб бош силкитди-да, кафтидаги қорни юмалоқлаб йўл четидаги оппоқ пўстин кийгандай савлат тўкиб турган теракка отди.

Терак шохларидан ҳам қор "дув" тўкилди.

— Анави араванинг изидан юринг, калишингизга қор тўлмайди, — ўз навбатида Ойбек ҳам билафонлик қилиб қўйди. Анвар шунингсиз ҳам арава изидан юраётган эди. Аммо қор тезда изларни кўмиб юборар, ака-ука қанчалар авайлаб қадам босишмасин, калишларидан қор кира бошлаган эди. Ҳадемай қорни кўргандаги завқ ҳам сўнди. Қорнинг совуғи аввал тиззалари, сўнг беллари, мияларигача сезилди.

Анварнинг тишлари такиллай бошлади. Худди тўхтаса қор ичида қалтираётган оёғига қаердандир нажот келадигандай тўхтаб депсениб кўрди.

— Ака, юринг, тўхтаманг, оёғингиз қотиб қолади, — Ойбек олдинга тушиб акасининг қўлидан тортди. Унинг ҳам қош-киприклари қор, ўзи ҳам йиғлашдан ўзини зўрға, куч билан тийиб турарди.

— Келдиларингми, полвонлар, вой-бўй, оёқларинг роса бўлганича бўлибди-ку, қани тез ечинглар... Синф болаларга тўла, кими фуфайка, кими камзулда. Ўқитувчилари титраб турган болаларнинг калишларини ечиб, бир қулоч бўз латта билан оёқларини яхшилаб артди. Ойбекнинг ич-ичидан йиги келди. У рўпарасида чўкка тушиб оёқларини тез ишқалаб артаётган устозининг ҳар бир ҳаракатига бўйсунар, у ёққа қара, бу ёққа ўгрил, деса, айтганини қилар, беихтиёр елкаларига бошини қўйиб, йиғлагиси келарди. Қишнинг қорли кунларида дарс кўпинча шундай бошланарди. Синфхона болалар нафасидан иссиққина эди.

Ойбекнинг титроғи босилди, аста-секин китобига энгашиб ўқий бошлади.

"Бола ...". Унинг нигоҳи боланинг расмида тўхтаб қолди. Бола Ойбекка тенгдош, бошида қулоқчини, оёғида ботинка... Ойбек расмдаги ботинкани бармоқлари учида силаб кўрди. "Иссиққина бўлса керак-а, бундан қор ҳам ўтмаса керак, ичи сувгаям тўлмайди...".

— Фиёқори ака ... Ойбекнинг жарангдор овози болаларни ўзига қаратди.

— Нима гап, полвон? — Устози ҳеч қачон овозини кўтармас, қовоғини солмас эди.

— Нимага "Алифбе" саҳифасидаги болалар ботинка кияди-ю, биз калиш киямиз?

Кимдир "пиқ" этиб кулди.

— Тўғри савол. Умуман, Ойбек ўғлим, менга сенинг саволларинг ёқади. Одам ўзининг ҳаёти, шароитига кўникаиб, ҳа энди Худодан менга берилгани шу экан-да деб яшайверса... унда тараққиёт бўлмайди. Ҳамма ҳам Ойбекка ўхшаб, синфимиздаги бошқа аълочиларга ўхшаб: "Нимага?" деб тез-тез сўраб туришлари керак...

Ойбек устозининг мақтовидан ғурурланиб ўртоқларига бир қараб қўйди.

— Сенинг саволингга келсак, полвон, ботинка қиммат, у чармдан. Уни сотиб олиш учун анча пул керак бўлади. Пул топиш учун эса яхши, жуда яхши ўқиб, келажакда зўр касб эгаси бўлсаларинг, бой-бадавлат бўласизлар, ўзларинг эмас, болаларинг ҳам чарм ботинкалар кийишади...

Ойбекнинг кулгиси қистади, чунки у чарм ботинка кийган ўғлини тасаввур қила бошлади.

Қизиқ, у кимга ўхшаркин, ўзигами, Анвар акасигами?

Фиёқори Мусаевнинг овози синфни тўлдирар, болалар эса орзулар оламига кириб кетган эди, юзлари қизариб, кўзлари чарақларди.

— Мен чарм ботинка кияман, деди Ойбек. У бу гапни секин айтган бўлса-да, овози қатъий эди. Гарчанд унинг овози устозининг овозига қўшилиб кетган бўлса-да, Ойбекнинг ўз гапидан ўзига куч келгандай бўлди. Кўнғироқ жаранглади...

Ойи, эртак айтинг

Қишнинг изғирин кунлари ўтиб, илиқ кунлар бошланди. Тошкент боғларида аввал бодом, сўнг ўрик, гилос, олчалар

қийғос гуллади. Кўчаларни жийда гулининг муаттар ҳиллари тўлдириб юборган лаҳзалар ҳам баҳорнинг гоҳ қуёшли, гоҳ чақмоқ, момоқалдиروقли кунларига қўшилиб кетиб қолди. Ёз... муҳаббат оғушидай қайноқ ёз.

Ёзнинг ёзлиги, айниқса боғларда билинади. Ойбек ҳам ўзларининг мўъжазгина боғчасининг ҳар бир қаричигача биледи. Жонажон ўртоғи Абдуборийнинг онаси: — Борийжон болам, иссиқ элителиб ёнғоқнинг остида ухлаб қолманглар, нақ ажина чалиб кетади-я, деб таъкидлаб турарди. Ойбекнинг ойиси Ҳожиябону эса қўли бўшади дегунча Ойбекни боққа бошлайди.

— Шафтолини кўрдингми, сенга қараб: "Ойбекжон, ҳали хомман, пишаман, чиройли бўлиб етишаман, ўшанда этагинга тушаман", — деяпти...

— Олмани қара, олмани. Бу нима дегани биласанми? "Ол мани, яктагингнинг этагига сол мани" дегани...

Ойбек ойисининг қўшиқчами, куйгами ўхшаб кетадиган шундай гапларини жуда яхши кўради. Айниқса, тунда ой осмонга ярқираб чиққанда боғ ўртасидаги сўрида ойижонисининг тиззасига бош қўйиб ётишга етадиган роҳат йўқ. Ҳожиябону сочларини чамбарақдан бўшатади, елкаларига шалолодай ёйилади. Ёнига чойнак, пиёла қўйиб олади. Уззу кун ўчоқбоши, боғ юмушлари чарчатадими тез-тез:

— Воҳ жоним-а, ўзимнинг жоним...деб қўяди. Ойбекка ойисининг овозидаги толиқиш ҳам, эгнидаги оппоқ қўйлак ҳам, ой ёруғида қулоқларида ажиб ярқираётган балдоқлари ҳам бир мўъжизадай туюлади. У ой нури билан ўйнашаётгандай дарахт баргларига, уларнинг жимир-жимир ҳаракатларига завқланиб термулади.

— Ойи, эртак айтиб беринг. Борийнинг онаси кечаси боққа, анҳорга ажина, сув парилари келади, деди. Шу ростми?

— Борийнинг онаси ҳазилкаш, болам. Сизларга ҳазиллашган. Боғ ҳам, анҳор ҳам муқаддас. Агар сувга туфурмасаларинг, боғдаги ҳар гул, гиёҳни авайласаларинг, ергаям бирор губорли нарса ташламасаларинг, ҳамма жой тоза бўлса, ажина яқин йўламайди. Ажина ифлос, ювуқсиз жойларга келади, болам.

Ойбекка ойиси гапираверса, гапираверса, у бу сўзлар оғушида учаверса...

— Ойи, эртак, дедим...

— Хўп, ҳозир... Бир бор экан, бир йўқ экан, жуда қадим

замонда, Тошканди азим томонда Алимжонбой исмли жуда бадавлат бир бой ўтган экан. Унинг бир неча таноб ерлари бор экан. Ерларига пахта экишар, лак-лак даромад олар, унинг Тўхтабой, Қодирбой, Абдуллабой исмли ўғиллари бўлган экан...

— Анвар акам, мен, Марвар укамга ўхшаб-а?

— Ҳа, худди сизларга ўхшаб. Аммо сенинг Бахтия опанг, Гулнор синглинг ҳам бор... Хуллас, ўша Алимжонбой ўғиллари пул сўраса, аллакимларга ўхшаб бир-иккита тангани бериб қўя қолмас экан, ҳовучларини тилло тангага тўлдириб ташлар экан...

— Ойи, уларга чарм ботинка ҳам олиб берарканми?

— Чарминг нимаси? Тилло ипдан тикилган зар ковуш, зар этиклар кийишган улар.

Ойбек ойисининг ҳамма эртаklarини, айниқса, ана шу эртагини яхши кўрарди. Зар чопонми, зар ковушми, ўғилларига ҳовуч-ҳовучлаб тилло танга бераётган Алимжонбойни кўз олдига келтиришга уринади. Аммо кўз олдига фақат супага, ариқда шилдираб оқаётган сувга кумуш нур сочаётган ой келади, холос.

— Ўша мард, танти Алимжонбой фақатгина ўз ўғилларини эмас, бошқаларнинг ҳам болаларини ўйлаган. У ва унга ўхшаган бойлар вақти-вақти билан бир хонадонга йиғилиб маслаҳат қилишган. Истеъдодли йигит-қизларни Германия каби ривожланган мамлакатларга ўқишга юбориш учун пул беришган. Бойлар болаларимизнинг кўзи тезроқ очилсин, тезроқ ҳаётимизни ўзгартирайлик, деб орзу қилишган...

Ойбек ойисининг ўз-ўзига айтаётгандай, гоҳ хўрсиниб, гоҳ қувониб сўзлаган бу эртагидаги ҳамма гапга тушунавермайди. Аммо бунда ўзига қадрдон, ўзига яқин нимадир бор. Юракчаси "дук-дук"лайди, воқеалар ичига кириб кетгиси, бировнинг боласига ўқиш учун пул бераётган саховатли кишиларнинг қўлларини ўз қўлчаларида силаб кўргиси келади. Ахир, қанча синфдошлари қишда калиш ҳам тополмаганидан мактабга бора олмайди. Ойбек шариллатиб ўқиганда улар ҳижжалаб ўқишар эди.

— Алимжонбойнинг ўғиллари ҳам отасига ўхшаб мард, танти бўлишган. Меҳмонхона, концерт заллари қурдирган. У топганини еб-ичиб, тўй қилиб бир неча хотинлар олиб, кайфу сафо қилиб яшаса ҳам бўларди. Аммо Тўхтабойвачча бизда ҳам чиройли меҳмонхоналар бўлсин, мусофирлар

сарсон бўлмасин, одамлар дам олсин деган-да, Ойбекжон, ухлаб қолмадингми, ўғлим...Ҳожиябону Ойбекнинг сочларини силаб-силаб қўяди.

— Йўқ, ойижон айтаверинг, кейин нима бўлибди?

— Кейинми? Кейин ғарб томондаги шўро отли аждаҳо хужум қилибди. У огзини катта-катта очиб, Алимжонбойнинг ҳам, унинг ўғилларини ҳам, бошқа бойларнинг ҳам ҳамма бойликларини "хап" деб ютиб юборибди...

Ойбек огзини юҳодек очган Шўрони тасаввур қилади. Боғларни, далаларни, буғдойни, пиллани, тиллани ютаяпти... қорни мешдай шишиб кетганига парво қилмайди.

— Ойбекжон, бир умр меҳнат қилиб топган бойлигини, ота-бобосидан қолган мол-мулкени шўрога бериб жони зўрға омон қолган ана шу бойлар сенинг боболаринг. Агар уларнинг бойликларини шўролар тортиб олмаганда, сен ҳам қишда оёгингга чарм ботинка киярдинг...

Ойбек чанг кўчалар, боғда югуравериб товонлари тош бўлиб кетган оёқларига қарайди. Ростдан, нега боболарининг бойликларини Шўро тортиб олади? Нима ҳаққи бор? Нега Ойбек улар туфайли чарм ботинка киймаслиги керак? Ойбек бу гапларни дафъатан ўхшатиб айта олмайди. Аммо ичида кечаётган туйғуларни шунга ўхшаш ҳолатларни ҳис этади.

Ойиси доим бундай эртақлар айтмайди. Баъзан "Ёрилтош", "Тоҳир-Зухра" каби эртақлар айтади. Айниқса, Зухронинг қўшиқларига келганда овозлари жаранглаб кетади. Ойбек ойисининг "Отмагай тонг..." деб куйлашларига маҳлиё ётади. У Гурўгли эртақларини ҳам, она тарафидан бобоси Тошпўлат заргар ҳақидаги эртақларни ҳам бирдай энтикиб эшитади. Билади Тошпўлат заргар бор йиққан-терганини Шўрога берган, унинг ўғиллари ўқимишли инсонлар бўлишган. Ўғилларига ўхшаган ёр-биродарлари билан бир жойга тўпланишганда, Шоҳ Машраб, Хувайдо, Аҳмад Яссавийдан ўқишган. Заргарнинг рафиқаси бевақт вафот этгач, синглисига уйланган. Ҳожиябонунинг ука-сингиллари ўз онасидан эмас, холасидан...

Ойбекнинг ёш шуурига бу воқеаларнинг ҳаммаси сиғмайди, тез-тез хаёли бошқа жойларга кетиб қолади. Баъзан онасининг эртақларини бўлиб:

— Ойижон, қаранг, ой бизга қараб кўзини қисяпти, деб қолади. Ойиси "Гапимни бўлма" деб койимайди.

— У сенинг адашинг-да, Ойбекжон, шунга сен билан гаплашгиси келган... деб қўяди.

Ойбек эртақ эшитиб-эшитиб ухлайди. Купинча тушига тилла тоғ устида ўтирган Алимжонбой, Қодирбойвачча, Тошпўлат заргар бувалари киради. Тилла тоғнинг пастида оғзидан ўт пуркаган аждаҳо ётган бўлади...

Ёнғоқ ўйини — ган

— Тўхта, соққангни кўрай...

Ойбек кафтида маҳкам сиқиб турган соққасини бамайлихотир узатди. Ойбекка қараганда хийла тик, абжир бола соққани синчиклаб кўздан кечирди, ўнг-сўлига ағдариб кўрди. Атрофдаги болалар ҳам қизиқиш билан кузатишарди.

— Ма, сенинг навбатинг,—деди ўша бола. Ойбек соққасини олди-да ган (ёнғоқ) тикилган жойдан отадиган масофага қараб юрди. Абжир бола жўрабошининг соққасини қўлидан олиб кўрмади. Ўтган гал Ойбек ўйинга бир ёнғоқ, бир соққа билан қўшилди. Ёнғоқлар қатор қилиб териб қўйилган. Улар ган деб аталади. Болалар икки метрча масофадан туриб, ганга соққа огишади. Тегса-ютгани... Ойбек тусмоллаб отмас, аниқ мўлжалга олиб, бир кўзини хиёл қисиб бор кучи билан ирғитарди. Соққа бехато тегар, ган пилдираб айланар, унга сари Ойбек завқ билан ўйнарди. У бир ўйинда 50-60 ёнғоқ ютди.

— Бўлди, ишим бор мени... деб кетаётган эди орқадаги болалардан бирининг:

— Соққасини кўриш керак эди, балки ёнғоқнинг ичига зўлдир солиб елимлаб қўйгандир... деганини эшитди. Эҳтимол, бошқа биров бўлганда: "Гапирса, гапирибди-да, оғиз уники", деб ёнғоғини этаклаб кетворар эди, аммо Ойбек ўша заҳоти орқасига қайтди.

— Ким айтди зўлдир деб?

Болалар бир-бирига қарашди.

— Янги-да бу, нариги кўчадан келган...-болалардан бири вазиятни юмшатмоқчи бўлди. Ойбек "зўлдир"лаган болани тахминан топди. Ўшанинг олдида бориб қўлидаги соққасини икки кафти орасига олиб қаттиқ сиқди: синмади. Сўнг Ойбек у ёқ, бу ёққа аланглаб тош ахтарди.

— Қўявер, оғайни, айтди-қўйди-да, — деди яна боя гапирган бола.

Ойбек гўдакнинг калласидай тош топиб келди-да

соққани урди, ёнғоқ эзилиб кетди. Ойбек энгашиганда чўнтагидан ёнғоқлари сочилиб кетди.

— Ана, кўрдингми, зўлдирмас, дедим-ку, Ойбек фирром ўйнамайди ҳеч қачон,—деди яна болалардан бири.

— Шундогам ишонардик, бекор ёнғоқларингни тўкканинг қолди, соққангдан ҳам айрилдинг...

— Қани, болалар, ўйин совимасин, кимнинг навбати... Ойбек чувуллашаётган ўртоқларига парво қилмай тўкилган ёнғоқларни териб олиб "пуф-пуф"лаб чангини қоқди-да яна чўнтақларига жойлади. Кийган камзули ўзига анча катта (уни кўшниси Толиб ака кузнинг аёзлари тушганда чиқариб берганди). "Ўғлимники, акасига ўхшаб юрсин, унга тор бўлиб қолди", деганини Ойбек ўз қулоғи билан эшитди. Ўшанда ичидан бир ўксиниш келган эди. "Адам бўлганларида, лоақал амакиларим адамнинг ўрнини босиб ёрдам берганларида кўшнимизга юпун кўринмасмидик..." деб ўйлади. Аммо ўзига тўқ амакилари негадир Ойбеклардан хабар олавермас, боришса ҳам у қадар рўйхуш беришмасди. Ойбек бекорга ёнғоқ ўйнаб юргани йўқ. У ўзининг мерганлигига ишонар, ҳар ўйинда 50-60 та ёнғоқ ютиб, қишга ёнғоқ ғамларди.

...Бугун жўрабоши унинг соққасини текширганда гаши келмади. У болаларнинг кўзига қилаётганини биларди. Тўпдаги ўйинчилар тез-тез янгиланиб турар, ҳозир ҳам даврада янгилар бўлса керакки, жўрабоши Ойбекнинг соққасини текширди. Яна кимдир зўлдирми, тош деб Ойбекнинг гашига тегишини истамасди. Жўрабоши нигоҳлари тийрак, ўйинда доим ҳалоллик тарафдори бўлган бу болани ҳурмат қиларди...

— Баракалла, Ойбек...

— Зўрсан-у.

— Снайпер бўласан шекилли... Ойбек ҳеч қайсисига жавоб бермас, бутун дунёни унутиб астойдил ўйнарди...

Болалиқдан биринчи бўлишга интилиш... Бундай гурур ҳаммага ҳам nasib этавермайди. Ойбек ёнғоқ ўйинидан ташқари чиллак, футбол ўйинларида, курашда ҳам биринчилардан бўлган. Ўйинларнинг ўзига хос шартлари булар эди. Чиллак ўйинини олайлик. Ким чиллак билан кичкина ёғоч ғўлачани уриб ҳаммадан узоққа отса, ўша бола ютар эди. Ютқазган бола ютган болани (кўз олдингизга 40-50 килограмми болани келтиринг) ғўлача тушган жойгача "зу-зу"-лаб опичиб бориши шарт эди. Бу ўйин болаларни чиниқтирар эди...

50-йиллар... Копток ўйини (ҳозирги футболга ўхшаш).

Ҳар тарафдан 6-7 ўйинчи қатнашади. Вратар, ҳимоячи, ярим ҳимоячи, ҳужумчи... "Хўжапархон" маҳалласи ва "Ўзбекистон" жамоа хўжалиги болалари ўзаро мусобақа қилишмоқда. Ўйин маҳалланинг турпоқ кўчасида. Ўйин бошида кўчаларга сув сепилар, сўнг ўйин бошланар эди. Ўйин гоҳида ўрилган бедазорда ёки чимзорда бўларди. Футбол кўришга эса бутун маҳалла аҳли ва колхозчилар йиғилар эдилар. Яхши, қизиқарли ўйин. Ёшларни гурурли қилади ва чиниқтиради. Одатда, кўпгина ҳолларда маҳалла ёшлари ғолиб бўлар эди.

Бу пайтларда маҳаллага "Ильич" чироқлари етиб келган эмас. Маҳалланинг колхозга туташган ерида чимзор бор... Кечкурунлари бу ерга маҳалланинг йигитлари йиғилишиб дам оладилар. Улар ёш болаларни йиғиб (12-15 ёш) кураш мусобақасини ташкил қилар эдилар. фирромчиликка йўл қўйилмас, яъни ким кучли бўлса ўша ютар эди. Ойбек курашда ҳам ўз тенгдошларидан устун келарди. Маҳалладагиларни-ку, кўплари етим... Ейдиган овқатининг тайини йўқ, лекин бундай мусобақалар Ойбекнинг катта амакисиникида ҳам гоҳида бўлиб турар, бунда ҳам у ўз тенгқур амакиваччаларини кўтариб, ерга "ура" эди. Бунинг учун эса куч ва идрок керак.

Ойбек, ёшлигидаги даврларни эслашни яхши кўради ... Амакисининг полизларида пишган "қизил уруғ" қовунининг мазасини ҳозир ҳам тилини учида туяди. Қовунни ёки тарвузни каттароқ кесакка бир уриб, иккига бўлиб, беш бармоқ билан унинг гўштини олиб ер эдик—дейди у. Бармоқларимиз бир-бирига чип-чип ёпишиб қолар, тилимиз эса ёрилиб кетар эди. Бу ширин маза ҳеч қачон эсдан чиқмайди...

Маҳалла ёшлари ҳам шўх бўлишган... Бир куни Ойбекнинг кучуги "Қашқа" билан қўшнининг мушуги "Бароқ" ўртасида жанг ташкил қилинди. Ана энди "ит-мушук" жангини кўринг. Ҳақиқатда ит-мушук деганича бор экан. Мушук юмдалайди, ит унинг бўйнидан бўғади, оёқларидан тишлайди. Охирида мушук миёвлаб қочиб қолади. "Қашқа" зўр бўлгани учун Ойбекнинг ҳовлисига ҳеч қандай бегона итлар, мушуклар йўламас эди... Лекин бир куни "Қашқа" йўқолиб қолди. Қидирмаган жой қолмади. 10 кун ҳам ўтдики ундан дарак йўқ. Хавотиргаям тушди, чунки у ҳар доим уйга қайтиб келар эди. Кунларнинг бирида Ойбек колхоз даласининг чеккасида ўйнаб юрса узоқдан кучугининг товуши келади. У ерга чопиб боради. Жуда катта ҳовли.

Деворга сакраб чиқиб қараса бир чиройли кучук олдида "Қашқа" думини ликиллагиб турипти. Чақирса қарайди, лекин олдига келмайди. Девордан тушиб, ховли эгасининг олдига боради, салом беради ва кучук уники эканлигини айтади. Боғ эгаси, мийиғида кулиб: "Ўғлим қўлингиздан келса олиб кетинг"—деб рухсат беради. Афсуски барча уринишлар бефойда... Урғочи кучукни олдидан "Қашқа" кетмаяпти. Улар ўртасида катта "севги" пайдо бўлган эди. Ойбек уйига келиб, занжир олиб бориб кучигини занжирбанд қилиб олиб келади. Лекин йўл-йўлакай "Қашқа" инграб, йиғлаб келади. Икки-уч кун аразлаб овқат емайди. Кейин айрилиққа кўникишга мажбур бўлади. Мана сизга итлар "севгиси"...

Тарсаки

Қора совуқ. "Туф" десанг тупук ерга тушмайди. Кими фуфайка, кими камзул кийган одамлар узун-қисқа бўлиб навбатда туришибди. Ҳали ғира-шира, нон эса атроф ёришганда, соат саккизда келади. Қанча эрта чиқиб навбат олишса, шунча яхши. Бўлмаса, ўша карточкага бериладиган бир буханка қора нон ҳам тегмай қолиши мумкин. Навбатдагилар асосан аёллар, ёш болалар. Ойбек ҳам ойисининг ёнида. Анвар катта бўлсаям тез-тез касал бўлиб туради. Ойбек-дадилроқ. Бирон адолатсизлик юз берса, чеккага ўтиб, шумшайиб турмайди. Боламан, демай ўзининг фаҳми етганича аралашади.

— Бону, Рисолат ҳам раҳматли бўлиб кетди, эрингизнинг пулларини ундира олдингиз-а? — Бекорликдан гап ковлайди аёллар.

— Ҳа, энди, "олдим-бердим"ни биладиган одам бўлмаса, қандай қилиб сўрайман, ўзига инсоф берсин,— дейди ойиси.

Ойбек "қарз" ҳақида нималарнидир биларди.

Гап шундаки, унинг дадаси қишлоқ дўконидида ишлаганда раис унча-мунча насияга озиқ-овқат оларкан, бераман, деб юраркан. Бу вақт ичида отаси урушга кетди. Ўша тарафдан туриб ёзган хатида: "Фалончидан оласим бор", деб қўшиб қўйган экан. Ҳожиябону партқўм Рисолат опани гувоҳ қилиб раисга борди. Партқўмнинг ҳам хабари бор экан бундан. Раис "Бераман", деб беролмадимми, э, эгаси ўлиб кетди, ким нима қиларди, дедими, ҳар ҳолда, Ҳожиябону бир-икки бориб кейин юзи чидамади...

— Ойи, бугун яна "Қашқа" кўринмай қолди. — Ойбек ойисини чалғитгиси, "қарз" ҳақидаги кўнгилсиз суҳбатдан олиб чиқиб кетгиси келди.

— Ит вафодор бўлади, — деди ойиси. "Қашқа" — Ойбекнинг севимли кучуги, қайга борса, эргашиб боради, бегона одам келса, кўчанинг бошигача вовуллаб кузатади. Негадир у кечадан буён яна йўқ. Ойбек узоқ-узоқ кўчаларгача бориб келди.

— Сиз ҳамма нарсани яхшилаверасиз, ойи. Сигиримизниям тоза мақтардингиз. Том босиб, шохи синганда роса йиғлабмиз. У бўлса, мени сузди, — Ойбекнинг эсига нима келса, шуни гапирарди. Муҳими, ойиси адасини эслаб, сиқилмаса бас.

— Ўзинг унинг жиғига теккансан-да, ҳайвоннинг аччиғи келса, ҳеч кимни танимайди, шунинг учун эсини йўқотган одамни "ҳайвон" деб сўкишади...

— Ойи, илон ҳам ҳайвонми?

— Нимага энди илон эсингга келиб қолди?

— Ўзимнинг илоним эсимга тушди, ойи. Яна бир келса, уруш тугармиди...

Ойбекларнинг уйининг шифтида аҳён-аҳёнда сариқ илон ўрмалаб юрарди. "Бу — давлатбоши илон, қўрқма, гўдаклигингда бешигинг бошида осилиб турарди, сени кўриқлайди", — дерди ойиси. Ойбек "давлатбоши" га қизиқиб қараса-да, уни бир кўришда чўчирди ҳам. Бир гал Ойбек "давлатбоши"ни эмас, ошхонада вишилаган чипор илонни кўриб қолди. Қўрқиб кетиб, югуриб қўшни болаларни чақирди. Ойбекдан анча катта бўлишса ҳам, болалар илонга яқин келишолмади. Фақат қўшнининг Анора исмли қизи Чипорни хода билан уриб, ҳушсизлантириб, судраб олиб чиқиб кетди. Ойбек ўшанда Анора опага қойил қолганди.

...Ойбек узундан-узоқ навбатда ивир-чивирларни гапиришиб турган бу одамлардан зерикиб кетди. Ҳар гал — шу. Нималарнидир эслаб ўзини, ойисини чалғитиб туради-да, бирдан жаҳли қистайди. Нимага шунча одам "эримиз урушда ўлди болаларимиз очликдан ўляпти, қачонгача !" демас экан?! Нон учун навбатда турмаймиз, туриш жонимизга тегди, деб айтса бўлмасмикан?

— Ойи бўлди, мен кеч қоляпман, мактабга бораман, — деди Ойбек ичидаги бор исёнини шу билан ифодалаб.

— Ўқишинг қочиб кетмайди. Нонми, унми олиб олайлик,

шунча турдинг, бу ёғи озгина қолди, ҳозир қоринларинг муҳим, болам...деди ойиси. Ойбекнинг баттар аччиғи қистади. Навбатда турган одамларнинг ҳаммасининг фақат қорни бор... Кўз олдига бир неча қорин келди, юмалоқ, чўзинчоқ...

— Домлам қўлимга гишт ушлатиб, бурчакка турғизиб қўяди кеч қолсам... Ойбек гапини тугатолмади, тонгнинг этаги кўтарилмай бир бурда нон илинжида шу ерга мажбуран келган, гулдай ёшида беваликнинг зилдай юки остида қолиб эзилаётган онага кичкина ўглининг исёни ортиқчалик қилди. Тарсаки тортиб юборди.

— Ҳой, эгачи, болада нима айб? Совқотди-да буям, ўзингизни босинг!

— Ҳозир ҳеч кимга осонмас...

Ойбек ловуллаган юзини ушлаб йиғлаб юборди. Бу тарсаки аслида Ойбекнинг юзига эмас, аччиқ қисмат, қийин тақдирнинг юзига тўғри келиб қолган эди, холос...

Ўзи енгил, заҳмати оғир

Офтоб олов пурқаётганга ўхшайди. Жўякларга қатор ўтириб ернинг қатқалоғини юмшатаётганларнинг манглайдан маржон-маржон тер қуюлади. Ойбек ҳам катталарга ўхшаб оёқ устида ўтириб олган, дам-бадам юзига қуйилиб кўзини ачиштираётган терни қўлида сидириб қўяди. Тешани қаттиқ ушлаганидан кафтлари терлаган... Оёқлари толиқиб кетган, беллари қотган. Жўяк орасида ўтириб, оёғини олдинга узатиб, судралиб қатқалоқ қилса оёғи сал ором оларди. Аммо бунақада мовут шимининг яғири чиқиб кетади-ку. Ҳар кун ювганга тош ҳам чидамайди.

Ойбек онаси билан ҳар кун дарсдан сўнг далага чиқишади. Яқшанбада бугунгидай тонг саҳардан келишади. Ўтган йиллари от миниб келган бир тафтишчи болаларга кўзи тушиб, бригадирга бақирган эди:

— Бу чувриндиларни қайдан топдинг? Ўт билан ғўзанинг фарқини биладими?—деганда табиатан нозикроқ бўлган Анварнинг ранги ўчиброқ кетган эди. Ойбек дарров ўрнидан туришга чоғланган:


— Қизиқ одам экансиз-ку, биринчидан, биз чувринди эмас, мактабнинг аълочи ўқувчилари. Иккинчидан сиз аввал келиб ишимизни кўринг, ёқмаса кейин гапиринг. От минганман, булар ерда деб оғзингизга келганини вай-

сайверасизми?—демоқчи эди. Укасининг кўзлари чақнаб, лаблари "пир-пир" уча бошлашидан Бахтия опаси ундан келадиган гапни тусмоллаб этагидан тортган эди:

— Ойбек, укажон парво қилма, ит ҳуради, карвон ўгади,—деб шивирлади. — Ойимга ёмон бўлмасин.

— Ҳа ойилари, опалари ҳам шу далада.

— Улар жуда пишиқ болалар, ака! Аввал синаб, кейин далага туширамиз. Лалайганларни олмаймиз. Пахта фронти деб қўйибдилар бун... деб жавоб қилганди бригадир ўшанда. Барибир Ойбекнинг алами ичида қолди... Ҳозир ҳам қотган тупроқни чангитиб-чангитиб юмшатар экан, шу ва шунга ўхшаш воқеалар хаёлидан ўтаверади. "Ғўзажон, ҳозир бўгзингни маҳкам сиқиб турган қатқалоқни юмшатаман. Теша егач, у ҳалимгина бўлиб қолади", дея шивирлаб ҳам кўяди. Ғўзаларни суюнтирган яхши-ю, ўзимга қолса бу оловзор ичида ўрмалаб юрармидим, адам урушга кетиб, қайтмаган бўлсалар... Адамларни деярли эслай олмайман. Урушга кетишларидан аввал тиззаларига олиб ўтирганлари, йиғлаганимда кўзим ёшини рўмолчаси билан артиб қўйганлари элас-элас ёдимда. Муқаддир деган чиройли исмлари, фақат бир сувратлари қолди, холос... "Қора хат"гача ҳам дадамдан бир хат келган экан. Тушида ўғил кўрганини ёзган экан дадам бечора. Улар бизни, биз уларни қайта кўрмадик. Дийдор қиёматга қолди... Ёлғиз қўл қолган онам қандай қилиб бизнинг эгнимизни бутлаб, қорнимизни тўйғизади? Бувам—Тошпўлат заргардан мерос тилло тақинчоқлар ҳам урушнинг қаҳатчилигида дон-дунга алмашилиб кетган бўлса... Ойбек ҳар гал жўякни охирлаб чиққанда, пайкал адоғидаги қуюқ теракзорга қараб кўяди. Теракзор оралаб шовуллаб анҳор оқади. Қани эди, тезроқ яна бир жўяк илгарилаб кетса-ю, ўша анҳорга калла ташласа, ўзларининг маҳалласидаги анҳорда сузганга ўхшаб қурбақа сузиш қилиб мазза қилса... Сўнг қорнини тупроққа қўйиб, елкаларини тобласа... Аммо бу орзуси ҳам ҳар доим ушалавермайди. Норма огир. Бажармаса, ҳисобчи уни қанчалик яхши кўрса ҳам, "Бўладиган бола" деб елкаларини қоқиб қўйса ҳам, ҳақ ёзмайди. Кунни сувга оқади... Ойбек меҳнатини шамолга совурадиган бола эмас. У баъзан чиройли, бир лаҳзалик роҳат берадиган хаёлларга эрк берса-да, тезда ўзини жамлаб олади.



Меҳнатми, меҳнат, мана, куздагиси бундан энгилмиди, оғзи юмуқ кўсақлар тош қотиб ётади. Аёз. Ҳар биттасини юлиб, жон-жаҳдинг билан уриниб, учларини очгунингча бармоқлар учи жаз-жаз ачишади. Ҳар куни шу аҳвол бўлгач, бармоқлар ёрилиб кетган. Онаизори ҳар кеч нималардир топиб суради. Аммо дунёда ёрилган бармоқдан ёмони йўқ. Сал нарса тегса, суякларигача зирқиратади. Аммо, Ойбек ҳам, Анвар ҳам, Бахтия ҳам, бошқа болалар ҳам чидайдилар. Кўсақлар қоп-қоплаб танча устига тўкиб ташланса, иссиққина танчага оёқ суқиб кўсақ чувилса..., Ойбек бунисида роҳат қилади.

Болалигида ойиси, холалари, баъзан амакиларига ва чойхонада қўшни чолларга "Алпомиш"ни ўқиб берган лаҳзаларни эслайди:

Ойбек:

От чопса гумбурлар тоғнинг дараси,
Ботирни ингратар найза яраси...,

дея қўнғироқ овозини жаранглатиб ўқиганда, тингловчилар: "Оҳ-оҳ, сел қилдинг, ўғлим, ўқи, ўқи, эзилган бу юраклар сал ором олсин", дейишар эди. Ойбек бу дostonларни ўқиётган йиллари бу эл бир ботирга зор экани, ботирларини қатағон қиличи ўриб кетаётганини ҳали билмасди. Уларни Алпомиш маст қилипти, деб ўйлар, жўшиб-жўшиб ўқирди... Энди танча атрофида кўсақ чувийётганда, хотин-халаж, тенгдошлари: "Ойбек, эртак айт, чўпчак айт, вақт ўтганини билмай қоламиз", деб ялинишганда, Алпомишни эшитиб нега эркак, аёлнинг ўша пайтда юраклари титраганини сал-пал билади...

— Ойбекжон, ҳаёл дарёсига чўкиб кетибсан-ку — тур, тушлик бўлди... Опасининг гапи Ойбекнинг қиш, кўсақ чувиш, Алпомиш ҳақидаги хаёлларини чирт узиб юборади. Ўрнидан туриб керишади, қотган белига жон киргандай бўлади.

— Яхшиям ҳар кун якшанба эмас, укажон. Ҳафтада бир келади. Бўлмаса, оёқларимиз акашак бўлиб қоларди,— дейди Анвар.

...Улар ҳозир яримта зоғора, бир косадан ёвғон шўрва ичишади, сўнг қора толга чиқиб ўзларини анҳорга отишади. Қандай мазза! Мана бу тошдай қаттиқ қатқалоқ, қотиб қолган бел, оёқ—ҳаммаси унутилади...

"Ўзи энгил, заҳмати огир" деган кунда пахта ҳақида юз бор айтиладиган гап ҳам тўлқинларда оқиб кетади...

"Гулнорни мен ўйнайман"

Сахардан шовуллаб ёғаётган ёмғир майдалашди. Томдан ўтаётган чакка ҳам секинлашди. Уй, айвон, даҳлизимизга териб қўйилган тоғора, жомларнинг ҳам "муסיқа"си тинди. Баҳорни яхши кўраман-у ёмғиридан юрагим безиллайди. Чунки уйимизнинг тоmidан чакка ўтади. Баъзан ойим: "Тавба, худди томи йўққа ўхшайди-я", ... деб жавраб қоладилар. Тоғора, жомчалар, сув идишлар—ҳаммаси тўлиб кетгани учун ойим уйнинг ҳар ери, ҳар еридан қазиб, чуқурча ҳам қилиб қўядилар. Чуқурча олдида ўзлари белларини катта фўга рўмол билан боғлаб, чўққайиб ўтириб оладилар. Пақирчамни чуқурга ботириб берадилар, мен югуриб кўчага—анҳорга тўкиб келаман. Югургилаганда оёғим тойиб-тойиб кетади. Зах мияларимгача ўтади.

— Вой-ей, осмоннинг ости тешилдим, қачон тинаркин?—деб нолийди оёқ-қўллари увишган ойим. Мен "ғинг" демайман. Чунки, "чарчадим"га ўхшаш гап қилсам, ойим бечора ич-ичидан эзилишлари мумкин эди.

— Болам-а, Ойдинжоним-а, агар сени чарчамасин деганда Худо адангга умр бермасиди? Сен тенгилар ўйнаб-кулиб юрганда, рўзғорга кириб кетдинг. Болаликниям билмадинг,—дея ўртанадилар. Мен эса ойижонимнинг бундай ўртанишларига чидай олмайман:

— Ойижон, ҳозир ёмғир тинади. Сиз ҳув бурчакка ўтиб, дам олинг. Ўзим оламан сувни... дейман. Уйимизда биттагина бурчакдан чакки ўтмайди. Амаким томга қора қогоз ёпиб, устидан алламбало мой билан суваганлар. Ўша жойнинг тагида ўрин-кўрпа, китобларимиз туради. Адажонимизнинг дуторлари ҳам ўша ерда. Раҳматли беназир муסיқачи бўлган. Урушга олиб кетмаганларида, яраланмас эдилар, бевақт қазо қилмасдилар, ўзим томнинг қорини кураб юрмасдим... Ойим бечора деҳқонлардан ул-бул сотиб олиб, бозорчамизда қимматроққа сотмасдилар, ўзларининг қилган ишлари ўзларига ёқмай, ўкинмасдилар...

— Ойдиной, ке, болам мен сал дам олдим, озгина чўзил, оёқ-қўлинг ёзилади,—дейди ойим ёмғир секинлашгач, ўзлари номига дам олган бўлиб.

— Йўқ, ойи, мана, қайноққина чой, амаким тунов куни обкелган бир чақмоқ қандниям асраб қўйибман, иссиқ ичинг, кувват бўлади, —дейман.

— Қиз бола бўлсанг ҳам ўнта ўғилнинг меҳрини сенга берган Аллоҳга беадад шукр,— оймим эртаю, кеч дуо қиладилар.

...Эртаси-душанбада ҳам кечаги ёмғирнинг намхушлиги сезилади. Осмонда пода-пода булутлар. Деразага қараб ўтиришни яхши кўраман... Дарсдан сал зериксам, хаёлимни осмон олиб кетаверади.

— Аввалги дарсдаги гапни ўйлаб кўрдиларингми?—деди адабиёт муаллимимиз Саъдулла Кароматов. Аввалги дарсдаги гап? Қайси бири?

— Туманимизда ўқувчи ёшларнинг фестивали бўлади. Мактабимизнинг ёш актёрлар тўгараги бирорта сахна асари билан қатнашиши керак. Биз Ойбекнинг "Қутлуғ қон" романидан парча қўйилишини режалаштирганмиз...

Ҳа, эсимга тушди. Адабиёт ўқитувчимиз икки-учта қалами бор аълочи қизларга романнинг энг таъсирли жойларидан бирини олиб, сахнада қўйишга мўлжалланган қисқа сценарий ёзишни топширган эди. Ёмғир, чакка билан бўлиб менинг хаёлимдан сал кўтарилибди...

— Мен ёздим,—деди бижилдоқ Гули.

— Мен ҳам бошлаб қўйдим,— деди Зебо.

Мен хижолат бўлдим. Чунки мен доимо биринчи бўлардим. Бу гал...

— Ойдин қизим...Ўқитувчимнинг асл умиди мендан экан шекилли, савол назари билан қаради.

— Мен ... эртага олиб келаман,—дедим қатъий қилиб.

...Уйга келибоқ ҳеч нарсага қарамай "Қутлуғ қон"га ёпишдим. Кўп ўқиганман. Аммо сценарий ёзиш ўйинчоқ эмас-ку... Қайси жойини оламан? Гулнор билан Йўлчининг биринчи учрашувиними? Ё Нурининг тўйида меҳмонларни табақага ажратиб, казо-казоларга яхши, бундайроқларига хашаки чой дамлаб, иккови кулишган жойлариними? Қаерда бўлсаям, Гулнор қатнашган жойини олиши керак... Тантиқ Нури, димоғдор Лутфинисо хоним... Йўлчининг маъсума синглиси Унсин... Ўқиб ўтириб юракларим эзилади. Нима учун яхши одамлар доим қийналиб яшайди? Йўлчининг филдайд кучи бор. Нега у шу кучи билан қийналиб яшаши керак? Нега қўлини совуқ сувга урмайдиган Салимбойвачча, Ҳакимбойваччалар ялло қилиб юришади, қани Аллоҳнинг адолати?!

Шу каби саволлар гирдобиди айлана-айлана "Қутлуғ қон"

дан бир парчани сценарий қилдим. Гулнорнинг ўғирланиши, Йўлчининг қутқариши... отанинг эзилганлари...

Эртаси қушдай учиб, мактабга бордим. Адабиёт ўқитувчимиз бир нафасда ўқиб чиқдилар.

— Ўзинг ёздингми, Ойдиной?—дедилар.

— Ўзи ёзади. Бу ўзи азалдан ҳам ёзиб юради,—чувиллашди қизлар. Рост, галати бир феъллим бор эди. Уқиган китобларим, кўрган киноларимни қайта ёзиб чиқардим. Фақат ўзимга қайси жойи ёқмаса, ёқадиган қилиб тузатиб ёзардим.

Буни синфдошларим билишарди.

— Баракалла, сендан яхши адиба чиқади,—деди ўқитувчимиз. Адиба...йўқ, мен алиба эмас, актриса бўлмоқчи эдим.

— Домла...—дедим,—сиздан бир нарса илтимос қилсам майлими?

— Майли, қизим...

— Гулнорни ўзим ўйнасам...

Муаллимимизнинг юзига кулги тошди...

Эсдан чиқмайдиган кун

— Журнал қани? Ким бекитди журнални?—Мажид Қодирийнинг овози гулдираб, жим-жит синфда акс-садо берди. Танаффусда овозини ҳам, ўзини ҳам қўйиб юборадиган болаларнинг нафаси ичига тушиб кетган. Мажид Қодирий-математика ўқитувчилари одатда жуда паст овозда, сокин гапирарди. Аммо бугун унинг чаккасидаги йўғон томирлари бўртиб чиққан, бўр тутган қўллари асабий титрарди. Гап шундаки, Ойбекларнинг синф журнали бехосдан йўқолиб қолди. Бу воқеа шанба куни рўй берган эди.

— Мен биламан. Журнал ўгриси бегона эмас. Ўз ораларингда. Кимдир ўзига қўйилган баҳони ноҳақ деб ҳисоблаяпти. Душанбагача журнални олиб келиб жойига қўйсаларинг қўйдиларинг, бўлмаса, жазоси ёмон бўлади,—деди Ойбекларнинг синф раҳбари Маҳмуд ака.

Мана, душанба, математика дарси бошландики журнал йўқ.

— Синф раҳбарларингаям айтдим. Менинг ёзма ишга қўйган баҳоларим баъзи шоввозларга ёқмаган. Қани, ўзи бўйнига олсин-чи, ким бекитди журнални ...

— Мажид ака, журнални анави...

Мажид Қодирий қорачадан келган кўзлари олазарак болани гапиртирмади:

— Сен яширдингми?

— Мен эмас, анави...

— Анави бўлса, сен жим тур! Ким бу ишни қилган бўлса, ўзи иқроор бўлсин! Агар бирортанг чақма-чақарлик қилсанг... тилингни суғуриб оламан! Ойбек математика фанини жуда яхши кўрарди. Домласини ҳам. Аммо ҳозир ўқитувчисининг нима учун бу қадар дарғазаб бўлаётганини тушунмас эди.

— Қани, ҳамманг ўрнингдан тур! — Ўқитувчининг овозида таҳдид шу қадар кучли эди-ки, шол бўлиб қолган оёқ ҳам беихтиёр қўзғаларди. Агар ораларингда кимдир гуноҳкорни сотса, аввал уни жазолайман. Билиб қўйларинг! Айбдор ўзи "мен" демагунча ҳамманг жим оёқда турасан? "Бу қандай бедодлик? Ўйлай бошлади Ойбек, — кимнингдир гуноҳи учун нимага биз тикка туришимиз керак?". У синфдошларини кузатди. Нигмат темир-терсакни яхши тушунадиган бола, нуқул бузиб-тузатади, ўзаро "конструктор" деб ҳазиллашишади; Тўлаган — тушларида ҳам пул санайди, олди-соттига уста; Мирсобир — лақаби "қори", фикрли бола; Ақром, Анвар, Убайдулла, Олим... ҳаммаси қимир этмай туришибди. Ойбекнинг тоқати тоқ бўлди. У умуман зиғирча ноҳақликка чидамасди:

— Мажид ака, мен ўтираман, мен журнални олганим йўқ! — деди қатъий.

— Ўтирма, десам-чи?

— Барибир ўтираман!

Ойбек шартта ўтирди. Бирдан бошқа болаларга ҳам жон кирди.

— Мен ҳам олганим йўқ, ўтираман!

— Мен ҳам!

Мажид ака уларни кўзлари галати бир чарақлаб кузатар эди. "Ўтирма!" дер, аммо "Ўтираман" деб туриб олганига қаршилиқ қилмасди.

Ниҳоят, битта бола тик қолди, у "ўтираман", дея олмади... Якка ўзи бироз тик туриб қолди-да йиғлаб юборди:

— Ўзингиз нега менга "3" кўясиз? Ақромники билан бир хил эди-ку, уники "4"...

— Журнал қаерда? -деди Мажид ака стулга ўтириб.

— Анҳор ... суви йўқ анҳорга қоғоз қопга солиб кўмганман...

... Ойбек Мажид Қодирий билан юзма-юз ўтирибди.

Ўқитувчиси дарсдан кейин унга: "Қол!", деди. "Журнал топилди, ҳеч қаерига зарар етмабди, мени биринчи бўлиб утирганимга жазоламоқчимиз?... ", дея хаёлидан ўтказди Ойбек.

Аммо Мажид Қодирийнинг чеҳраси сокин эди, овози ҳам.

— Кел, қариндош, ичинг тўла савол, сен билан бир гапиришгим келди... Ойбекнинг фамилияси Муқаддиров эди. Шунинг учун ўқитувчиси баъзан "қариндош" деб кўярди.

— Биласанми, "Мен ўтираман", деганингда сени кучоқлаб бағримга босгим келди. Одам ўзини камситишга, ноҳақ жазолашга йўл қўймаслиги керак. Бўлмаса уни чумолидай эзиб, топтаб ташлайдилар. Мени "халқ душмани" деб терговма-тергов судраганларида, кўпинча "терговчининг гашига тегмай", деб жим турардим. "Ахир, айбим йўқ-ку, озод қилар", деб умид қилардим. Аммо мен жим турганим сари у қутурарди. Аямади, бекордан-бекор қамаб юборди. Мен бор-йўғи бир ўтиришда "Сталин бизнинг отамиз", деб нутқ сўзлаётган одамга жавобан шивирлаб "онангни бировга қўшгани уял", дегандим холос. Бу гапимни эшитса, икки ёнбошимдаги одам эшитгандир. Лекин шу икковининг бири ё иккиси ҳам сотқин бўлиб чиқди. Мен бир оғиз гап учун етти йил азоб тортдим. Касалманд бўлиб қолдим. Шунинг учун ҳақми, ноҳақми бировни чаққан одамни кўрсам, жиним кўзийди.

Ойбек Мажид Қодирийнинг гапларини бутун вужуди қулоққа айланиб эшитар эди. "Бир миллат одамларида бир-бири учун жавобгарлик ҳисси бўлиши керак. Унинг айби борми, демак унинг айби учун биров бўлса-да сен ҳам айбдорсан. Чунки бу айб сенинг қўз олдинда юз берди: агар сен яхши бўлганингда, уни бундай айб иш қилишга қўймас эдинг".

Ойбек ўқитувчиси билан суҳбатдан аллақандай бир туйғулар билан чиқди. У ўзининг ҳолатини тушунтириб беролмас, аммо юрагида қандайдир ўзгариш юз берганини ҳис этарди.

Узоқ тунлар, узун кундузлар...

Токчадаги чироқ хира нур сочарди. Қия очиқ дарчадан тунги шабада райҳон, жамбилларнинг хуш бўйини кучоқлаб келиб хонтахтага мук тушган Ойбекнинг атрофида айланарди. Аммо у ҳеч нарсани сезмас, ручка тутган кафтлари терлаб кетган... Неча соатдан буён кимёдан масалалар ечарди. Ечимини топганда қулочини ёзиб, мазза

қилиб керишар, бармоқларини қисирлатиб қўярди. Аммо ўрnidан туриб кетмас, увишган оёқларини ўтирган кўйи бир-икки бор ёзиб, букиб қўярди, холос.

Эшик тарақлаб очилди — акаси! Чироқнинг сарғимтил шуъласида юзи оқариб кўринди. У қўлидаги бўз қопни "гурс" эттириб хона бурчагига қўйди.

— Ҳорманг, яхши бориб келдингизми? Ойим ...

Ойбекнинг гапи бўғзида қолди.

— Ойимни мелисалар тутиб қолишди. Мен юклар билан зўрға қочдим. Орқамдан қувишган эди, боғ тарафга ўтиб чалғитдим...

Анварнинг овозидаги толиқиш, асабийлик бир зумда Ойбекка ўтди. Ўрnidан турди-ю гандираклаб кетди. Боши оғирлашиб кетган, бўйни эгилиб ўтираверганидан қотиб қолган эди.

— Қаерда, қаерда қолди ойим?

Ойбек "олиб қолишди", дея олмади. Гўё шундай деса бақанинг тўнига ўхшаш форма кийганлар ойисини темир панжарами, тўрт деворнингми ичига киритиб қўядигандай кўнглига ваҳим қелди.

— Бозорга кираверишдаги пунктда, юкларни Дилбар холанинг дўкончасида қолдирмоқчи эдим...

Анвар укасига умид билан тикилди. У Ойбек кўпинча тез ўйлаб, тўғри хулоса чиқаришини биларди. Акасининг кўзидаги "Энди нима қиламиз?", деган саволни Ойбек дарров уқди.

— Мен ... ўзим бораман пунктга...

— Бирорта каттароқ одамни олиб борсангмикан?

— Аввал ўзим борай-чи... Ахир энди ўзлари катта бўлиб қолишди-ку, энди ям бировга бориб, шундай, шундай, дейиш уят эмасми?

Анвар худди катталардек салмоқланиб гапириб, уйдан чиққан укасининг орқасидан умидвор термулиб қолди.

Ойбек акасининг олдидан дадил чиққан бўлса-да, жин кўчалар бўйлаб бозорга юраркан хўрлиги келди. Ким ўзи бу мовут тўнлиларга бунча ҳақ-ҳуқуқ бериб қўйган? Ойиси бирон жиноят қилибдими?! Бор-йўғи Абай бозоридан сариёғ, чой, совун, майда-чўйдаларни арзонроққа харид қилиб, устига беш-ўн тийин қўйиб сотишади, холос. Тирикчилиги шу. "Олибсотар, чайқовчи", деб кўз очиришмайди. Ахир, аёл боши билан бир этак болани боқиб ўтирганига, "раҳмат" демайдими? "Аскарнинг бевасиман,

соппа-соғ эримни урушда ўлдириб юбордиларинг, энди болаларимни боқ!", деб ҳеч кимга ёпишмаётган бўлса? Ё болаларини кўчага ташлаб, аллакимларга ўхшаб: "Жон, жон ўзимнинг жоним!", деб қўнгилхушлик қилиб юрмаган бўлса! Осини танибдики, Ойбек онасини иш устида кўради. Адаасидан қора хат келгач баъзиларга ўхшаб вой-войлаб осмонга қарата "ув" солиб ётиб олмади. Дардини ичига солди. Белини маҳкам боғлаб, болалари олдига тушди. ... Аввал урушдаги аскарларга фуфайка тикар эдилар. Онаси артелдан материал олиб келар, бичар, пахта солар... сўнг эски "зингер"ни ғириллатиб тикишга ўтирарди. Ойбек чўкка тушганча фуфайканинг бир чеккасидан тортиб турарди. Оёқ устида ўтирса, оёғи толиқар, чўккалаб ўгиравериш, тиззасининг кўзлари без-без оғирди. Аммо, "гинг" эмасди. Ойиси баъзан:

Сарв қоматингиз саргардонида
Қизил юзларим сарғайди, бегим...
Қора кўзларингиз армонида
Кўзларим яна ҳам қорайди, бегим...

дея ҳазин товушда хиргойи қилар, Ойбекнинг ҳам ўпкаси тўларди. У адаси билан ойиси орасида жуда катта муҳаббат бўлганини эшитган эди. Адаси қариндошлари розилигига ҳам қарамай ойисини севиб уйланган экан. Шунинг учун ҳозир ҳам ота қариндошларнинг аксарияти Ойбекларга унча рўйхуш бермайди. Шундай кишидан айрилиш онасига осонми, ахир?! Урушдан сўнг эркакларга оқ кител-шим урф бўлди. Ойиси энди буюртма ола бошлади. Сўнг қиз-жувонларга кўйлақлар тикди...

Аммо саҳардан шомгача машина устида букчайиб ўтириш ҳазилакам меҳнат эмас. Бунинг устига чеварликка ўткир кўз керак. Кейинги пайтларда (кўп йиғлагандан бўлса керак) ойисининг кўзи ёшланадиган бўлиб қолган. Ойбек баъзан ўқишини йиғиштириб ишга чиқиб кетгиси келар, ойисини тўрда ўтқазиб қўйишни орзу қиларди. Аммо, бугун ишлаб пул топгани билан эртага нима бўлади? Бир умр қора ишчи бўладими? Йўқ, Ойбек ўқийди! У ҳали ойисига тушида ҳам кўрмаган роҳат-фароғатлар ҳадя этади...

Ойбек хаёл билан қўриқчилар турадиган пунктга етганини билмай қолди. У бу жойни биларди. Чеварчиликни ташлаб бозорга қатнай бошлагандан буён гоҳ ойиси, гоҳ акаси бу ерга "тушиб" турарди.

— Кел, йигитча, хизмат?—мўйловлари тиккайган, ўсиқ қошлари остидан ўткир боқаётган киши Ойбекка қаради.

— Шу... ойимни олиб кетгани келдим...

— Ойинг ким? Олиб сотарми, ўғрими?

Ойбекнинг муштлари тугилди.

— Оғзингизга қараб гапиринг.

— Кекирдагингни чўзма, жўжахўроз. Ойингни ушлаб-мизми, демак, айби бор, оти ким, фамилияси нима?

Ойбекнинг томоғига нимадир тикқилди. ...Ким ўзи булар? Буларга ким оғзига келганини гапиришга ҳуқуқ бериб қўйибди? Бирдан миясига қон урди:

— Айби йўқ ойимнинг. Сизлар умуман айби йўқ одамларни ҳам ушлаб ўрганиб қолгансизлар. Агар ойим молидан бир қисмини оғзингизга тикқанида эди, аллақачон қўйиб юборардиларинг!

Шопмўйлов катта кўзларини яна ҳам катта очганича Ойбекка яқинлашди:

— Ўлгинг келяпти шекилли, сен боланинг. Сержант! — деб бақирди. Ичкаридан дароз бир йигит чиқиб Ойбекка энди ёпишганди хона эшиги очилиб, икки-уч киши кириб келди. Уларнинг ҳаммаси формада эди.

Дароз Ойбекни қўйиб кириб келганлар олдида тик қотди. Шопмўйлов ҳам улар истиқболига шошди. Келувчиларнинг бири, кўксида орден-медаллари ярқираган, хуштабиат кишининг Ойбекка кўзи тушди.

Ойбек "оқ ит, қора ит бари бир ит", деб салом ҳам бермади. Ич-ичида тўғри иш қилмаганини билиб турарди. "Нима бўлса-да, паст келсам-да ойимни олиб чиқишим керак эди", деса-да юраги кўнмасди, исён қиларди. "Ким булар?", деган аччиқ бир савол кўксини куйдирар эди. Қоронғи, зах хонада букчайиб ўтирган, кун бўйи Абай бозорида беш сўм арзонга мол оламан деб тентираган ойижонини ўйласа, ўзини сўккиси, ургиси келарди.

— Тўхта, тўхта-чи, отангнинг оти ким, ўғлим? "Ўғлим" мурожаати Ойбекнинг алангаланиб турган қалбига сал сув сепгандай бўлди.

— Муқаддир...

— "Аллон" маҳалласидансизлар-а?

— Ҳа.

— Ўзимам шундай бўлса керак, дегандим. Муқоаддир-бойнинг ўғлисан... тортиб турибсан, опанг, ака, укаларинг —

Бари омонми? Бу ерда нима қилиб юрибсан? Биз бу йигитчанинг ладаси билан фронтга бирга кетгандик. Зўр йигит эди...

Шопмўйловнинг кўзлари ола-кула бўлиб гапиргани кўймади.

— Мен ... мен бир иш билан чақиртиргандим, сен, бола, боравер, ишингни ўзим тўғрилайман... шоша-пиша гапирарди шопмўйлов.

— Ойим...

— Ҳа, ҳаммаси зўр бўлади, боравер. Шопмўйлов Ойбекни итаргандай даҳлизга чиқарди. "Ойингнинг оти нима?", — деб шивирлади. — Ҳожиябону...

— Боравер, орқангдан етиб боради.

Ойбек пунктдан нарироққа бориб турди. Ҳа, ботирликларинг менга ўхшаган болалар ёки оддий одамлар олдида... Хўжайинларингни кўрсаларинг думларингни ликиллатасанлар, деб ўйлади Ойбек. У ичкаридан чиқаётган ҳалиги ҳарбий кишини кўрди, шопмўйлов кузатиб қўйди. Сўнг тез ичкарига кириб кетди. Ун дақиқа ўтар-ўтмас онаизори чиқди.

— Ойбекмисан? Нима қилиб юрибсан? Чарчаб кетгандирсан, борардим-у мени бўри ермиди?

Ойбек юзини ойисининг юзига босди. Онаизор-а, ўзи нима аҳволдаю Ойбекка қайгуради.

— Инсоф кирибди ҳартугул мўйловгаям, ҳеч вақо олмасдан қўйиб юборди. Ўзим беш-ўн танга қистириб қўйдим.

— Ойи...

— Болам-а, нимани билардинг, булар ҳам кариллагани билан бировга қарам, бунинг ҳам чўнтагига кўз тикканлар бор.

Ойбек ойисига тафсилотини гапириб ўтирмади, ахир, ўзини ҳам қамаб қўйишларига сал қолди-ку...

— Художоним-а, адолатингга шукур, борлигингга шукур, яна сог-омон болаларим бағрига қайтардинг, — деди онаси уйга кирибоқ. Анвар бир бурчақда гўжанак бўлиб ухлаб ётар, чироқ липиллар, хонтахта устидаги Ойбекнинг дафтарлари енгил шабадада очилиб, ёпиларди...

Биринчи бўлиш ёмонми?

— Ие, шу сенми? Роса куёв болага ўхшаб тушибсан-ку...

— Худди ўзи, фақат ёнимда келин кам... Аллоҳдан тилаб тураверайлик-чи, келин ҳам топилиб қолар?

— Бу сенми? Кўпроқ адангга ўхшаб қопсан?

— Адаси бўлгандан кейин ўхшайди-да, нима сенга ўхшасинми бўлмаса...

Ойбек атрофини ўраб сувратларни томоша қилаётган ўртоқларининг беозор ҳазилларига қулоқ тутар экан, юраги орзиқди. Ҳадемай битиришади... Ун йил кўз очиб юмгунча ўтибди. Ҳар куни келиб-кетадиган мана шу мактаб, мана шу парталар қанчалар азиз кўриняпти энди... Дўстлари-чи? Бир кун аразлашиб, эртаси ярашадиган дўстлари-чи? Ҳаёт йўлларида энди шундай беғубор дўстлар учрармикин? Ойбекнинг хаёлидан бир лаҳзада бир дунё саволлар, бир дунё хотиралар дарёси оқиб ўтди. Мана шу дўстлари билан айниқса, жуда аҳил бўлиб дарс қилишарди. Ойбек, акаси гоҳида қариндош болалар билан аммалариникига йиғилардилар. Кичик амакиси Мирғиёс "Ким биринчи ечади?"га масала, мисоллар берарди. Бу расмий дарс эмас эди. Аммо болалар жонини жабборга бериб "ким ўзди"га ечишардик. Бу том маънода илмга ташналик эди... Хотиралар хотираларга уланади... Ойбекнинг ўқувчилик ҳаётининг асосий қисми — оиласи. Айниқса, кўп вақти акаси билан ўтарди. Колхозга чиққан пайтларидан бири-биридан гўзал хотиралар қолган. Акаси билан колхознинг отларига ишқибоз эдилар. Бир куни Тўриқ отни, иккинчи куни Опой (оти шундай эди)ни кўшар эдилар. Ойбек отга ёнидан минолмасди. Гилос дарахтига чиқиб отга сакради. Отларни суғоришга олиб боришнинг гашти бор эди... Баъзан ҳангомалар ҳам бўлиб турарди. От билан юрадиган йўл ёнғоқзор оралаб ўтарди. Акаси иккови отларни елдириб келаётганида унинг, қўйлагига шох илашди. Ёнғоқ шохи бақувват бўлар экан, Анварни отдан тортиб олди. У шохга илиниб қолди. У нима аҳволда-ю Ойбекнинг кулгуси қистайди...

Ўқувчилигида бундан ҳам қизиқ воқеалар бўлган. Пахтага чиққанларида синфдошлари Мирсоат ошпазнинг ёрдамчиси эди. Бир куни синфдошларини четга имлаб: "Овқат емаларинг", деди. Кечкурун ҳаммадан яширинча сабабини айтди. Ўша кун қозонга кучук тушиб кетган экан. Ошпазлар бунини овқат пишганда билишибди. Аммо овқатни тўкиб ташлай олишмабди. Тушликда шунча ўқувчи оч қолади-ку. Ёпиглиқ қозон ёпиглик қолсин, дейишибди. Ахир, дунёда қанча одамлар ит гўштини истеъмол қилишади-ку... фақат Мирсоат ўз синфдошларига айтибди, чидай олмабди...

Умуман, гоҳ оч, гоҳ тўқ, гоҳ қўшниларнинг болаларининг кичкина келиб қолган кийимларини кийиб катта бўлаётган бўлсалар-да болами, ўсмирликнинг ўзига хос завқ-шавқлари бор. Мана, мактабни битирди ҳамки, битта тузукроқ костюми йўқ. Аммо шунга ачиниб, сиқилиб ўтирмайди. Муҳими, унинг мактабда ҳам, маҳаллада ҳам хурмати бор...

— Расмларимиз винеткага алфавит тартибида қўйилар

экан, эшитдингми, Ойбек?— деб Абдуборий унинг хаёлларини бўлиб юборди. Аввалига яқин дўстининг хабарига баятиборроқ қараган Ойбек бирдан бошини кўтарди:

— Нима?

— Эшитганинг.

— Тушунтириброқ айт, ким кимни қаерга қўярмиш?

— Кимнинг қанақа ўқиганининг аҳамияти йўқ эмиш.

Расмлар алфавит тартибида жойлаштириллар эмиш.

"Нега энди?". Ойбекнинг хаёлига дарров шу савол келди.

У ўзини олтин медал олишини биларди. Бир хаёли:

"Қаерга қўйса қўявермайдими?", деб ҳам ўйлади. Аммо бу унга адолатсизликдай туюлди. Ўн йил давомида яхши ўқиматганлар, сабр-тоқат билан дарс қила олмаганлар битираётганда овгина бўлса-да хижолат тортиши керак эмасми? Айни шу хаёллар устига синф раҳбари Маҳмуд ака кириб қолди.

— Маҳмуд ака... Ойбекнинг овози титраброқ чиқди. Ўқитувчисининг қоши керилди. Бу одамнинг баҳс-мунозарага тоқати йўкроқ эди. Ойбек эса бекорга: "Маҳмуд ака", демайди.

— Яна нима?

— Шу... винеткага расмлар алфавит тартибида қўйилладими?

— Ҳа. Ҳамма жойда қандай бўлса, шу. Агар катта бобонг Алимбойнинг исмини фамилия қилиб олганинда биринчи турардинг, афсус, энди сал пастроқ тушасан...

Ойбекнинг бўйин томирлари бўртди.

— Тушмасам-чи...

— Ҳов бола, худбин бўлма. Мен сенга минг марта айтаман. Буни ҳаёт деб қўйибди. Калланг зўр бўлгани билан муомаланг бўлмаса, бошинг деворга урилаверади... "Мен биринчи бўлишим керак"— дейишдан уялиш керак. ...Бир тоғдан, бир боғдан келарди синф раҳбари.

— Ясама камтарлик ҳам барибир манманлик. Одам қалбида қандай бўлса тилида ҳам шундай бўлиши керак. Нима, биринчиликка интилиш ёмонми?

— Ҳали олдинда оқ туя, қора туя чўкиб ётибди. Имтиҳонларинг бор. Шахсан менинг фанимдан "5" оласан деб кафолат бера олмайман...

Ойбек Маҳмуд аканинг бир жағи очилса, унча-мунчага ёпилмаслигини биларди. Нар кетди. "Нимага шунақа?" Нега баъзи устозлар баҳс мунозарага киришсанг, севинишади. Баъзилар Маҳмуд акага ўхшаб ирғишлаб юборади. Яхшиям у ўқитувчи, борди-ю шаҳарга бош бўлса борми, бировни

"ғинг" дейишга оғзини очирмасди. Оғиз очган — "худбин", "жанжалчи..." Шу-шу Ойбек дарсларга яна ҳам боши билан шўнғиди. Агар Маҳмуд ака атайдан "4" қўяман, деса комиссияга топшираман, деб тинмай ўқирди.

— Ойбек, қўя қол энди, кўзларинг қизариб кетди. Абдуборий анҳорга оёғини тиқиб ўтириб, бир китобга, бир дафтарга қараб пичирлаётган Ойбекнинг елкасига қўлини қўйди.— Маҳмуд ака айтдилар-да қўйдилар. Барибир сенга "4" қўймайдилар.

— Қўймайдилар эмас, қўя олмасликлари керак. Менинг ҳаётда ҳеч қачон ҳеч кимдан тилим қисиқ бўлмаслиги керак. Ўзим "5" га лойиқ бўлишим зарур. Биласанми, оғайни, сен мени Маҳмуд акага қасдма-қасд ўқияпти, деб ўйлама. Менинг устозларга нисбатан дилимда заррача гина, кудурат йўқ. Бўлсаям бир лаҳзада ўтади, кетади. Ўқитувчи барибир ўқитувчи, бизга илм берган инсон. Мен ўзим, ўз принципларим учун ҳаракат қиламан. Инсон дунёга бир марта келади. Худо уни ҳар тарафлама мукамал яратган. Ақл, кўз, қулоқ, қўл, оёқ... Нима учун шунча мукамаллик билан у бировдан кам бўлиши керак?! Йўқ, у боши тик, мағрур яшаши шарт. Менинг идеалим—шундай одам, шундай халқ...

Абдуборий дўстининг чарақлаган нигоҳлари, овозидаги жарангга эҳтиром билан қараб турди. Шундай дўсти борлигидан қалби ғурурга тўлди.

—Сен менинг гапларимга парво қилма, Ойбек. Мен шунчаки чарчаган пайтларингда жоним оғриб айтаман. Сал бўлсаям чалғи, дам ол, дейман-да. Аслида мен сен билан фахрланаман. Қани эди, ҳар бир қора кўзда сенинг шахдинг бўлса, чинакам ўзига бек халқ бўлармидик...

Ойбек "ошириб юбординг", дегандай жилмайиб оғайнисининг елкасидан қучиб қўйди.

Катта йўл бошида

...Анчадан буён кундалик ёзмай қўйган эдим. Имтиҳонлар билан овора бўлдим. Бир пайтлар мактаб саҳнасида "Қутлук қон" асари асосида сценарий ёзиб, Гулнорни ўйнаганим энди ўзимга нашъа қилади. Ўшанда: "Ойдин, қойиллатдинг, сендан зўр актриса чиқади", дейишса ўзим ҳам ишонибман. Анчагача ашулалар, монологлар ёдлаб санъат институтига тайёрланиб юрдим. Математика ўқитувчимиз:

—Ойдин, сендан яхши математик чиқади. Ўзингни энгил-елпи соҳага урма,—деса, физика муаллимимиз:

— Сен яхшигина физик бўласан. Адашма, касб танлашда, — дейдилар. Онамга қолса:— Қийналмасам; қиз болага дўхтирликми, муаллимликми ярашади. Унинг учун асосийси—оила,—дейдилар. Ишинг ишхонангда қоладиган бўлиши керак, уйингга орқангдан эргашиб келмасин, оилангга халақит бермасин,—дейдилар. Ўзимнинг оилали бўлишимни тасаввур қилсам, кулгим қистайди. Шўх-шаддот Ойдин ва оила... Мос келармикин бири-бирига...

Аммо, одамларга, ҳатто, яқин дугоналаримга ҳам айтгани хижолат бўлсам—да хаёлот дунёимда "кимдир" яшайди... Мен уни ҳозирча кўрганларимдан ҳеч кимга ўхшата олмайман. Синфдош, мактабдош, маҳалладош йигитлардан мактуб олганман. Ҳаммасида ишқий шеърлар... Аммо хаёлимдаги "у" бундай севги изҳор қилмайди... У бошқача айтади. Қандай, билмайман...

...Етуклик гувоҳномамизни олганимизнинг ҳаяжонлари узоқ чўзилмади. Кўпчилигимиз олий, ўрта ўқув юртига кирмоқчимиз. Энг яқин дугонам Муҳаббат билан тўқимачилик институтига бориб кўрмоқчи бўлдик. Негадир бизга институтнинг номи сирлироқ кўринди. Тўқимачилик... Бордик. Бордигу "вуй", дедик. Ҳамма ёқда қизлар. Сочларини майда ўриб Марғилон, Наманган ироқи дўппиларини кийган вилоятдан келган қизлар ҳам шу ерда. Бизга ўхшаб сочини битта қилиб ўриб олган оқ батис кўйлак кийган қизлар ҳам талайгина. Бир тўпга бориб разм соламиз:

— Анави қиз роса чиройли экан-а, қара.

— Сенинг чирой ҳақидаги қарашларинг хато. Лабини қара ингичка, қоши қалин, мутаносиб эмас... Қизларнинг гап-сўзларидан зерикамиз. Бир-биримизга қараб кулимсираймиз. Ахир, институтга ҳужжат топшириш учун келган қизларнинг фикрлаш доираси шу бўлса...

Бошқа тўпга яқинлашамиз.

— Неччи сўм стипендия берар экан?

— Нима қиласиз?

— Аямлар "Стипендияга сепингнинг камини қиласан", дедилар...

"Оббо, агар ҳужжат топшираётган қизларнинг ярми шунақа фикрласа ҳам бу ерда ўқиш биз учун анча зерикарли бўлар эди". Бунини Муҳаббат икковимиз сўзсиз тушундик.

— Қаерга борамиз?

— Ке, политехника институтига бориб кўрамиз. Таваккал-да,— дедим мен.

— Уйимизга совчи келармикан, кейин ўгил бола қизлар деб...

— Аллакимларга ўхшама, юр,— дедим...

Ҳамма факультетларни бир-бир айландик. Химия-технология факултети маъқулроқ туюлди. Шу факультетга хужжат топширдик ва бошимиз билан тайёргарликларга шўнғиб кетдик. Бизни нима кутаяпти? Ўқишга кира оламизми, йўқми?

Ҳаётнинг ҳар куни синов

— Йигитлар, суюнчи беринглар, ёмғирнинг ҳиди келаяпти. Бизга ҳукуматнинг раҳми келмаса ҳам Худонинг раҳми келди, — бу Зайниддиннинг овози. Наманганлик, ичида гина кудури йўқ, ҳазилкаш йигит.

Йигитлар бири олиб, бири қўйиб ҳавони ҳидлашади. Қани эди, ростдан ҳам ёмғиржон бир шаррос қўйиб берса... Қуёш чиқмасдан далага тушган студент-теримчилар сал бўлса-да дам олишармиди?!

Ахир, сентябрнинг бошиданоқ пахтага чиқишган. Зайниддин: Студентликнинг "с" ҳарфини англамай, ҳаммамиз пахтакорга айландик, деб қўяди. Ойбек ҳам ана шу этак тутиб эгат оралаётган йигитлар сафида. Ўрта Осиё Политехника институтининг механика факултети талабаси. Мактабни олтин медал билан тугатган абитуриентлар қатори суҳбатдан ўтиб, талабаликка қабул қилинган. Мана шу қуёшда қорайган йигитларнинг 25 таси ўрта мактабни медал билан битирган...

— Сизлар билан мазза қилиб дарс ўтамиз, Худо хоҳласа. Кўпдан шундай курсни орзу қилардим,—деди олий математикадан дарс бошлаган, ўзини Назира опа дея таништирган муаллима. Ойбек курсдошларини энди кўраётгандай фахрланиб кузатган эди ўшанда. Ахир кучлилар орасида яшаш, ўқишга не етсин! Кўлмакдай тўхтаб қолмайсан, номус учун тиришиб ўқийсан. Аммо энди астойдил ўқишга киришганда "Ўзбекистонда ҳамма пахтакор" деган шиор янграб қолди ҳар куздагидай. Мана, энди илиқ кунлар ўтиб, аёзли кунлар бошланди ҳамки "ҳамма пахтакор".

Баъзан ғалати ҳангомалар ҳам бўлиб туради. Студентлар навбат билан эрталаб туриб чой қайнатишарди. ...Ойбекка ҳам навбат айланиб келди. Аммо толиққанидан эрталаб сал ухлаброқ қолибди. Апил-тапил уйғонди-ю, бакка челаклаб сув қўйди. У пайтлари тўғридан-тўғри ариқдан сув ичиларди-

да. Сув шақиллаб қайнагач, қуруқ чой ташлай деб бакни очди. Не кўз билан кўрсин-ки, бақда корейс домланинг шляпасидай шалпайиб қурбақа ётибди! Энди нима қилади?! Қайтадан қайнатишга вақт йўқ... "Қурбақани даво учун қайнатиб, сувини ичиб юришади-ку. Даво ўрнида бўлсин, Аллоҳим!" деди-да бақани олиб ташлаб, "чайханчик"лик фаолиятини давом эттираверди...

Бир кун чикка, эртаси пикка, пахта дегани шу...

Ойбек ўқувчилигида далада ишлайвериб, кўзи пишиб кетгани учун қийналмади. Унинг эгатлар орасидаги эркин ҳаракати, чаноқлардан лўппи пахталарни бехато суғураётгани шаҳарлик ўртоқларининг ҳавасини келтирарди:

— Вой, журажон-ей, мана шу қўлларингизни прокатга бериб турсангиз-у пахта хирмонини тиклаб заҳматкаш халқни қиш-қировлардан озод этардим, — деди самарқандлик Зиёдулло деган курсдошлари. Ойбек оғайнларининг беғараз ҳазилларига жилмайиб қўя қолар, "патриот", "передовой" деган лақабларни эшитса ҳам кўнглига олмасди. Секин-аста иссиқ кунлар ўрнига совуқ кунлар келди. Раҳбар ҳам ўзгарди. Пахта ҳам тугади.

Ботмон юк бора-бора босар, деганларидай пайкаллар қорайган сайин Ойбекнинг ҳам ҳафсаласи пир бўла бошлади. Арзимаган бир, икки этак пахта учун уззукун далада сандироқлаб юриш Ойбекка ҳам энди ўта бемаъниликдай кўрина бошлади. У ҳам теримга тоби йўқ, уқуви йўқ баъзи курсдошлари каби ёмғир ёғади деса, кўнглига ёруғлик кирадиган бўлди.

... Зайниддиннинг "прогноз"и тўғри чиқди. Аввал майдалаб бошланган ёмғир шаррос қуйиб юборди. Студентлар "қий-чув" қилишиб тутзорга чиқишди. Ҳадеганда ёмғир тинавермагач, кўз етмас пайкалнинг адоғида турган усти очик юк машинага чопишди.

— Ўқитувчиларинг урушмасмикин? — деди ичида кетишга жон деб турган ҳайдовчи.

— Ҳайданг-е, ивиб кетдик. Энасиниям ҳақи қолмади бизда, — йигитлар бирин-кетин сакраб машинанинг кузовига чиқишди. Машина жойидан жилгач, шовуллаб ёғаётган ёмғир ёки машина йигитларнинг завқини уйғотдими, кимдир қўшиқ бошлаб юборди:

Дарёларнинг ул юзида уйларингиз...

Йигитлар дўриллаган овоз билан жўр бўлишди:

Оқаришиб кўринади бўйларингиз...

Машина баракнинг олдига келиб тўхтади. Баракдан штаб бошлиғи-толиби илмлар "Т2" деб лақаб қўйишган Толиб Турсунович чиқиб келди. Йигитлар машинадан сакраб туша бошлаган эди, штаб бошлиғи нимадир деб бақирди. Унинг овозини қўшиқ кўмиб кетди. Аммо унинг қип-қизариб кетган юзи йигитларни сергак торттирди. Улар аста-секин жим бўлишди:

— Энангга тўй келдими, қўшиқ айтасан ҳамманг. Ким сизларга рухсат берди эрта қайтишга?!

Ойбекка домланинг гапининг биринчи қисми тегиб кетди. Чунки унинг онаси 34 ёшида отасидан айрилиб қолган эди. Ёш, чиройли жувон бутун умрини болаларига багишлаб, бу фоний дунё қувонч-ташвишларини бир елкасида тортиб келаяпти. Ўтган ойда пахта териб мукофотга олган бир жуфт калишини ҳам олиб бериб дуосини олган эди.

— Одамларнинг болалари уйдан олиб кетса, менинг қора кўзларим уйга олиб келади, Аллоҳга шукр, дея ўғлининг қўлига берган пулига қараб кўзлари намланган эди.

Шунинг учунми онага тегишли ҳар бир ғуборли гап Ойбекка малол келарди.

— Домла, қайтиб кет, десангиз кетаверамиз, лекин энамизга тил тегизманг,—деди Ойбек штаб бошлиғининг кўзига тик қараб.

Домла бунақа гапни кутмаган эканми, сал саросимага тушди...

— Ахир, кесакмисизлар ёмғирда ивийсизлар, тош ёғсаям ўшатта ўтирмийсизларми? Ҳозир тепадан вакиллар келишса, бўғзимдан олишади, нимага болаларинг баракда деб... Бизгаям осон тутмаларинг-да... деди штаб бошлиғи.

— Домла, даладаги пахта ҳозир ҳўл, уни терган билан сифати паст, деб айтиш керак-да,—деди Ойбек овозини ҳалигидан хийла пасайтириб.

— Бунинг устига ўша сифати паст пахтанинг ўзиям йўқ...

— Нима кераги бор бунақа ёлгоннинг...

— Нарийёқда дарслар қолиб кетаяпти...

Ойбекдан сўнг болалар дадиллашиб ҳар ёқдан гап ташлашди. Домла нимадир демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, тобора авжланаётган ёмғирга қараб қўлидаги тол хипчинни

ерга зарб билан урди-да изига қайтди. Сал нарироққа бориб ярим қайрилиб: — Мен сизларни кўрмадим, сизлар мени... деди. Йигитлар хоҳлашаётган эди, яна тўхтади-да:

— Талтайманглар, оёқ учида юриб киринглар, нафасларинг чиқмасин... деб қўшиб қўйди...

Ойбекнинг нимагадир домлага раҳми келди. Қаттиқ гапириб юборганига пушаймон қилди.

Сирли орзулар

Кундалик ... уни бекорга шундай деб аташмайди. Аммо ҳар куни ёзишга менинг вақтим етмайди. Айниқса, талаба бўлганимдан кейин ташвишларим аввалгига қараганда икки ҳисса ортиб кетди.

Дарвоқе... ўқиш... Биз— Муҳаббат икковимизнинг имтиҳонларда тўплаган балимиз химия-технология факультетига кириш учун бироз етмай қолди. Бу икковимизга ҳам ...бироз алам қилди.

— Мен сенга айтдим, дўхтирликками, ўқитувчиликками кираверайлик деб ... — Кўриб турибсан-у, политехникада йигитлар тиқилиб ётибди. Уларда ўқиш имконияти биздан кўра кўпроқ... Қиз бола бошимиз билан баланд дорга осилдик...-дея Муҳаббат зорланиб қолди. Ўзи менинг шу "Қиз бола бошимиз билан", деган ибора роса гашимга тегарди.

— Хўш, қиз болага нима бўлибди? Ана, онам аёл боши билан опам икковимизни ўстиряптилар-ку, ҳеч кимдан кам қилаётганлари йўқ. Адам урушдан мажруҳ бўлиб қайтганларида, "Энди нима қиламан, ёлғиз қўл бўлсам, бунинг устига хунарим йўқ, икки мўлтиллаган қизалоқ...", деб елкаларига осмон ағдарилгандай бўлган экан... Йўқ, ишга кирдилар, пул ҳам, обрў ҳам топдилар. Энг муҳими, одамнинг дилида катта мақсади бўлсин! Биз сен билан зўр бир касб эгаси бўламиз, деб мақсад қилдик, етамиз! — дедим. Аслида бу гапларни ёлғиз Муҳаббатга эмас, ўзимга ҳам айтардим. Нима бўпти балимиз етмаган бўлса, одам битта қоқилган билан тупроққа қоришиб ётавермайди-ку, ўрнидан туради, чангини қоқади, яна юради...

Биз энди нима қиламиз, дея маслаҳатлашиш учун қабул комиссияси котиби олдига кирдик.

— Ўзи бу факультетда қабул бали жуда юқори бўлди. Ўтган йилгидай бўлганда бемалол кириб кетардиларинг... Майли, хафа бўлманглар, ўзбек қизлари техникага қизиқар

экан, уларга эшикни ёпмаймиз. Ахир, бизнинг қизларимиз ҳам кўп нарсага қодирлигини исбот қилишлари керак-ку,— дейишди қабул комиссиясидагилар. Ўйлашиб, келишиб бизни қурилиш факультетининг янги очилган йўл қурилиши муҳандислари тайёрлайдиган бўлимига қабул қилишди. Ўша пайтгача йўл ҳақида тузукроқ ўйлаб кўрмаган эканман... Одам боласининг ҳаёти уйнинг остонасидан чиқибоқ йўл билан туташади. Йўл уни ўқишга, ишга олиб боради, дўстлар, таниш-ноганишлар дунёси билан туташтиради. Йўл тополмаган одам бир жойда қолиб кетади, худди чўккан сувдай, унутилган саҳродай... Йўл ҳақида ўйлаганим сари кўнглим ёришади. Ўзимни инсон ҳаёти учун ниҳоятда муҳим бир заруратга дахлдор инсон деб ҳис этаман. Бу туйғу ўзимга ёқа бошлайди... Шу ҳиссиётлар билан ўқишга берилиб кетдим. Курсимизда асосан—йигитлар, қизлар-сийрак. Йигитларимиз—жиддий, ўқишга қаттиқ ёпишишган.

Қизлар орқаворотдан ўзларига сездирмай ҳазил-хузул бошлашган:

— Ойдин, униси-сенга, буниси менга...

Мен ҳазилларига кулиб қўя қолсам-да, буларнинг ҳеч бири "менга" эмаслигини аллақайси бир сезги билан ҳис этаман. Тўғри, ҳаммаси яхши йигитлар, самимий, дилкаш. Айниқса, Мансур деган андижонлик йигитимизнинг сирли қарашларини сеза бошлаганман.

— Ойдин, шу андижонлик бўлиб кетасанми, дейман. Мансурбойнинг "оҳ"идан ўт чиқаяпти,— дейди Муҳаббат: — Эҳтиёт бўл...

— Ўзим ёнишни истамасам, бирорта ўт мени ёқа олмайди, — дейман.

— Катта гапирма, буни тақдир дейдилар...

Тақдирни қўл билан яратур одам,
Ғойибдан келажак бахт бир афсона...

деб шеър ўқиб, Муҳаббатнинг ҳазилларига чап бераман.

...Уйимиз унча катта эмас. Шайхонтоҳурнинг эски маҳалласидаги оддий иморатлардан бири. Қийинчилик вазидан уйимизга студент йигитларни ижарага қўйганмиз. Қодиржон исмли йигит—бир институтда ўқиймиз, фақат у бошқа факултетда, ўша ижарадаги йигитлардан бири. Жуда меҳнаткаш, меҳрибон йигит. Опам ё менинг қўлимда кўмирнинг кукуни солинган челақ кўрса, югуриб келади:

— Э, бу эркакларнинг иши, беринг ўзимга...

Опам баъзан:

— Қўлингиз қора бўлади, Қодиржон. Биз болалиқдан печкани ўзимиз ёқиб ўрганганмиз,—деса:

— Қўлим қора бўлсаям, ичим-оқ, опажон,—деб нималаргадир ишора қилади.

Онам ҳам баъзан:

— Шу ... Қодиржон жуда эпчил йигит-да, -бир оилани гуллагади,—деб қўяди.

Мен сиртимда шундай деб қўйсам-да юрагимнинг туб-тублари жим-жит... Гўё ғойибдан келадиган кимнидир кутаман... У ҳурмат қилиши керак, аммо пойи патак бўлмаслиги керак. У мағрур, ориятли, бўлиши керак... У мени деб ўзининг ҳаётдаги мақсадларидан кечмаслиги керак. Энг муҳими, у мен суянадиган инсон бўлиши керак...

Минг кучли бўлса ҳам, аёл барибир аёл. Унинг кучи— аёллигида, назокати, нафосати, меҳр-муҳаббатида. Ойим мана неча йиллардан буён кўзи ожизлар жамиятида ишлайди. Оиламизда ҳам, ишларида ҳам эрлар қатори юк тортадилар. Нолимайдилар. "Икковиниям, турмуш-ўртогимдан ёдгор қолган, икки кўзимни бировга сарғайтирмай ўстиряпман, минг шукур", дейдилар. Аммо ич-ичларида ёлғизлик армони йўқ эканига ишонмайман. Балки, турмуш юкларидан оғир бўлиб кетган елкаларидаги залворни ирғитиб ташлаб бир кун бир соатгина фақат аёл бўлгиси келар, адажонимга суяниб ўтиргиси келар...

Хуллас, бошимда ўй-хаёл кўп. Биз тенги қизларнинг кўпи аллақачон муҳаббат можароларини бошлаб юборишган... ўқишнинг биринчи кунларида дафтарига ҳавас билан ёзилган "икс-игрек"лар муҳаббат мактублари остида қолиб кетган. Яшириб нима қиламан, баъзан уларга ҳавасим келади. Аммо бу ўткинчи кайфият. Умрим бекатларида мени хаёлимдаги "кимдир" кугиб турибди, унгача мен фақат йўл ҳақида ўйлашим керак.

Сизнинг йўлингиз бошқа

Тим қоронғу хона, сигарет, ароқ ҳидидан ҳавоси оғирлашган. Ҳамма гапиргиси келади, бир-бирини эшитишга тоқати йўқ:

— Ишончли йигитлардан кичик-кичик гуруҳлар тузиш керак.

— Одамни кўпайтириш керак эмас, барибир сотқин чиқади. Асосан варақалар ёрдамида ишлаш керак.

— Халққа қуллигини англатиш ҳам, озодлигини англатиш ҳам осон эмас!

Ойбекнинг нафаси қайтиб кетди, секин эшикка йўл олди. Уни олиб келган йигит савол назари билан қаради.

— Очиқ ҳавога чиқмасам...

Йигит бош иргиди...

Бу воқеага анча бўлган. Аммо Ойбек эсласа, ҳануз димоғига ароқ ҳиди келади, кўнгли айнийди. "Наҳот, шу ҳолатда халқ ҳаётида ўзгариш қилиб бўлса?!" Ахир, жамиятда катта ўзгариш қилиш учун одам аввал ўзи хушёр бўлиши керак эмасми?! Ойбек бу даврага тасодифий бориб қолди. Ошноларидан бири: "Зўр йигитлар билан таништираман", деб қолди. Ўша кундан буён ўйлайди: нима қилиш керак? Ким биландир маслаҳатлашгиси, кимгадир дилини очгиси келди. Ўша давранинг ўтиришини ҳисобга олмаса, айтилган гаплар унинг юраги тубидаги қайсидир туйғуларга тегиб, уларни кўзгатиб юборган эди.

— Биз буюк давлат бўлганмиз. Ўзимиз мустақил давлат бўлиб яшашга ҳақлимиз...

— Ҳеч кимнинг бизнинг олтинларимизга хўжайинлик қилишга ҳаққи йўқ!

Ойбекнинг дилида ҳам шунга ўхшаш ҳиссиётлар айланар, аммо бу ҳиссиётларни у ҳали бор бўйи-эни билан у қадар англай олмас эди. Ким билан маслаҳатлашиб кўрса экан? Кўз олдида домлалари келди. Турсунов домла материаллар қаршилиги фанидан дарс беради. Айтикин — чизма геометриядан, Ҳакимов — чизмачиликдан, Молчанов — машинасозликдан, Исамуҳамедов—фалсафадан. Ҳамма-ҳаммаси бири-биридан илмли, мулоҳазали инсонлар, ўз соҳасининг зўр мутахассислари... Аммо қалбида шу кунларда кечаётган туйғуларни ҳар кимга ҳам айтиб бўлмайди-ку...

Ниҳоят, унинг хаёллари айланиб бир исмда тўхтайверди— Оқил Умурзоқович Салимов—автоэксплуатация материаллари фанидан дарс беради. Ойбекни ўзига яқин тутди. Дарсда кўпинча Ойбекка қараб олади.

Мақтабда Кўчқор ака исмли устозлари бўлгучи эди. Ўша домла: "Ўқитувчи ўзини тушунаётган бир кўзни излаб топади ва унга қараб гапиради", деган эди. Балки, Оқил Умурзоқович ҳам бекорга Ойбекка қараб маъруза қилмас дарсда? ... Ойбек ҳам домласининг огзидан чиқаётган бирор сўзни ерга

туширмаслик, ҳавога кетказмасликка ҳаракат қиларди. Домла қандай қараркин Ойбекнинг фикрларига? У анча иккиланиб турди саволлар чорраҳасида... Сўнг "О.У.Салимов", деб қилинган тахта осилган эшик тутқичига аста қўл чўзди.

— Мумкинми, домла?

— Келинг, келинг, Ойбек...

Одатда домлалар талабаларни кўпроқ фамилияси билан чақирарди, Ойбек исми билан мурожаат қилганидан руҳланиб кетди. Демак, домлага дил ёрса бўлади:

— Ҳалақит бермадимми, домла?

— Баъзан талабаларнинг ҳалақит бериб тургани ёқимли туюлади. Майли-да, эшитаман сизни...

Ойбек биров тараддудланди-да, гап бошлади:

— Домла, бизнинг жамиятда "инқилоб" қилса бўладими?

Оқил Умурзоқовичнинг кўзлари катта-катта очилди. Ойбек гуруҳ, ундаги гап-сўзлар ҳақида гапирмади, бунга ҳаққи ҳам йўқ, виждони ҳам кўтармасди. Фақат Ўзбекистон озодлиги учун курашиш ғояси реал ғоями? Сароб эмасми бу? Ойбек ана шу саволга жавоб олмоқчи эди. Домла унинг гапларини бўлмаёчи охиригача эшитди. Сўнг бир сукунат-тин олди-да оҳиста, вазмин оҳангда гап бошлади:

— Ойбек, мен сизнинг фикрларингизни қадрлайман. Бизнинг жамиятимиз учун ҳар бир ўзининг фикри бор одам—бебаҳо бойлик. Бу бойликни ҳар хил сарфлаш мумкин. Аммо уни шундай сарфлаш керакки, бир миллиграмм кукуни ҳам бекор кетмасин! Ўзига ва халққа фойда келтирсин. Мен сизда катта бир қобилият, ирода кўраман. Бизнинг юртимизга, миллатимизга ҳозир жуда зўр олимлар керак. Улар зўр кашфиётлар қилиши, бу кашфиётлар ўз ҳудудимизда чиқиб, дунёларга ҳам керак бўлиши зарур. Ҳар бир халқнинг озодлиги—унинг салоҳиятида. Кимлардир инқилоб қилиб, қон тўкиб, халқни озод ҳам қилди, дейлик. Аммо урушдан ҳориб, чарчаб чиққан халқ айна дамда нима қила олади?! Биз ҳозир яратилган шароитлардан максимум фойдаланиб қолишимиз керак. Сизга ҳамма нарсдан кўзни чирт юминг, кўру кар бўлиб юринг, демайман. Ҳамма нарсага ҳушёр, сергак қаранг. Аммо иқтидорингиз, истеъдодингизни илмга бағишласангиз, дегандим. Сизнинг худди ана шу жойда халққа кўпроқ фойдангиз тегади. Тасаввур қилинг: ўнта, юзта, мингта, юз мингта ўқимишли, ўз ҳақ-

хуқуқини таниган йигитлари бор миллат бўлса-чи, жамият ўзидан ўзи ўзгаради. Ўзидан ўзи эскича яшай олмайди!

Оқил Умурзоқович худди Ойбекка қарата эмас, ўз-ўзи билан баҳслашаётгандай қизгин гапирарди. Ойбек жим эшитди:

— Раҳмат, домла...

— Ойбек, ўзбекман, деган ҳар бир онгли инсоннинг кўнглидан бу туйғулар бир бор бўлса-да ўтади. Аммо инқилоблар—қалтис. Чунки кўпинча "инқилоб" изида қон ва вайрона қолади. Бу—тараққиётни ўн йиллар орқага суриб юборади. Бунинг эса ҳеч кимга кераги йўқ!

...Ойбек шом қоронғуси туша бошлаганда уйига қайтар экан, қаердандир кўмир кукунининг ёқимсиз иси димоғига урди. Лой кўчалар, нахса деворлар кўзига яна ҳам бўртиброқ кўринди...

...Ўзгартириш керак, аммо салоҳият билан! Ич-ичидан келаётган овоз ўзига ёқди, кўнглидаги ғами тарқалгандай бўлди.

Ёлғизлик Аллоҳга хос...

Лолазор. Чексиз лолазор. Адоғига кўз етмайди. Узоқ термулаверсангиз, худди қайси нуқталардир ер осмон билан бирлашиб кетгандай, лолазор ерни тўлдириб, осмонга туташгандай. Кимдир тош устига чўққайган, кимдир эски тўнини солиб кўкатлар устига ётиб олган, баъзи бировлар ёнбошлаб кичик давра қурган. Давралардан тез-тез қаҳқаҳа овози янграйди. Қаҳқаҳани гитара овози бўлиб туради.

— Оғайнилар, тоққа ўтиргани, ётгани эмас, юргани келади одам. Юр, Ойбек, ҳув адирларни айланиб келамиз.

Ойбек синфдошининг гапларига ҳўп деди. Оёғига янги спорт пойафзали кийган эди. Ўнг пойининг орқа тарафида қаттиқроқ жойи бор экан, пайпоқдан ўтиб ҳам оёғини урди. Ҳали бир-икки марта айланиб келгандаёқ оғриқ оёғини зирқиратган эди. Ҳозир ечиб ўтирган эди, ҳеч кийгиси келмасди.

— Акром дам олсанг-чи, ана, тоғ ҳам шу ердан кўринади, адир ҳам,—дея секин баҳона қилди.

— Йўқ, тоққа келганда қуёш ботишини тоғда қаршилаш керак, лолалар тепадан қандай кўринаркин, томоша қилиш керак. Ахир, қуёшга яқин жойда бошқача бўлиши мумкин-

ку... Ойбек ўртогининг ҳақ эканини биларди. Ахир, ростдан ҳам лола сайлидан асл муддао шу-ку...

Аммо, тўғриси, барибир пойафзалини кийгиси йўқ эди, ўрнидан қўзғалмади. Акром бирпас қараб турди-да:

— Келмасам, бир калима Қуръон ўқиб қўясизлар, — леда-да сакраб-сакраб адирликка кўтарила бошлади.

— Нафасингни ел учирсин, ширин гап қилиб кет. Ана, ҳув жойда икки пари юрибди. Қўшилиб ол шуларга, жаннатда терикмайсан, — дея бақирди Тўлаган. Ойбек беозор ҳувиллардан жилмайди. Синфдошлар йиғилишиб лола сайлига келишган. Ўзи мактабни битиргандан буён гоҳ чойхона, гоҳ шаҳарнинг яна бир қисмида йиғилишиб туришади...

Ойбек ҳам ёнбошига чўзилди. Баҳор ҳавоси. Осмонда пода-пода булутлар кезиб юрибди. Бехос ёнидан ўтаётган чумолилар сафига кўзи тушди. Улар икки қагор эди. Биринчи саф қаергадир борар, иккинчиси қайтар эди. Ойбек уларга узоқ тикилиб қолди. Бирортаси бетартиб ҳаракат қилмас, бораётганлар келаётганлар билан қайси бир нуқталардадир бир-бирига сал-пал тегиниб кетарди.

...Болалигида офтоб рўёда ўтирганларида ойиси: "Чумолилар бир-бирлари билан саломлашиб, хайрлашадилар. Бир-бирига сал тегиниб кетгани, "Омон бориб қайтинг", "кўришгунча", дегани, дея гапирарди.

Балки, шу тўғридир, деб ўйлади ҳозир Ойбек. Балки, улар ҳаммиша ҳаммаси бирга, саф-саф бўлиб яшаётганлари учун бу дунёдаги катталар оёғи остида янчилмай, йўқ бўлиб кетмай яшаб келишаётгандир... Ўзининг фикри ўзига ёқиб, жилмайди...

— Ойбек, ҳо, Ойбек, Акромдан дарак йўқ-ку... Ойбекнинг кўзи илинган экан, Убайдуллонинг овози уйғотиб юборди.

— Нима? — бир кўзини очиб сўради, Ойбек дафъатан англамай:

— Анави довдираб тоққа чиқиб кетганди, йўғ-у, ҳадемай қоронғу тушади...

Ойбек анча ухлабди. Тоғ ҳавоси-да, уйку тортади. У туриб ўтирди.

— Қизлар тарафга қараб кетганди, биргалашиб олган бўлса, юргандир...

— Мен-ку кўрмадим, аммо Олимжон кўрибди. Қизлар аллақачон қайтиб ўтишганмиш...

"Қизиқ бўлди-ю, ростдан ҳам қуёш чиқишини тоғда кутмоқчимиз, ахир бу ер барибир шаҳар эмас-ку, тоғда ёлғиз қолиб бўларканми?". Ойбекни алланечук хавотир ўради.

— Йигитлар, Акромни топиш керак!

— Э, қиз болами, биров ўғирлаб кетса, келади-да.

Ҳар кимдан ҳар хил фикр чиқди.

— Қишлоққа тушиб кетсак, ўзини ташлаб... бўлмас... деди Ойбек. Улар пастликда битта қишлоққа тушишган. Овқат учун масаллиқлари ҳам ўша ерда - бир хонадонда эди. Ойбек ўрнидан қўзғалди. Оёғини киймоқчи эди, қизариб, шишган жойи безиллади. Иккисини бир-бирига ип билан боғлади-да рюкзагига солди.

— Юр, ким боради мен билан? Акромни топайлик... Ойбек "Бир кор-хол юз бердимиз?",— демоқчи эди, тили айланмади.

Абдуборий эргашди унга.

— Ўзи бекорга ғалати гап қилди-да кетаётиб... деди Ойбек.

— Э, бўри ермиди. Хавотир олаверма, ўтиргандир бирор чўққида хаёл кўриб, биласан-ку, ғалати ишлар қилиб, ҳаммани ҳайрон қолдиришни яхши кўради. Улар кўтарилган сайин арчазорлар қуюқлашар, гоҳ айланиб ўтишар, гоҳ йўл излаб туриб қолишарди. Ойбек доимий равишда спорт билан шуғуллангани учун тепага кўтарилишга ортиқча қийналмас эди, аммо оёғи азоб берарди. Яланг оёқлари гоҳ тош, гоҳ кесилган дарахт тўнкаларига тегар, жазиллар эди, ора-чора Абдуборий қўлини қувача қилиб:

— Ак-ро-м... дея бақариб қўяди. Овози тоғ-тошларда аксадо берар, улар бир зум тўхташиб, атрофга қулоқ тутишар, яна юришарди.

— Ойбек, адашиб кетдикми? Худди юрган жойларимиздан яна юраётганга ўхшаймиз,-деди Абдуборий.

— Ростдан ҳам Акромни бўри еган бўлса-я ... Ойбек ўз-ўзига гапираётгандай секин деди.

— Йўғ-ей, Худо асрасин. Абдуборийнинг овозида ҳам хавотир кучайган эди. "Ўзи ҳеч қачон ёлғиз кетиш керак эмас. Ёлғизликда доим хатар бор. Бирортамизни судраб бўлсаям олиб кетса бўларди-ку, агар ростдан ҳам унга бир нарса бўлган бўлса... ойисига, уйига нима деймиз? Ўзимизнинг ойимизгачи? Тепага чиқиб кетиб, қайтмади, деймизми?"

— Ойбек, нафасим қайтиб кетаяпти, қайтайликми, балки, Акром бошқа ёқдан қайтиб тушгандир. Тушмаган

бўлса-чи, аммо қоронғида икковимиз ҳам адашиб қолишимиз мумкин. Тоғнинг бошқа тарафидан тушсак, бутунлай бошқа жойга бориб ҳам қоламиз.

Ойбек мулоҳаза қиларди. Агар "Юр, қайтамиз", деса ҳамроҳи қайтгудай. Тўғри-да, Акромни улар жанговор топшириқ билан разведкага юборганлари йўқ-ку. Ўзи кетди. Одамнинг ўз ҳаёти учун масъулияти бўлиши керак-ку. Ўртоқларим хавотирланади, деган туйғу-чи... Ойбек шуларни ўйлаганда изига қайтгиси келарди. Ахир, тоғ ўрмонсимон тус олаяпти. Ҳақиқатан, бирор йиртқич йўқлигига ким кифолат беради, ҳар кимга ўз жони азиз. Бунинг устига онаси уни қанақа қийналиб катта қилди. Не-не умидлар билан ўқитяпти. Акаси иккови талаба бўлиб стипендия ола бошлагандан буён оналарини ишлатмай қўйган. "Бўлди, ойи, энди биз улгайдик. Сиз ҳар бозорчига сарғайиб ўтирсангиз, уяламиз", дейишган. Онаси барибир тинчимайди. Агар ҳозир Акромни деб Ойбекка бир нарса бўлса борми, онаизорининг юраги ёрилиб кетса керак... аммо изига қайтгач, Акром эрталабгача дараксиз кетса, қандай ухлайди?! Тўғри, синфдошлар бир саф йигитлар, биттанинг бори-йўғи нима?! Аммо биттаям одам-ку. Чет элларда бир одам йўқолса ёки таровга олинса, неча кунгача матбуот ташвиш тортади?!

— Ойбек, бўлди, қайтамиз, назаримда тепага кўтарилмаяпмиз, чексиз бир зулумотга кириб боряпмиз. Виждонимиз—тинч, шунча ахтардик. Тирикликда насибаси бўлса, қайтар,—деди Абдуборий. Ойбекнинг хаёлидан ҳам шунга ўхшаш фикрлар ўтаётган эди-ю, аммо юраги оёғидаги оғриқ, жисмидаги чарчоқликка бўйсунмас. "Бир одамни йўқотмаслик—сенинг имконингда. Нега энди шу имконни бой берасан?"— дегандай, Ойбекни куч билан олдинга судрагандай бўларди.

"Тўхта!" Ойбек Абдуборийнинг қўлидан ушлади. Унинг назарида кимдир заиф инграгандай бўлди. Улар анча жим туришди.

— Сенга шундай туюлгандир...—деди Абдуборий ва "қайтамизми, юрамизми?" дегандай Ойбекка қаради. Ойбек бир-икки қадам ташлади-ю яна тўхтади:

— Ҳақиқатдан кимдир инграяпти... Ҳа, энди Абдуборий ҳам эшитди. Улар овоз келган тарафга қиялаб юрдилар... Акром қайрилиб кетган бир шохга маҳкам ёпишиб ётарди:

— Акром!— иккови баравар бақириб юборишди.

— Кел... Сизларни худо юборди! — Акром ўрнидан туришга интилар, аммо ўзини эплай олмасди.

— Қимирлама. Нима бўлди, парилар билан жаннатни таллашиб жанг қилдингми?—Абдуборий уни кўрганидан хурсанд, чўккалиб, у ёқ бу ёғига қарарди.

— Йиқилдим, тойиб кетдим. Оёғимга бир бало бўлди, ё синди, ё... Қишлоққа тушиб кетсаларинг... тамом, деб ётгандим. Қайданам... ҳалиги гапни айтдим...деди Акром.

Ойбек табиатан ирим-сиримга ишонмасди. Аммо ҳозир: "Оғзим бор, деб ҳар нарсани гапираверма, яхшигаям, ёмонгаям фаришталар омин, дейди", деган гап тўғри айтилган, деб ўйлади.

Акромни ўртага олишди:

— Бор оғирлигингни ташла бизга,—деди Ойбек, Акромнинг бундан бошқа иложи ҳам йўқ эди.

...Улар узоқ, жуда узоқ юришди. Чунки бу аҳволда тепадан пастга тушиш қийин эди... Йиқилиб, пастга думалаб кетмаслик учун жуда эҳтиёт бўлиб юриш керак эди. Ўзларича синфдошлари қишлоққа кетиб қолишди, деб ўйладилар. Чунки қоронғу туша бошлаган, атроф гира-шира эди. Бирдан пастдан овозлар эшитила бошлади:

— Ой-----бе-----к!

— Бо-----рий!

— Ак-----ро-----м!

Йигитлар уларни ахтариб, чақириб тепага кўтарилиб келаётган эдилар! Ойбек ғалати бўлиб кетди:

— Биз бу ердамиз, йигитлар!—деб бақирди! Унинг овозини ўртоқларининг чақирқиқлари босиб кетди. Ойбек, Абдуборий пастдагилар исмини, улар тепадагилар исмини айтиб чақирар, шамол эса пастдан тепага, тепадан пастга дўстлар исмини олиб учарди. Ойбек шу лаҳзада ўзини катта бир қудратнинг бир қисмидай, ҳар нарсага қодирдай сезарди.

Кечинма

"Ойи, мен яхши биламан: Сиз ҳаётингизда кўп дуо олган аёлсиз. Аксарият одамлар сизни "Меҳнатларингиз роҳат бўлсин!"—дея дуо қилишган. Мана бугун ўша дуолар ижобат бўлди. Қачонлардир сиз бўйчангина, тиришқоқ Ойбегингизнинг "5" баҳолар билан зийнатланган дафтарларини йилма-йил қутиларга солиб асраб кўяр эдингиз. Кимдир

қутиларда зебу зийнат буюмларини асраса, сиз аълочи ўглингизнинг дафтарларини бебаҳо бойлик билиб авайлардингиз. Ўрта мактабни олтин медал билан битирганимда худди уруш қаҳатчиликларида арпа, буғдой, қора нонга алмаштириб, бизнинг жонимизни омон йераганингиз-отангиз Тошпўлат заргардан қолган бебаҳо бойликлар қайтиб келгандай суюнган эдингиз. "Кафтимга қўйиб, сув ўтириб ичсам майлими, болам?", деганингизда ич-ичимдан бир тўлқин бостириб келди... Аммо мен йигит киши эдим, салга ҳиссиётларимни ошкор қила олмасдим. Бўлмаса, ўша пайтда биз деб қадоқ бўлган қўлларингиз, биз деб оқарган сочларингиз, биз дея ажин тушган чехрангизни, қазрат Алишер Навоий айтганидай, бошдан-оёғингизни меҳримга ўраб ташлардим. Мана, мен эса бугун институтни имтиёзли диплом билан тугатиб келиб ҳам пойингизга тиз чўкиб, миннатдорчилик билдираётган бўлмасам ҳам, ўзингиз диплом олгандай, қанотланиб турибсиз. Қўни-қўшниларга:

— Ойбекжонни устозлари Гулистондаги автобазага бош муҳандис қилиб тайинлашибди. Ишончлари учун қуллуқ,— деб гапиряпсиз. Товушингиз жарангларида ғурур. Ора-чора:

— Қани эди бу камолларингни адажонинг кўрсалар эди... Менга кўрсатганингга ҳам шукур,— деб қўясиз...

...Ойбек ҳовлисини оралаб шилдираб оқаётган ариқдаги сувга қараб ўтириб, хаёл сулар, дилидан тўлқин бўлиб оқаётган гапларни ойисига айтгиси келар... аммо, "гап" нима? У барибир ҳиссиётнинг ўзи эмас, шартли шакли холос. "Онамга бўлган миннатдорчилигимнинг ўрнини ҳеч нарса боса олмайди",— деб қўйди.

Ойбек ҳамма нарса ҳақида реал ўйларди. Аммо ҳозир шунча йиллик машаққат чекиб ўқиганлари юзага чиққан дамларда, эндиги бахтли ҳаётини, ишхонаси, унда қозонажак обрў-эътиборини ўйларди. Шундай лаҳзаларда хотирасининг бир бурчагида бир гўзал чеҳра ҳам пайдо бўларди...

Абдуборийни Андижонга илк бор кузатган оқшом. Ажойиб, хушовоз хонанда Меҳри Абдуллаеванинг хонадони. Мусиқа, рақс, ашулалар. Жаҳон ёшлари фестивалидан қайтган ёшлар... Озодлик ҳақида шеър ўқиган қиз... Ўшанда Ойбек уни кўрган эди. "Чеҳрасидан нур ёғилади", деган гапни мана шундай қизларни кўриб айтсалар керак", деган фикр кўнглидан ўтди. Исмини билгиси келди. Худди унинг фикрини уққандай столнинг нариги чеккасидан кимдир:

— Ойдин,—дея қизга мурожаат этди. "Исми чиройли экан, бунинг устига адаш эканмиз..." Аммо, ўшанда Ойбек ўз хаёллари билан узоқ қола олмасди. Ёшларнинг кулгилари, умумий байрам кайфияти унинг хаёллари тўрини узиб юборди... Беш йиллик талабалик даврида, ёшлик, йигитликда, баъзан қизлар билан танишди, дўстлашди. Ҳатто, бирикки марта киноларга борди. "Яхши қиз экан", деб ўйлардию хаёлига яна ўша Меҳри Абдуллаева хонадонигаги гўзал оқшом, озодлик ҳақида шеър ўқиган қиз келарди. "Нега?"—деган савол бериб кўрса, қалбининг туб-тубидан:

— "Бошқалар—яхши, у энг яхши", деган бир акс-садо келарди. Аммо Ойбек уни изламади. Ўқишидан чалғишдан чўчиди. Унинг қалбида ҳамма истакларни бирлаштириб, устидан ҳукмронлик қилиб турувчи бир мақсад бор эди. "Мен зўр инсон бўлишим керак!" Агар хаёлини нимадир чалғитса, шу гапни такрорлаб, ўзини жамлаб оларди. Мана, бугун ўша ўзи мақсад қилган зўр инсонлик, баландлигининг биринчи пиллапоясига қадамини қўйди.

Буёғи яна зинапоялар бири тик, бири ясси, бири текис, бири ғадир-будур. Аммо, Ойбек бирортасини четлаб ўтишга ҳаққи йўқ, ҳамма-ҳаммасини босиши керак.

Шундай кунларнинг бирида ғалати бир воқеа юз бердию, Гулистон, қайдасан, дея йўл тараддудини кўраётган ёш муҳандиснинг хаёллари остин-устун бўлиб кетди...

Гуллаган ёшлик чоғим

Баъзан кундалигим математик формулалар, чизмачилик эскизлари билан тўлиб-тошиб кетади.

Дугоналарим:

— Ойдин, одамлар кундалигига ишқий шеърлар, муҳаббат қўшиқларини ёзади, сеники математик кундалик, деб кулишади. Борим-шу... Мана, бугун синов, эртага имтиҳон деб талабаликнинг олтин кунлари ҳам ўтиб кетди. Кўз очиб юмгунча, муҳандис бўлибмиз. Кечаги актриса бўламан, деб ҳинд қизларига тақлид қилиб пешонамга хол қўйиб, расмга тушган кунларни ўйласам, кулгим қистайди. Одамнинг танлаган касби унинг феъл-атворига таъсир қилар экан. Жиддий, сипо тортиб қолдик ҳаммамиз.

...Мен аввалига маоши яхши бир корхонага кириб ишласам, онаизоримни, бир умр опам-икковимиз учун жони ҳалак бўлиб елиб-югурган ойимни чиройли, баҳаво

койларга дам олишга юборсам, деб орзу қилиб юрардим. Совчилар ҳам серқатнов, парвоналар ҳам етарли... Балки, тўй ҳам бўлиб кетар... Шундай хаёллар билан юрганимда устозимиз, Ўзбекистоннинг машҳур олимларидан бири Нулат Бобохонов ҳузурларига чақирдилар:

— Ойдин қизим, мана, дипломни ҳам олаяпсиз, эндиги орзулар қандай?—деб сўрадилар.

— Ойим... ойимларни дам олишга юбораман, биринчи маошимдан,—дедим шоша-пиша.

Домла яйраб кулдилар.

— Албатта, ойингиз шундай эъзозга лойиқ. Бу дунёда аёл бўлиб, айниқса, ёлғиз аёл бўлиб яшаш осон эмас. Аммо қизим, сиздаги, дугонангиз Муҳаббатдаги истеъдодни Аллоҳ ҳар кимга ҳам беравермайди. Илм йўли машаққат йўли. Ҳар ким ҳам бу йўлнинг заҳматига чидайвермайди. Сизда сабр-ирода, мақсад сари интилиш бор. Азалдан шарқ аёллари орасида иқтидорли аёллар кўп бўлган. Аммо бизда аҳли аёл ички либосдай асралган. Шунинг учун аёллар ҳақида у қадар кўп тарихлар ёзиб қолдирилмаган. Аммо ёзилганларида ҳамма аёллар ҳамиша фақат оиланинг эмас, жамиятнинг ҳам таянчи бўлганлар.

Мен домламнинг оҳиста, салмоқдор овозини эшитар эканман, гўзал бир маъруза тинглаётгандай эдим. Бу ҳаётда: "Аёлни эъзозлайлик", "Аёлни тўрга ўтқазайлик", деган одам кўп. Аммо уларнинг кўпи оғизда айтадилар, холос. Ҳаётда аёлни ҳимоя қилишга тўғри келса, ўзларини четга оладилар. "Ҳа, хотин-да бир", дея қарайдилар. Олдида жилмайиб, орқасидан масхара қиладилар.

Домла эса бошқача инсон: тили билан дили бир.

— Аёллардан саркардалар, муҳрдорлар, мироблар бўлган. Аёл жамиятга қанча кўп аралашса, жамиятнинг қувонч ва ташвишларини яхши тушунса, бу кайфият оилада, фарзандлар тақдирида акс этади. Айнан шунинг учун ҳам қизларимиз илмли бўлишлари зарур. Мен домламнинг мақсадини аста-секин англай бошладим. У киши Муҳаббат икковимизни Москвага-аспирантурага юбориш ниятида эканлар.

Ойдин—олима. ... Исмимнинг ёнига "олима" сифатини қўшиб тасаввур қилиш мен учун жуда ёқимли эди. Аммо, Москва... Домламнинг ишончини оқлай олармикимиз? Тўғри, синов дафтарчамдаги ҳар бир баҳони пешона терим билан олганман. Рус тилини яхши биламан. Барибир Москва

- бу бутун дунё марказларидан бири. Узоғу яқиндан интилиб кимлар келмайди бу азим шаҳарга... Наҳот, мен ҳам, биз ҳам... Туз-насибамиз тортиб турибдими пойтахтга...

— Албатта, қизим, ўқиш-ўқимаслик ўз ихтиёрингизда, турмуш ҳам бор, онангизнинг орзу-ҳаваслари... Аммо энг муҳими-одам ўзига Аллоҳ тарафидан берилган истеъдодни камол топдириш, камолоти неъматларини миллат манфаати йўлида сарфлаш...

— Домла, ўйлаб кўраман, фикрингиз мен учун жуда қадрли... Ойим билан маслаҳат қилай,— дедим. Ўзимга қолса, қушдай учсам.

Бир оғиз гапнинг ботмон юки

— Ҳа, Ойбек, нега юзимга тикилиб қолдинг?

— Шу ўтиришда бир ҳақиқатни кашф этдим, оғайни. Одам аста-аста ўзи яшаётган, нонини еб, сувини ичган тупроқнинг бир қисмига айланиб борар экан. Мана, сиз беш йилдан буён Андижонда яшайсиз. Худди андижонлик йигитларга ўхшаб кетгансиз...

Абдуборий кулди:— Қанақа экан улар?

— Чапанироқми-ей, гапни кесиб-кесиб гапиришади.

— Бизнингча, бу феъл-атвор авваллари умуман бизнинг миллатимизга-туркийларга хос бўлган.

— Ҳа, бир манбада ўқигандим. Туркийлар ниҳоятда жанговор, шижоатли халқ бўлган деб...

Ойбек билан Абдуборий Ўрдага анҳор ёқасига салқинлагани келишган эди. Анҳорда қий-чув билан болалар, ёшлар чўмилишарди. Баъзилар ўт-ўланлар устига сочиқ ёзиб, ётиб товланишарди. Икки оғайни ўқиш ташвишлари билан анчадан буён учрашмагани учун қизгин суҳбатга берилишган эди.

— Вақт дегани шамол экан, оғайни. Кечагина кўчани, чангитиб чопиб юрган шўх болакайлар эдик, бугун халқ, яна аллақандай мавзуларда суҳбатлашиб ўтирибмиз. Кеча Собир, Ниғмат, Музроб, Тўлаган, Ҳабиб, Озод, Олим, эҳ-ҳе, "Хўжапархон", "Аллон" маҳаллаларининг ўйинқароқ болалари бугун Ўзбекистоннинг турли тарафига сочилиб кетади, деб ким ўйлабди.

— Ўзиям маҳалламиз, мактабимиздан чакана одамлар чиқмади. Улуғ олимларимиз Обид Содиков ва Абдулла Аюпов; генерал — Ўткир Комилов; таниқли раҳбар Содик Толипов:

булар ҳали узоққа боради... Ўткир бор-у бизнинг маҳалладан, бирга ўқирдик. Ўшанинг акаси Саид ака жуда бебаҳо инсон...

— Нега энди бирдан Саид ака эсингга тушиб қолди?

— Икки-уч йил олдин ғалати бир воқеа бўлган. Саид ака "Газаппарат"да бошлиқ, янги "Волга" олганди ўша пайтлар. Биз институтда машина минишни ўрганганмиз-ку... Ўткир икковимиз баъзан "Волга"ни миниб кўчага чиқардик. Катта кўчада яхши минардик-ку, тор кўчаларда... Бир кун мен рулда эдим. Ўткирларнинг тор кўчасига бурилганимизда ишқал қилдим. Тормозни бос, деса газни босиб юборибман. Ўткир уйлари ёнига (машиналар деворга урилмасин деб) кўмилган релсни кўриб шундай деган экан. "Волга"нинг олд фартуги билан бамфери яхшигина қийшайди. Бир кун олдин стипендия олган эдим, дарров устага бориб фартукни тузаттирдик, бамфернинг ҳаражати кўпроқ экан, кучим етмади. Аммо роса сиқилдим. Бир ёқда рўзгоримиз юпун. Ойимга у-бу, деса-чи... Йўқ, кўриб индамабдилар, янги бамфер олиб қўйибдилар. Ҳатто, мени кўчада кўриб: "Ойбек, нега кўринмай қолдинг, кириб тур"— дедилар... Ҳеч қачон эсимдан чиқмайди бу яхшилиқ. Маҳалламдаги ана шундай инсонларга муносиб бўлсам дейман... Икки оғайни ҳали, балки, кўп хотираларни эслашарди, аммо шу пайт сал нарироқда пивоҳўрлик қилаётган уч-тўрт киши кутилмаганда буларнинг суҳбатига аралашди:

— Яна маҳалланг, кўчанг билан мақтаняпсанми? Қачонгача шунақа қиласанлар? Жонга тегди-ку шу гаплар... Бизнинг Ибн Сино бобомиз бор, Беруний бобомиз бор, Хоразмий бобомиз бор... Барака топкурлар, уларни тинч қўйинглар. Улар ўз вақтида қўлидан келган хизматини қилиб кетди. Уларнинг ҳеч кимдан хижолат бўладиган жойи йўқ. Аммо, биз қачонгача уларнинг соясида дам оламиз? Уялиш керак!—барваста, майкачан бўлиб олган киши ўрнидан туриб Ойбекларнинг тепасига келиб олди.

— Ҳой, қани, тинч қўйсанг-чи, йигитларни, институтда эшитган лекцияси етиб ортади,—деди барваста кишининг даврадошларидан бири.

— Қўяверинг, гапираверсинлар,— деди Ойбек.

— Ҳа, санларнинг териларинг шу қадар қотиб кетганки, кимсизлар, деб сўраса ҳаммаларинг ўз исмларингни айтгани уяласанлар. Чунки ҳеч кимсизлар-да! Шунинг учун "Жалоллидин Мангубердининг неварасиман", дейсизлар...

— Кайфи ошган бунинг, парво қилманг, йигитлар.
Оғайниларидан иккиси барвастанинг икки ёнидан олиб судраб кетишди.

— Таналарингга ўйланглар гапларимни!—деди барваста оғайниларига ортиқча қаршилик қилмай узоқлашар экан.

Ойбек жим қолди...

— Э, гапираверади-да...деди Абдуборий секин. Ойбек кескин бошини кўтарди:

— Қанчалик айтилиши кўпол бўлмасин, унинг гапларида жон бор,-деди Ойбек...

— Жуда таъсирчансан-да, дам олгани келдикми, дам оламиз.

— Унинг гаплари тўғри...деди Ойбек худди ўзига гапираётгандай. У ўзи шу кунларда галати бир кайфиятда юрган эди, чунки Ойбекка, айниқса, сўнгги кунларда институтда қолишни, илмни давом эттириш таклифини айтишган эди. Унинг бу таклифга хўп, дейиш ишгиёқи бўлса-да, оиласини ўйлаб иккиланаётган эди. Акасининг ҳали муаммолари бор. Сингласини узатиш керак... Ойиси баланд-паст йўлларда бўйнини чўза-чўза манзилга етган йўловчидай энди тин олишни ўйлаётган эди... бирдан яна ўқишини эшитиб, дили танг бўлса...

Аммо ҳозир анави барваста кишининг гапи дилининг туб-тубигача зирқиратиб юборди. "Ўқишим керак, илм олишим керак!"— деган бир истак жону жаҳонини ўртаб юборди. Ойим мени тушунадилар, яна озгина қийинчилик, сўнг роҳати бўлади, десам "йўқ" демайдилар...

— Қайси дарёга чўкдинг?—деди Абдуборий жимирлаётган тўлқинларга термулиб хаёл сураётган Ойбекка қараб. Уларнинг мактабдан буён шу гаплари бор эди.

— Ўзимнинг дарёмга, дўстим, ўзимнинг... деди Ойбек. У бир қарорга келган эди.

Йўллар, йўллар...

Ёнида кетаётган йигит "гуп" этиб йиқилди. Ойбек "ялт" этиб қаради-ю, аммо тўхтаётган олмасди. Деярли югуриб кетаётган эди. У қопни тегишли жойга элтиб бўшатди-да, яна аввалгидай югуриб изига қайтди. Қоп юмалаб ётар, оғзи очилиб, сабзилар сочилиб кетганди. Ҳали йиқилган шериги ўзини ўнглашга, ўрнидан туришга ҳаракаат қиларди. Аммо эплаётган олмасди. Ранги оқариб кетган. Ойбек унга ўрнидан туришига ёрдам берди. Сабзиларни теришди:

— Оғирроқ кўтардингизми?—деди Ойбек. Йигит отарбайжонча латиф шевада:

— Йўқ, оғир эмас, ўзим толиқдим,—деди, сўнг қўшиб кўйди: Сизга ҳавасим келади, чарчамайсиз...

— Мен ёшлигимда роса колхозда ишлаганман, спорт билан ҳам шуғулланганман,—деди Ойбек, сўнг йигитдан сўрамасданоқ қопини бир силтаб елкасига олиб илдам юриб кетди. "Акиф Йилдиз ўғли", дёя шериги номига ёлдириди. Йигит хижолатпазлик билдирди. "Унинг қорни оч бўлса керак, анча ранги кетиб қолган", деб ўйлади Ойбек. Пул берса, йигитнинг ҳамиятига тегишини ўйлаб, қили иш тугагач, бир стакан кофега таклиф қиламан, деб ўйлади...

Ойбек, туз-насибаси экан, мана, Москвага ҳам келди. Октябр ойи Москвада бахмал фасл эди. Баланд-баланд манзарали дарахларнинг барглари олтинланган, осмон зумрад, суллар-тиник. Шаҳарда ҳаёт қайнайди. Ойбек устози Оқил Умрзоқовичнинг қўлаши билан Москвага—аспирантурага йўланма олди. Ойиси аввал сал юраги бетламади. "Узоқда, бегоналар орасида, иссиқ-совуқсиз, кўй, болам", деди. Сўнг "Беш йилдан сўнг худди Оқил Умурзоқовичдай, Абдулла Люповдай олим бўламан", дегач кўнди. Оқ фотиҳа берди. Орзулардан қаноат боғлаб учиб келган Ойбекнинг Москва автомобил-йўллар институтининг "Автотрактор двигателлари" кафедраси мудири, профессор Ховахга рўпара қилишди. Ҳар бир гапидан ўз илмига қатъий ишончи сезилиб турган профессор Ойбек билан узоқ суҳбатлашди. Оиласи, кимлиги, мақсади... Шахсидан қаноат ҳосил қилди, шекилли, суҳбат мавзусини илмга бурди. Ойбек ўзини қанча хотиржам тутишга ҳаракат қилмасин, профессорнинг салобати босиб ҳаяжонланар эди. Жавоб бераётиб, "Тўғрими, нотўғрими?",— деб ўйлар, хаёли қочиб, чалқашарди.

— Ойбек,— Ховах унинг исмини бирпасда ўзлаштирганига Ойбек ҳайрон қолди: — Ҳайрон бўлма, сенга ёзувчи Ойбекнинг исмини кўйган бўлишса керак. Мен ўша адибнинг "Навоий" романини ўқиганман,—деди профессор. "Қандай ажойиб... Русларнинг зиёлилари қомусий билимга эга бўладилар. Тарихни, адабиётни яхши билишади. Бизнинг баъзи бир техника билимдонларимиз адабиётчилар устидан кулади".

— Мен қийинчилик даврида туғилганман. Ёруғ кунларга тезроқ етайлик, деб шундай исм қўйишган,—деди Ойбек.

— Ҳа, ўзбеклар оқ кўнгили халқ, яхши ниятли халқ. Фақат баъзан ўзларининг қадрларини билишмайди,—деди Ховах.— Сен хафа бўлма, инсонни инсон сифатида ушлаб турадиган битта устун бу—ғурур. Аммо олифгачилик бу ғурур эмас. Инсоннинг ғурури билим, маҳорат, тажриба билан, меҳнат, ирода билан бунёд бўлади. Ғурурини ўзи яратади инсон... Ховах кесиб-кесиб гапирди—да, сўнг Ойбекка аниқ маслаҳат берди:

— Сенда илмга иштиёқ кучли. Бу—олимпикнинг биринчи нишонаси. Аммо ҳали бизнинг аспирантурада ўқишга бу билим камлик қилади. Яхшиси, сен бир йиллик стажировкага йўлланма олиб кел...! Муаммоли лабораториямиздаги хориждан келтирилган ускуналарни кўрдинг-ку...

Ойбек Тошкентдан Москвага бораману аспирантурага кираман, деган умид билан келган эди. Қайфияти тушиб кетди.

— Ойбек, мен Тошкентдан, умуман, Ўрта Осиё республикаларидан келган ҳар хил илм толибларини кўрганман. Баъзилари отасининг бойлигига ишониб келишади. "Мен диплом олсам, бас", дейишади. Унақалар билан суҳбатлашиб ҳам ўтирмайман. Сен менга ёқдинг. Фақат фикрларимни тўғри айтдим. Сен олим бўлмоқчи экансан, тўғри фикрни эшитиб, қабул қилиб ўрган! Ёлгон—илмнинг энг ёмон душмани,—деди Ховах.

... Мана энди Тошкентга қайтиш учун Сабзавот базасида қоп ташиб йўлкира йиғяпти. Мана бу шериги—озар йигити ҳам шу ерда ишлаётган экан, ўқишга кира олмабди, тайёрлов курсига пул тўпламоқчи экан.

— Қишлоғимга қайтиб боришга уяламан. Севган қизим бор—исми Зайнаб.

Отаси: "Москвада ўқиб келса, бераман", деган. Албатта, ўқишим керак. Уни бошқа бировга бериб юборишса, ўлиб қоламан...

Ойбек ушоққина жуссали бу йигитнинг юрагида шунча катта муҳаббат борлигига ҳайрон қолди. Шундай замонда ҳам муҳаббат учун ўлиш мумкинлигига бироз шубҳаланди. Аммо барибир йигитчага ҳаваси келди. Ўзи ҳам худди шундай севишни истади. Унга меҳри тушгани, "гуп" этиб йиқилганда, ёрдамга келгани шунинг учун эди.

"Сиз ўшами?"

"Ибораларимизда "Ўрганиб кетдик, ўрганиб қолдик," деган бир гап бор. Бу кўпинча, ўша ҳаётнинг оғир-енгилига чидаш, бардош беришга айтилади. Аммо "ўрганиб кетдик", дегани бу ҳаёт меники, дегани эмас.

Биз ҳам—Тошкентдан Москвага келиб ўқиётган аспирант йигит-қизлар бошқача бир ҳаёт бағрига сингиб кетдик. Эркин муомалалар, нима ўйланса, шартта юзга айтиш... Аммо бу дегани биз ўзимизнинг ўзбекона андиша, лутфу карамдан узоқлашиб кетдик, деганимиз эмас. Барибир тандирдан ёндигина узилган иссиқ нон ҳиди, кечқурун ҳовлиларга сув сепилганда атрофга гуркираб тараладиган райҳон иси ёки атлас кўйлак, лозимда ҳовли супиришга чиққан янги келинчак юзидаги шафтоли гулининг рангига ўхшаш нафис бир ранг... буларнинг ҳаммаси бизнинг юртимизга - Ўзбекистонимизга хос. Соғинмай бўладими уларни?!

Биз—Муҳаббат ҳам, синфдошим ҳам, курсдошим билан бирга аспирантлар ётоқхонасида яшаймиз. Мавзу, раҳбар аниқ. Домлам О.В.Андреев қаттиққўл, талабчан киши. "Ўрта Осиё дарёларининг ўз ўзанларини ўзгартириши муаммолари" мавзусидаги диссертациям учун материаллар йиғишни бошлаб юборганман. Кутубхонага, архивларга қатнайман. Дарсликлар рус, инглиз тилларида. Доим ёстикдай-ёстикдай келадиган луғатлар ёнимда...

...Бугун якшанба. Муҳаббат кеча кечқурун бир ўртоғимизнинг дала ҳовлисига кетишди. "Қишда ўрмон жуда чиройли бўлади. Дунёда рус қишидай чиройли қиш йўқ, томоша қиламиз", деб роса қистади. Ҳафта давомида машғулотлардан чарчаган, дам олишга мойил бўлсам-да, негадир шу бугун улар билан кетишга оёғим тортмади. "Ишим кўп", деб баҳона қилдим. Ҳар кун уч-тўрт соат ухласам ҳам шаҳд билан сакраб туриб кетардим, худди бир пайтлар ойим: "Ойдин қизим, попугим", деб чақирган пайтларидагидай. Бугун яхшигина дам олган бўлсам ҳам ўрнимдан кўзгалгим келмасди. Деразага қиш солган нақшларни томоша қилиб, Тошкентни, Шайхонтохурдаги маҳалламизни эсладим. Ўриклар, олчалар қийғос гуллаб ётган боғлар эсимга тушди. Томнинг тепасига чиқиб қарасак, гуллаб ётган боғлар сузиб кетаётган оппоқ елканларга

ўшарди. Шуларни эслаганда юрагим орзиқиб кетди. Ўзимга жуда қадрдон кимнидир кўргим келди. Ўрнимдан туриб, тумбичкамдаги пластинкаларни олдим. Ўзим қўшиқсиз тура олмайман. Дарс қилганда ҳам бир тарафимда пластинка айланиб турмаса кўнглим жойига тушмайди. Радиола айланиб, ҳофизнинг овози хонамни тўлдириб юборди:

Деразамдан хумор-хумор боққан ёр,
Ёр, қора гўзларинг на тилар мандан...

Бундай овоз, бундай қўшиқларни сўз билан таърифлаб бўлмайди. Фақат эшитиш керак. Бир дугонам айтарди. "Бундай қўшиқларнинг бағрига кириб, сўзлари, оҳангларига кўксингни бериб ётишинг керак", деб... Менда ҳам шу ҳолат. Ўзимча чой ичгандай бўлдим. Ишлашга керак китобларни столимга олиб қўйдим, аммо одатдагидай китоблар бағрига шўнғиб кета олмаётган эдим. Бирдан эшик тақиллади. Муҳаббат мени олиб кетгани келган бўлса-я? Тасодифан ақлга тўғри келмайдиган фикр келди миямга... Очсам, Солижон-ҳамюртим. Умуман, биз Москвада кўпчиликмиз.

Юрак томирлари ўзбекнинг жон томири билан туташ, ажойиб олим Ҳабиб Абдуллаев Ўзбекистон фанлар Академияси Президенти этиб сайлангандан сўнг, институтларни "аъло" битирган, илмга иштиёқли йигит-қизларнинг кўпини Москва, Ленинград, Киев каби марказий шаҳарларга ўқишга юборганлар. Бу ҳам асли ўзига хос бир миллий сиёсат эди, чунки халқнинг асосий салоҳияти мезони-бу илм. Барча тараққиётлар асосида илм туради.

— Келинг, ўнг кўзим учиб турганди, яхшиликка экан,— дедим.

— Кирсам ўтириб қоламан. Ҳамшаҳарлар йигилиб, Пушкин музейига бормоқчимиз. Сизларни айтиш менинг чекимга тушган,— деди Солижон. Ҳамшаҳарларимиз орасида йигитлар кўп эди Омонилла, Абдусалом, Ҳаёт. Очик ёруғлиги учунми Солижон билан яқинроқ эдик.

— Муҳаббат рус ўрмонларини томоша қилгани кетганди,— дедим. Солижоннинг кўзидан: "Дугонангиз қани?", деган саволни ўқиб.

— Сизни бизга ташлаб кетган экан-да, жуда сезгир-да шу қиз. Ҳозир келсам, эшикларинг "тақа-тақ" берк бўлса, не хаёлларга борардим...

— Наҳот биз ҳақимизда не хаёлларга борсангиз...

— Ўртада шайтон бор Ойдин, мен-ку фақат яхши хаёлларга бораман...

— Битта шайтонни эплай олмаган ўзбек, ўзбекми?

Солижон билан ҳазил-ҳузул қилиб йўлга тушдик. Қорни гарч-ғурч босамиз. Тавба, бир хил қор икки хил кайфият бериши мумкинлигига доим ҳайрон қоламан. Болалигимизда Тошкентда қалин қорлар ёғарди. Уйимизда ўғил бола йўқлиги сабаб белни маҳкам боғлаб ўзимиз қор кураддик. Калишларимизга қорлар тўлиб оёқларимиз музлаб кетарди. Ирғиб, ирғиб исинишга уринар эдик. Ҳозир эса қорли Москва худди афсонавий маликаларнинг биллур қасрига ўхшарди. Бизни ҳамшаҳарлар метрода кутиб туришган экан, биринчи бўлиб кўзим ўрта бўйли, қотмадан келган йигитга тушди. Тирноғимдан сочимгача иссиқ, жуда иссиқ бир туйғу югуриб ўтгандай бўлди. "Балки, биринчи бор кўраётганим учундир...", деб ўзимга ўзим баҳона топиб бермоқчи бўлдим. Аммо бу ёлғон баҳона эди. Ахир, бошқа йигитларнинг ҳам ҳаммасини қачондир биринчи бор кўрганман, ҳеч қайсисида бундай ҳиссиётни қалбдан кечирганим эсимда йўқ.

— Бу Ойбек, МАДИда стажировка ўтаяпти, танишинглар,— деди Омонилла. "Бу йигитда одамларни қовуштириш, уюштириш фазилати бор экан, қандай тадбир ўтказсак, бош бўлиб олади". Йигит қўлини узатди.

— Ойдин,— дедим. Овозим титраб чиққандай бўлди. Тўпланганлар кулиб юборишди.

— Тўрт тарафимиз ой экан, кўрқмасак бўлади, кечакундуз демай айланаверамиз,— деган гап ўйини қилди Гўзал исмли ҳамшаҳаримиз.

Музейга кирдик ҳамки, одатдаги вазмин, босиқ Ойдинга ўхшамасдим. Фикрларим чувалиб, хаёлларим тарқоқ эди.

— Подшо Пушкин даҳоси даражасини жуда аниқ билган, унинг Россия шўхратини қайси баландликларга кўтара олишга қодирлигини ҳам тасаввур қилган. Аммо барибир барча ҳукмдорлар каби унга ҳам шахс эркини тарғибот қиладиган шоир мутлақо ёқмас эди. Улар орасидаги асосий зиддият—шунда. Ҳар қандай ҳукмдорнинг эркинликка тоқати йўқ, бу азалий қонун...

Мен Пушкиннинг маҳбубасининг ниҳоятда гўзал сувратини томоша қилар эканман, "гид"нинг сўзлари, тушунтиришлари қулоғимга узук-юлуқ кирарди.

— Сиз шеъриятга қизиқасиз-а... Ҳалиги йигит ёнимга келиб секин сўради.

— Қаердан биласиз?—дедим.

— Тошкентда, Меҳри Абдуллаеваларникида ажойиб шеър ўқигандингиз...

Эслашга уриндим. ...Эҳ, ҳа қанча вақт бўлди-ю...

— Сиз...

— Ҳа, мен ҳам ўша оқшомда дўстимни Андижонга кузатаётган эдим. Сизнинг дўстларингиз Москвадан жаҳон ёшлари фестивалидан қайтган экан...

Ҳайрон қолдим... қандай эслаб қолиш мумкин?

— Тасодифни қаранг, яна учрашибмиз, Москвада,— дедим жўяли бир гап тополмай.

— Мен сизнинг ўша шеъригингизни доим эслаб юраман. Биласизми, нега? Кўп қизларнинг фикрлаш доираси маиший ҳаёт даражасида бўлади, кийим-кечак, сарпо-суруқ... Сиз эса...

— Барибир аёл киши аёл-да, унинг ўз вазифалари бор,— дедим. Менга бу йигит билан суҳбатлашиш ёқимли эди.

— Майли, аёл аёллигини қилсин. Аммо, у ўқиши, жамиятда бўлётган барча ўзгаришлардан хабардор ҳам бўлиши керак. Ўзи учун ҳам, боласи учун ҳам. Чунки она қандай бўлса, болалар ҳам шундай бўлиб қолаверади...

Мен йигитлар даврасида ҳамиша дадил эдим. Чунки кўпинча фикрлашларим билан кўпидан баланд эканимни ҳис қилардим. Ҳозир ўзимни бироз заифроқ ҳис қилдим. Аммо бу ҳолатдан хижолатга тушмадим, ўзимга бу ҳолат жуда тотли эди. Хаёлимга бир шеър келди:

Мен гуллардай чиройли бўлиб уйғонгим келади сиз учун,

Мен гуллардай нафис бўлиб уйғонгим келади сиз учун,

Лекин ундан ҳам аввал, бундан ҳам аввал

Гуллардай заиф бўлиб уйғонгим келади сиз учун...

— Ҳой, яхшилар, Наталя Николаевнанинг портретини кўчириб олаяпсизларми?—деб қолди Солижон. Мен қизариб кетган бўлсам керак, қизиб кетдим. Назаримда, суҳбатдошимда ҳам ҳаяжон бор эди.

— Биз Ойдин билан таниш чиқиб қолдик, Тошкентда учрашган эканмиз,—деди Ойбек.

— Ие, бўлмаса, "Сиз ўшами?" бўлаётган экан-да... кулгига олди Солижон...

...Мен бугунги таассуротларимни тунчироқ ёруғида ёзиб

ўтирибман. Муҳаббат чарчаб келиб ухлаб қолди. "Эртага гапириб бераман", деди-да таппа ташлади. Менда эса уйқу йўқ... Пушкин даврига оид бебаҳо сувратлар, ажойиб хотиралар, шоирнинг шиддатли маҳзун умр қиссаси... Аммо бу ҳиссиётларимни юрагимдаги бошқа бир тўлқин тез-тез юшиб юборарди. Мен ... нимадандир жуда-жуда бахтиёр эдим. Кимдир менга "Ойбек" деб шивирлаётгандай бўларди... Ва бу шивирнинг товушлари азиз эди менга...

Улғайиш азоблари

— Оҳ-оҳ, ҳиди бутун ётоқxonани тутиб кетибди, Ойбек, қарз дафтарига яна бир минус белгисини чизиб қўясиз-да,— Омонилло одатдагидай қўлқопини ечиб қўлларини бири-бирига ишқади.

Ойбек дўстининг беозор ҳазилига лабининг бир чеккаси билан жилмайиб жавоб қайтарди.

— Ажойиб ойингиз бор-да, бебаҳо. Тошкентдан атайлаб мош жўнатадилар, тагин битта-битта тозалаб. Мошда гўштнинг қуввати бор, Ойбекжон отдай бўлиб юрсин, дейдилар-да. Биз ҳам бу меҳрга шерикмиз...

Омонилло кўпинча кеч келади. Ойбек унинг келар вақтига мўлжаллаб овқат тайёрлайди. Кўпинча мошкичири ё мошхўрда бўлади. Ўзи Ойбек азалдан мош овқатларни хуш кўради-шираси бошқача. Ойиси кунора бўлмасаям ҳафтада икки-уч марта Ойбекнинг кўнглига қараб мош овқатлар қиларди. Москвада ҳам—шу. Таниш-билишлардан мош юбориб туради. Борди-ю борди-келдилар топилмай қолса, посилка қилади.

— Шу ... овқат ейиш мазза-ю, овқатдан сўнг уйқу тортгани ёмон,—дейди Омонилло. Ойбек бош ирғиб жавоб қайтаради. Шундагина Омонилло ҳамхонасининг сал шахди пастлигини ҳис этади. Балки, чарчаган деб ўйлайди-ю...

— Ойбек, тинчликми?

— Тинчлик...

— Қарз дафтаримда минуслар кўпайиб кетдими, узаман... дўстидаги кайфиятни ҳазил билан тарқатмоқчи бўлади. У Ойбек овқат қилса, бозор қилиб келса ё хонани йиғиштирса "Менга минус қўйиб қўйинг, ҳисобли дўст айрилмас", деб ҳазил қиларди.

— Э, қўйсангиз-чи, гап бошқа ёқда.

— Айта қолсангиз-чи, ўзи ҳавонинг қовоғидан қор ёғилганиям етади биз қуёш болаларига. Сиз очилинг..

— Анави Лобар эрга тегаяпти экан...

— Тегса, бахтли бўлсин. Сизнинг кўнглингиз унда эмас шекилли.

— Биласизми кимга? Бир қари профессорга.

— Ну и что? Муҳаббат ёш танламайди.

— Э, оғайни. Гап муҳаббатда эмас. У қиз расчёт билан турмуш қуряпти. Ўзининг ҳузур-ҳаловатини ўйлаб... Ахир уни ўқишга Ўзбекистон учун жўнатганлар-ку... Ўқисин, олим бўлсин, ўзбек боласининг тафаккурини ёритсин деб. У бўлса... бир йилгаям чидамади...

— Ҳа, балли, Ойбек. Зўр ифода топиб гапирдингиз. "Чидамади". Ҳақиқатан ҳам, бу дунёда чидаганлар бирон нарсага эришади. Эшитмаганмисиз, донишмандлардан бири:

"Юз йил яшамокчи бўлсанг, юз йил чида!", деган. Нега ер юзидаги жуда кўп миллатлар бировларга қарам яшайди? Чунки озод яшашга чидамайди, чидолмайди! Озод яшаш учун одам ўзи фикрлаши, ўзи меҳнат қилиши, ўзи курашиши керак! Куликда-чи, калласини ишлатмайди, меҳнат қилади, ётади, туради... Куллар, айниқса, курашмайдиган, ичида исёни йўқ куллар—бу дунёнинг энг катта ялқовлари? Бу гапларнинг Лобарга нима алоқаси бор дерсиз? Уям куллардан бири. Майли, аёл киши экан, уни тинч қўяйлик. Йигитларимиз-чи, қанчаси бой, бева аёлларга уйланиб давру даврон суриб юришибди. Ахир, ўзбек халқининг остонасига бориб қолди-ку пахта. Болалар эгатларда туғилиб, эгатларда ўлишга яқинлашиб қолди. Ким, нима халос этади уларни? Фақат илмга асосланган тараққиёт!

Мана, сиз қийналмаяпсизми? Осон бўлмаяпти-ку сизга... Омонилла қизишиб кетди.

Ҳа, Ойбек ҳар бир қадамини катта куч сарфлаб босаяпти. Мана, аспирантурага кириш учун Тошкентда имтиҳон топшириб келди. Аммо МАДИ аспирантура бўлими бошлиғи Акимов: "СССР тарихидан рус тилида қайтадан имтиҳон топширасиз", дея талаб қўйди. Ойбек-ку рус тилидан қийналмайди, оғзакиси тугул ёзмаси ҳам яхши, жуда саводли ёзади. Аммо топширган фанини қайта топшириш талаби унга ҳақоратдай туюлди. Ич-ичидан бир қаршилиқ ўсди. Бироз ўзининг туйғуларини жиловлай олмай турди-да Тошкентга Оқил Умрзоқовичга кўнғироқ қилди.

— Акимов яхши мутахассис, яхши инсон. Бир нарсани ўйлаб, шу талабни қўйгандир. Фикрингизни бўлманг, қайта топширинг,—деди устоз. Ойбек сал тинчланди. У ўзи салга

ловуллаб кетмасди. Аммо Москвага келишдан олдин Ушарининг институтларида олимликка даъво қилиб юрган Ашот Песаян деган биттаси гап орасида: "У ердагилар ўзбеклар эмас, бир қути чиллаки, икки-уч хомакка алданадиган. Ойбекка ўхшаганларнинг қўлтиғидан ушлаб иргитиб юборади", деган экан, бу гап унга етган эди. Шунинг учун Акимовнинг талабини "қўлтиғидан ушлаш"га бўлган ҳаракат деб аччиғи чиққанди. Йўқ, устози билан мулоқотдан сўнг тинчланди. Акимов имтиҳонда кириб, иккита савол берди, жавобни эшитгач, чиқиб кетди. Икки кундан сўнг Ойбекни йўлакда кўриб, қизғин табриклади. Кўнглига малол олиб қийналиб юрган Ойбек бу талаб сабабини кейин билди.

— Тошкентда галати кайфият бор. Баъзан илмлилар бир чегда қолиб, чўнтаги бақувватларнинг боласи аспирантурага келади. Баҳолар "Беш", аммо сал ўтмай, илм, иш талаб қилсанг, домла, бу ёғини амалланг, деб кўзини лўқ қилиб туришаверади. Кўргани кўзим йўқ шундайларни. Шунинг учун ўзим синаб кўраман бўлгуси аспирантларни,— деди Акимов.

Ойбек ҳали Москвада кўп яшамади, аммо фақат маънавий эмас, моддий қийинчиликларни ҳам енгиб ўтишнинг йўллари топи. Қўшни ётоқхонада хорижлик талабалар ишашади. Уларга рус тилини ўрганиш жуда зарур. Ойбек эса инглизчани яхшигина эгаллаган. Уларга тил ўргатади. Хати чиройли, айниқса, формулаларни туш билан қойиллатиб ёзади. Шунинг учун аспирантлар диссертацияларининг формула жойларини ёзиб беришни Ойбекдан илтимос қилишади. Буларнинг ҳаммасига ҳақ олади, аммо ҳаммаси меҳнат. Кам ухласа ҳам, баъзан жуда толиқиб кетсаям, Ойбек ҳаммасига чидайди. Нима учун? Ўзини, оиласини бировга термултирмаслик, сарғайтирмаслик учун! Пулларига йиғиб-йиғиб гилам, энди урф бўлган балония плаши олади ва Тошкентга жўнатади. Онаизори озгина устига қўйиб сотиб, қизи, ўғилларига сеп қилади, тирикчилигини бутлайди. Ойбек ҳозир Омониллонинг "Осон бўлмаепти-ку сизга", деганида шуларни ўйлади... Одам бўламан, одамдай яшайман, деган ҳеч кимга ўз-ўзидан осон бўлмаган.

— Ана шунақа гаплар, оғайни, битта Лобар учун сиқилмаётганингизни биламан. Бироқ "уф"лаб ўтиришдан ҳам фойда йўқ. Сал ақллироқ одам бу дунёдаги барча иллатлардан қутулгиси, ҳаётни ағдар-тўнтар қилиб

ташлагиси, ўзгартиргиси келади. Аммо ундай имкон ҳаммага берилмаган. Агар ҳар ким ўз ҳаётини тўғри қура олса, ўша иллатлар гирдобига тушиб кетмаса, буям катта гап. Так что, Ойбек, ўзингиз ҳақда кўпроқ ўйланг!

Ойбек саҳар ўқиш, ишга чиқиб кетиб, кеч қайтадиган ҳамхонаси билан камдан-кам бунақа очилиб гапиришарди. Иккови ҳам доим банд эдилар. Баъзан ҳамшаҳарлар йиғилишиб турли маданий масканларга—кино, театр, опера, балет томоша қилгани боришар, музейларга киришарди, шундай пайтда ҳам суҳбат имконлари бўларди. Омониллонинг таъсирчан, тетик йигит эканини биларди. Ҳозир уни яна бир бор кашф этгандай бўлди. Қайсидир китобда ўқигани эсига тушди: "Шундай ўғиллари бор экан, миллат ўлмайди, яшайди". Бу гап сал баландпарвоз туюлиб, ўзига нашға қилди, жилмайди:

— Ана, энди ўзингизга келдингиз. Ҳеч сиқилманг, кулиб яшанг! Бу дунёдаги барча иллатлар устидан кулиш керак, йиғлаш, ... мард йигитнинг иши эмас!

Кечинма

Қизиқ, менга нима бўлаяпти? Ёш эмасман, унча-мунча қизларни кўрганман, ахир. Ана, Гавҳар таътилга бордим дегунча уйга қатнайди. "Севаман" деган гапни ҳар бир нигоҳи, ҳар бир ҳаракати айтиб туради. Қиз бола, кўнгли қабармасин, деб "ҳа-ҳа" дейман-у аммо унга уйланишни тасаввур қила олмайман. Ёки Дилбар... Туғилган кунимни ётоқхонада нишонладик. "Кеч бўлди, бизни комендант қўймайди, деган баҳона билан 2 қиз хонамизда ётиб қолишди. Кароватларни уларга бўшатиб бериб ўзимиз ерда ётдик. Кечаси бир қўл сочимда... Ёнимдаги кароватдаги Дилбарнинг қўли... Яшириб нима қиламан, йигитман... бир лаҳза ўзимга эрк берсам, тамом. Дилбар меники бўлади, қўяди. Аммо ундай қила олмайман. Ахир, яшай олмайман-ку бундай қизлар билан. Хотин мен учун фақат тўшақдаги ҳамроҳ эмас. У қалбан, ақлан яқин, тенг бўлиши керак. Мен у билан ҳеч қачон зерикмаслигим, уни кўрганда қувонишим, дунёда борлигидан бахтиёр бўлишим керак. У ор-номусини муҳаббат қадар асрайдиган қиз бўлиши зарур. Бу қиз Дилбар эмас. Шунинг учун мен унинг қўлини оҳишта итардим. "Дилбархон, ўзингизни тутинг, яхши эмас", дедим. Ўзини ҳурмат қиладиган одамга шу гап етади... Тўғриси, шундай

қизларга ачинаман. Уларнинг кўпи алдов қурбони бўлишади. Бир кечалик лаззатдан сўнг ташлаб кетишади уларни..."

Менинг эса кўнглим бошқа бир қизда. Бу—Ойдин. "Ахир билмайсан-ку унинг кўнглини", десам ҳам юрагим кўймайди. Уша қизнинг майин кулимсираши, кумушдай овози ёдимга тушаверади. "Севиб қолдимми, нима бўларкин бу севги охири?", дейман...

Аспирантурага кираётганимда илмий раҳбарим профессор Хових ишимга раҳбарлик қилишга рози бўлган эди. Аммо "Аспирантурани тугатмагунча уйланмайсан", дея шарт қўйганди. Дастлаб бу шарт менга бироз эриш туюлган эди, аммо тарихларда ҳам шундай ҳодисаларни ўқигач, ажабланмадим. Бир пайтлар отлари туёқларида не-не жаннатмакон ўлкаларни тоғтаган Чингизхон ҳам кўшинидаги аскарларига севиш, уйланиш, умуман, аёл кишига яқинлашишни ман қилиб қўйган экан. Аёл эркакнинг кўнглини бўлади, қилаётган ишидан совуғади, деб ўйлаб бу шартни қўйгандир... Тўғриси айтганда, сени бошқа гап-ку, уйланишга ўзим ҳам шошаётганим йўқ. Чунки акамни уйлантирганимизга кўп бўлмади. Уйимизга ёндош қилиб акам учун бир уй, бир дахлиз қилдик. Ўзимиз укам билан пой чангаллаб, ҳеч кимнинг ёрдамисиз тикладик бу иморатни. Баъзи кўшниларибиз "Бир кечади осмондан тушдимми бу уй?", деб ҳам ҳазил қилишди. Шунча қийинчилик билан акамнинг бошини иккита қилдигу аммо келинойим бизнинг оила иқлимига ҳануз мослаша олмайди. Ўта рашкчи. Рашк ҳам муҳаббатдан шубҳа-гумонга айланса, оилани оила қилмас экан. Дсмоқчиманки, ҳали акам тиниб-тинчиб кетмади-ку, менга уйланиш ҳақида ўйлашга эрта. Бир ёқда синглимни бўйи етиб турибди...

Ишим авж паллага кираяпти, шундай пайтда ростдан ҳам орага тўй орзулари сигмайди. Лекин бу қиз... Музейда кўрганим, сўнг бир-икки бор тасодифий дуч келганим, "ҳозирча ишқий саргузаштларга вақт йўқ", дея қулфлаб қўйганим юрагимни бесўроқ очиб кираверади. Гўё бу қулфнинг бир калити унинг кўлидадек. У хаёлим ўтрусидан доим ним табассум билан кузатиб туради. Жуда толиқиб кетган дамларда кароватимга чўзиламан-да, унга термуламан: "Ойдин, қайдасиз, сиз ҳам мен ҳақимда шунчалар кўп ўйлайсизми?", дейман. Аммо атайлаб ёнига бориб учрашувларга таклиф қилмайман. Ҳамма ҳамшаҳарлар йиғилишиб "Чио-Чио-Сан", "Кармен" каби машҳур операларга

борганмиз. Бир-биримизга интилганимизданми, кўпинча ёнма-ён юриб, ёнма-ён ўтириб қоламиз. Ўз-ўзимиздан гапимиз қовушиб кетади. Ўша кунлари дунёдаги энг чиройли, энг яхши одамга айланиб қолганга ўхшайман. Тугамаса экан кинолар, балетлар, опералар дейман. Аммо эртаси: "Бўлди, Ойбек, асалнинг ози яхши, ишингни ўйла. У қиз ҳам бу ерга ошиқ-маъшуқликка келмаган, ўқишимиз керак", деб ўзимни-ўзим ширин туйғулардан олиб чиқиб кетаман. Ўша лаҳзаларда ишқ мамлакатидан қамчилаб-қамчилаб ишқсиз саҳрога бадарга қилинаётган кулга ўхшатаман ўзимни. Аммо бу-оний кайфият, чизмалар, тадқиқотлар, двигателлар ёнига келсам, бошқа ҳамма нарсадан узиламан. Дарвоқе, двигател.

Ўзбекона ихтиро

Ойбек бир бошини кўтариб олдидаги темирлар уюмига қайта энгашган эди, механик қаҳ-қаҳ этиб кулди. Ойбек гайрат, шиддат билан ишга киришганда баъзан унга ана шу тарздаги бир лаҳзалик кулгу ҳам малол келарди. Аммо Влас-Ойбек анчадан буён бирга ишлаётган механикнинг овози шу қадар самимий эдики, у яна бошини кўтариб қарашга мажбур бўлди:

— Нима гап?

— Юзингга қара, худди шахтадан чиққанга ўхшайсан. Агар ҳозир сени маҳбубанг кўрса борми, ура қочарди...- деди Влас...

— Бизнинг қизлар меҳнатнинг тагида ўсишади. Юзимда, қўлимдаги мой-меҳнатнинг изи, қочишмайди ҳеч бири. Атлас рўмолчалари билан артиб қўйишади,- деди Ойбек ва "Гап-тамом, ишга!", дегандай яна энгашди.

— Миллий ғуруринг кучли сенинг. Билиминг, тиришқоқлигингни бир ҳурмат қилсам, ғурурингни минг ҳурмат қиламан,— деди Влас...

Ойбек номзодлик диссертацияси учун "Бир цилиндрли—тезюар дизелнинг конструкциясини яратиш ва унинг кўрсаткичларини замон талаблари даражасига кўтариш", деб номланган ниҳоятда қийин мавзулардан бирини танлаган эди. Бу мавзуда кашфиёт қилиш учун Ойбек институтда ўқиган фанларини яна қайтадан ўқишга тўғри келди. Материаллар қаршилиги, машина деталлари, ички ёнув двигателлари... ҳаммаси аниқ фанлар, нуқта вергулигача билиб, тушуниб ўзлаштириш керак. Ойбек баъзан ўзидаги фавқуллода

кучга ҳайрон қолади. "Агар одам бир мақсадга шу тарзда қаттиқ интилса, Аллоҳ унга куч-қувват ато этса керак, мана, немис халқи... Иккинчи жаҳон урушида шаҳарлари ва саноати вайрон бўлиб кетган эди, аммо қисқа вақт ичида ўзини тиклаб, яна ривожланган мамлакатлар қаторига қўшилди. Одамларда катта мақсадлар уйғотиш керак!",—деб ўйларди завод, институт, кулбухона орасида югуриб юраркан. Унинг иши фақат назарияни ўрганишни эмас, ўша двигателни яратишни ҳам тақозо этарди.

Аслида олимликка бел боғлаган ҳамма ҳам ўз диссертациясининг барча қисмларини ўзи яратавермайди. Қийин жойларда бошқаларни ишга солади. Масалан, заводда двигателни яратиш—заргарликдай нозик иш. Нинанинг учидай симдан тортиб, булбул кўзидай шарчаларгача ўзингнинг бармоқларинг, тирноқларингни билгандай аниқ билишинг керак. Битта бепарволик кунлаб қилган ишингни сувга оқизиши мумкин. Ойбек экспериментал заводда тезюрар дизел двигател яратиш учун неча ойдан буён тер тўкяпти. Сергей Евдокимович Никитин, Макс Самойлович Ховахлар вақти-вақти билан хабар олиб туришади. Заводнинг режа бўлими бошлиғи Владимир Голубев, механик Влас Прокофьевич билан ишлаб ётишибди. Кунига нимадир етишмайди, нимадир керак бўлади. Ойбек двигателга керак қисмлар орқасидан қатнайвериб Ленинград, Харьков каби шаҳарлар билан ҳам таниш бўлиб кетди. Ахир, ҳазилакам гапми—300 та майда деталлардан иборат двигателни тайёрлаш. Чизмасини тайёрлаб, заводга топширишдан аввал ўзбекистонлик йигитлар бир варақлаб кўришган: "Ойбек, бир пайтлар Лутфий бобо, Навоийнинг икки байтини бутун ёзганларига алмаштирмоқчи бўлган экан. Сизнинг ҳам бу чизмаларингизга бир мамлакат хазинасини бериб юборса бўлади",—дейишди ҳазил аралаш. Ойбек ҳали бу двигателни яратиш учун чизмадан кўра минг чандон кўпроқ куч сарфлаши зарурлигини ўйлаган эди ўшанда. Бу меҳнатни ҳар ким ҳам тасаввур қила олмайди...

—...Ойбек, менда ихтиёр бўлганда двигателимизга "Лочин" деб ном қўйган бўлардим. Ахир, унинг айланишлар частотаси минутига 3800 га тенг. Ҳали бунақа катта оборотда ишлайдиган двигателнинг ўзи йўқ дунёда. Влас таъсирчан йигит эди, у тез-тез шу тарздаги ҳайратлари билан Ойбекнинг хаёлини бўлиб турарди. Аммо у двигателнинг ихтиро қилиниши ҳали ишнинг бошланиши эканини ҳис қиларди.

- ...Ойбек, ишлар қалай?
- Яхши.
- Ёнилғи сарфи қанча?
- 140 грамм.
- Яхши, синовни давом эттиринг...

Катта илмий раҳбарим Ховах билан ҳар замонда орамизда шундай суҳбат бўлиб туради. Никитин эса тез-тез хабар олади. Улар-ку ҳақиқий олимлар, менинг ишимга ҳайрихоҳ, аммо атрофда: "Бу бола нима каромат кўрсатар экан, ахир Ўрта Осиё халқлари техникани яхши тушунмайди, ўзлаштира олмайди", деган нигоҳ билан кузатиб турганлар ҳам бор-ку. Шуларга қасдма-қасд ишлашим керак. Чунки бу меҳнат ғалабаси бир ўзимники бўлмайди. Институтнинг иккинчи курсида ўқиб юрган кезларим устозим Оқил Умрзоқович "Материаллар қаршилиги" фанидан илмий тўгаракда маъруза қилганимдан сўнг менга "Автомобиллар" деб номланган дарсликни ўз қўллари билан совға қилган эдилар. Домланинг талабага дастхат ёзиб китоб тақдим этиши катта гап эди: ишонч эди бу. Шундан буён у кишидан қанча қимматли маслаҳатлар олдим, ёрдам, меҳр кўрдим. Агар ҳозирги ишимда муваффақиятга эришсам, бу ютуқ энг аввал устозимники. Мактабдаги ўқитувчиларим, институтдаги бошқа устозлар, уйим, маҳаллам—ҳамманики бўлади бу ютуқ. Ахир уларсиз мен кимман?! Умуман, инсон ўз ватани, ватандошларисиз ким? Ҳеч ким!

Мен бекорга двигателнинг мой сарфидан гап очмадим. Ёнилғи ҳақиқатан кўп сарф бўляпти. Яна текшириш, яна ўлчов... масала ойдинлашди: Поршен ҳалқалари талабга жавоб бермайди. Бизнинг двигателимиз АҚШда ишлаб чиқариладиган Камминз двигателига ўхшатиб ясалган эди, аммо АҚШ технологияси қайда-ю, собиқ СССР технологияси қайда?! Яна маслаҳатга йиғилдик. Поршен-гильза, поршен ҳалқалари, поршен бармоғини Харьковда серияли ишлаб чиқариладиган СМД-7 дизелидан оладиган бўлдик ва олиб келиб ўрнатдик. Яна ишимиз юришиб кетгандай бўлди. Лабораторияда кўпинча соат тунги 10 ларгача қолиб кетаман.

Москванинг тунги чароғон кўчаларидан юриб қайтарканман баъзан оёғим ўз-ўзидан бошқа бир ётоқхона тарафга бурилади. Мен то саҳардан қора кечгача ақлим измида ишлайман. Оёғим бошқа бир йўлга кетаётганда, биламанки, юрагим ҳокимлик қиляпти.

"Бўлди, Ойбек, мени ҳам эшит, мен ҳам борман", деяпти. Шундай лаҳзаларда биз—юрак икковимиз Ойдинларнинг ётигига борамиз. Улар ҳам худди мендай ёшлигининг барча куч-қувватини китоблар, чизмалар, турли тадқиқотларга сарфлаб ётган бўлади. Аммо ҳеч қачон борганимни малол олмайди.

— Двигател қалай?—деб сўрайди у ҳамма нарсадан олдин шўхчан оҳангда.

— Зўр, сизларга салом айтди,—дейман. Шуни етказай деб келгандим...

Чой қўйишади, қизларнинг хонасида мураббо, яна шундай ширинликлар бўлади. У ёқдан, бу ёқдан гапиришиб ўтириб, чой ичамиз, Тошкентни эслаймиз. Баъзан Ойдиндан ашула айтиб беришни илтимос қиламан. Шу қадар чиройли, нафис овози бор. У қаравотининг бир чеккасида ўтириб, аста куйлай бошласа, барча толиқишларим тарқала бошлайди:

Ҳар баҳорда шу бўлар такрор,
Ҳар баҳор ҳам шундай ўтади...

Аммо ҳеч қачон қолиб кетмайман. Бир, бир ярим соатлар ўтиргач, Ойдин:

— Двигателнинг "рашки" келаётган бўлса керак, "аразлаб" қолмасин,—деб сўз ўйини қилади. Бу чиройли қилиб "жавоб" дегани. Эшикни очиб, мени кўрган заҳоти юзига ёйилган қувонч сувратини кўриб: "Менга бефарқ эмас", дейману яна хонасидаги ўша (у ҳам мехфакни тутатган) санъаткор йигит сувратининг осилиб турганини кўриб: "Унда кўнгли бормикин?", дейман.

Юрагим ғашланади. Бироқ сир бой бермайман.

— Аразласа, ўзига қийин, мендай яхши йигитни яна қайдан топади...дейман бир нарсаларни билиш илинжида.

— Тўғри айтасиз, Ойбеклар юз йилда бир туғилади,—деб менда умид уйғотади у.

...Эртаси яна иш, яна синовлар. Кунлар бир-бирига сира ухшамасди...

Кунларнинг бирида

Двигателни "катта пойга"га қўйишга тўғри келди, энг катта тезликда ишлатиб, унинг кўрсаткичларини олиш зарур. Аксига олиб синов ўтказиш соат 22 ларга тўғри келиб қолди. 3800 оборотда двигател ишлаб турибди. Ойбек, Влас Прокофьевич-механик, Николай Петрович—инженер энг юқори режимга чиқилди, деб хурсанд. Тўсатдан двигател қопқоғидан чарсиллаб учкун чиққандай бўлди ва бирдан қасир-

қусир бошланди. Тезда "аварийная" кнопка босилади, лекин двигател тўхтагунча бир минутча вақт ўтди, демак 3800 оборот қилди. Ҳамманинг нафаси ичига тушиб кетди. Двигател дабдала бўлди, уни очиб кўришга ҳеч кимнинг юраги дов бермаяпти. Ҳамма чарчаган, жим уй-уйига тарқалди. Бир сўз айтгани бировнинг ҳоли йўқ. Аммо бундай кайфиятда ким ухлай оларди... Эрта билан соат 8-да ҳамма двигател атрофида йиғилди. Двигателда "рассухаривание" деган жараён содир бўлган, пружиналари бу оборотга ҳисоблаб ясалган бўлса ҳам клапан чидай олмаган, натижада клапанни ушлаб турадиган сухарик ўрнидан чиқиб кетган. Клапан инидан чиқиб цилиндр ичига тушади, поршенни тешиб ўтади, шатунни қийшайтиради, головкадаги ўзи ўрнатилган втулка ва ўриндиқларини дабдала қилади. Демак, янгитдан двигател деталларини тайёрлатиш лозим. Бунинг учун яна 5-6 ой керак бўлади. Ўша лаҳзаларда ойлаб бирга ишлаган, ҳаммаси яхши, деб ўзларини ишонтирган уч киши яқин одамидан жудо бўлгандай эдилар. Лекин бундай кайфият билан ҳам ишлаб бўлмасди. Икки кундан сўнг улар ўзига келиб асосий сабабни аниқлашди. Текшириб кўрилганда оборот ўлчайдиган асбоб хато кўрсатар экан, ҳақиқатда двигател 3800 эмас, балки 4200 оборотда ишлаган. Бундай оборотга клапан ҳисоблаб ясалмаган эди, бўлган авария табиий эди. Демак, илмий ишда энг майда икир-чикирларга, асбобларни тўғри ишлашига доимо аҳамият бериш керак эди. Уларни вақти-вақти билан кўриқдан ўтказиш шарт экан. Улар стандарт талабига жавоб беришлари лозим. Ойбек бундай хатога умр бўйи йўл қўймасликка ҳаракат қилди, барча шогирдларга ҳам кейинчалик бу воқеа сабоқ бўлди. 5-6 ой яна овора-сарсон бўлиб, таниш мутахассисларни ишга солиб, двигател деталларини қайта тайёрлатди ва у йиғилиб ишга туширилди. Биринчи ғалабага ана шундай машаққат билан эришилди. Афсуски, бу орада механик маош кам деб бошқа ишга ўтиб кетди. Унинг ўрнига янги механик, истеъфога чиққан ёш зобит-молдаван Вася Бантуш ишга олинди. Икки қизиққон ёш йигит илмий ишга шўнғиб кетди. Ниҳоят, катта домла кириб яна сўраганда Ойбек мамнуният билан двигател "нормальный" натижа кўрсатаяпти деб айтади. Домла эса "мана энди мўлжалланган илмий изланишларни олиб бориб, унинг кўрсаткичларини замонавий двигател талабига кўтарасан"—

деб талаб қўйди. Бу ишни амалга ошириш учун яна 1,5 йил керак бўлади...

Ойдин ҳам бу пайтгача ўз ишлари билан банд. Атрофида гирди-капалаклар ҳам етарли. У барчаси билан бирдай дўстона муомалада. У билан аспирантурага борган дугонаси бир йигит билан ошиқу беқарор бўлиб қолиб, аспирантурани ташлаб кетишга мажбур бўлади. Москва деган азим шаҳарнинг ўз қонун-қоидалари бор. У ерга борган кўп йигит-қизлар "жаннат"га тушдим, энди "хур"лар билан бемалол ишрат қилавераман деган фикрга тушиб қоладилар. Афсуски, кўпчилиги шу йўлдан кетади. Лекин айримлари, "иймони бутунлари" бу қалтис йўлга кирмайдилар. Бизнинг "қахрамон"лар ҳам шу тоифага кирадиган ёшлардан эди. Иймони бақувват, миллий ғурури кучли, Ватан учун жонини беришга тайёр...

Муҳаббат бекати

Ойбек Ойдиннинг сирли нигоҳини ҳис қилди. "Нимадир сўрамоқчи, бироқ хижолат бўлаяпти..." деб ўйлади. "Ўзим гап бошлаб қўя қолай..."

— Ҳорманг, чарчамадингизми?

— Раҳмат... Ўйин-кулгидан ҳам чарчайдими одам... Москвада юриб яллаю, ёр-ёрларни роса соғинган эканман, мазза қилдим,— деди Ойдин. — Энди мен борай дегандим, ойим хавотир оладилар...

— Ҳали жудаям кеч эмас, қолаверса... Ойбек ҳам сирли кулимсиради.

— Нима... "қолаверса"...

— Сиз ҳаммадан кейин кетишингиз керак... Таъкидлаб гапирди Ойбек ва айна пайтда қандай таъсир қилаётганини билиш учун кўз тагидан Ойдинни кузатди. Улар ҳовлининг бир бурчагида бир-бирига суяниб ўсган қоратол тагида туриб гапиришаётган эдилар. Уларнинг ёнгинасида қиз базми давом этар, Гулнорни ўзга бир оламга кузатмоқда эдилар. Абдулла Қодирий ҳазратлари таърифлаганларидек, бу гуллар мажлиси, кумрилар, тўтилар мажлиси эди... Синглиси самбитдай бўлиб, ясаниб қизлар орасида алоҳида кўзга ташланиб турар, Ойбекнинг гоҳ юраги увишарди, "ҳали ёш эди, бағримизда эрқаланиб юрса бўларди", дерди. Гоҳ эса ота ўрнида ота бўлиб, сепини бадастур қилиб узатаётганидан хурсанд бўларди. Чунки элда тўй ҳақда ҳам аза ҳақда ҳам

"Борнинг молини сочади, йўқнинг орқасини очади",—деган гап юради. Ойбек синглиси узатилаётганда "Отам ҳаёт бўлганларида бундай қилиб берарди, ундай қилиб берарди...", деб ўксинмаслиги учун Москвада неча тунларни бедор ўтказди. Ахир, қанча ҳамшаҳарлари ялло қилиб юрибди... Тунлари оққушдай оппоқ қизларнинг бағрига сингиб кетишади. Ойбек эса кун бўйи двигателининг қора мойига беланиб, тунлари эса тунчироқ ёруғида бировларнинг чизмаларини ишлаб берар ва диссертацияларининг формулаларини туш билан ёзарди. Унинг хати чиройли бўлгани учун аспирантлар илтимос қилишар ва албатта қийин меҳнатини қадрлашарди. Имконлари етгунча ҳақини ташлаб кетишарди. Ҳаммаси бир зумда ҳаёлидан лип-лип ўтди-да, ўзига дилида ҳурмат ҳиссини туйди. "Ака", деган номга лойиқ бўлиш учун ҳам одам машаққат чекиши керак. Акалик ҳам меҳнат...

... Ойдин Ойбекнинг "Сиз ҳаммадан кейин кетишингиз керак", деган илмоқли гапига жавоб қайтармади. Тушунмаганга олди:

— Троллейбус бекати узоқ эмасми?—деб сўради.

— Чиндан ҳам кетмоқчимисиз?

— Ўзи бунақа файзли ҳовли, чиройли базмда бир умр қолсаям бўлади-ю, ойим мижжа қоқмай хавотирланиб ўтирадилар...

Ойбекнинг боя ўзига хос лаҳжада-муҳаббат лаҳжасида Ойдинга айтган изҳорининг жавоби эди бу...

— Бир умр қолсангиз... бошимиз осмонга етарди,—деди Ойбек.

— Бошингиз осмонга етадиган бўлса, поездга сиғмайсиз, Москвага кетолмай қолсангиз двигателингиз—негр "жонон"ингизнинг ҳоли нима кечади?

Ойбек Ойдиннинг сўз ўйинларини жуда аниқ тушунар эди, тушунганидан суюнар, ўзи билан мана шу рўпарасида турган дунёдаги энг чиройли қиз орасида фақат ўзлари тушунадиган сирли суҳбат бўлаётганидан суюнар эди.

— Майли, қизлар билан хайрлашиб чиқинг. Мен сизни симёгоч остида кутиб тураман кейин троллейбус бекатигача кузатиб келаман. Бизнинг кўчанинг тоши йирик, қоқилиб кетманг тагин,—деди Ойбек.

— Йўллар, йўллардаги тошлар мени танийди, "йўлчи қиз келаяпти", деб икки чеккага тизилиб туради,—Ойдин-

нинг топқирлиги, ҳозиржавоб, зукколиги ҳам Ойбекнинг авқини келтирарди.

...Иккови ёнма-ён кетишарди, ёз осмони очиқ, юлдузлар чарақларди, аллақандай хушбўй гиёҳлар, гулларнинг хуш бўйлари гуркираб димоққа уриларди:

— Бундай оқшомларнинг ҳар лаҳзасини тилло узукнинг гардишига солиб, ўнг қўлингга тақиб юрсанг арзийди... Ҳадемай таътил тугайди, яна кутубхона, яна архив, яна тажрибалар,—деди Ойдин оҳиста.

— Тилло узукнинг гардишидан ҳам азизроқ жой бор, бу икковимизнинг юрагимиз...—Базм таассуротлари, фусункор оқшом, қалбидан кечираётган туйғулар Ойбекка журъат бахш этар, у нимани ҳис қилган бўлса, гапириб ташлагиси келарди. Аммо Ойбек ҳар битта сўзи учун ўзини масъул ҳис қилиб ўрганиб қолган эди, ҳеч қачон, ҳатто ҳозиргидай ҳиссиётлари таъсирида бўлган даврада ҳам ўйламай гапирмасди. "Агар ҳозир Ойдинга "Менга турмушга чиқинг", десаму у рози бўлса, устозимга берган ваъда нима бўлади? Бунинг устига бугун тўй қилиб олти ойдан сўнг ойим яна тўй бошлай олмайдилар-ку... Мен шундай пайтда севги изҳор қилайки, Ойдин: "Эртага совчи юбора оласизми?"—деса "Ҳа", дейдиган бўлишим шарт"... Ойбек ланжликни, айниқса ланж йигитларни қабул қила олмасди. Ойдин анча жим кетди. Унинг ҳам қалбидан ҳамроҳи кечираётган туйғулар кечмоқда эди. Ёнида елкалари елкасига тегиб-тегмай оҳиста одимлаётган йигит унинг учун аллақачон орзу-мақсадининг бир қисмига айланиб улгурган эди, аммо у ҳам дил изҳорларига шошмасди. Улар учун бошлаган илмий ишлари муҳаббат қадар, ҳаёт қадар аҳамиятли эди.

— Шу ... яна қовун, узум кўтарамизми Москвага? Гапни бошқа ёққа бурди Ойдин...

— Устозларни суюнтирадиган совға шу-да. Аммо ўтган сафар Макс Самойлович роса уялтирди. "Ойбек, агар ўз нулингга сотиб олиб келаётган бўлсанг, хафа бўламан сендан", деди... Ажойиб одам-да.

— Одам қандай қилиб шу инсонларга ўхшаб нафсини кўйиб юбормай, кўзи тўқ яшаркин, қойил қоламан,—деди Ойдин: Ахир, баъзилар беш бармоғини оғзига баравар тикади. Қанча есаям тўймайди. Эртақдаги аждаҳога ўхшаб оғзини очиб тураверади...

— Шундай пайтда икки учи қирралаи тош тикиб юборсанг

оғзига... деди Ойбек, чунки ўзиям нафси бузуқ кимсалардан бутун борлиғи билан ҳазар қиларди. Тақдир унга Ховаҳдай инсонни устозликка раво кўргани учун хурсанд эди.

— Ҳар гал балоғардон Оқил Умрзоқович. "Дўстингиз совғача бериб юбордилар", деб қутиламан. У кишиникини қайтаролмайди. Бир-бирига кўп меҳр-муҳаббат ўтган. Шу сафар ўзганнинг девзирасидан обкетиб, бир ўзбекча ош қилиб берсамми оиласига, қандай қабул қиларкин?—деди Ойбек. Ойдин кулимсиради:

— Бэлла Семёновнанинг актриса ўртоғи учун қилган ошингиздақа ош қиласизми қотириб?—деди. Ойбек кулиб юборди. У ҳақда Ойдинга ўзи айтиб берган эди. Гап шундаки, Бэлла Семёновна—Ойбекнинг мактабдаги чет тили муаллимаси, яхши ўқигани, намунали ўқувчи бўлгани учун Ойбекка меҳри бошқача. Москвага борганда Ойбекниям кўрмай кетмайди. Бир гал:

Эртага актриса ўртоғимнинг туғилган куни, ош қилишни биласанми? —деб сўрайди. Ўзбек йигити учун:

— Ош қилишни билмайман, дейиш уят. Биламан, дейди. Ош актрисанинг туғилган кунидан бир кун аввал пишиши керак экан. Чунки меҳмонлар—нозик, уйдан меҳмондорчилик пайти ёғ, гўшт ҳиди чиқмаслиги керак.

Ойбек таваккал қилиб 20 кишилиқ ош дамлайди. Эртасига гуручи тириккина бўлган ошни меҳмонлар сув қўшиб иситадилар ва каша қилиб ейишади... Ҳар таом ўз таъмида тотли. Каша бўлгач, ўрисчасига айтганда "не то" чиқади-да, меҳмонларнинг ярмини "зув-зув" касалига мубтало қилади.

— Ўшандан сўнг ош қилишни ўргандим. Одам қилган ишни одам қилолмайдами, дедим. Бировдан кам ош қиладиган бўлсам, қўлимни "чопиб" ташлайман, дедим...

Ҳозир Ойдин Ойбекнинг нимасини яхши кўришини бирдан англади. Унинг атрофида айланиб юрган барча йигитлар келишган, барчаси иқтидорли эди, аммо Ойбек қиламан деган ишидан қайтмасди, қатъиятли эди. Шу қатъият кўпчилик йигитларда етишмас эди... Аслида оилани оила, юртни юрт қиладиган ҳам шу туйғу эди...

— Мана, бекатга ҳам етиб келдик, сиз қайтаверинг, уйингизда керак бўласиз,—деди Ойдин.

— Йўқ, аввал сизнинг троллейбусга чиққанингизни кўрай...

— Троллейбусга чиққаним билан... Бошқа манзилга кетишим мумкин...

— Сиз... троллейбусга чиқсангиз... фақат ўз манзилингизга борасиз, бунга ишонаман...

Ойдин жуда чиройли жилмайди. Троллейбус келди. Ойбек троллейбус зинасига чиқиб Ойдин билан хайрлашди. Йўловчилар, ҳайдовчилар ўзини кўрсин учун шундай қилди. "Бу қизнинг эгаси бор", демоқчи эди гўё... Ойбек қўл силтади, троллейбус юриб кетгач ҳам бир зум изидан термулиб турди. "Ойдин ҳам қараб кетаяпти", деб ўйлади.

— Оғайни, бу бекатнинг номи нима?— деди бир йигит йул четида ғалати бир алфозда турган Ойбекдан.

— Буми? Муҳаббат бекати...

Шамоллар чорраҳасида

— Ойбек, бўлди! Қўлларим ўзимга бўйсунмаяпти!—
Механик қўлидаги темирни бир чеккага қўйиб "тап" этиб ўгирди. — Ҳозир шундай чўзиламану қотаман!

Ойбек Вася Бантушнинг юзига қараб кулгиси қистади, худди негр ролини ўйнаш учун гримм қилинган актёрга ўхшайди: кўзлари ярқирайди, холос.

— Нимага илжаясан?— Ростдан ҳам ётишга ҳозирланаётган Васянинг овозидан ҳам уйқу ҳиди келарди.

— Отеллога ўхшаб қолибсан. Бир амаллаб ўрнингдан тур, оғайни. Уйга бориб чўмилиб одамдай ухлаш керак. Бу аҳволда ётиб қолган билан одам эрталаб ланж уйғонади. Қани тур. — Ойбек Васянинг қўлидан тортди.

Неча ойдан буён шу аҳвол.

Дастлабки яратган двигател аварияга учрагандан буён аввалгидан каттароқ куч билан ишлашга тўғри келяпти. Двигателнинг эҳтиёт қисмлари бирон жойда тайёр ҳолда сотилмайди. Ҳаммасини битта-битталаб қайта ясаш керак. Истеъфодаги зобит йигит Вася Бантуш билан жуда чиқишиб қолди. Ҳарбийда чиниққан механикка Ойбекнинг қушнинг кўзидай келадиган темирчаларни миллиметрлаб қайта-қайта ўлчашлари, "гильза", "поршен" каби двигател қисмларини худди "ҳаво", "сув" сўзидай меҳр билан тилга олишлари завқ бағишларди. Ҳарбийда Ўрта Осиёликлар ҳақида гап кетганда ярим киноя, ярим таҳқир оҳангида гапиришарди. Вася Ойбек тимсолида меҳнаткаш, оққўнгил, гурурли миллатни кашф этди.

Мана, иш якунланаётгандай, аммо Ойбек учун бу битта пиллапоя, холос...

Кечинма

Дунёда энг ёмон кўрган нарсам—иложсизлик. Имконга истагимнинг сигмай қолгани. Мен 3 йилда синову тажрибаларимнинг ҳаммасини тугатишим, ҳимояга тайёр бўлишим керак эди. Аммо 1967 йилнинг ноябри ҳам келдики ишим якунлангани йўқ. Аллоҳ шоҳид, мен ўзимга берилган бу йилларнинг бирон кун, бирон соатини роҳат-фароғат учун сарфлаганим йўқ. Муҳандислик соҳасида "Ички ёнув двигателларини синаш" йўналиши жуда оғир ҳисобланади. Бу соҳага бошини урган одам электроникани ҳам, пневмоавтоматикани ҳам билиши шарт. Керак бўлса пайвандчи, керак бўлса чилангар қиладиган ишни қилиши шарт. Мен бирортасидан қочмасдим. Бирибир, улгурмасдим. Биламан, менга ҳайрихоҳлар кўп. Иқтидоримга ишонувчилар меҳрини доим ҳис қиламан. Аммо Ашот Песоянга ўхшаганлар ҳам йўқ эмас-ку.

Улар улгурмаганимни эшитса, бу хабарни бир зумда дўмбира қилишади: "Ҳа, ҳамма олим бўлгиси келади, лекин бўлавермайди...". Мен уларнинг истеҳзоли нигоҳларини ҳис қилсам устимдан бир челак лой ағдарилгандай бўлади. Ахир, бу ерда битта мен эмас, бутун халқ шаъни ҳақида гап кетяпти. Баъзилар: "Кўпнинг ичида билинмайди, юмалаб юравераман", деб ўйлайди. Лекин ҳар бир талантсиз ёки дангаса ё ор-номуссиз фуқаро ўша миллат учун—яра. Уни тузатмас экан, фасоди очилиб бир жойдан ҳиди чиқади.

...Демак, ҳимоя учун яна вақт олиш керак. Яна Макс Самойлович балогардон. У ректор номидан СССР Олий Таълим Вазирлигига хат қилиб, Ойбекнинг иши давлат аҳамиятига молик эканини таъкидлаб, аспирантура муддатини бир йилга чўзишга рухсат сўраган. Ойбек шахсан вазирга рўбарў бўлди, савол-жавоб қилди. Жавоблари қаноатлантирди шекилли, аспирантура муддати 8 ойга чўзилди.

— Ойбек, ҳали бу яқин тарихда МинВУЗ ҳеч кимнинг муддатини 8 ойга чўзмаган. Энг узоғи билан 6 ойга рухсат бериларди. Бу сен учун бебаҳо имкон,—деди Макс Самойлович. Бу орада Ховаҳдан кейинги домлам Никитин Алжирга жўнаб кетгани учун менга А.Хачиян деган бошқа

доцент бириктирилди. 1968 йил 1 августда ишларим якунига етиб, диссертациямга асос бўлган двигател яратилгач, Хачиянга ахборот бердим. У: "Биз сен билан икки йилдан сўнг учрашамиз, бир йил диссертацияни ёзсан, яна бир йил қайта ишлашга кетади, бемалол Тошкентингга боравер",—деди. Яна ичимдаги "мен"им бош кўтарди. Кўрамиз, ҳали, дедим. Ахир, мен Москвада ялло қилиб юрганим йўқ-ку, ишладим, диссертациямнинг охири бобидан бошқа бобларини ёзиб тайёр қилиб қўйганман-ку!

Шу орада бахтимга Никитин таътилга келиб қолди. Уч кунда, бор-йўғи уч кунда ишимни кўриб берди. Аспиранти ишини ойлаб чўзадиган, таъмагир устозлардан Аллоҳ мени асради.

Макс Самойловичга эса бир ҳафта керак бўлди. У кафедрага таътилдан сўнг қайтган барча ўқитувчиларга Ойбек Қодировнинг илмий иши ҳимояга тайёр эканини айтганда, Хачиян: "Бўлиши мумкин эмас!", деб бақириб юборибдилар. Бўлиши мумкин, домла! Наҳот, сув тўлқинининг қирғоққа урилишидан океаннинг нариги тарафида қуруқлик борлигини башорат қилган ёки ажалдан бошқа ҳамма нарсанинг давосини топган миллатнинг ўгли ўзига ажратилган вақтда диссертация ёзиб тугата олмаса? Ёзади ва сиз ҳали жуда кўп бор: "Бўлиши мумкин эмас", дея ҳайқирасиз ва мумкинлигини кўриб жим бўласиз...

Диссертациямнинг дастлабки ҳимоясида 55 та ватманни тахтага илдим. Уларга қанча кўз нурум, қалб кўрим тўкилган. Ишимда укам Марвар, техник Лиданинг ҳам ёрдамлари бор. Асосийси ишимни ёқлашди, камчиликлар ҳам айтилди. Асосий ҳимояга ишимни деярли ўзгартирмадим, мен 4 йил шамоллар чорраҳасида яшадим, йиқилмадим, аспирант Ойбек эдим. Бу чорраҳадан техника фанлари номзоди Ойбек Қодиров бўлиб чиқдим.

Дядя Айбек...

— Дарахтларни одам фақат гўзаллиги учун яхши кўрмайди. Тўғри, биринчи навбатда унинг ям-яшил япроқлари, гуллари кўзга ташланади. Аммо ҳар бир одамнинг ўз дарахти бўлади. У ўша дарахтни узоқ вақт кучоқлаб турса, жисму жонига куч киради,—деди Галина Ильинична кўкати сийрақроқ жойга катак-катак одёл ёзаркан. Сўнг ҳеч кимнинг жавобини кутмай.

— Серёга, Танюша, узоққа кетманглар, а-у...—деб чақириб қўйди. Ўрмондаги дарахтлардан ҳам "о-у" деган аксадо қайтди...

Ойбек дастлабки диссертация ҳимоясидан сўнг ўзини қушдай енгил сезмоқда эди. Рост, ҳимоя силлиқ ўтмаганидек, ундан сўнг ҳам қизиқ воқеалар бўлиб турди. Унинг ҳужжатларини кўтариб кўришса, "Ички ёнув двигателлари" фанидан номзодлик имтиҳони топширмагани маълум бўлди. Бу Ойбекнинг ишида асосий мутахассислик фани ҳисобланади.

Кафедра аъзолари бу масалани муҳокама қилишар экан, "Имтиҳонни автомат равишда қўйиб бериш керак", деб қарор қилишди.

— Қодиров ҳимояда бу фанни "аъло"га билишини намойиш қилди,—дейишди.

Ўша дақиқада Ойбек бутун миннатдорчилиги, хурсандчилигини биргина "Раҳмат!" сўзига жамлаган бўлса-да, ич-ичида дунёда ҳақиқат борлигидан қувонар эди. Мана бугун домласи Сергей Евдокимович ва оиласи билан ўрмонга сайрга чиқди. Шу оилада Ойбек ўзини жуда эркин сезарди. Рафиқаси барча зиёли рус аёллари каби латофатли, меҳрибон. Болалари-шўх, улар Ойбекни аллақачон ўзларининг "Дядя Айбек"ига айлантириб олишган. Устози эса алоҳида бир дунё. ...Ойбек, умуман, устозлардан ёлчиди. Неча йилдан буён Алжирда ишлаётган бўлса-да, Ойбекка доим: "Менинг аспирантим", деб қаради. Бугун ўрмонга ҳам шунчаки таклиф қилинмагандир, бу инсон бекорга бир сўз айтмайди, бекорга битта қадам ташламайди.

— Бизга нима хизмат бор, Галина Ильинична?—деди Ойбек озиқ-овқатларни саранжомлаш каби майда-чуйда ишлар тугагач.

— Сизлар айланиб келинглар, йил бўйи ишлаганларинг етади, мен сизларни бугун дам олдирмоқчиман,—деди Галина Ильинична майин жилмайиб. Худди онаси, опасига ўхшайди. Ўзи у миллат, бу миллат деган гаплар ўта нисбий ва ўта шартли нарсалар. Ҳамма одам-бир. Агар Ойбекда ихтиёр бўлганда, дунё аҳлини ранги, юз тузилишига, тилига қараб эмас, қалбидан кечаётган туйғуларга қараб тоифалаштирган бўлар эди. Кўрқоқ одамлар, ботир одамлар, хоинлар, садоқатлилар, меҳрибонлар, ёвузлар...

— Миллатларни ажратиш оддий халқ учун керак эмас,—

деди Сергей Евдокимович, худди Ойбекнинг қалбидан кечаётган туйғуларни ўқиб тургандай. Ойбек "телепатия" деб ўйлади. Масалан, бир-биридан минглаб чақирим нарида яшаётган ўзбек билан немис халқининг бир-бирида нима қасди бор? Иккови ҳам меҳнаткаш халқ. Аммо Гитлернинг сиёсати уларни бир-бирига душман қилиб қўйди. Урушда отасидан ажралган, етимлик азобини тортган болалар "немис" деса, бир сесканиб тушади. Шовинистик сиёсат-ҳукмдорларга керак. Улар халқни қўрқувда ушлаш, йўригига юргизиш учун турли сиёсатларни ўйлаб топадилар. Шунинг учун: "Биз ҳаммадан зўр халқмиз" деган сиёсат юрита бошлаган ҳукмдордан қўрқиш керак. Бу сиёсат унинг қуроли, холос. Ойбек домласи билан ёнма-ён қадам ташлайди. Ўрмон-қуюқ дарахтзор, осмон кўринмайди, аллақандай қушлар сайроғи эшитилади.

— Аслида бу гап йўл-йўлакай миямга келиб қолди. Сенга бошқа бир нарсани айтмоқчи эдим. ...Йўқ, аввал бир воқеани эшит. Алжирда Оран университетига кафедра мудири бўлиб ишлаётганимда университет ректори ўз хонасига таклиф қилиб: "Фалончи студентнинг билими қалай?"—деди. Фикримни айтдим. Шундан сўнг ўша студент кўринмай қолди. Бир кун кўчада кетаётсам ёнимга "Мерседес" келиб тўхтади. Қарасам, ўша йигит... "Мен техникага у қадар қизиқмадим. Ўзим қизиқадиغان гуманитар факультетга ўтказиб юборишди. Яхши ўқияпман, сиздан хурсандман", деб раҳмат айтди. Биласанми, бу талаба Оран шаҳри мэрининг ўғли экан...

Ректор адолатли ҳукм чиқарган, мэр уни қабул қилган...

Мен нега сенга бу воқеани гапириб беряпман. Чунки салоҳиятингга ишончим катта. Фаолиятинг олимлик даражасида тўхтаб қолмаслигига ишончим бор. Ахир қачондир, қайдадир талабалар тақдири сенга боғлиқ бўлиб қолса, ҳамма нарсани адолат мезонига солиб, сўнг ҳукм чиқар. Илмни, олимликни фақат роҳат, фароғатда яшаш учун хизматкор қилма! Халқнинг, миллатнинг равнақи учун воситачи қил... Ойбек, домлам эзма бўлиб қолибди, деб ўйлама. Одам барибир Худо эмас, банда. Иккиланган, аросатда қолган пайтлари бўлади, шунда мана шу бугунги тоза табиатни, сайримизни, гапларимни эсла... Ҳозир руҳинг қанчалар осойишта, ахир, сен ўз кучинг, имкониятинг билан олим бўлдинг... Виждонингда кир нарса йўқ. Бир умр шундай яшасанг, ҳеч бўлмаса, шунга интилсанг...

Ойбек Сергей Евдокимовичнинг бирорта сўзини эшитмай қолишдан кўрқарди, ўзини тияр эди. Чунки, бу ўзининг ҳам ҳаёлидан кечадиган гаплар. Аммо, дунёда катта нуфузга эга бўлган олимнинг шундай дейиши, "Этагингни силки-да, яша, бу дунё ўткинчи, мазза қилиб қол", демагани, "қийналиб бўлса-да инсондай яша!" дегани Ойбек учун унутилмас сабоқ эди.

Ойбек ҳўл кўкатлар узра тиз чўккиси, дунёда шундай илм кишилари борлиги учун Аллоҳга шукрона айтгиси келарди...Аллоҳга шукрона...

Мақтабда атеистик руҳда тарбияланган Ойбек Москвага келиб, бир дўсти—афғон талабаси Тоҳирдан (Афғонистон шоҳи Муҳаммад Зокир шоҳнинг жияни) рус тилида чоп этилган Қуръони Каримни олиб ўқиган эди...Ўқиб, бир қадар уқиб бу муқаддас китобни нега маън қилинганини ҳам тушунган эди.

Кимки мусулмонларни эътиқодидан айирмоқчи бўлса, Қуръони Каримни маън этади. Маън этиш зомбига айлантиришнинг бир йўли...

— Нега жим бўлиб қолдинг, қийин вазифа қўйдимми?

— Йўқ, Сергей Евдокимович, инсон олдига катта мақсад қўйиши керак. Мен боласини ғилдирак тагидан тортиб олиш учун неча тонналик машинани кўтариб юборган аёл ҳақида ўқиганман. Агар инсон астойдил интилса, Оллоҳ унга фавқулодда куч бахш этади...

— Балли! Мен сенга ишонаман!

— Дядя Айбек, Ай-б-е-ек, пап, па-па...

Узоқ-узоқлардан садо келди. Устози кулимсиради:

— Қўзиқорин кабоб пишди, шекилли, болалар бизни ахтаряпти, қайтамыз...

Ойбек устозининг тирсагидан тутди. Бири илмнинг баланд-паст чўққиларини кўрган, бири энди илм йўлига кирган икки кишининг ёнма-ён кетаётганини узоқдан кузатган одам уларнинг дини, тили, миллати ҳақида ўйламасди. "Қанчалар яхши бирлик, биродарлик", дерди, холос.

Мени "Синтия" деди

У 22 та овоз олибди! Москвада техника соҳасининг "манаман" деган олимлари орасида энг мураккаб мавзудаги диссертацияни ҳимоя қилиш, 22 та овоз олиш менинг

назаримда, Москвадаги русларнинг Ватерлоо жангидаги ғалабасига тенг ғалаба эди. Мен шу тун деярли мижжа қоқмадим. Ҳимоя олди муҳокамаси яхши ўтганидан хабарим бор эди. Аммо ҳимояда ҳар нарса бўлиши мумкин. Ўз-ўзимга: "Ойдин, ўзингни бос, Ойбекнинг кўрқадиган жойи йўқ, ишининг ҳар бир нуқтаси ишончли", десам ҳам юрагим ақлимга бўйсунмас, "Художон, тилини бурро, ақлини ўткир қилгин, душманлари йўғу агар бор бўлса кўзини кўр, қулоғини қар қилгин", дея бир пайтлар ойимдан эшитган дуоларни тақрорлардим. Унинг синглисининг қиз базмидан сўнг... негадир ўзимни доим унинг ёнида тасаввур қила бошладим. Аслини олганда, биз Москвада деярли алоҳида учрашувларга чиқмасдик, бунга имкон ҳам йўқ эди. Фақат бир марта икковимиз "Килиманжаро қорлари" деган машҳур француз фильмини томоша қилдик. Мен ўзимку бир пайтлар актриса бўлишни орзулаган, ашулалар хиргойи қилиб юрадиган хийлагина ўзига хос қиз эдим, бунақа лирик лавҳали кинолардан таъсирланишим турган гап. Аммо Ойбек кўзимга ўта реалист-теран одам бўлиб кўринарди: "Ўша француз фильмини томоша қилаётиб ниҳоятда нозик ҳиссиётларини сездим... кинодан сўнг у мени фильм қаҳрамонининг исми билан Синтия деб атай бошлади... Бу унинг ўзига хос қалб изҳори ҳам эди...

...Шулар сабабли диссертация ҳимоясига унинг қариндош-уруғлари, опаси, поччаси, амакиси ва укаси... келганлари учун ўшалар олдида юришга уялдим. Худди: "Мен ўша Ойбекка ёқадиган қизман...", дегандай чиқмасин, деб узоқдан кўришиб Ойбекнинг кўзи менга тушишини кутиб турдим-да, кўзи тушгач, бор тилагимни нигоҳимга жамлаб узатдим, назаримда, у мени тушунди... Бунинг устига бир ҳафтадан сўнг ўзимнинг ҳимоям эди... воқеаларни ҳикоя қилишда мен сал илгарилаб кетдим...

Ойбекнинг қариндошларидан ўзимни тортиб туришимга бошқа бир жиддий сабаб ҳам бор эди. Мен охириги йилларда тадқиқотларимни якунлаш учун кўпроқ Тошкентда бўлдим, чунки, диссертациямнинг тадқиқот объекти Ўрта Осиё дарёлари эди. Биз Ойбек билан хат ҳам ёзишмасдик, кўнғироқлашмасдик ҳам, аммо бир-биримиз олдида ички бир мажбурият сезардик. Мен ёз бошларида ишимни домламга кўрсатиб ўтиш учун Москвага келдим... Ҳар гал дугонам Юлиянинг хонасига тушардим, аммо бу гал йўқ экан... Москвада энг ишончли танишим—Ойбек. Унинг бир

афғон дўсти ўз ватанига кетган, хонаси вақтинча бўш экан. Ойбек ётоқхона комендантдан мен учун бошпана бериб туришни илтимос қилди. Албатта, у пайтда ётоқхоналарда яшаш тартиби жуда қаттиқ эди. Аммо комендант Ойбекка ишонгани ва мени танигани учун бу илтимосга кўнди. Биз шу пайтгача Ойбек билан доим дўстлар қуршовида учрашар эдик. Ёлғиз қолганда ҳам асосан диссертациямиз атрофидаги изланишлар, муаммолар ҳақида суҳбатлашардик. Бир-биримизга ёрдам берардик. Бу гал... биз илк бор юрагимизнинг туб-тубига гавҳар тошдай бекитиб қўйганимиз—муҳаббат ҳақида суҳбат бўлади. Менга вақтинча берилган хонада дераза олдида столни суриб, Ойбек билан рўпарама-рўпара ўтирибмиз, деразадан акация дарахтининг ўткир ҳидлари димоққа урилади...

— Мана, ишларимиз ҳам якунланай деб қолди, яқинда икковимиз ҳам Тошкентга қайтамиз,—деди Ойбек. Мен унинг нигоҳларидаги ифодага ўрганиб қолганман. Агар қорачиқларига ҳаяжонли, сирли бир чўғ қалқса, демак, у ҳозир илм, сиёсат ҳақида гапирмайди... юрагим уриб кетди. Чунки қорачиқларида ўша чўғ суратини кўргандим.

— Ҳа... дедим ҳаяжондан титраб.

— Ойдин, биламан, атрофингизда айланиб юрган йигитлар кўп. Тошкентда ҳам, Москвада ҳам. Эҳтимол, улар орасида мендан бадавлат, мендан ақлироқлари ҳам бордир... "Шу қизга уйланмасам, йигит эмасман", деб қасам ичганларни ҳам танийман. Аммо мен сизни ҳеч қайсисига бермоқчи эмасман!...

Ойбек бирданига шундай деди. Эҳтимол "Кўнглингиз кимда?" "Яна шунга ўхшаш гапларни гапирса... менда ҳам ҳар хил жавоблар бўлиши мумкин эди. Аммо "Мен сизни ҳеч кимга бермайман!"дан сўнг мен бу йигитга нима дея олардим? Ҳа, ошиқларимнинг дўстлари ҳатто Ойбекка: "Ойдиннинг фалончи билан "ўпишиб турганини кўрдим", деб ҳам айтишган. Аммо Ойбек ҳар доим Ойбек эди. У ўзини академиклар қаршисида ҳам, туҳматчилар қаршисида ҳам йўқотиб қўймасди... Агар бошқа миллатнинг қизи бўлганимда: "Менга ҳам сиздан бошқаси керак эмас", дердим... Аммо мен тирноғимдан сочимгача ўзбек эдим... Жим қолдим, хонада фақат икковимизнинг нафас олганимиз эшитиларди.

— Эсингиздами, Абдулла Қодирийнинг "Меҳробдан чаён" романида Анвар Раънодан "Қачон тўй қиламиз?",—деб сўрайди...

— Раъно: "Шундай юраверайлик", дейди...

— Аммо Анвар жуфтликнинг ҳаёт қонуни эканини, бу қонунни бузишга бандаларнинг ҳақсиз эканини айтади. Мен ҳам сизга Анварнинг саволини бермоқчиман.

— Мен Раънонинг жавобини айтсам-чи...

— Биз Анвар, Раъно эмас. Ойбек, Ойдинлармиз. Баҳор... яхши. Аммо ўзбекнинг тўйи учун куз яхши. Пишиқчилик— леда Ойбек...

Яна жимман. Юрагимнинг туб-тубида сўзлар мавжланиб, кўпириб ётарди. Аммо қайси бирини айтсам ҳам, сўзим туйғуларимдан кучсизга ўхшарди. Ойбек қандайдир сўзни кутарди мендан. Ахийри:

— Сиз ҳаммадан яхшисиз,— дедим...

Биз тун бўйи хонада қолдик. Илк бор мен унинг қўллари, ҳароратини қўлларимда, юзларини юзларимда ҳис этдим. Мен йиллар давомида асраган ҳиссиётларимни унга ишондим. Аммо Ойбек чиндан ҳам дунёдаги энг яхши йигит эди, у фақат икковимиз қолган, балоғатга етган йигит-қизнинг орасида ҳар қандай воқеа содир бўлиши мумкин бўлган тундан ҳам тонгга тонгдай оқ ва пок олиб ўтди. Биз севгига интиқ, севгидан бахтиёр ошиқ-маъшуқлар эдик, холос.

...Ўша кечадан сўнг диссертация ҳимояси куни "лип" этиб кўриндим у қочдим. Зиёфат ҳақида дўстлардан эшитдим. Ширингина ўтириш бўлибди. Ўзбекча ош, узум, қовун, сомса, патирлар...

Мен ўз хонамда бокалга лимонад тўлдирдим-да, "Ойбек, бегим менинг, сизнинг муваффақиятингиз учун", деб ичиб юбордим. Ва "Салом билан Синтия", деб қўшиб қўйдим. Бу менинг ўзига хос табригим эди...

...Эртаси мени кутилмаганда Ойбекнинг Бахтия опаси йўқлаганини айтишди. Ҳаяжонланганимни кўрсангиз, "Нега йўқлади экан, Ойбек бир нарса дедимикин? "Ўзимизнинг кўз остига олганимиз бор", дейишса-я?", деган турли хил хаёлларга бордим... Мен Ойбекнинг опаси билан 1965 йил ёзида уларнинг укаси Марвар ҳарбий хизматдан қайтганда учрашган эдик. Ўшанда биз Марварнинг армиядан соғ-омон қайтганини йўқлаб боргандик. Ёнимда ойим ҳам бор эди. Ойбекнинг ойиси жуда яхши кутиб олган бўлсалар-да, юз-кўзларида бир хавотир ҳиссиётини сезган эдим. Кейинги кўрганимизда Ойбекка:

— Ойингиз бизни ўғлимга совчи бўлиб келди, деб хавотир олдилар, шекилли, десам, у:

— Совчи келишига арзийдиган йигит эмасманми?—деб ҳазилга олиб қўйди. Опасини ҳам ўшанда кўргандим. Ҳамма опалар каби жонсарак, куюнчак эди. Айниқса, поччалари Ойбекка худди отадай меҳрибонлиги ҳавасимни келтирган эди. Опаси нега йўқлайди?

... Борсам, Бахтия опа эри билан Москвани айланмоқчи экан, Ойбекнинг эса кечаги диссертация банкетидан сўнг сал мазаси қочибди.

— Кеча ўртоқлари қўярда қўймай бир рюмка коньяк ичирганди, оғирлик қилди, ташлаб кетгани кўнглим бўлмапти, қараб турунг...деди Бахтия опа. Москвада тошкентлик қизлар кўп эди. Аммо Бахтия опанинг мени чақирганида бошқача бир мазмун бор эди. Демак, фақат унинг ўзи эмас, оиласида ҳам менга мойиллик бор... Тақдир деганлари шуми? Чиндан ҳам менинг тақдирим шу тиришқоқ, илмда ушлаганини узмай қўймайдиган йигитми...

Яқинлик

— Болам, кўзларинг киртайиб кетибди. Сўнгги йиллардаям бир оёғинг Москвада бўлди. Мусофирлик бирибир мусофирлик-да. Бунинг устига Москванинг дўконларида ҳар нарса бўлгани билан бир тишлам буғдой нонининг қувватига не етсин, ол, катта-катта тишла, болам... Энди... ўзингниям ўйла. Бундай... сал дам ол. Қоғозга термулавериб кўзингнинг қоралари оқарди... меҳнатларинг роҳат бўлсин, Ойбекжон...

— Сизга шунақа туюлаётгандир, ойижон. Москвадаги шунча муваффақиятлардан сўнг, қанчадан-қанча зўр олимлар табриги, эъозларидан сўнг одам чарчадим деса, уят бўлади... Энди биринчи синфда "Алифбе" ўқитган устозимдан тортиб, мени илмга йўллаган, ишонч билдирган Оқил Умрзоқовичнинг, Москвадаги барча домлаларимнинг ишончларини оқлашим, ишимни давом эттиришим керак...

— Яна кечалари билан ухламай ёзиб-чизиб чиқасанми, болам? Яна Москва, Ленинград деб йўл қатнайсанми? Аслида сен билан фахрланаман, болам. Ахир, тўрт мучали бут бўлатуриб "А"дан "Б"нинг фарқини билолмайдиганлар қанча! Йигит боши билан бировга югурдаклик қилиб, бировнинг пальтосини, шляпасини кийдириб, шунга кун кўриб

юрганлар қанча! Худойимга шукур. Йигит ёшингда катта-катта илмли кишилар қаторида юрибсан. Ишинг-тайин. Ўзинг ўқиган даргоҳга ишга келдинг. Нон-тузда ҳикмат кўп, ўғлим. Нон-тузни оқлаганларни Аллоҳ ёқлайди. Аммо онаман-да, жоним ачийди, озми-кўпми ҳаёт неъматларини ҳам тотсанг, дейман... Нима демоқчилигимни тушунгандирсан...

— Албатта, ойи... Кўнглимни биласиз, Бахтия опам айтгандир, ўзингизга ҳам маълум...

— Болам, бу—умр савдоси. Албатта, мен сендан бу борада ҳам мингдан-минг розиман. Ахир сен билан Москвага кетганларнинг қанчаси ўша тарафлардан уйланиб қайтди. Тўйсиз, никоҳсиз."Вечер" деган нарса қилиб... Шукур, сен обрўйингда келдинг. Буям менинг бир давлатим. Кўнглингни сезиб юрибман.Ойдин ҳам онасидан узоқда бўлса ҳам, покиза бўлиб, илм қилиб, юзининг қизили сўлмай қайтиб келди. Бу-осон гап эмас. Ахир, у ёқларда эрга тегиб кетганлар уйланганлардан ҳам кўп. У қизнинг оиласигаям қарши жойим йўқ. Опаси борган жойида тинган. Онаси ёлғиз боши билан оти, обрўсига гард юқтирмай юрибди. Аммо бир "лекин"и бор, Ойдин қиз сенга тенгдош, ёшдаям, илмаям. Бизда хотин кишининг сал пастроқ бўлгани яхши. Мен Ойдин эртага нописанд бўлади, демоқчи эмасман. Аммо бизда йигитлар доим ўзидан ёшроғи, ўзидан пастроғини излаган. Бу—бежиз эмас. Шунда аёл аёллигини йўқотиб қўймайди, эрига ҳамиша суянишга эҳтиёж сезади.

— Ойи, биз бир-биримизга суянаверамиз... Яхши қиз... Ақлли...

— Чиройли, келин деса, дегудай... Фақат яна бир яхшилаб ўйлаб кўр. Акангда кўйдим. Акангнинг ҳам олим бўлгулик салоҳияти бор эди. Хотинининг ичи торлигидан юзага чиқолмади. Сенинг жуфти ҳалолнинг ўзингга муносиб бўлсин. Худойимдан туну кун шуни сўрайман...

— У муносиб, ойи. Совчиликка бораверинг, нега иккиланасиз, кўнглингиз чопмайдиган жойи борми?

— Йўқ, кўнглим-ку чопади. Бизнинг яхши-ёмонимизга кўниб кетармикан? Хийла ўз сўзли, ўзига ишонган қиз, гаплариям дадил-дадил кўринади...

— Ойижон-ей, илм қилган одам секин гапирса, гапига биров ишонмайди. Кейин уям осмондан тушган эмас, ўзимиздай қаттиқчиликда ўсган, кўнади... Қолаверса, аҳду паймонимиз бор...

Ойбек кўпдан буён онаси билан бунча узоқ суҳбатлашмаган эди. Ҳозир ёнма-ён ўтириб, сўрида чой ичишар экан, ҳув болалик дамларидагидай бошини ойисининг тиззасига қўйиб ётгиси келди. Меҳрибонининг хавотирлари унга тушунарли эди. Аммо қалбини ҳам онаизори тушунаётгани аниқ эди.

— Ўзинг биласан, болам, бугун десанг бугун борамиз совчиликка...

Ойбек индамади, онасининг елкасига бош қўйиб эркалангиси келди. Аммо... хижолат бўлди. Бор меҳрини кўзига жамлаб бир қараб қўйди, холос.

Кузда баҳор қувончи

Ойбекка Ойдин доим кучли, жасур қиз бўлиб кўринарди. Баъзан унинг эркаклар ҳам эплей олмай юрган мавзуда диссертация ҳимоя қилганларини эсласа "Ҳа, қадим тарихимизда босқинчи Доронинг бошини қонли мешга тиқиб: "Мана, энди қонга тўй", деган Тўмарислар ҳам мана шу Ойдинга ўхшаган бўлса керак", деб ўйларди. Гоҳ уни рус генералининг ўзи "генерал" унвони билан тақдирлаган Қурбонжон додҳо, гоҳ золимликда донг чиқарган амирнинг қулоғига қўрғошин куйган Кенегасбегимга ўхшатарди. Аммо бугун тўй куни барча ўхшатишлари шамолга учиб кетди. Ойдин Муқаддир бойвачча-урушга ем бўлган дадасидан қолган ҳашаматсиз кулбага "ёр-ёр" билан келинчак сувратида қадам қўяр экан, Ойбек унинг сиймосида масъума бир малакни, фариштани кўрди. Ойдинни кўргани борган совчилар бекорга уни "Сухсурдеккина экан" демаган... Совчиларга бироз нуқсондай туюлган озғинлиги ҳам бугун куёв боланинг кўзига кўрк бўлиб кўринди. Шу озғинлиги уни янаям нозиклантириб кўрсатарди. Мана, у қумри қушдай беозоргина бўлиб диваннинг бир бурчагида ўтирибди.

Хотинлар, мезбонлару меҳмонлар қий-чув қилиб айвонга кириб олишган.

Эрталаб ош берилган кун ҳаво чарақлаб турган эди, кечга тўй базми соатлари яқинлашганда бирдан жала қўйиб юборди... Аммо шабадасининг эсишига қараб эртанги куннинг об-ҳавосини беҳато айтиб берадиган Ҳамидулло почча ҳовлига брезент туттирди. Худди кутилгандай, эртасига тўй базми куни Сойиб Хўжаев тўйни бошлаши билан ёмғир аста томчилай бошлади. Ҳар бир ҳаракатдан кулги чиқарадиган сўз устаси:

— Келин бола қозоннинг қирмочини кўп ялаган экан, хафа бўлмайсизлар,—деди...

Ойбек аввалига "Шундай донгдор артистни ким айтди экан?" деб ҳайрон бўлди. Ҳатто Ойдин: "Сойиб Хўжаев танишингизми?"—деб шивирлаганда: "Йўқ", деб юборишига оз қолди. Сўнг сир бой бермай, бош қимирлатди. Ойдиннинг саволини дўсти Рихсивой эшитган шекилли, секин келиб: "Салоҳиддин ака олиб келибди, тўёна", деб қўйди...

... Ойбек ана шу Москвада орттирган (уям Москвада ўқиган) олим дўсти Рихсивой билан бу йил ўзи ўқиган, энди ишга келган, политехника институтининг механика факультетида қабул комиссиясида ишлаган эди.

Рихсивой котиб, Ойбек ўринбосар бўлиб астойдил ишга киришганда Салоҳиддин ака—институтнинг ҳурматли доцентларидан бири ёш олимлардан бир қизга ёрдам бериб юборишларини сўради. Йигитлар сал-пал қарашиб юборишди. Мана ўша қиз бугун Ойбекнинг тўйида ўртани қизитган ажойиб комик актёр Соиб Хўжаевнинг қизи экан...

— Нимага куласиз?—деди Ойдин актёрнинг "ўғилларингиз футбол командаси, қизларингиз "Баҳор" дастаси бўлсин", дея тилак билдирган гапларини эслаб беихтиёр жилмайиб ўтирган Ойбекка қараб:

— Ўзим...шундай...

— Сиз ҳеч қачон ўзингиздан ўзингиз кулмайсиз, айтасиз сабабини... негадир ўжарлик қила бошлади Ойдин.

— Сизни "ПАЗ"да ЗАГСга олиб борганимни эсладим...

Ойдин ҳам жилмайди. Сўнг иккови бирга қотиб-қотиб кула бошлашди. Ҳақиқатан, тўйдан анча олдин ҳам, тўйга яқинлашганда ҳам қизиқ хангомалар бўлди. Одамларнинг орасида яхшиси кўп бўлгандай, ёмони ҳам оз эмас. Унашиб, фотиҳа қилишгач, кимдир: "Ойбекни ичкуёв қилишни мўлжаллашяпти", деган гап топиб келибди. Оғир-вазмин Ҳожиябону ая ҳам бирдан тутақиб кетди. "Мен боламини бировга бериш учун ўқитганим йўқ, бизнинг уруғдан ҳали ҳеч ким келинига эргашиб кетмаган", дея дийдиёсини бошлади. Бу "миш-миш" Ойбекка ҳам малол келди. Табиатан ориятли Ойбекнинг гурури яна ҳам баландлаган кунлар эди, ахир. Чунки марказда муваффақиятли ўқиш, ўз соҳасининг пири бўлиб кетган олимлар эътирофига сазовор бўлиш Ойбекка ўзгача бир қаноат, шахду шахдамлик бахш этганди.

— Ойи, хавотир олманг, ичкуёв бўладиган бўлсам, сочининг толаси тиллодан бўлсаям уйланмайман,—деди... Она эмасми, бу гапни қўшнисига айтди, қўшнисига... Девор ошиб бу гап қўшилиб-чатилиб, шишиб Ойдинларникига етиб келди.

Унинг ҳам ойиси:

— Вой-вой ҳали мен қиз бердиму Муқаддир бойваччанинг беваси ноз қилдими? Кўчада қолган қизим йўқ. Ўша йигит айтган сочининг ҳар толасига минг бир харидор..деди. Ойдинга ... ҳам Ойбекнинг гапи қаттиқ тегди... "Ўзимдан сўраса бўларди-ку... Кўнглимни биларди-ку..." деб ўксинди. Ўзича аразлади:

— Ойи, ким сўраса, бериб юбораверинг, "ўлиб" қолмасман шу йигитсиз,-деди. Онанинг юраги ҳамма нарсани сезади. У қизининг шу йигитсиз "ўлиб қолмаса" ҳам бундайроқ ҳолга тушишини тасаввур қиларди.

— Қизим, қизишма. Сал ўзини босиб олсин. Агар тақдир пешоналарингга бир-бирингни ёзиб қўйган бўлса, барибир тўй бўлади,—деди...

Ойдин ҳамма нарсани унутиш учун ишга шўнғиди... Аммо ҳар куни янги гап эшитарди. "Ойбекнинг ойиси эски шаҳарлик бир қадрдониникига совчиликка борибди", "Ойбек унаштирилаётган эмиш"... Бу гапларни эшитган тунлари баъзан мижжа қоқмасди... Хаёлан минг кўчага кириб чиқар, йиғлар, "Наҳот мени шундай ташлаб кетаверса?", деган аламли сўроқда ўртанар, шу сўроқ ўтларида куярди. Йўқ, бўлмади. Кунларнинг бирида оёғи (балки, юрагидир) ўз-ўзидан Ойбекнинг ишхонасига юрди... Рихсивой ҳам бирга экан, олдида чизмалар, русча дарсликлар... Ойдин салом бериб кирди. Рихсивой шошиб-пишиб сўрашди-ю, чиқиб кетди.

— Нима қиляпсиз?—деди Ойдин гўё шуни билишга келгандек.

— Дарсликлар таржима қиляпман... Биласиз, Москвада бошлаганман. Бу ерга келиб ўзбекча дарсликлар камлигини билиб қолдим... Келинг, ўтиринг. Нега турибсиз?—деди Ойбек...

Ойдин йигитнинг рўпарасига ўтирди... Кўзлар кўзга тушди... Иккови ҳам бир-бирини беҳад соғинганлигини ҳис этишди.

— Ойбек... Ойдин гап бошлаганди, Ойбек бармоқларини унинг лабига қўйди:

— Керак эмас, Ойдин, эртага ойм сизларникига боради...деди.

...Ҳозир жалада қолган тўйхонага иккови бахтиёр қараб ўтиришар экан ўша лаҳзаларни ҳам эслашди. Икковининг ҳам кулгисига куч берган ЗАГС ҳангомаси эса бундай бўлганди: одатда йигитлар келинчакни ЗАГСга олиб бориш учун енгил машиналарга буюртма беришади. Ойбек факультетдаги автобусни сўради, "тир-тир"лаб зўрга боришди. Бори шу эди-да.

Ойдин ясаниб дугоналари билан чиқди-да "ПАЗ"ни кўриб галати бўлиб кетди. Эҳтимол, куёв бошқа йигит бўлганда:

— Торт аравангни, қадрим шу бўлдимиз?—дерди. Аммо автобусни Ойбек олиб келган эди. Дунёнинг энг яхши йигити... Шунинг учун ундай дея олмасди. Автобусга чиқди...

— Сиз ўшанда атайлаб шалоқ автобус олиб бордингиз-а, қани Ойдин чиқармикин дедингиз-а,—деди Ойдин сирли эркалик билан.

— Й-ў-қ, ўлай агар, умуман ҳеч нарсани ўйлаганим йўқ. Ҳаёлга келгани шу бўлибди. Хафа бўлдингизми?

— Сал... қизлар олдида уялдим, маҳаллам...

— Қўяверинг, ҳали сизни маҳаллангизга иномаркаларда олиб бораман,—деди Ойбек ва Ойдинга яқинроқ ўтирди. Бу узоқ, жуда узоқ давом этажак яқинликнинг ойдин остонаси эди.

Ҳижронларга бас келиб,
Дош бериб фироқларга,
Бир-бировга дил тутиб,
Аҳду-паймон боғлаган
Ошиқлар тўйи бугун.

ИККИНЧИ ҚИСМ

Бахтнинг ўзи келмайди

— Келинимнинг қўли ширин. Булбулнинг кўзидай қийма билан бир сиқим гуручдан бир ажойиб мастава қилади.

Ойбек дастурхон попугини ўйнаб ўтирар, кулимсираб ойисининг алқашларини эшитиб, роҳат қиларди. Ойиси ажойиб-да, яқингинада, ҳатто, тўй арафасида ҳам "Шунча йилдан буён қозон-ўчоқ кўрмай исталовойларда овқатланиб юрган қиз бўлса... ишқилиб, уйини эплармикан?"— дея хавотирланиб юрган эди. Бирпасда ўзгарди қолди. Келиннинг сулувлигини, нозик-ниҳоллиги, ўғлига қўйиб қўйгандай мослигини айтиб бир мақтанса, пазандалиги, озодалигини айтиб икки мақтанади.

— Сиз ўзингиз яхшисиз-да, ойи, шунинг учун келинингиз ҳам яхши,— деди Ойбек.

— Ўзи қадами қутлуг келди. Ахир тўй ҳафтасиёқ олимлигининг қоғози ҳам келди-я... Ҳали-вери келмайди, дегандинг, кўраманми, йўқми, деб баъзан юрагим увишиб кўярди. Худога шукрки, бирпасда келди...

Ойбекка онасининг содда, самимий мулоҳазалари ёқарди. Ҳақиқатан ҳам Москвадан ОАК(Олий аттестация комиссияси) дипломи тўй ҳафтасида келди. Ойбек Муқаддирович—техника фанлари номзоди.

У бундай дипломни олишини биларди, аммо ростдан ҳам бунча тез келади, деб кутмаган эди.

Кутубхонада уйқусиз ўтказган кечалар, том-том китобларнинг чангини ютиб, бир-икки жумла маълумот топиш учун мук тушиб ўтирганлари, қайта-қайта чизилган чизмалар, бир нуқта кўзининг қорасига айланиб кетган тунлар, кунлар...

Заводдаги ва лабораториядаги синовлар, хавотирлар, адашишлар, муваффақиятлар қувончи ҳамма-ҳаммасининг эвазига келган диплом тўй қувончларидан, йигитликнинг гуруридан баландлаган қалбига янги қувонч қўшди. Ҳозир дастурхон атрофида ўтириб Ойбек шуларни яна бир карра хаёлдан ўтказди. Ишхонасида ҳафта бошида кўнглига тушган, ғамлик бироз тарқалгандай бўлди...

...Ўчоқ боши юмушларидан бўшаб Ойдин ҳам дастурхон ёнига келиб ўтирди. Чойни янгилаб, қайнонаси, сўнг

Ойбекка чой узатди. Ойбек ғира-ширада Ойдинни кўз остидан кузатар, "тезроқ бўлинг", дегандай имо қиларди.

— Чарчадингиз, болам, кичкина ҳовли бўлсаям, иши икки-уч одамни чарчатади, дам ола қолинглар,—деди Ҳожиябону. "Ўзимнинг онажоним, ақлли ойижоним...". Ойбек пиёладаги чойнинг ярмини ичиб, ярмини сабрсизлик билан сўрининг пастига сепди-да туриб кетди...

— Бунча қолиб кетдингиз? Ойим рухсат бергач келавермайсизми. Ишни тоза, лекин секин қиласиз-да,—деди Ойбек Ойдинни диванга ўтқазиб, ўзи унинг пойига чўккалади.

Тиззасига бош қўйди.

— Ҳовлида яхши ўтирасизу, хонамизга кирдик дегунча сизни нималардир қийнай бошлайди, шундайми?—деди Ойдин эрининг сочларини оҳиста силаркан...

— Иш барибир хаёлимдан кетмаяпти, Ойдин... Мен олим бўлиб келаман-у, бугун тўплаган билимимни ёшларга бераман, қийинчилик бўлмайди, деб ўйлагандим. Аммо келишимданоқ...

Ҳа... келишимданоқ бу илм даргоҳида ишлаб кетиш, илмий ишини давом эттириш осон бўлмаслигини ҳис этди. Ёзда-ку дўсти Рихсивой билан қабулни унга ишонган эдилар. Ҳаммаси яхши яқунланган эди. Ҳеч қандай ишқал чиқмаган эди. Аммо дарслар бошлангач, Ойбекдан сал олдинроқ ёқлаган белоруссиялик бир домла:

— Мошованинг кучи билан узоққа бориб бўлмайди, Москвада ёқласа, домласи академик бўлса нима қилибди... Кўнам Салимовга орқа қилавермасин. Мен белорусман. "Оқ рус" дейишнинг ўзи имтиёз, деганмиш...

Ойбекнинг дили оғриди... Йўқ, бирон нарсадан чўчигани йўқ, ўз билими, имкониятларига ишонарди, фақат бу ўқитувчининг истехзоли нигоҳи дилига оғир ботди. Ўша куни кайфиятсиз келди. Кечқурун ёлғиз қолганларида Ойдин: "Нима бўлди?" деб сўрайвергач, бир учини чиқарганди, бугун яна ўша мавзуга қайтпти.

— Э, қўяверинг...бир одамнинг гапи бирон нарсани ҳал қилармиди... Айтди-қўйди-да... Оқил Умрзоқович сизга устозлик қилган, бўлсалар, бунинг нимаси ёмон?

— Гап Оқил Умрзоқовичда эмас, Ойдин. Шу армани, еврей, грузиялик, белорус, тошкентлик, андижонлик деган гапларни ким ўйлаб топаркин? Бари одам бир эмасми? Агар

қачондир бирор кулфатга дуч келсак, сабаби мана шундай аҳмоқона айирмачилигимиз бўлади. Мана, мен Москвада қанча зўр олимларни кўрдим. Ростислав Павловични биласиз—техника фанлари доктори, профессор, полковник. Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси, Киев политехника институтини Тошкентда тугатган, уруш пайтида бизда бўлган-да, бу институт... Урушдан сўнг Бронетанк Академиясида ёш зобитларга дарс берганлар, МАМИда "Автомобил ва трактор двигателлари" кафедраси мудири. У кишига мен ҳам, киевлик ҳам, москвалик ҳам барибир. Калласи ишласа, виждонли бўлса бас!

Ёки ўзимизнинг Ўткир ака Икромовни олайлик... Қанақа зўр одам! Техника фанлари номзоди: Москвада ёқлаган, ҳозир ТошПИда проректор, шу одамдан ҳам: "фалончи фарғоналик, писмадончи қашқадарёлик" деган бир оғиз гапни эшитмаганман. У инсонларнинг инсонийлиги, салоҳияти ва виждонига қараб баҳолайди,—Ойбек худди хотини—ёш келинчак ёнида эмас, майдонда нутқ сўзлаётгандай қизишиб гапирарди.

— Демак, ким ўзи сирти ялтироқ, ичи қалтироқ бўлса, шунақа исқирт фалсафа тўқийди. Ойбек, сиз унақалар билан олишиб гапига гап қайтариб юрманг, ўзингиз асабийлашасиз. Яхшиси, мазза қилиб ишланг. Чангингиз, донгингизда қолиб кетсин ўшалар!—Ойдин Ойбекнинг бошига энгашди. Ойбек хушбўй, муаттар ҳидни ҳис этиб, боши айланди, кўзи тинди.

— Ҳақиқатдан ҳам, мазза қилиб яшайлик, қуриб кетсин ҳаммаси!

Дераза ёпилиб, пардаси туширилди, эшик зич ёпилди.

Сен тегмасанг, сенга тегишади

Ойбек савол бериб, талабаси тўғри жавоб қайтарса мазза қиларди. Пешонаси дўнг, юзлари куёшда қорайган оддий қишлоқ йигити. Нар и борса, Ойбекдан 5-6 ёш кичикдир. Армияга бориб келгач, ўқишга кирган бўлса керак, жавоблари аниқ-аниқ эди, чайналмасди.

— Отангизга раҳмат, ука,—деди Ойбек талабасининг исмини айтмай "ука"лаб. Уни ўзига жуда яқин ҳис этганини бу содда, самимий йигитга билдиргиси келди.

— Отамни Худо раҳмат қилган бўлсин. Сизнинг алқашингиздан руҳлари шод бўлса ажабмас,—деди йигит

салмоқдор овозда. "Отаси ўтиб кетган экан-да, худди менга ўхшаб ўзига ўзи суяниб яшаётган экан".

— Узр, билмабман, хафа бўлманг, ҳаёт ҳар кимга ҳар хил қисмат беради. Менинг ҳам отам болалигимда вафот этганлар, чеҳраларини эслай ҳам олмайман,—деди Ойбек худди имтиҳон олмаётгандай, мана бу йигит билан шунчаки суҳбатлашиб ўтиргандай...

Талаба "5" баҳосини олиб хурсанд чиқиб кетди... Ойбек учун бу одатий воқеа эди. У "домла" деган ёрлиқ билан тўрга чиқиб ўтиришни, талабаларга баланддан қарашни истамас эди... Отаси ўлган йигит билан имтиҳон орасида қуш қўним фурсатида "ҳасратлашгани" ҳам эсида йўқ эди. Бехос уни кафедра мудирини йўқлади. Билади, бу одам ўша "белорусман" деб керилган, унга зимдан адоват қилиб юрадиган ҳамкасбининг ҳомийси. Ойбек уни "на иссиғи, на совуғи бор менга", деб баҳолаб қўйган.

Устози, дўсти Ўткир Икромов Ойбекни йўқлаганда, суҳбат орасида мана шу одам ҳақида ҳам гап қилганди. Ўткир ака:

— Ойбек, илм ҳам бир денгиз... Тўлқинларида дуру гавҳарлар ҳам, турли ҳашоратлар ҳам бор. Сиз уларга парво қилманг. Ҳозирги асосий вазифангиз—ўзингизда борини талабаларга бериш. Қайси давлат ўзини тикламоқчи, тараққиётга эришмоқчи бўлса, илмга зўр беради. Фақат иқтидорли эмас, иқтидорсиз болаларини ҳам ўқитади. Ҳеч бўлмаса, ҳунар ўргатади. Сизда ҳозир жуда катта имкон бор. Қўлингизда шунча талаба. Уларни илмга қизиқтиринг. Биров яхши гапга юради, биров дўқ-пўписага... Бошқа нарсага парво қилманг,—деди...

Ойбек ўзича белорус рақибю, унинг ҳомийсидан гап очмоқчи эди, лекин Ўткир аканинг бу гапидан сўнг бу гапни арзимаган майда-чуйда гапга ўхшатди-да, индамади. "На иссиғи, на совуғи бор" баҳоси билан чекланди.

— Ойбек, келин қалай? Ишқилиб уйга ўтқазиб қўймадингизми? Ноёб мутахассис, бундай қила кўрманг. Бизни келинлар, Севара опангиз билан борди-келди қилса ёмон бўлмайди. Аёлларга яхши гап ўргатадиган аёллар бўлади, ёмон гап ўргатадигани ҳам топилади. Бизнинг хозийкамиз бебаҳо...

Ойбек шундай гапларни эшитиб, Ўткир ака олдидан хурсанд чиққанди. Энди ўша "иссиғи-совуғи йўқ" одам-кафедра мудирини уни қанақа гап билан "сийлар" экан?

Ойбек салом бериб кирди. Тўрда бир айвон бўлиб савлат тўкиб ўтирган мудир бош чайқаб алик олгандай бўлди. Ойбек бирпас серрайиб турди, ҳа деганда "ўтиринг" ишораси бўлавермагач, ўтирди.

— Ойбек Муқаддирович, мен мана бу хонада ўтирганим билан ҳамма ёқни кўриб, ҳамма нарсани эшитиб ўтираман. Сизнинг талабалар билан муомала муносабатингиз... тўғриси, менга маъқул эмас,—деди ҳирқироқ овозда кафедра мудир.

"Нима қилибман, ойлаб дарсга келмаган талабага чойхонадаги ошхўрликдан сўнг баҳо қўйибманми?" дегиси келди Ойбекнинг. Аммо унга Оқил Умурзоқович ҳам, Ховах, ҳатто кейинги пайтлар Москвада анча яқин бўлиб қолган домласи Доброгаев ҳам: "Қизишма, одам қизишганда аниқ фикрлай олмай, хато қилиши мумкин. Ҳар қандай масалада фикр айтишга, жавоб беришга шошилма. Ўзингни ўнглаб олиб, босиб олиб, муомалага кириш!", деб ўргатишган эди. Ҳозир ҳам устозлари орқасидан қараб, қайси биридир елкасига қўлини қўйиб тургандай бўлди.

Ойбек ўзини босиб, савол назари билан кафедра мудирига қаради...

— Сиз ... талабаларга катта эрк бериб юборибсиз. "Агар лекциядан кўра кутубхонада мустақил ишлаш сизга кўпроқ нарса берса, сиз лекцияда мудраб ўтирсангизу кутубхонада мазза қилиб ишласангиз, яхшиси кутубхонага боринг ", дебсиз...

— Домла, ахир, мажбурлаб...

— Сиз кимсизки, неча йиллардан буён давом этиб келаётган таълим тизимига ўзгартириш киритмоқчи бўласиз! Кечагина келдингиз, диссертация ёқлаб, диплом олиш ҳали сизга ислоҳот ўтказиш ҳуқуқини бермайди. Бу ерда илмнинг тупроғини ялаб, чангини ютиб, сочини оқартирганлар бор...

Ойбек "Сочнинг оқи ҳар доим ҳам донишмандлик белгиси эмас", демоқчи бўлди-ю... яна нима дер экан, эшитайлик-чи..." дегандай жим ўтираверди.

— Бунақада сиз олимларнинг обрўсини тўкасиз-ку, хоҳласанг қатнаш, хоҳламасанг... Хуллас, илм олсанг, имтиҳон топширсанг, бас! Ҳалитдан талабалар бошингизга чиқиб олаётгани шундан. Ана биттаси "отам ўлган" деб дийдиё қилиб "5" олибди. Сиз ҳам бирга қўшилишиб йиғлабсиз...

"Вой аблаҳ-ей, буниси энди ортиқча. Демак, белорус

ҳамкасбим изимдан айғоқчи қўйиб қўйган. Йўталсам ҳам валинеъматига етказиб туради. Тавба, мен нима қилдим шунчалик, нима зарарим бор буларга?" Ойбек ўзи ўзига қўйган саволларга куни кеча Ўткир ака билан бўлган суҳбатдан жавоб топарди.

— Ҳамма жойларда шундай бир гуруҳлар тўпланади. Илми саёз, ишини эплай олмайди. Уларга ўзидан кўра кучлироқ одамлар қўшилса, ўзларининг фош бўлишларини билади. Миси чиқишидан қўрққани учун ким сассиқ кўлмагини чайқатган бўлса, дарров ўшанга қарши фитна бошлайдилар. Сиз уларни табиий қабул қилинг—деган эди Ўткир ака. Мана, ўша кўлмакдагилардан бири...

— "Ўтириб" қўйган боладай туришингизга қараганда ҳамма гапим тўғри, шундай эмасми?—деди кафедра мудири.

— Домла...

— Менга ҳеч қанақа тушунтиришнинг ҳожати йўқ. Институтда ишлайман десангиз ҳадингизни билиб юринг.

— Домла, мен сизнинг гапингизни бўлмай эшитдим, Қўрққаним учун эмас. Ёшингизни ҳурмат қилганим учун! Сиз ҳам энди мени эшитинг. "Ўтириб қўйган", "дийдиё" ва бошқа сафсаталарингизни бундай гапларни кўтарадиган одамларингиз учун асраб қўйинг. Мен сизнинг югурдагингиз эмасман! Институтда, кафедрада ишлаётган бўлсам шу вазифага лойиқлигим учун қабул қилишган. Агар лойиқ кўришмаса, мен "бор, кет" деган билан кетаверадиган ҳам одам эмасман. Нимага кеткизишганини исботлашлари керак бўлади. Талабалар ҳам ... занжирланган филлар эмас, бир қозиқ атрофида айланадиган. Умуман, инсонга эрк бериш ҳеч қачон ёмонлик аломати эмас. Қолаверса, агар сизнинг домлаларингиз дарс бериши билан талабалар обрўсини қозонган бўлса, уларни ҳеч ким бу обрўдан тушира олмайди!

Ойбек сўнгги сўзларини ўрнидан туриб айтди. У овозини кўтармади, қизармади. Босиқ овозда, сокин гапирди. Унинг бу ҳолати кафедра мудирини... ғалати аҳволга солди шекилли, у каловланди, нимадир демоқчи бўлиб гўлдиради, жўяли гап тополмади, шекилли, жим қолди.

— Хайр, домла, саломат бўлинг,—деди-да мудирнинг юзига ҳам қарамай хонадан чиқди. Каридорда ғалати бир кайфиятда юриб келаркан, рўпарасидан белорус ҳамкасби чиқиб қолди. У ... илжайди... илжайишида ғолибликка ўхшаш

нимадир бор эди. "Шу етказди ҳаммасини", деди. Негадир кўз олдига "Ўтган кунлар" романидаги Ҳомид келди. У-ку Кумуш учун қасос илинжида чақимчилик қилди. Бунинг менда нима ўчи бор?—деб ўйлади.

— Ҳа, оғайни омонмисиз? Ишлар қалай?—деди у ўша сирли илжайган куйи.

—Ишларимни ўзимдан ҳам яхшироқ биласиз-ку, сўраб нима қиласиз?—дея Ойбек шартта ва жавобини кутмай, ўтиб кетди. У елкасида кўз изини ҳис қиларди. Демак, ҳамкасби унинг изидан қараб турибди...

Ким ҳақ?

Бекорга бошқоронғилик дейилмас экан. Ҳақиқатан бошим қоп-қоронғуга ўхшайди. Ҳеч нарса ёқмайди. Ошхонага яқин боргим келмайди. Чекадиган талабаларнинг рангидан кўнглим кетади. Бошқалар майлику-я... уйим, келин бўлиб тушган, Ойбек билан бахтиёр дамларим ўтаётган уйим...кўзимга хунук кўриниб қолган. Ўзимизнинг шаҳар марказида икки хоналик уйимиз бор. Онамники. Бўш ётибди. Иссиқ-совуқ сувли, иссиққина- шинам. Ойбекка: "Кўриб турибсиз, ҳовли менга совуқлик қилаяпти, ошхона билан айвонга қатнайвериб оёқларим шишаяпти. Ошхонада терлайман. Айвонга чиққунча шамоллайман. Бу фақат ўзимга эмас, болага ҳам зарар-ку", дейман. Ойбек қайнонамдан андиша қилади. "Уларни эски ҳовлида қолдириб, ўзимиз иссиққина квартирага кўчиб ўтсак, диллари оғрийди, сабр қилинг, икки йўл ўртасида турибсиз, оймнинг дуосини олинг, якка ўзи беш фарзанд ўстирган", дейди. Майли, деб тишимни тишимга қўяман. Кўксим остида дукуллаб ураётган, ҳар сонияда ўзининг борлигидан хабардор қилиб турган жоннинг ҳурмати, бу хонадонга меҳр кўрсатишим керак, дейман. Чунки қайсидир бир руҳшуноснинг асарида ўқиган эдим: "Ҳомила сна қорнида пайдо бўлганданоқ ҳамма нарсани ҳис қилади, агар қайнонанг, қайинсингилларингни ёмон кўрсанг, боланг ҳам туғилгач, уларга меҳрсиз бўлади". Шу эсимга тушиб: "Худойим, ўзинг асра, бола бувиси, аммаларига жигаржон бўлсин", дейман. Яна қиш чиллаларида айвон билан ошхона орасидаги музларда сирпаниб-сирпаниб кетган чоғларимда: "Ойбек тушунишлари керак-ку. Наҳот сунъий равишда қийинчилик

туғдириш керак бўлса?" деб аччигим қистайди. Бунинг устига онам, опам ҳам: "Ким айтади эрингни Москвада ўқиган деб? Домга олиб чиқиб кетса бўлмайдими сени? Агар ҳозир ҳомиладорлигингда чиқмасанг, бир умр ўша "даққиюнус"дан қолган ҳовлида қолиб кетасан..." деб туришибди.

Шундай икки ўт орасида юрган кунларимда Ойбек ҳам ишдан қовоқ-тумшугини осилтириб келадиган одат чиқарди. Нима менга, тонг саҳарда туриб онасининг, уйининг хизматини қилсам, ишга борсам, кечқурун ўчоқ бошида ўралашсам... Ётоғимга кириб бир лаҳза ҳаммасини унутай, десам эрим ҳам ўз дунёсига фарқ. Баъзан соатлаб "миқ" этмайди.

— Ойбек, нима деб ўйласангиз ўйлайверинг, мен домга кетаман,—дедим бир кун қатъий қарорга келиб. Мен Ойбек: "Сабр қил, ойим билан маслаҳатлашайлик, балки олиб кетармиз", ёки "Пешонамизга бир умр шу уйни ёзмагандир, дом ҳам олармиз", дейди деб кутгандим. Аммо уники тутди. Аччигидан қорайиб кетди:

— Кетсангиз ихтиёрингиз, бораверинг. Менга текканингизда уйимни кўриб теккансиз. Сизга қасру эҳромлар ваъда қилганим йўқ,—деди... Эркак минг фаросатли, ақлли бўлсаям аёлнинг кўнглини билмас экан-да. Аёлга нима керак? Яхши сўз. Агар Ойбек: "Ойдиним, ўзимнинг асалим, ҳали шундай кунлар келади-ки, мен сизга, туғилажак кичкинтойларимизга ажойиб, эртактлардагидай қасрлар қуриб бераман", десалар, олам гулистон эди... Ҳайдагани, айниқса, "катта кўча"лагани жон-жонимдан ўтиб кетди. Бир-иккита кийимимни олдим-да, чиқиб кетдим.

... Онам, опам парвона. Эрта туриб, кеч ётиш йўқ. Хоҳлаганча ухлайман. Нимани кўнглим тусаса, шуни айтаман. Опам муҳайё қилади. Аммо кўнглим... Кўнглим ўғри урган қасрдай ҳувуллаб қолди. "Ойбек нима қилаётган экан, кўйлагини кунда алмаштирарди, ёқаси губорланмадимикин, кечаси уйғониб баъзан ишлайдиган одати бор эди, чой дамлаб берардим. Ойимни аяб уйғотмасалар керак, чой ичгилари келса..." деб ич-этимни ейман... Аммо энди кетиб бўлганман. Орқага қандай қайтаман?! Ойим, ўзимнинг ойим ҳам қизикқонлик қилдилар. "Молларингни олиб келаверайлик, у ҳам орқангдан келади, келмай қаёққа борарди", деди. Молларимни олиб келиб домга жойлаштиришди... Бир пайтлар уларга қараб қувонар эдим, ҳар битта жиҳозим Ойбек

билан бахтиёр лаҳзаларимнинг бир азиз парчаси эди. Энди... улар Ойбексиз мунгайиб қолгандай. Менга қараб гина қилаётгандай ... Ягона овунчим (кун, ҳатто, соат санайман)— кичкинтойимиз дунёга келса... адаси бизни ташлаб қўймас, деб умид қиламан... Баъзан умид ипларим узилиб кетади, баъзан ўзим бу ипларни улайман...

Кечинма

Наҳот, муҳаббатнинг умри шунчалар қисқа? Наҳот муҳаббат арзимаган синовга дош бера олмайди?! Ойдин кетиб, уйимиз ҳувиллаб қолди... Ойим кўзимга қарайди... Дарди ичида... Ҳамидулло поччам билан Бахтия опам бир оқшом мени ўртага олишди:

"Турмуш ўйинчоқ эмас. Эркин муҳаббат дегани ҳув нариёқларда бўлади. Бугун оила қуриб, эртага ёқмаса: "до свидание" деб кетишаверади. Бизда шарқда оила фақат эр-хотин эмас, ота-она, ака-ука, фарзанд—ҳаммаси оила. Ҳаммасининг олдида бурч бор. Келин билан гапириш, қўйнига қўл сол, балки, ўзи хижолат бўлиб юргандир", дейишди. Хўп, дедим-у, аммо ... боролмасдим. Менинг нима гуноҳим бор? Унинг устига Ойдинни институтда бир пайтлар атрофида парвона бўлиб юрган нусха билан кўриб қолдим. Балки, тасодифдир, бирга иккинчи қавагдан тушиб келишаётган экан... Ёқасидан бўғиб зинадан улоқтириб юборгим келди... Бирпасдан сўнг институт ҳовлисида кайфиятсиз юргандим, Ойдин ўзи ёнимга келди, ҳомиладорлиги билиниб турибди, тўлишган, аввалига шу ҳолатда кўзимга суянчга муҳтож... маъсума кўринди. Аммо ҳали зинадан тушиб келаётгани кўз олдимга келиб ич-ичимдан жаҳлим қайнаб кела бошлади.

— Нима қилиб ёлғиз юрибсиз? Қани ҳали соядай изингизда эргашиб юрганингиз?— дедим.

Ойдин ҳам, эҳтимол, менга бошқа бир нарса демоқчидир, аммо осмондан ташлагандай гапимдан у ҳам алангалангандир:

— Ҳозир келади, "Волга" обкелгани кетди. Ҳамма ҳам бир хил эмас. Баъзилар аёл кишини, айниқса, оғир оёқ аёлни аяшни билади,— деди Ойдин. Унинг гапи жон-жонимдан ўтиб кетди. Нима ҳеч ким оғироёқ бўлмабдими? Фарзанд кўрмабдими? Далада, пахтазорда кўзи ёрийди ўзбек аёлининг?! Нима бўпти домда эмас, ҳовлида тугса?!

— Боринг ўша бойваччанинг олдига, "Волга"да юринг, домда яшанг! Менинг сизга қараб қолган жойим йўқ! — Ғазабдан кўкариб кетган бўлсам керак, кета бошлагандим, Ойдин йўлимни тўсди.

— Қанақасиз ўзи-а? Мен уни дейдиган бўлсам кизлигимда танлардим. Ёш болага ўхшайсиз. Кўксимда сизнинг зурриётингизни кўтариб юриб бошқа эракни дейманми? Бекорчи ўжарликни қўйинг, бир ҳафта бўлсам боринг домга...

— Йўқ, мен ҳовлида яшайман, сиз ҳовлига келин бўлиб келгансиз, марҳамат қилиб келсангиз яшайман. Бўлмаса, аввал айтганим...

— Катта кўчами? Бўпти, бўлмаса, ажрашамиз. Бир ёқли қилиш керак бу можарони. Жа ... мен ҳам ердан чиққан эмасман. Ойбек Муқаддирович бўлсангиз ўзингизга...

...Ойдинни таний олмадим, тўғриси... У бунақа гапларни гапирмасди. Қачон, кимдан ўрганди? Нима бўлди унга? Ё мен бирон жойда хато кетдимми?

Худонинг асрагани — шу

Ойбек "суд" деган маҳкаманинг борлигини биларди. Суд жараёнини киноларда кўрган, китобларда ўқиганди. Аммо шу ёшгача бу идорага иши тушмаганди, "ишим тушади", деган фикр етти ухлаб тушига ҳам кирмаган эди... мана, ўша суд хонаси, тўрдаги стол судьяники. Ҳар хил ишларни кўравериб, дийдаси қотган, юз-кўзидан нима ўйлаётганини билиб бўлмайдиган жиддий судья аёл, ёнида маслаҳатчилари, котиба. Пастдаги узун скамейка даъвогар ва жавобгар учун... Бу хонадаги совуқлик, ранги ўнгиб кетган столлар...Ҳаммасида этни жунжиктирадиган нимадир бор эди. Ойбекнинг шартта изига қайтгиси келди. Ўзи нимага келди бу ерга? Ойдиндан — бир пайтлар кўрса, қаҳратонда қуёшни кўргандай суюниб кетадиган Ойдинидан ажралиш учун!

...Ойдин аллақачон келибди. Скамейканинг бир чеккасида омонатгина ўтирибди. Қорни чиққан... Ойбек скамейканинг иккинчи чеккасига ўтирди-ю, юраги бир орзиқди... Худди ёнидаги аёлнинг, ёшгина келинчакнинг вужудидан унга кимдир термулиб тургандай бўлди. Ойбек ўзига термулган бир жуфт қоракўзни ҳам тасаввур қилди...онасининг кўзига ўхшайди... Юраги баттар увишди:

— Хуш, ўртоқ Қодиров, сиз аризангизда "Рафиқам билан характерларимиз бир-бирига тўғри келмади", деб ёзибсиз. Ҳалиям шу фикрда юрибсизми? Суд мажлисини бошлайверайликми?—судья аёлнинг овози ҳам жуда совуқ эди. Худди пўлат сандиқнинг қулфи очилгандаги овозга ўхшарди.

Ойбек яна Ойдинга қаради. У ерга қараб ўтирарди, икки қўли қорнининг устида, гўё: "Йиғлама, кичкинтой, қисматимиз шу экан..." деяётгандай... Ойбекнинг хаёлига отасидан "Қора хат" келган кезлар келди. Онаси, қора духоба нимча кийиб, ранги ўнган шолрўмол боғлаган онаизори сандалнинг бир чеккасида мунғайиб ўтирарди.

Ойбек бола тасавури билан оиласида кулфат юз берганини биларди, аммо онасининг ёшгина онасининг ҳали ҳаёт қувончларини кўрмай ёлғизликка маҳкум этилганини тўла тасаввур қила олмасди. Буни кейин... йўқчилик, отасизликдан қийналганларида билди... Ҳозир Ойдинни онасига ўхшатиб юборди... "Нега ҳали туғилмаган боламни етим қилишим керак? Мен шунчалар шафқатсизманми? Нима иш қилди Ойдин шунга арзийдиган? Бор-йўғи сал яхшироқ шароитда яшагиси келди... Анави олифта нусха... У менинг тирноғимгаям арзимайди".

— Нимага уйландингиз, йигит? Рафиқангиз ҳомиладор экан... яқинда, насиб этса, ота бўласиз... ўзи мен ҳужжатларингизни ўрганиб, ажралишга арзийдиган сабаб тополмадим... бир оми одам бўлсангизки, мен сизга тушунтириш қилсам. Икковингиз ҳам олим экансизлар. Бошқаларга ибрат бўлиш ўрнига бу нима қилганингиз?

Судьянинг охириги гапи Ойбекка жуда таъсир қилди. Агар ҳозир Ойдин бирор нарса деб гапирса, аччиқ қилса, эҳтимол, Ойбек бунчалик бўлмасди. Аммо Ойдин бир оғиз ҳам гапирмас, ҳатто ҳеч кимга қарамасди. Бир нуқтага тикилганича жим ўтирарди.

— Мен ... биз... ажралишмоқчи эмасмиз!—деб юборди Ойбек. Назарида бу гапни кимдир унга қаердандир айтиб юборган, Ойбек уни такрорларди, холос.

— Шундай қарорга келдиларингми? Сиз нима дейсиз, синглим?

Ойбекнинг назарида судьянинг гапи ҳам мулоим тортганди. Ойбек Ойдинга қаради, у "йўқ" деб юборадигандай шоша-пиша:

— Биз...биз келишиб олдик. Хотиним... келинингиз ҳам...рози,—деди. Ойдин Ойбек келганидан буён илк бор бошини кўтарди, унинг қоп-қора кўзлари ёшга тўла эди.

Олтин ришта

— Ойбек Муқаддирович, сизни телефонга сўрашяпти...

Ойбек зинапоядан икки зинани бир қилиб сакраб, қабулхонага югурди. Унга камдан-кам телефон қилишарди, жуда заруратдан...

— Алло, ака, кеннойимни туғруқхонага олиб кетишибди...

Турли шовқин-суронлар орасида Марварнинг хабарини зўрға англади.

— Қачон? Қайси туғруқхонага?

— Эрталаб, учинчига...

"Учинчи, учинчи... қайда эди, ҳа Тахтапулда...". Ойбек чиқибоқ дуч келган машинага қўл кўтарди... "Ишқилиб, эсон-омон қутилиб олган бўлсин, иккаласини соғ-омон кўрай", Ойбек ўзича билган оятларини ўқиб, Худога илтижо қиларди... Ўша суд идорасидан қайтгач ҳам Ойдин ҳовлига қайтмади. Ойбек ҳам домга ўтмади. Аммо вазият юмшаган. Улар кўришиб туришар, бир-биридан гина қилишмас, иложи борича, бўлиб ўтган воқеаларни эслашмас эди.

Икковининг ҳам хаёлида бир фикр: "Авалло чақалоқ эсон-омон дунёга келсин...бошқаси бир гап бўлар..." Мана, ўша кун келди, шекилли... "Кимдан, қаердан сўрайман?" Ойбек у ёқ, бу ёққа аланглаб турган эди, Ойдиннинг опаси кўринди, қўлида катта гулдаста... Шунда Ойбек қуруқ қўл билан келганини эслади...

— Мен шошиб, ҳаяжонланиб...деди Ойбек... сўнг: Ўзи дурустми?—деди: нима дейишини, нима деб сўрашини билмай.

— Қизча муборак, куёв. Мана, сизга гулдаста. Ишдан келасиз, деб...ўзим гамингизни еб тургандим, хув анави эшикка бориб, Қодированинг эриман десангиз... гулдастангизни элтиб беришади. Кўзи тўрт бўлиб ётибди сизга,—Раъно опа бир лаҳзада бир дунё гапни гапириб ташлади.

— Қизча... нега қиз, исми нима?—деб юборди Ойбек.

— Нега қизлигини...Худодан сўрайсиз. Исмини ҳам ўзингиз қўясиз...деди қайинопаси чечанлик билан.

Ойбек қулоғигача қизарди.

— Майли, қизалоқ бўлса ҳам омон бўлсин,— деди ўзини ўнглаб...

... "Дўхтирлар кириш мумкин эмас, гулдастангизни ўзимиз элтамиз", деб бироз тихирлик қилишди. Яхшигина суюнчи олишгач, киритиб юборишди.

Ойбекнинг оёқлари чалкашиб кетарди, қанча тез юрсаям олдинга эмас, орқага қараб кетаётгандай бўларди. "Сиз ота бўлдингиз", "Сиз ота...", "Сиз..." Дўхтирнинг суюнчи олаётиб айтган гапи қулоғида эмас, юрагида акс-садо бераётгандай эди. Ойбек "ота" деган сифат ўзига шунча қувонч бағишлашини аввал сира тасаввур этиб кўрмаганди. Ана, Ойдин ётибди... Туғиш ҳақида шунчалар кўп ваҳимали гаплар эшитганиданми, у хотинини бу аҳволда кўраман деб ўйламаган эди. Йўқ, бир чиройли ётибди... эрини кўриб юзига қизиллик югурди.

— Қийналмадингизми?— Ойбек негадир "Ўтган кунлар" даги Кумушбибининг кўзи ёришган лаҳзаларни эслади... "Худо ўз паноҳида асрасин", деб қўйди.

— Чақалоқ кимга ўхшайди?— Ойбек довдираб хаёлига келган саволни берарди... Ойдин кулимсиради:

— Ҳозир олиб келишади... ўзингиз ўхшатасиз,— деди оҳиста...

Ҳақиқатан ҳам, Ойдин гапини тугатмасдан ҳамшира қизалоқни кўтариб кирди.

... У жуда кичкина эди. "Қошиқдеккина экан"... Кимдан эшитгани эсида йўқ, шу таъриф ёдига келди. Ойбек қўлини узатганди, ҳамшира қиз шошиб-пишиб бошини чайқади,

— Сизга мумкинмас, онасига...

"Қизалоқнинг юзи кафтимдай келса керак", деб ўйлади Ойбек, лекин шу кафтдай юзчада қош-кўз, лаб— ҳамма аъзолар бекаму кўст эди... Ҳамшира қиз суюнчи олсаям кетмади. "Врач беш минутга деган", деб эшикнинг олдида туриб олди...

Ойбек қизалоқни қўлига олгиси, хидлагиси келди... Бу истак шу қадар кучли эдики... Аммо қўлига олмаса ҳам юрагининг туб-тубидан шу кичкина жонга нисбатан қудратли меҳрни ҳис этарди... Бу туйғу ҳеч қайси ҳиссиётга ўхшамас эди... тўйдан 3 ой ўтгач, Ойдин иккови орасида пайдо бўлган гашлик ана шу меҳр тўлқинида ювилиб кетган эди.

— Кимга ўхшар экан?—деди Ойдин ҳамшира қизалоқни олиб чиқиб кетгач.

— Уни нега бошқа хонага қўйишар экан? Ёнингизда ётқизса бўлмайдимиз?—деди Ойбек хотинининг гапини эшитмагандай ... Ойдин жилмайди, Ойбек эндигина хотинининг юзига ҳам ўзгача кўрк-тароват инганини ҳис этди. Ўзи оталик бахтидан бир бош ўсгани каби, Ойдин ҳам оналик қувончидан зийнатланган эди...

Қувончу ташвишлар аро...

"Ички ёнув двигателлари назарияси, динамикаси ва конструкцияси"... Бу ном Ойбекнинг қалбида онаси, рафиқаси, қизчасининг исмидай ёниб турарди. Ҳаётининг битта шамига ўхшарди худди. Чунки Ойбек шу фандан дарс берарди. Саодат исмли жажжи қизалоқ унга "ота" деган бетақроқ унвонни бахш этган бўлса, бу фан уни устозлик мақомига кўтарган эди... Аммо институтдаги ҳаёт силлиқ кечмас, Ойбек бутун вужуди билан ўзини ҳар хил майда-чуйда гаплару гуруҳлардан тортиб юрса-да, бу нарсалар унинг ҳаётига бостириб кириб келаверар эди...

"Менга нима?—деб ўйлади Ойбек аввалига. Кузатиб юриб билдики, сиртқида ўқиётган талабаларнинг айримлари умуман дарсга қатнашмайди, домлалар билан келишиб, баҳони сотиб олишар экан. Умрида бировга пора тугул, илтимос билан ҳам баҳо қўйдирмаган Ойбекнинг тасаввурига "баҳони сотиш" деган тушунча сиғмасди.

Бу қандай гап бўлди?! Бугун баҳони сотиб олган талаба эртага чала кадр бўлади-ку! Наҳот, институтнинг баъзи домлалари буни оддий "олди-сотди" деб тушунаётган бўлса?! Ойбек партком котибига айтди:

— Ойбекжон, сал кенгроқ бўлинг, бу нарсалар ўткинчи. Арзимаган нарсани байроқ қилиб кўтараверсак, ўз обрўйимиз кетади. Ҳамма домла пора олмайди-ку, мана сиз олмайсиз, мен олмайман, демак, икки киши бир киши эмас, икки киши куч,—деди партком... Ойбек парткомнинг хонасидан бўшашиброқ чиққан бўлса-да, беш-олти қадам юриб, яна юрагида: "Нега?" деган оғриқ турди. Ахир, бу хиёнат-ку. Ўз миллатига хиёнат-ку. Эртага билимсиз кадрлар иш бошласа, бутун бошли институтнинг обрўси кетади-ку!

Йўқ, буни бу ҳолда қолдириб бўлмайди. Оқил Умрзоқович бу пайтда Ўзбекистон МКнинг котибларидан бири эди. Устози қандай вазифада ишламасин, Ойбекни шогирд сифатида унғ кўзида кузатиб турарди. Шунинг учун эсига биринчи Оқил Умрзоқович келди...

Ойбек энди ишини якунлаб, қоғозларини йиғиштираётган эди, хонасига котиба мўраллади.

— Партбюро котиби йўқлаяпти сизни.

Ойбек партбюро кабинетига хотиржам кирди. Котибнинг ранги қув ўчиб кетган эди.

— "Сиз ...сиз партбюро аъзоси бўлишлик катта мансаб"— деб ўйлабсиз шекилли... котиб Ойбекни бақриб қарши олди.

— Мансаб эмас, бурч, домла,—босиқлик билан жавоб қайтарди Ойбек.

— Мен сизга айтган эдим-ку, ўзимиз ҳал қиламиз деб. Нега марказқўмга етди бу гап? Албатта, сиз етказгансиз, тонмассиз!

— Тонмайман,—деди Ойбек... ва ўша заҳоти хаёлига Худоёрхон олдида иккала қўли боғлиқ ҳолда Султонмуродни қутқаргани келиб ўлимга буюрилган Анвар келди... Абдулла Қодирийнинг Анвари... У ҳам "Тонмайман!" деган эди. "Ойбек кимдан кимни қутқармоқчи?" Ахир, пора олаётганлар ҳам, бераётганлар ҳам, юртни, маърифатни порахўрлик ботқоғига итараётганлар ҳам, нафсини деб, бу беш кунлик дунё лаззати деб икки дунё саодатидан бенасиб бўлаётганлар ҳам ўзиникилар-ку?! Кимдан кимга дод десин?!

Менинг миллатим ўзини ўзи пора билан заҳарлаяпти, деб кимга айтсин?! Биров эшитса, кулмайдими, масхара қилмайдими?! Аслида "порахўрлик" деган ифлос ботқоқнинг ҳидидан кўнгли айниб юрган ёлғиз Ойбек эмас эди. Марказқўмга ташкилотлар, олий ўқув юртларидан хатлар ёғила бошлаган эди. 35 нафар талаба бир саф бўлиб юқорига чиқишган ҳам эди. Уларга ҳам "олим" унвонли бирор порахўр, "устоз" мақомли шайтон "фақат пул берсанг, баҳо қўяман", деб ишора қилса, алам қилмайдими? Аммо Ойбек ҳозир бошқалар ҳақида гапириб ўтирмади. Котиб уни нишон қиляптими, туриб беради. Қўрқадиган жойи йўқ!

— Энди буёғига нима қиламиз, йигитнинг гули?—деди парт-котиб: —Эртага шаҳар партия ташкилотидан вакиллар келар экан, йиғилиш ўтказишар экан... Сиз ... сиз ... номаъқул

бузоқнинг гўштини еб юрганингизни эртага биласиз. Қани исботланг-чи, эртага, ким, кимдан пора олибди?! Парткотибнинг оғзидан туфуклар учарди.

— Исбот керакми сизга?! Шундай исботлайки! Сиз ўйлайсизки, берган ҳам, олган ҳам, оғиз очмайди, Ойбекнинг тили танглайга ёпишади, қолади, деб. Й-ў-ўқ, мен бошқача исботлайман. Айнан "З" баҳони сотиб олган талабани комиссия кўзи олдида қайта имтиҳон топширишга мажбур қиламан! Топширса мен иккала қўлимни кўтараман. Мулзам бўлсам ҳам, "туҳматчи" деган иснодга қолсам ҳам баҳо сотилмаган бўлса, бас! Аммо, домла, билиб қўйинг, топшира олмайди. Ҳамма даҳшат шундаки, улар "З" га лойиқ ҳам билмайди!—Ойбек аввалига босиқлик билан гап бошлаган эди, сўнг тутақиб кетди:

— Домла, сиз олим одамсиз-ку, наҳот жонингиз оғримайди, илм сотилса?—деб юборди. Ойбек кирганда довланиб турган парткотиб аста ўриндигига чўкди, икки чеккасини қўллари билан маҳкам сиқди. Анча жим ўтиргач, қўлларини чўнтагига тиқиб ҳануз тик турган Ойбекка қараб бугунлай бошқача овозда:

— Бир нарса чиқармикин, чиқсин-да, ишқилиб,—деди.

Бир ҳафта, ўн кун институтда "миш-миш"лар урчигандан урчиди. "Сиртқининг барча талабалари қайта имтиҳон топширармиш, аввалгисидан пастроқ жавоб берса, домлалар партбюро олдида тикка қўйилармиш" ва ҳоказо, ҳоказо... Парткотиб жазавага тушиб сўнг бўшашган куннинг эртаси ҳақиқатан ҳам йиғилиш бўлди. Ойбек туни билан тайёрланган эди, йиғилиш у қадар кескин тус олмади. Ҳамма нарса ҳақида умуман гапирилди. Ҳеч кимнинг номи тилга олинмади... Бундан сўнг эҳтиёт бўлинг, олий таълимнинг қонун-қоидаларига риоя қилиш ҳақида гап борди, холос...

...Бир неча кундан сўнг кафедрада йиғилиш бўлди. Ойбекни "Двигателлар" курси бўйича жавобгар домла қилиб тайинлашди. Гуё шу билан ўтказилган йиғилиш кўтарган муаммо "ижобий ҳал қилинди". Ойбек ҳақиқатга ишонарди, ҳақиқатга қўл силтамаган эди. Шунинг учун ўзига тегишли талабалар имтиҳони, курс ишларига ниҳоятда жиддий қаради. Сиртқиларнинг сессияси якунланганда маълум бўлдики, 11 та талаба талаб даражасида якунлабди. Ойбек

баҳо қўйилган ведомостларни текширса, курс ишлари, лойиҳалари, имтиҳон, синов баҳолари бўйича 85 нафар талаба сессияни ёпибди. Аслида қоида бўйича уларнинг бирортаси ҳам Ойбекнинг имзосисиз имтиҳон, курс ишини домлаларига топшира олмасди. Шунда Ойбек яна ловуллади. "Бу нима масхарабозлик?!. Ўзлари қоида яратиб, ўзлари амал қилишмайди?!". Аниқ билардики, бу баҳолар порага қўйилган: курс ишлар айланма йўллар билан топширилган. Ахир, орқасида лойи бўлмаса, Ойбекнинг олдига келарди-ку бу ҳужжатлар! Ойбек жим тура олмади. Масалани аввал факультет сўнг институт миқёсида кўтариб юборди. Институтда "зилзила" бошланди. Сессияни сохта "ёпган" талабалар чақиртирилди, имтиҳонлар қайта топширилди. Бу можаро бошидаги домлалар муҳокамага тушди. Ҳайфсан берилди. Аммо Ойбек уларни қаттиқроқ жазолашларини истарди. Шунда пора деган ялмоғиз қаршисида қўрқув пайдо бўлади, деб ўйларди.

Аммо унинг айтгани бўлмади. Кўпчилик ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолиш тарафдори эди. Мажлисдан сўнг "деди-деди"лар роса чўзилди, Ойбекка олайиб қарайдиганлар сафи кўпайгани қолди... У бундан уч-тўрт ой аввал ўзини катта ишлар бошида тургандек кучли ҳис қилаётган эди. Энди-чи? "Хўш, қўлингдан нима келди?" деган нигоҳларнинг найзасида юраги тилинсинми? Ё яна устозига учрашсинми? "Уларнинг ҳаммасининг тили бир. Қарға қарганинг кўзини чўқимайди,— десинми? Йўқ, энди бора олмайди. Энди борса, майдалашгандай кўринади. Дардини кимга айтсин?!...

Ойдин қизалоғи билан ҳануз опасиникида.

Онасининг дарди ўзига етади... Поччаси, опаси-бахтиёр. Ойбек уларга Москвадан домласининг анча минилган, аммо бақувват "Волга"сини сотиб олишга ёрдамлашган эди, "Волга"ли бой бўлиб юришибди. Майли, юришсин, бахтга лойиқ оила. Акаси рашкчи хотини билан андармон, шу хотинни деб яхшигина истеъдодини қурбон қилди, оддий раҳбарлик касби билан қолиб кетди. Қайга борса аёллардан рашк қилмавериб келинойиси акасининг обрўсини тўкди... Гулнора ҳам бола-чақаси билан, яхши бека, яхши келин... Марвар Ойбекнинг дўсти, устози Ўткир Икромов раҳбарлигида илмий иш бошлаган... Ойбек ака бўлиб унга ёрдам бериши керак.

Ҳозир ҳеч кимга Ойбекнинг дарди керак эмас. У аламини ишдан олди. Институт омборхоналарини айланиб юриб бир-бирининг устига ташланиб, қалашиб ётган техника ускуналарини кўриб қолди. Синчиклаб қараса-чет эл жиҳозлари! Двигателларни синаш учун керакли жиҳозлар. Гавҳар топгандай суюнди. Аввал партбюрогами, кафедра мудиригами таклифини айтгиси келди. Аммо пастда ўтирганлар деярли ҳеч нарсани ҳал қилмаслиги, фақат ижрочи эканлигига тобора амин бўлиб борарди. Шунинг учун яна Оқил Умрзоқовичга дил ёришга тўғри келди:

— Билмадим, сиз ҳам мени баъзиларга ўхшаб "чиранчиқ, ўзини кўрсатмоқчи, шуҳратпараст" деб ўйлармикинсиз? Аммо мен нимадир қилмасдан туrolмайман: Ҳамма жим-жим, бориға кўниб-кўниб яшайверса, ҳеч нарса ўзгармайдикун, ахир,...

Ойбек Оқил Умрзоқовичнинг олдида ўзини эркин ҳис қиларди. Бу киши мансаб поғонасидан қанча юқорилаган бўлса-да, феъл-атвори ўша-ўша табиий, самимий эди. Сохта такаббурлик қилмас, ҳар доим ҳамма нарсага вазминлик, мулоҳазакорлик билан ёндашар эди.

— Қани эди, сиздай йигитлар ҳамма соҳада кўп, жуда кўп бўлса. Ҳуқуқда, тиббиётда, саноатда, қишлоқ хўжалигида... Мустақил ташаббус кўрсатадиганлар ўз ташаббуси учун курашиб, ўз ғоясини ҳимоя қиладиганлар кўп бўлса... биз бошқача яшардик,—деди Оқил Умрзоқович ва гапни бошқа ёққа бурди:

— Бу гал қандай таклиф билан келдингиз?

Ойбек омборхонадаги қимматбаҳо жиҳозлардан гап очди...

"Ман-ман" деманг...

Қизалоқнинг митти оёқлари кўкариб кетган... Ойбекнинг жон-жонига оғриқ кирди:

— Нега қўллари бунақа? Дуч келган жойига нина тикавермай, сал калласини ишлатса бўлмайдими?— Ойбекнинг аччиғи келди.

— Томири ингичка экан, билагидан тополмай оёқчасидан укол қилишяпти,—деди Ойдин йиғлағудай бўлиб. "Пул бериб ўқиган-да бу ҳамширалар ҳам, оддий томирга укол қилишни ҳам эплаша олмайди. Пулини бировлар ейди,

жабрини халқ тортади". Ойбек энгашиб караватчасида ёниб ётган қизалогини ўпди. Ойдин қанча авайласа ҳам, домда эҳтиётласа ҳам, Саодат шамоллаб қолди. Мана, уч кундан буён касалхонада. Ойбек ҳар кун ишга кетаётиб ҳам, ишдан қайтаётиб ҳам киради. Қизалоғи мунчоқ кўзларини жавдиратиб йўлини пойлаётганга ўхшайди. Баъзан: "Бу дунёнинг ташвишлари шу гўдакнинг бир табассумига арзимади", дегиси келади. Аммо ишхонадаги ташвишлар ҳам Ойбек ҳаётининг бир қисми. Мана, энг сўнгги ташвиш: Лабораторияни жиҳозлаб бўлиб, ўзининг ишига ўзи суюнди. Талабалар ҳам, дўстлари Славик ва Абдуғани ҳам роса ёрдам беришди. Ахир, энди қанча тажрибалар ўтказиш мумкин. Бу даргоҳда илмий иш қилмоқчилар қанча? Уларга осон бўлади... Жуда олқиш кутмаса ҳам, раҳмат дейишса керак деган ҳаёлда юрса, дўсти—декан Омонилла бир четга тортди:

— Ойбек, анавилар яна гимирлаб қопти. Порага қарши курашаман деб чирандингиз. Булардан ҳали-бери қутилмайсиз, шекилли. Нима қилсамки, сизга бир ёрдам берсам... Эмишки, сиз тайёрга хўжайин чиқибсиз. Улар бу жиҳозларни олиб келгунча қон ютишмасаям берироқ бўлишган экан... энди оғизларидаги ошни олганмишсиз...

Улар "висир-висир" билан тинчишмайди, фасодлари бир жойга йигилиб, кечирасизу, хунук ўхшатиш учун, тешиб оқади...

Омонилланинг фиғони фалакда эди. Ойбек уни тинчлантиришга уринди. Қўяверинг, мен нима қилган бўлсам, ҳамманинг кўзида турибди. Бирорга михниям бирор ёққа олиб кетганим йўқ. Ёки бу иш учун мени Давлат мукофотига номзодликка қўйишгани йўқ. Хотиржам юришаверсин. Улар ҳам шу лабораторияда ишлайди. Эшигига қулф осиб, калитини хотинимнинг сочига яширганим ҳам йўқ...

— Жуда оласиз-да гапни. Мен-ку тинчидим. Аммо улар...

— Бир шоир айтган экан:

Уларни қўявер, улар қолмаслар,
Улар бизлар каби бўла олмаслар,

—деб...Ойбек-ку кулгига олиб кетди. Аммо касалхона, доридармон ташвиши билан бўлиб бу гапга кўп ҳам эътибор қилмаган эди, йўқ, жиҳозларни олиб келишга дахлдор кишилар ректорга чиқишибди, иш яна Оқил Умрзоқовичгача борибди. Дарвоқе, лаборатория билан боғлиқ машмашалар

етмагандай айни ўша кунлари дори билан боғлиқ ҳангома ҳам бўлиб ўтди. Ойбекнинг кетма-кет дарслари бор эди, ишдан қайтишда яна касалхонага кириши керак. Ойдин эрталаб Саодат учун дорилар ёзилган рецептни берган эди. Ҳовлида таниш талабалардан бирига рецепт билан пул берди. Ички бир сезги билан иккинчи қаватдан уни кимдир кузатиб турганини ҳис қилди. Аммо эътибор бермасликка ҳаракат қилди. Дарси йўқ талабадан кичик бир илтимос қилибди... Жиноят эмас-ку бу...

Аммо эртасига уни проректор ё партком эмас, нақ ректорнинг ўзи чақирди.

— Ойбек Муқаддирович, порани сиз фош қилган домлалардан бошқалар ҳам олар экан...-деди ошқора истеҳзо билан. Ойбекнинг кулгиси қистади. "Фош қилдим, деб суюнъяптилар".

— Ошинг ҳалол бўлса, кўчада ич, деганлар. Қизчамга дори керак эди, бир талабадан илтимос қилдим. Ўзбек тили жуда бой тил, домла. Ҳар бир нарсанинг ўз оти бор, порани пора, илтимосни илтимос, дейишади...

— Сиз... сиз менинг аспирантимнинг нонини яримта қиляпсиз экан...-кутилмаганда ректор бошқа мавзуга ўтди.

— Қайси аспирантингизнинг?

— Хайбуллиннинг-да...

— Дори ҳақдаям у айтдими? Аспирант одам чақимчилик қилиб юрса, нони қандай бутун бўлсин, домла... Қолаверса, мен ҳозирча оч қолаётганим йўқ, маошим етади. Оч қолсам ҳам... айғоқчиларнинг тўрвасидан ейишдан ҳазар қиламан. Чунки...

— Боринг, чиқинг, Ойбек Муқаддирович, сиз билан одам боласи тенг кела олмайди. Келишиб ишланглар. Менинг шахсан сизга ёмонлигим йўқ,—деди ректор ўшанда. Эндигина бу воқеа ўтиб кетди, деб юрганди, лаборатория гапи чиқди. Яна мажлис, яна Оқил Умрзоқович овора...

Ойбек ўзига ишонса ҳам, устозининг шахсан ўзи ташриф буюрганидан сал ҳаяжонланди. Аввал йигилиш бўлди. Даъвогарлар анча кўпиртиришди. "Кеча келиб бугун ҳамма нарсага эга чиқмоқчи", "Пашшадан фил ясайди"... Ойбек ўзига отилаётган тошлар фақат лабораториядаги жиҳозлар учунгина эмаслигини ҳис этарди. Унинг остида сиртқилардан келадиган мўмай даромади сал бўлса-да дарз кетган олғирларнинг алами ҳам бор эди.

Оқил Умурзоқович ҳаммани эшитди, ҳеч кимга ҳеч қандай эътироз билдирмади, фақат ҳамма гапириб бўлгач:

— Ўртоқлар, қани юринглар-чи, ўша лабораторияларни бир кўрайлик,-деди. Ҳамма МК котибининг изидан эргашди. Лаборатория ҳавас қилгудай эди. Ҳамма жиҳозлар жой-жойида.

— Қанақа ишлари бор яна?—деди Оқил Умурзоқович ўзига энг яқин турган институт раҳбарларидан бирига қараб, у шоша-пиша Ойбекка қаради:

— Электр симларини улаш, бир-икки майда-чуйда иш...-деди Ойбек.

— Қанақа ёрдам керак?

— Ўзимиз эплеймиз,-деди яна Ойбек...

— Амалиётсиз назария қуруқ савлат, жонсиз жисм. Қачон мана шундай лабораторияда илмий ишлар синовдан ўтса, ишимизни ишлаб чиқаришга қўрқмасдан тавсия қиламиз. Давом эттираверинглар, бошқа фанлар амалиёти ҳақида ҳам ўйлаверинглар. Биргалашиб, бир-бирингизни қўллаб-қувватлаб... Оқил Умурзоқович охири гапини таъкидлаб айтди... Бу фитначиларга маданий жавоб эди... Ойбек ўша тун осуда ухлади, тушида қизалоғи ойга миниб арғимчоқ қилиб учармиш.

Яхшиям, Сиз борсиз

Ҳомилани оғир кўтарганимданми, қизчамиз анча нозик эди. Аввалига ўзим уни оёққа бостиришдан чўчирдим, худди гул шохидай оёқчасига гулғунчадай гавдасининг оғирлиги тушса, шох эгилиб кетадигандай қўрқаверардим. Бора-бора Саодатимнинг оёғини қаттиқ босолмаётганини сезиб қолдим. Бир-икки, уч, тўрт... беш ой ўтди ҳамки, қизалогим кўнгилдагидек эмакламаяпти. Бу нотўғри қилинган уколлар таъсири эди. Баъзан уйимда ўтириб: "Уй совуқ меҳнати оғир"—деб кетиб қолганимга қайнонам норози бўлдилармикин, деган хаёлга ҳам бораман. Эзиламан. Ойбек акамнинг бошида дунёнинг ташвиши. Аввалига ўзиларининг дарди ўзларига етади, деб халақит бермасликка уриндим. Вақт ўтган сайин ташвишга тушдим. Ойбек акам ўзи ҳам ўйлаб юрган экан шекилли:

— Ойдин, яхшиси, қизимизни Москвага олиб борайлик,-деб қолдилар. Икковимиз ҳам ўша ердан иззат топганимиз учунми, энг ширин хотираларимиз Москва билан боғлиқлиги учунми, менинг ҳам кўнглим ўша жойга

талпинарди. Қизалоқни олиб кетдик. Ойбекнинг устозлари, уларнинг рафиқалари тавсияси билан профессор Петрова деган машхур врач қабулига кирдик.

Кутганимиздай, унинг ҳузуридан ишонч билан чиқдик.

— Қизчанинг ҳеч қандай касали йўқ. Фақат мен ёзган муолажани қиласангиз бас,—деди.

Тошкентга келгач, Саодат ҳамманинг қизалоғига айланди. Уни кунига уқалашга олиб бориш керак эди халос. Ойбек, ўзим, шогирдлари, қайнонам...

Авваллари уни Семурғ қушдай қанотим остига олиб юрардим, ҳуркак, "ёввойи" эди. Салга йиғлаб, иңжиқлик қиларди. Энди эса муолажа баҳона одамларга, шифокорларга ўрганди. Бир ёшига етмай чопқиллаб юриб кетди. Асосий ташвиш ортда қолди. Шу орада бизга Қорақамишдан дом ҳам тегди. Бу ўз-ўзидан бўлгани йўқ, албатта. Биргина дом савдосига ТошПИ ректори академик Ўрозбоевгача аралашди. Ҳатто ўша пайтдаги Автомобил ва йўллар вазири Абдуҳамид Қаюмов ҳам аралашди. Бу киши асли Ойбек акамларга бир томир қариндош ҳам бўлар экан. Бировларнинг таънасига, яна бировлар гинаси, кимнингдир ҳавасию, кимнингдир ҳасадига қолиб бўлсаям ўз ватанимизга, яъни уч хоналик квартирага эга бўлдик. Мен турмуш қурганимизнинг дастлабки йилида: "Адашибман, Ойбек мен кутган йигит эмас, экан-да, ўринсиз рашк қилади, мени тушунмайди..." деб юрган эдим. Бугун уларнинг жажжи қизалоғи учун жони-жаҳонини беришга тайёр эканлигини кўриб, ҳам ҳайрон қоламан, ҳам суюнаман. Одамзод қизиқ экан-да, нима учун "Ҳаётдан шу топганларим, шу эришганларим етади", демас экан? Кечагина "Ойбек икковимизнинг бир бошпанамиз бўлса, ўзимиз хоҳлагандай тинч, осойишта яшасак, муҳаббатимиз меваси бўлган қизалоғим чопқиллаб кетса..."—дея орзу қилардим. Мана, ҳаммаси рўёбга чиқди. Қизалоғимиз хонадан хонага чопиб юради. Жарангдор кулгиси билан уйимизни, айниқса, кўнглимизни тўлдириб юборган. Икковимиз ҳам институтда дарс берамиз. Домларнинг муносабати ҳар хил бўлса-да, икковимиз ҳам талабалар учун қаттиққўл, адолатли, севимли устозмиз.

Ойбек докторлик диссертациясини бошлаган. Овқатланиб бўлгач, дастурхонни йиғиштириб китоб-дафтар ёяди. Шундай пайтда яна орзу қила бошлайман. "Ахир, Ойбек каби ҳаётини ўз соҳасига тиккан одамлар қанча экан? Жуда ошиб-тошиб ётмагандир, нима қилади,

марказдан кенгроқ уй беришса... Шунда иккинчи фарзанд ҳақида ҳам ўйлаб кўрармидик...

Марказда бўлсак, онамга яқинроқ турсак, бўш вақтимиз кўп бўларди, Ойбекнинг иши тезроқ якунланарди... Баъзан бунга участка, машина ҳақидаги ҳаваслар қўшилади, ўзим бу орзуларни кўтара олмай қоламан... Ойбекка айтгим келади. Унинг бир дақиқа бўш вақти йўқ. "Меҳнатига—меҳнат, ғурбатига—ғурбат", дейдилар-ку... Баъзан тунлари иш столига бошини қўйиб ухлаб қоладилар. Тунчиरोқни ўчириб, узоқ бошларида тураман. Уйғотиб, жойларига ётқизай десам кўзим қиймайди, уйғониб кетсалар, яна ишга ўтирадилар, деб аяйман... "Яхшиям, Сиз борсиз". Шу кунларда уйимизда шу гап кўп такрорланади, гоҳ улар айтадилар, гоҳ мен...

Суюнчи

Қандайдир гулларнинг ўткир ҳиди димогига урилади...

Тошкентда ҳозир боғлар сузиб кетаётган оппоқ елканларга ўхшаб кетган бўлса керак, деб ўйлади Ойбек. Бодом, гилослар гуллагандир... Вақт жуда имиллаб ўтарди. Ойбек шифохона ҳовлисида туриб толиқди, узун ўриндиқларнинг биттасига ўтирди. Ойдини қай аҳволда экан? Висол онларида мана бундай изтироблар ҳақида ўйланмайди. Икки вужуд бир-бирига минг йил саҳрода қолиб бир қултум сув топган ташналардек талпинади. Ахир, Саодатни катта қилиш икковига ҳам осон бўлмади-ку...

Ойбек ҳар ёз уни ҳаво алмаштириш учун Қора денгиз бўйига олиб кетади. Иши, оиласи—ҳаммаси бир ёқда қолади. Ўтган ёз ҳам шу такрорланди. Ойдин ҳам талабаларини амалиётга ўша тарафларга Харьков шаҳрига олиб борди. Қизчасини кўргани Ойбекнинг олдига ўтиб, уч-тўрт кун қора денгиз соҳилларида қолиб кетди...

— Муҳаббат абадий, деган гап ёлғон экан, Ойдин, мана, шунақа саёҳатларга чиқиб, туйғуларни янгилаб турилсагина муҳаббатнинг умрини чўзиш мумкин,—деган эди ўшанда Ойбек.

Шоир таъбири билан айтганда:

Бул кеча болу шакар бирлашдилар,
Икки дил, икки жон бирлашдилар.
Икки дарё, икки юлдуз, икки нур,
Мисли икки хушхабар бирлашдилар.

Бул кеча шому саҳарсиз кечадир,
Икки оқшому саҳар бирлашдилар.
Икки жон, икки жаҳон бир танда бўлиб,
Икки оғуш бир қамар бирлашдилар.
Осмон ҳам беҳабар қолмиш, ажаб,
Бул кеча шамсу қамар бирлашдилар.

Мана, ўша севги умрига умр қўшган Қора денгиз бўйларидаги висол онларининг якуни сифатида, Москва шифохоналарининг бирида иккинчи фарзанд дунёга келаяпти... Тошкентдаги акушер-гинекологларга маслаҳат учун кирганларида: "Рафиқангиз нозик, ой-куни яқинлашгач, Москвага олиб борсангиз, ишончлироқ бўларди", деди. Ойбек негадир ҳар сафар хотини ҳомиладор бўлганида Кумушбибини, эслаб юрагига хавотир тушаверар эди. "У китоб, бу ҳаёт, ҳозир XX аср", десаям, дея-дея ўзига таскин берсаям, кўнглини хавотир тарк этмайди... Шу ҳадик кучи билан Ойдинни Москвага олиб келди. Мана, бир ойдирки, рафиқаси тугруқ олди сақланиш бўлимида ётибди. Ойбек кунора шифохонага қўнғироқ қиларди, учувчи, аспирант шогирдларидан гуллар, совға-саломлар жўнатарди. Апрель ўрталарида, айтилган муддат келди, деб хизмат сафарига руҳсат олиб, мана ўзи ҳам келди. Ойдиннинг кайфияти яхши, дўхтирлар ҳам хавотирли гап айтишмади. Барибир эрталабдан буён нинанинг устида юргандай юрибди.

— Жондан жон бунёд бўлиши осон эмас. Фарзанд туғилиши илоҳий ҳодиса. Шунинг учун Худодан сўра, болам,—деган эди онаси.

"Художон, ўзинг ҳамма-ҳаммасини кўриб турибсан. Хотиним икковимиз ҳам ўзинг буюрган йўлда юрган одамлармиз. Унга ўзинг куч-қувват, ўзинг нажот бер", Ойбек икки қўли билан ўриндиққа маҳкам таяниб ич-ичидан ўтинарди. Шифохона ёғдулари пастдаги газонларда, дарахтларнинг баланд-баланд шохларида ўйнарди. Оппоқ кийимли ҳамширалар коридорда тез-тез у ёқдан бу ёққа ўтиб туришарди. Тепага тез-тез қарайвериб Ойбекнинг бошлари оғриб кетди. "Тўлғоқ бошланди!" дегани аллақачон эди, нега шу пайтгача ҳеч қандай хабар йўқ?! Жим ўтиравериш ҳам виждонсизликдай туюлар эди. Фақат Ойбек эмас, Тошкентдагилар ҳам, қолаверса Макс Самойловичлар оиласи, Доброгаевлар оиласи ҳам янгиликни кутиб ўтиришибди.

Ойбек балки ўнинчи, балки, ўн бешинчи мартадир дарчани тақиллатди. Ҳар гал очик чеҳра билан: "Кутинг", дея дарчани аста ёпиб қўяётган ҳамшира бу гал бошқача жилмайди. Ойбекнинг юраги гурсиллаб кетди:

— Қизалоқ, икки килою уч юз грамм. Соғлом...

Ойбек Тошкентчасига қилиб чўнтагига қўл тикди. Нима илинса, узатди. "Папашалар"дан уч дона гулми, узукнинг кўзидай атирми олиб хурсанд бўладиган ҳамшира ҳайрон бўлди, у ёқ, бу ёгига қаради-да миннатдорчилик билдириб, "суюнчи"ни олди...

— Нима олиб келиш керак? Бирон нарса ейиши мумкинми? Ҳамшира сал ноқулайроқ вазиятга тушди:

— Хотинингиз бир кеча-кундуз ҳеч нарса емайди. Уни "Кесарево" қилишди...

Ойбекнинг капалаги учиб кетди.

— Нега? Нима учун операция қилишади?

— Чақалоқ нотўғри туриб қолипти. Хотинингизнинг туғишга қуввати етмади. Кўрқманг, бунинг ҳеч ваҳимали жойи йўқ, ҳозир Ўзбекистондан келаётган кўпчилик аёллар операция билан тугади,—деди ҳамшира...

Ойбек бўшашибгина чиқди. Нега Ўзбекистондан келтирилган кўпчилик аёллар операция билан кўзи ёриши керак?! Ўзбекистон қашшоқ юртми? Ери унумсизми? Дарёси йўқми?! Қайсидир газетада ўқигани эсига тушди. Аёллари заифлашиб, гўдаклари ҳам заиф туғилаётган юрт эрксизликда яшашининг белгиси ҳисобланар экан. Мамлакат озод бўлса, агар бу ерда у қадар тўкинчилик бўлмасаям, руҳ бақувват бўлиб, фуқаролар соғлом яшашар экан.

Ойбекнинг миясини савол аралаш хаёллар пармалар, ора-орасида Аллоҳдан қизалоғи, хотинига нажот сўрарди.

...Ойбек бекорга хавотирланмаган экан, эртасидан Ойдиннинг иситмаси кўтарилиб кетди. Қачон хотинининг олдига кирса, юзлари қип-қизариб алангаи-отаи ичида куйиб ётганини кўрарди. Тикилган чок шамоллаган, деган ташхис Ойбекни баттар ташвишга соларди. Тузатиш осон эмас. Демак операция вақтида қандайдир вирус тушган. Қизчасига онанинг кўкрак сутини беришмади, иситмадаги сутни ичса, гўдакка ҳам вирус ўтади, дейишди. Москва кўчаларида Ойбекнинг суврати судралиб юрар эди. У эшитган эди: она сути билан гўдакка меҳр ўтади. Ўзининг аждодлари ҳақидаги хотиралар ўтади. Агар сунъий сут эмса, ана шу туйгулардан маҳрум бўлади.

"Наҳот энди қизалоғим меҳрсиз бўлиб улгайса, Худо асрасин. Аллоҳ, ўзинг унинг қалбига меҳр нурларини соч"...

Ойбек Ойдинни Тошкентга олиб кетгиси келарди. Аммо бу аҳволда алангаи-оташ ичидаги хотини, бир ойга тўлмаган митти қизалоғини қандай олиб кетади?

Ойбек ҳар куни Ойдин ётган шифохона бўлим мудирини олдига кирар эди, унинг мовий кўзларига умидвор термуларди.

— Ойбек Муқаддирович, сизга айтгани ҳам хижолат бўлаяпману бошқа йўл кўрмайпман. Бу аҳволда кетаверса иситма рафиқангизни ҳолдан тойдиради... Нимадир қилиш керак. Бизда бир препарат бор. Ҳозирчаодамларда синалмаган. Шунинг хотинингизга беришимиз мумкин,- деди бўлим мудирини.

— Зарари бўлмасмикин, ишқилиб?

— Қулоғига салбий таъсир қилиши мумкин...

— Кар бўлиб қолмайдами... У фан номзоди, институтда дарс беради,— деди Ойбек шоша-пиша.

— Бир нарса дея олмайман. Фақат таваккал қиламиз, Ойбек Муқодирович, бошқа йўл кўрмайпман...

Ойбек ҳам бошқа илож йўқлигини ҳис этиб турарди. У ёқда Саодат, бу ерда жажжи Шаҳризода, Ойдиннинг онаизори, опаси... Ойбек таваккал қилди, бўлим бошлиғига: "Бу ёғи Худодан", деди. "Бу аёл дорисини бисмиллоҳ, деб бермайди. Аллоҳ, унинг ўрнига мен айтаман, ўзинг раҳм қил"... Ойбек хаёлан ҳозир рафиқаси дорини қабул қиляпти, деб тасаввур қилар, Худодан нажот сўрарди...

Игна билан қазилган қудук

Ҳаётда оғир-енгил қисматли одамлар бўлади, шекилли. Баъзиларнинг ҳаёти ҳам, иши ҳам силлиқ кечади.

Аммо Ойбекнинг ҳаётида бир синовдан кейин иккинчиси кутиб тураверади. У тиришиб-тирмашиб бир довондан ўтиб, энди нафасини ростлашга улгурар-улгурмас қаршисидан янгиси ўсиб чиқади. Мана, рафиқасига ўша москвалик шифокорнинг муолажаси кор қилди. Иситмаси тушди. Рафиқасини эсон-омон Тошкентга олиб келди. Ойдиннинг опаси келиб, ёнида тургани Ойбекка далда бўлди. Сунъий сут эмаётган чақалоқ нормадагидай онасининг сүтини эма бошлади... Энди ҳаммаси жойига

тушди, оилавий масалалардан сал кўнглим хотиржам, деб иш столига қаттиқ ўтирди, диссертациядан ҳам аввал янги ташкил этилган ТАЙИ—Тошкент автомобил йўллари институти талабалари учун ўзбекона дарсликлар ёзиши, таржима қилиши зарур эди.

Авалло борларидан фойдаланиш керак, деб ўйлади Ойбек...

...— Макс Самойлович, сизнинг кўз олдингизда шикоятчи шогирд бўлиб гавдаланаётганим йўқми?—Ойбек қизчаси билан хотинини олиб кетгандан сўнг Москвага энди келиши эди.

— Нега ундай дейсан? Биласан-ку мен қотиб қолган, ким нима айтса, жим қабул қиладиган шогирдларни ёқтирмайман. Одам бир нарса талаб қилаяптими, демак, у фикрляпти. Фикрляётган одам эса ҳаракатдаги одам. Қани, Тошкентда нима гаплар?

Ховах бир қўлини Ойбекнинг елкасига қўйди. Ойбек ўз елкасида отаси қўлини ҳис қилмаган. Аммо бу елкада у Оқил Умрзоқовичнинг, Ховах, Никитин, Доброгаевларнинг қўлларини ҳис қилган. Ўткир Икромов, кейинги пайтлари Салом Ғаниевичнинг ҳам қўллари ҳарорати, меҳри сингиган бу елкага. Шарқда ҳеч нарса бежиз эмас, одамнинг бармоқлари учида "хабарчи" нервлар бўларкан. Демак, қўлни елкага қўйганда, бармоқлардаги меҳр хабарчилари ишга тушса керак-да, ҳар ҳолда дўстнинг, устознинг елкага қўл қўйиши одамга куч беради. Дарвоқе, Салом Ғаниевич (уни талабалар шундай деб аташарди, аслида Абдусалом Абдуганиевич Муталибов)нинг ҳам Ойбекнинг устозлари қаторида саналиши ҳам табиий эди. У "Автомобилларни таъмирлаш" фанидан дарс берарди. Ойбек билан МАЙИ аспирантурасида ўқиган чоғларидан қадрдон, тўғрисузлиги, дангаллиги учун Ойбекни ўзига яқин оларди. У институтда дарс бериш билан бирга "Ташавтомаш" заводининг директори ҳам эди.

Ойбек ҳозир елкасида фақат Ховахнинг эмас, барча устозларининг қўлларини барабар ҳис қилди, аммо елкалари майишмади, балки, ўша нуқтадан бутун аъзоларига қувват, ҳарорат тарқагандай бўлди.

— Таржима ишларим яқунланган эди, нашриётда тўхтаб ётибди...

— Нима дейишади, ахир?

— Тайинли бир гап айтишмайди, ундан тақриз дейишади, бундан тавсия дейишади. Олиб бориб бераман. Соатлаб раҳбарлар эшиги олдида навбат кутасан, кирсанг, ҳеч иш ҳал бўлмаган... Сиқилиб кетдим... Ойбек аслида таржима дарсликлар билан чекланиб қолмоқчи эмасди, ўз дарсликларини ёзмоқчи эди. Дарслик ёзишга кучи етишини аспирантлик пайтларидаёқ исботлаган эди. Унинг ўзи учун ёзган конспектларини дўстлари, кейинчалик Москва автомобил-йўллари институти профессори, бўлажак ректор В.Луканин маъруза сифатида фойдаланганидан хабардор эди. Демак, у бемалол китоб бошласа бўлади.

— Бир қараса, сизлардан зўр халқ йўқ. Эшигингиздан салом бериб келган одамдан бор-будингизни аямайсизлар. Тўйда, азада дарров бирлашасизлар, яна бир қараса, бир-бирингизни оёқларингизга ёпишиб, қадам ташлашга қўймайсиз. Ҳам донишманд, ҳам кенгфёъллик, ҳам ҳасадни бир жонга қандай сиғдириш мумкин, ҳайронман,—деди Ховах. Ойбекка озгина алам ўтди.

Макс Самойлович, биз туркийлар ўз ватанимизда фақат ўзимиз яшаган эмасмиз. Доим босқинчилар кўз олайтириб турган. Вақти-вақти билан ем бўлиб турганмиз. Қонимиз ҳам аралашиб кетган, демоқчи бўлди, аммо ўзига ҳамиша хайрихоҳ бу одамга қайсидир гапи тегиб кетишини ўйлаб, индамади.

— Таржима масаласида сиқилма. Оқил Умрзоқовичга кўнғироқ қилиб ҳал қилиб бераман. Сен ўзбек тилидаги дарсликлар ҳақида кўпроқ бош қотир. Ҳар бир халқнинг ўз дарсликлари бўлиши керак. Ўзбеклар қорақўлчиликни ёзсин, пахтани ёзсин, техникага ақли етмайди, деган иснодни кўтариб юравермаслик керак! Ўзинг ёз, москвич дўстларингни торт, сизлар эплейсизлар!—Ховах Ойбекнинг жавобини ҳам кутмай Тошкентга Оқил Умрзоқовичга кўнғироқ қилишга тутинди. Улар яқин дўст эдилар. Ойбек Тошкентдан минглаб километрлар нарида туриб ўзининг таржимасининг тақдири ижобий тарафга ҳал бўлаётганини сезарди. Бир тарафдан: "Нега ўзимнинг масаламни ўзим ҳал қила олмайман? Нега умуман, одамлар ўз масаласини ўзи ҳал қила олмайди?"—деган бир оғриқли савол қалбини ачиштирар эди...

Онажон, нега шундай бўлди? Нега мен сизнинг умрингизни мангу деб ўйладим?! Нега мен сиздан кўра номуҳимроқ ишларга ўзимни сарфладим?! Нега?!

Мени уч ой куз талабалар билан пахтага юборишди, штаб бошлиғи қилиб қўйишди. Бу бир йил эмас, ҳар куз такрорланар эди. "Сиз талабалар билан яхши чиқишасиз, уларнинг тилини топасиз, пахта-муҳим сиёсий компания, ҳар кимга ишониб бўлмайди", дейишса, вазифа, бурч экан, дея югуриб кетаверибман. Бу куз-тирикликдаги онаизорингнинг сўнгги кузи, демабди менга ҳеч ким...

Партбюро котиби сифатида мажлислар тайёрла, ўтказишга ҳозирлик кўр, протоколлар ёз, ҳужжатни тўғрилаб қўй дейишибди. Югурибман, елибман, шундай бўлиши шарт, дебман. Аршда энг моҳир котиб онаизоринг умрининг сўнгги йилини ёзаяпти, огоҳ бўл, унинг ёнида ўтир, кўзларига термул, сени деб, ака-укаларингни деб кетган заррама-зарра тўкилган кўз нурларининг ўрнига меҳрингдан ёғду бер, демабди ҳеч ким...

Олтой мотор заводига бор, бизга пуллик шартномалар керак, уларга янги илмий назариялар берайлик, жиҳозларини арзонлаштириш, қулайлаштириш якунларини берайлик, улар бизга ҳақ тўласин, бу ишни сен эплайсан, назарияни ҳам, амалиётни ҳам бирдай аниқ тушунасан, дейишди. Олтойга борибман, шартнома тузибман, институт маблағининг кўпайишига ҳисса қўшибман. Аммо ҳеч ким менга сени ёлғиз улғайтирган онанг билан ҳам ҳисоб-китоб онлари яқин, демабди...

Мен ғафлатда қолдимми? Марказдан квартира деб не не амалдорлар олдига кирдим. Ахийри, мана шу Қорақамишдаги уч хонали квартирамдан воз кечиб, ҳатто уни таъмирлаб Иброҳимов деган ижроқўмдаги амалдор қўлига топширдим. У эса менга ажратилган тўрт хонали уйни сотиб еб юборган экан. Ўрнига ўрин қайнонамнинг домидаги бўшаган икки хонали уйга кўчиб ўтдим. Шу ташвишларга қанча асабим, умрим, меҳнатим сарф бўлди. Болаларим марказдаги уйда яшасин, яхши мактаб, боғчаларга борсин, ўзимиз қийналмайлик, дебман... Сизнинг бу югур-югур кунларида мен учун қийналганингизни ҳис қилмабман...

Мен ёмон ўғил бўлдимми, ойижон... Йўқ, доим бир

қўлим, бир оёғим сизда бўлди, опамга, акамга-ука, синглимга, укамга-ака бўлдим... Аммо барибир сизнинг меҳрингиз олдида меники зарра... Яхши йигитларнинг онаси узоқ, жуда узоқ яшайди... Сизни, "оғирлашди", деб эшитганимда мен учун ҳаёт тўхтагандай бўлди... Дори-дармон, дўхтир, дедим... Аммо ажалга даво йўқ экан. Мана, меҳрингиздай иссиқ ёз кунда сизни тупроққа топшириб келдик... Мен гўдаклигимда етим қолган бўлсам-да етимлигимни унча сезмаган эканман. Энди ёшим улғайганда етимликни ҳис қилдим. Тўрт тарафим ҳувуллаб, ичимга шамол киргандай, бутун вужудимда шамол айланиб юргандай... Нукул Абдулла Ориповнинг сатрлари хаёлимда айланади:

Неча кунки йўқ оромим,
Келолмайман ҳушимга.
Онажоним кечалари
Кириб чиқар тушимга...

Номзод Қодировдан доктор Қодировгача босилган йўл

Катта мажлислар зали. "Бор-йўғи" 9-кафедра аъзолари йиғилган. Улар экинчи нотекис кўкарган даладаги гиёҳлардай ҳар жой, ҳар жойга ўтириб олишган. Бу кишиларнинг бошини бир жойга келтириб, докторлик диссертациясининг энг дастлабки вариантини муҳокамага қўйиш учун Ойбек нақ тўққиз ой муддат кутди...

У 1975-йилда Москва автомеханика институтининг "Автомобил ва трактор двигателлари" кафедрасига сиртқи докторантурага қабул қилинган эди. Маслаҳатчиликни қадрдон домласи Ростислав Павлович Доброгаев ўз зиммасига олганди. Йиғилганларнинг ярмидан кўпи худди диссертация муҳокамасига эмас, азага келгандай тумшайиб ўтиришарди. Бу кайфият сабаби Ойбекка аён эди. У ҳали кўпчилик яқинига боришга юрак бетламайдиган соҳага қўл урган эди. Бу баъзи ҳамкасбларининг ҳасадини кўзғарди. Баъзи кимсаларда: "Нега энди мен эмас, у?"—деган ичи қоралик бўлади. Ойбек шу пайтгача бу ҳасад тутунини кўп "чеккан". Докторлик иши юриша бошлагач, яна "ҳасад мўри"си тутун-аччиқ, заҳарли тутун пуркай бошлади. Орқаваротдан уларнинг:

— Кимига ишонапти, билмадим, чатоноғини ортиқча кериб юборяпти, бути йиртилиб кетади... деган гаплари

қулоғига келган эди. Мана, улардан бири илк сўзни олди. Ойбек Ўткир акага ялт этиб қаради. У биринчи бўлиб Ўткир аками ё ўзига хайрихоҳ Омон Ғанихўжаевми гапирса керак, деб кутганди. Ўткир Икромов "парво қилма", дегандай кўз учида сезилар-сезилмас имо қилди.

— Негадир бу дўстимиз... Ойбек бу "дўст"нинг нималарга қодирлигини яхши биларди. Унинг кимлиги у, ўзини доцентман дея, гурур билан тақдим этган лаҳзаларидан маълум эди.

— "Жуда мураккаб мавзунинг танлаганлар. Бу билан мен кўп нарсага қодирман, демоқчи бўлганлар. Мураккаб мавзу: бунинг учун жуда кўп маблағ ва вақт сарф бўлди. Бу ишнинг натижаси ўша маблағга арзирмикин?!" Бу гапга Ойбекнинг очиқдан-очиқ гаши келди! Кап-катта одам, ўзини олимман, деб ҳисоблаган киши нега диссертациянинг моҳиятига ўтмасдан атрофида айланади? Чунки чуқурроқ ғажиги тиши ўтмайди-да. Қолган бир-иккитасиям нималардир деб мингирлагандай бўлди.

Ниҳоят, Ўткир Икромов сўз олди:

— Азиз биродарлар! Ойбек Муқаддиорович докторлик ишини ёзиш учун ҳеч қачон алоҳида шарт-шароит талаб қилмаган. У йилига 760 соат дарсини тўлиқ ўтган. Шу билан бирга факултет бюросини ҳам бошқарган... Маблағ масаласига келсак, биласизлар институтда биринчи пуллик шартномани тузган одам шу киши бўлади. Диссертация учун бу киши институтнинг ҳеч қанча маблағини сарфламаган. Агар энди сарфланадиган бўлса ҳам ўша шартномадан туширган маблағлардаги ўз ҳиссасини сарфлайди. Ҳеч кимнинг чўнтагига қўл чўзаётгани ҳам йўқ. Ишнинг манфаатига келсак, автомобил ва қишлоқ хўжалик машиналари двигателларининг иш унумини ошириш бизга сув ва ҳаводай зарур эмасми?! Давлат миқёсидаги муаммо хал қилинган. Ахир, биз аграр давлатмиз. Қачонгача хотинларимиз, болаларимиз эгатларда икки букилиб юради?! Соз, узоқ муддат ишлайдиган қишлоқ хўжалик машиналари яратиш, борларини такомиллаштириш бизнинг ҳам олимлик, ҳам фуқаролик бурчимиз эмасми?! Келинлар, дўстлар, сал кенгроқ бўлайлик. Ишлайман, деган одамга йўл берайлик, ёнида туриш қўлимиздан келмаса, ҳеч бўлмаса, халақит бермайлик. Бирор марта одил бўлайлик, ахир! Олтой заводи билан шартнома тузиш шу инсонга осон бўлмади, сизлар

билмасаларинг, мен биламан. Таклиф улардан чиққан бўлса-да, Ўрта Осиё шароитида дизелдаги ёнилғи узатиш насосининг тез ишдан чиқиш сабабларини илмий асослаш, инструкцияга ўзгартиришлар киритиш ҳамирдан қил суғургандай осон иш эмас. Олтой заводида бизнинг олимимизнинг илмий изланишлари натижаси сифатида сифат ўзгариши бўлди. Бу катта гап-ку, биродарлар. Шу олим докторлик диссертация ҳимоя қилмоқчи. Мен иш мукамал демоқчи эмасман, унда ҳали тўлдириладиган, аниқланадиган жиҳатлари бор. Бизнинг вазифамиз ўша нуқталарга эътибор бериш, фикримизни айтиш, Ойбек ҳеч қачон меҳнатдан қочмайди, фикрингиз асосли бўлса, албатта, инобатга олади, —Ўткир Икромов кесиб-кесиб гапирарди. Ҳар бир жумладан сўнг Ойбек енгил тортар, тўпланганлар индамай қулоқ тутаётган бўлса-да, бу вақтинчалик сокинлик эканини Ойбек ҳам, унинг хайрихоҳлари ҳам билиб турарди. Бу катта йўлнинг—кураш йўлининг бошланиши эди...

Кечинма

Чида, ҳаммасига чида, Ойбек! Майдонга чиқдингми, туриб бер! Битта ўзбек йигити техника фанларини эплай олмай аро йўлда қолиб кетди, деган тавқи лаънатни кўтармаслигинг керак! Ўзимга ўзим ҳар лаҳзада шундай дея мажбурият юклайман. Институт кафедраларидан "Ишни ҳимояга қўйиш керак"— деган таклифни олдим. Икки киши ишимни ёқлаган бўлсаям қолганлар...на қарши чиқиш, на ёқлашга ярашмас эди. Очиқчасига қаршиликка кучлари етмасди, пинҳон уюшишга ҳали эртароқ эди.

Ишни Москвага МАДИ илмий кенгаши раиси В.Н.Луканинга олиб бордим. Учта кафедра аъзолари йиғилишиб муҳокама қилишди. Ҳар хил фикрлар билдирилди. 2 соҳа бўйича қайта ишлаб чиқиш тавсия этилди. Яна етти ой ишладим. Москвада иккинчи марта муҳокамага қўйдим. Бу вақт орасида мени юзлаб одамлар, айниқса, "хайрихоҳ" дўтларим қаттиқ кузатишарди.

— Ойбек, бу аҳволда қайси нуқтагача юрагингиз тоб берар экан?! Мен докторлик диссертациясини ёқлаб, инфаркт бўлиб, ҳали дипломини ололмай ўлиб кетган олимларни эшитганман! Худо минг марта асрасин! Бизга шундайингизча кераксиз...

Баъзан ич-ичимга ботиб кетган кўзларимга қараб рафиқам қаттиқ-қаттиқ гапирарди.

— Ойдин, жоним! Гап фақат менда эмас. Ўзбекларга муносабатни биласан, наҳот, биз ҳақиқатан ҳам техникани эплай олмасак?! Бу—мен учун докторлик иши эмас, ҳаёт-мамот масаласи! Миллат шаъни, ор-номуси! дедим. Иккинчи муҳокама анча жиддий ва қаттиқ бўлди. Айниқса, Никитиннинг ижобий фикрлари менда ўз ишимга ишонч уйғотди. Илмий семинар аъзолари икки хил таклифни айтишди: ишни илмий кенгашга қўйиш, иккинчиси қайта кўриб чиқиб, яна бир марта муҳокама қилдириш. Мен сўнги таклифни қабул қилдим.

Ишла, Ойбек! Сен ҳозир ўзинг эмас, қатоғон йиллари ўйлаган фикрлари ўзи билан тупроққа кўмилган барча ватандошларинг учун ҳам ишлашинг керак! Менга йўллар, кўчалар, самолётлардан сепилган дорилар чанги остида бошига этак-этак пахта кўтарганидан оёқлари чалкашиб қадам ташлаётган пахтакор қиз-жувонлар ҳам "Ишла, Ойбек! Чида, Ойбек!", деб чорлаётганга ўхшарди.

Мағлубият ва қувонч

Ойбек меҳрли нигоҳларга ўрганган эди. Онаизори нигоҳи, опаси, синглиси, рафиқаси, қизалоқлари, устозлари, дўстлари аммо кейинги пайтларда у кўпроқ кинояли, қаҳрли нигоҳларга рўпара келарди. Мана, қаршисида яна бири — Ойбекнинг бутун вужудини тешиб юборгудай бўлиб тикилиб турибди:

— "Сиз бизни алдабсиз-ку, йигитча"—деди у, Ойбекка. "Йигитча" атамасидаги камситиш ўзи етиб ортарди. Чунки, у энди оғзидан она сути кетмаган қандайдир "йигитча" эмас, юзлаб талабаларга мураккаб бир фандан дарс бераётган олим эди. Қолаверса, уни фақат Тошкентда эмас, иттифоқдаги барча двигателчи олимлар яхши танишарди ва тан олишган эди. Сабаби Ойбек двигателчи олимларнинг Бутуниттифоқ анжуманини бир эмас, икки марта бошқарган эди. Шундай экан, нега у "йигитча" бўлсин?! Қолаверса, у ҳеч қачон алдаб кун кўрмаган. Ҳамиша ёлғондан нафратланган!

— Нима деб алдабман?—Ойбек ич-ичидан босиб келаётган исённи куч билан босиб сўради.

— Ишингиз Москвада салбий баҳоланган экан, сиз тескарисини айтиб келдингиз...

— Ёлгон! — Ойбек эгаллаган мансабидан қатъий назар, бу одамга энди чидагиси йўқ эди. Гапни кесди. Ўрнидан туриб кетди.

— Ҳовлиқманг, ўзингизни босинг. Ишбот керакми сизга, ахир сиз ҳар қадамда ҳамма нарсани ишботлаб юрасиз-ку. Мана, ишбот... Ойбекнинг олдига бир варақ оқ қоғоз учиб тушди. Ойбек аччиғидан қисқа-қисқа нафас олиб, қоғозга кўз югуртирди. Унда, ҳақиқатан ҳам, Ойбекнинг докторлик иши ҳақида салбий фикр билдирилган эди. Хатда ректорнинг имзоси бўлсаям рақамланмаган эди. Ойбек бундай имзоларнинг қандай кўчирилишини биларди. Рақамсизми, демак, расмий эмас, уюштирилган.

— Мен бу хатнинг туҳмат эканини сизга ишботлаб бераман. Москвага бориб келсам, бас?—деди Ойбек.

Ҳали важоҳат билан гапираётган раҳбар бўшашди:

— Ойбек Муқаддирович, биласиз, яқинда, сиёсий компания, пахта fronti бошланади... Сизнинг вазифангиз масъул. Шу хатни деб Москвама-Москва юрасизми? Ишингизни давом эттираверинг,—деди...

Ойбек ҳайрон қолди. Бу қанақаси бўлди?! Одам ҳам шунча тез турланадими? Буқаламун ҳам бунча тез ўзгармаса керак?! Ҳозиргина "Алдабсиз" деб юзига лой сачратмоқчи бўлган одам, "Москва"ни эшитиб нега сувга тушган мушукдай бўшашди? Балки, бу Москванинг эмас, Тошкентнинг ишидир?! Нима керак экан ўзи буларга? Одамни ишлагани кўядими, йўқми?! Ойбекнинг айби нима?! Оқил Умрзоқовичга шогирдлигимми? Ёки истеъдодлигимми? Ахир, устози Ойбекнинг диссертациясини ёздириб бераётгани йўқ-ку!

Ойбек рўпарасидаги одам қиёфасидаги кимсага шунга ўхшаш қатор саволларни бергиси келди, аммо индамади. Чунки бундай тоифа одамларнинг бу тарздаги саволлардан бир туки ҳам қимирламасди.

Кечинма

Энди орқага йўл йўқ эди. "Ҳақ олинади, берилмайди", деган гапни айтган киши юз карра, минг карра тўғри айтган экан. Мен ўз ҳақиқатимни юлиб олишим керак эди. Ўз кучим билан. Мен ишимни Москвадан ташқаридаги олимларга ҳам кўрсатишга қарор қилдим. Майли, ўқишсин, фикр айтишсин. Ахир, бекорга кўз нури тўкмадим-ку. Бирор

рақамни осмондан олмадим. Бир чизиқни бировдан кўчирмадим. Ҳаммаси ўрганилган, исботланган нарсалар! Аввал Киев қишлоқ хўжалик академиясига бордим, у ердагилар Ленинградга боришни маслаҳат беришди. Ленинград қишлоқ хўжалик институтида менинг соҳамга мос илмий кенгаш бор экан. Ишимни кўриб чиқиш учун илмий котиб уйига олиб кетди... Ҳа, ҳақиқат бор бу дунёда! Томчи тошни тешади, дейишади-ку. Мен докторликка кабинетда ўтириб, бир нечта шогирдларга диссертациямни бобма-боб ёздириб ёки шу соҳадаги аввал ёзилган китоблардан кўчиртириб эмас, ҳар сатрига кунларим, йилларимни харжлаб, умрим, ҳаётимни бахш этиб келаётган эдим. Менга шуниси қадрли эди.

Ленинград қишлоқ хўжалиги институти махсус илмий кенгаш котибидан ташқари таниқли профессорлар, соҳа мутахассислари—кенгаш раиси, унинг ўринбосари илмий ишимни, авторефератимни ўқиб чиқишди. Ҳаммасидан бир-бирига яқин фикрлар эшитдим. Фикрлар, деярли, ижобий эди, фақат озми-кўлми тўлдириш тавсия этиларди. Тошкентга қайтиб келиб диссертациямни учинчи марта ёзишга ўтирдим. Қизиқ, одам битта нарсага қайта-қайта мурожаат этса, безиб қолади, дейишади. Лекин мен заррача зада бўлмас эдим. Ҳар гал ишга илҳом билан ўтирар эдим, ҳар киритган жумламдан сўнг гавҳар узукка бир муносиб тош топгандай суюнардим.

Ҳимоя

Иттифоқнинг энг забардаст олимлари профессор А.Н.Николенко—илмий кенгаш раиси, раис ўринбосари профессор С.А.Иофинов, профессор Крепс Леонид Иосифович (Ойбек Ленинградга келиб-кетиб юрганида бу олимнинг уйида яшаган эди, бебаҳо одам), академик Кряжков, профессор Бурков, оппонентлари - академик Олег Владимирович Лебедев, профессорлар—Николай Николаевич Иванченко ва профессор Борис Алексеевич Улитовский... Ойбек ҳимоя кунигача улар билан бирор марта ҳам учрашмаган, (Лебедевдан ташқари) фақат бир марта телефонда гапиришган. Тошкентдан эса Ойдин, укаси Марвар, илмий ходим Мирзамурод ва аспиранти Шухрат келишган, холос... йўқ яна "дўсти" Нормухамедов Б.

Ойбек туни билан бир-икки соат ухлаган бўлса-да руҳан

тетик эди. 101 та ватманда чизмалар осилган, 20 та ватман яна заҳирада турибди. Диссертация стенограммасининг ўзи 88 бет!

Профессор Мишиннинг ҳимоя залига кириб келиши тўпланганларни бир қалқитиб олди. Чунки унинг фикри ҳимояда ниҳоятда муҳим аҳамият касб этарди. Куни кеча бир москвалик олимнинг ишининг "қия" лаб кетишида Мишиннинг фикри асосий рол ўйнаганди. Ойбек минбарга чиқмасдан олдин ҳеч бирининг юзига қарамади. "Юз ифодаларини кўрмаслигим керак", деб ўйлади. Ойдинга қаради. Ўзининг Ойдини. Ойбекдан кўра кўпроқ ҳаяжонланаяпти, лекин тасалли бергандай жилмайди, укаси Марвар-онаси, отасидан ёдгор, Ойбек Марварга қараганда ғалати бир ҳиссиётни кечирди. Худди ўзи яхши эслай олмайдиган дадаси Марвар қиёфасида "Бўш келма!" деб қўйгандай бўлди.

— Ҳурматли устозлар, азиз касбдошлар! — Ойбекка ўз овози узоқдан келаётгандай бўлди, яна бир бор укасига қаради, дадил, ишончли нигоҳини илғади... Овози қатъийлашди. ... Ҳимоя 5 соату 45 минут давом этди. Ойбек ярим соат доклад қилди, 5 соат савол-жавоб бўлди. Профессор Мишин нақ 21 та савол берди!

— Диссертант ҳамма саволларимга жавоб бераяпти... Сизлар ўйламанглар, осиелик ҳамкасабамизни Мишин роса терлатишга тиш қайраб келибди, деб. Мутлақо! Мен мана бу формулада озгина чалкашлик кўраяпман, докторлик диссертацияси бу тўғридан тўғри ишлаб чиқаришга тавсия этиладиган кашфиёт бўлиши шарт. У қайта ишланмайди, қайта муҳокама қилинмайди...

Мишин бошқача об-ҳаво яратмоқчими? Наҳот, яна ишим қайта муҳокамага қайтарилса... Ойбек "ҳамма нарсага тайёр бўлишим керак", деб ўзига куч бермоқчи бўлса-да, негадир толиқишни ҳис қиларди. Аммо у Мишиннинг саволларига ўзбекона лутф, эҳтиром билан жуда ишончли жавоб қайтарди. Формулада у ноаниқ деб тушунган нуқтага аниқлик киритди. Профессорнинг бироз чалкашаётганини исботлади. Овозга қўйиш вақти келди. Ойбекда Мишин қарши овоз беради, деган хаёл айлана бошлаган эди, аммо профессор ҳаммадан аввал ўрнидан туриб минбарга келди:

— Жуда катта меҳнат қилинган. Ниҳоятда улкан меҳнат. Шунча меҳнат ҳеч қачон беҳуда кетиши мумкин эмас.

Албатта, халққа хизмат қилади. Мен сизни чин қалбдан табриклайман!—деди Мишин Ойбекнинг қўлини маҳкам қисиб. Сочлари оппоқ нуруний профессор Ойбекка Навоий асарларидаги донишмандлардан бири бўлиб туюлди. У аста Ҳимоя залидан чиқиб кета бошлади:

— Ўртоқ профессор, овоз-чи, овоз?—деди илмий кенгаш котиби, у ҳам негадир ҳаяжонда эди.

— Мен очиқ овоз бердим, қачон расмиятчиликлардан қутуламиз-а, жаноблар?—деди у ва чиқиб кетди...

Тўпланганлар тик турган куйи қарсақ чалишди, Ойбек столга иккала қўлини тираб турар, қувончдан юзлари лолаланган Ойдин одамлар оралаб, унинг ёнига келишга интиларди...

...— Сизнинг билетингиз? —Тескари ўгирилиб ётиб олган Ойбекнинг юраги "шув" этиб кетди. Ундан билет сўраётган бўлса-я тафтишчи? Йўқ, Мирзамуроддан сўраётган экан, у тафтишчига нималарнидир тушунтира бошлади. "Ҳозир менга ўрнингдан тур?"— деса-я, "жарима тўла ё туш", деса-чи? Униси ҳам, буниси ҳам Ойбекка тўғри келмасди.

Гап шундаки, Ҳимоя 100 фоиз овоз билан муваффақиятли яқунлангач, на самолётга, на поездга Москвага билет йўқ эди. Ойдинни-ку бир амаллаб учиринди, меҳмонхонадан чиқиб олишган, буёғига нима қилишади?!

— Йўл кузатувчи билан келишамиз,—деди Мирзамурод.

— "Келишиш" Ленинградга ҳам етиб келганмикин? Бор, тошингни тер, деса-чи? —Шухрат ёш эмасми, иккиланди.

— Э, "келишиш"нинг қадами етмаган жой борми? Буёғи таваккал, бошқа йўли йўқ. Москвага ўзимиз қанот ясаб учиб кетолмаймиз-ку...

— Менга ишонманглар, мени қоидасиз ишга рўпара қилсаларинг, дунёдаги энг қуёнжорак одамга айланаман,— деди Ойбек.

— Э, қўйсангиз-чи, ким айтади сизни Ленинграддай жойда 100 фоиз овоз билан докторлик диссертациясини ёқлади, деб... Техника фанлари доктори арзимаган проводникдан қочиб ўтирса... - ҳазилга олди Мирзамурод.

— Ҳали доктор демай тур, ВАК жаноблари турибди...

— ВАК қаерга борарди, ҳужжатлар тахт...

Ойбек кейинги пайтларда Москва ВАКИда ҳам "савдосотиқ" бошланганидан сал-пал хабардор эди, ҳозир қувонч устида шуни Мирзамуродга айтгиси келмади.

... Мана, Ленинград-Москва поездида кетишяпти, билетсиз, куённинг расмини чизишиб. Хайрият, назоратчи ўтиб кетди.

— Мирзо, ҳар гал назоратчи ўтганида чўнтак енгилляпти, шунақами?

— Зиёфатни қилдик, ўзимизни ўзимиз меҳмон қилиб хурсанд бўлдик. Олтой заводининг конструктори роса зўр одам экан-а, бир таклифингиз билан шунча йўл босиб келибди. Анави "дўстингиз" нега нина ютган итдай бужмайиб ўтирди?

— У менинг мағлубиятимни нишонлашга келган эди. Уни Тошкентдаги "дўстларимиз" вакил қилиб юборган. Афсус, бу бахт унга насиб этмади. Аммо ленинградлик олимларга қойилмисиз? Бирортаси зиёфатга умидвор ҳам бўлмади, холис баҳолашди, кетишди...

— Ойбек ака, Худо хоҳласа, буёғи ҳам холис бўлади,— деди Мирзамурод ва жиддий қиёфада:

— Яна тафтишчи келяпти, ётинг!— деди. Ойбек шоша-пиша ётиб кўзини юмди. Бирдан Мирзамуроднинг қаҳ-қаҳаси вагон деразаларини зириллатди.

— Ҳа, ука!— деди Ойбек тескари ўгирилган куйи.

— Э, ўрнингиздан турунг, эски аскар кийимини кийиб олган гадой экан.

Икковининг қаҳқаҳаси вагонни тутиб кетди.

Янги ўйинлар, эски ўйинчилар...

Тошкентда баҳор... Қиш булутларидан озод бўлган осмон баландлаб, кенгайиб кетгандай. Қалдирғочлар чарх уради. Ҳавода гул ҳидлари. Ректор чақиряпти, деган гапдан сўнг юраги бир қалқинди. Яна нима гап экан? Чунки кўпинча бундай "чақирик"лар орқасидан тухмат келарди. Ахир, Ленинградда юз фоиз овоз билан докторлик диссертациясини ёқлагандан буён мана, уч йил ўтаяпти. Аммо ҳали-ҳануз унинг ишини ВАК тасдиқлагани йўқ! Тасдиққа ярамайдими?— Асло! Агар шундай бўлганда Ойбек айбни ўзидан ахтарар эди. Аммо у ўз меҳнати даражасини билади-ку... Абдусалом Муталибов-ку Ойбекка ёмонлик соғинадиган инсон эмас. Мана, ТАДИга ректор бўлганидан буён институтда қанча яхши ишлар қилди. Бу ўқув даргоҳини иттифоқнинг турдош ўқув даргоҳлари даражасига олиб чиқиш учун доим изланди. Илмнинг, илмли одамнинг қадрига етади...

Аммо кейинга уч йил ичида Ойбек ўз қисматининг бир гуруҳ ҳасадгуйлар қўлида ўйналаётганидан, бу ўйинчилардан собиқ ректор ташқарида бўлса-да, Ойбекнинг кўпларга ишончи сўнган эди. Айниқса, ҳозир "Ўзбеклар иши" деган янги қатағон бошланганда... Бу қатағон қиличи унинг сеvimли устози Оқил Умрзоқович бошида ҳам ўйнаб турганда кўнгли ҳеч қанақа гапни кўтармасди.

Хайрият, уни ҳозирги ректор эмас, балки бу даврда кафедра мудури бўлиб ишлаётган биринчи ректор чақирган экан.

— Ойбек, ўғлим! Тўнни ечавер, ВАК сенга "Техника фанлари доктори" унвонини берди!

Ойбек бу хабарни кутаётган эди, аммо бу тарзда эшитаман, деб ўйламаганди:

— Наҳот, берди, домла?

— Ҳа, бошқа иложи қолмади, берди! Сен энгдинг, ўғлим!

Ойбек 47 ёшга кирганди. Аллақачон "ўғиллик" ёшидан ўтган эди, аммо ҳозир бу кекса олимнинг "ўғлим" сўзидаги узрни ҳам, табрикни ҳам тушунди. У Ойбекнинг ноҳақ қийналган, изтироб чеккан йиллари учун, ўзининг қўлидан кўп нарса келмагани учун узр айтмоқда ҳам эди.

— Ойбек, мен сенга баъзи нарсаларни айтиб беришим керак, ўтир...

— Домла, ўтган ўтди, балки, шартмасдир...

— Йўқ, сен атрофингдаги яхши-ёмон одамларни ажратиб олишинг керак... Биласанми, сенга қарши иш ҳали сен ҳимоя қилиб бўлмасдан бошланган. Кафедрада сен диссертациянгнинг биринчи, иккинчи вариантини қолдириб кетардинг, тўғрими? Ашаддий "дўстинг" раҳбарлигида диссертациянг тафтиш қилинган ва ВАКка думалоқ хат уюштирилган. Улар хатда сенинг ишларингни чала деб баҳолашган. ВАК бу думалоқ хатни Ленинградга илмий кенгашга юборган. Уларда эса сўнги вариант ишинг бор эди-ку, улар профессорлардан иборат кенгаш тузиб, ишингни қайта ўрганишган...

— Ҳа, домла, меням чақириб, тушунтириш хати олинган, хабарим бор...

— Сенинг хабаринг йўқ нарсалар кўп, Ойбек. Сен Ленинград илмий кенгашининг ижобий хулосаси, ўзингнинг ВАК эксперт кенгашидаги 45 минутлик савол-жавобда

эришган ютуқларингга ишонгансан. ВАКдан мингтадан битта иш қайтариледи, меники бўлмайди бу иш, деб ишонгансан. Аммо "дўстларинг" тинмай ишлашарди, Ойбек. Уларнинг совға-салом кўтарган одамлари ВАК атрофида кеча-кундуз ивирсиб юришарди. Биласанми, ҳаммаси нима учун? Бор-йўғи битта ўзбек олимига йўл бермаслик учун! Бор-йўғи ўзларидан ўзиб кетаётганига чидамай? Улар учун миллат манфаати, шаъни бир пул эди, Ойбек! Шунга одамнинг жони ҳиқилдоғига келади. Бу миллат шунинг учунгина, шу феълидангина жабр кўради! Дунёда шунақа миллатлар бор, бор-йўғи бир ҳовуч, лекин бир-бирига зич ёпишган, орасидан қил ҳам ўтмайди. Бир-бирининг қўлидан шундай маҳкам ушлайдик, қани тортиб олиб кўр-чи? Биз-чи...

— Қўйинг, домла, орқада қолди-ку...

— Орқада қолдиргунча...қани энди орқада қолган бўлса! Бу ёғини эшит, Ойбек! Профессор Покровскийни эшитгансан, кўр-кўрни қоронғида топибди, деганларидай, улар ўшани топишади. Ишни "энергетика" кенгаши ҳам кўрсин, дейишади.

...Салом Ғаниевич гапирардию, Ойбекнинг кўз олдига Покровский иштирок этган ўша ВАКнинг эксперт кенгаши келди. Покровский бу кенгашга 1 соатдан ортиқроқ кечикиб келган эди. Аммо кенгаш ўтгач, Ойбекка "сизнинг диссертациянғиз бўйича салбий хулосага келдик", деб айтишган эди.

— Покровскийнинг бутун энергетика кенгаши номидан гапиришга ҳаққи йўқ эди, аммо кенгашда унинг яширинча айтган фикри асосий рол ўйнади. Ойбек сизнинг орқангиздан мағзава тўкиб юрган "дўст"ингиз йиллаб илмий иш қилмади. Сиз билан шуғулланди. Ишингизни Челябинскка юборишди, қўшимча хулоса талаб қилишди. Чунки сиз Покровскийнинг "шарофати" билан рад бўлган ишингизни ҳимоя қилиш учун ВАК бошлиғининг ўринбосари Ермаков олдига кирган эдингиз. Ермаков Шаповалов (бўлим бошлиғи)нинг олдига юборган. Шаповалов сизнинг сентябр ойида бўлиб ўтган ВАКнинг эксперт кенгашида иштирок этган экан. Сиз унга: "Сиз кенгашда ишимни ёқлаган эдингиз, мана яна қайтиб ўтирибди, нима гап?" деганингизда у: "Бу ишнинг ҳаммасини Покровский қилди. Бир ўзи "энергетика" кенгаши номидан гапириб, ҳаммада нотўғри таассурот уйғотди. Бизнинг

кенгашнинг ярим аъзолари яқинда сайланган эди, шунинг учун бир нарсани англаб-англамай қарши овоз бериб юборишаверди"—дейди. Сиз Шаповаловни Ермаков олдига бошлаб киргансиз. Шаповалов Ермаковга ҳам шу гапларни такрорлаган. Ермаков: "Сиз бораверинг, бу қарор бекор қилиниши керак",—деган... Сиз ўз ишингизни ҳимоя қилиб Челябинскка бордингиз, у ердаги илмий кенгашга қўймоқчи бўлдингиз, сўнг ишингиз профессор Виноградовга берилганини билиб, унга учрашдингиз. Сиз на ўша "дўст", на бошқасига жавоб қайтармадингиз, фақат ўзингизнинг ҳақлигингизни исбот қилиш учун ҳаракат қилдингиз!...

Ойбек Салом Ғаниевичнинг бу можаронинг тафсилотларигача билишига ҳайрон қолди. Демак, унинг орқасидан душманлари билан бирга дўстлари ҳам кузатган экан-да. Ёрдам бериш қўлидан келса-келмаса, хайрихоҳ бўлишган экан-да... Ҳам ичи зардобга тўлиб юрганини англади. У Ойбекдан ҳам кўра ўзининг ичини бўшатмоқчи эди, гўё...

Чунки ўша кунларда Тошкент, Бухоро, Хоразм... ҳар қаерда ҳар кун биров қамалар эди. Гдлян, Иванов бошлиқ десантчилар Ўзбекистонда изғиб юришар эди...

... Ҳа, ўшанда Ойбек РСФСРда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби профессор Виноградов билан узоқ, жуда узоқ баҳслашди. Баҳслашган сайин профессор Ойбекни яхши кўра бошлади. Сўхбат якунида: "Мен сени нафақат махсус кенгаш, нафақат ВАК, Аллоҳ олдида ҳам ҳимоя қиламан, сўз бераман!", деб юборди... Ҳозир шуни эслар экан, Ойбек йиллар давомида тортган аламларининг бўйи сал пасайгандай бўлди:

— Домла, мен ҳеч қачон сиздан шубҳаланган эмасман! Ўзимни доим сизнинг шогирдингиз деб билганман. Мана бу хушxabарни сиздан эшитишим ҳам бежиз эмас, Аллоҳ сизни хушxabарчи қилдими, демак, мендан ҳам аввал сизни суюнсин, деган.

Абдусалом Муталибов столни айланиб келиб Ойбекни кучоқлади, елкасига қайта-қайта қоқди.

— Боринг, келини, уйдагиларни севинтиринг, бугун энди ҳаётларингда катта байрам. Келин ҳам сиз билан барабар ёқлади докторликни... табрикларимни етказинг. Ҳа, айтмоқчи, Ойбек, Оқил Умрзоқовични ҳимоя қилиб хат ёзиб юрганингизни, имзо тўплаётганингизни биламан. Устозни ҳимоя қилиш олижаноб иш. Аммо ўт билан

ўйнашманг! Буни қатағон, деб қўйишибди. Ҳеч кимни танимайди қатағон, ҳеч кимга шафқат қилмайди. Ўзингизни аждаҳо оғзига урманг, жарга тушиб писиб ётинг, демайман, лекин, эҳтиёт бўлинг...

Ойбек домласига жавоб қайтармади, фақат қўлларини қаттиқ сиқиб қўйди...

Кечинма

Одамнинг бахтиёр дамлари яшин тезлигида ўтиб кетади. Институт талабаси бўлган пайтларим, аспирантурага энди кирган даврларим, Ойдин билан ўқиш орасида қисқа учрашувлар... қанчалар тез ўтганди бу дамлар! Аммо киши ҳаётидаги оғир кунлар-чи? Айниқса, мана шу кейинги уч йил Ленинградда докторлик диссертациясини ҳимоя қилганимдан то ҳасад чиғириқларидан ўтиб, ҳасад тўрларини узиб, 1987 йил мартага етиб келгунча бўлган вақт юрагим устидан ўтди гуё. Гуё ҳар сониянинг юрагим устида изи бор. Мени билмаган, танимаган, болалигимни, етимлигимни кўрмаган, дини, миллати бошқа қанча олимлар хайрихоҳлик қилишди. Доброгаев, Архангельский, Никитин, Николенко, Иофинов, Крепс, Лебедев, Виноградов... Бу рўйхат узун. Қариндошларим, жигарларим, дўсту-шогирдларим қўллашди. Рафиқам ёнимда парвона бўлди. Устозларим, менинг истеъдодимни билган, қобилиятимга ишонган устозларим ёрдам бера олмаган дамларида ҳам ёмонлик қилишмади. Аммо душман битта бўлса-да кўп, деганлари шу экан-да... Битта, боринги, икки-уч одамнинг хусумати мени уч йил давомида Москва—Ленинград—Челябинск—Тошкент орасида қатнаттирди. Кенгаш аъзолари олдида соатлаб сўроққа тутилдим. Мен бу сўроқлардан ҳеч қачон мулзам бўлиб чиқмаган бўлсам-да, доим Тошкент—Марғилон орасида сарсон Отабекни эслардим. Унинг қўли боғлиқ ҳолда қайин отаси билан бирга аламзада ўтирган ҳолати кўз олдимга келарди. Тўхматнинг ҳамма замонларда амали бир экан-да, зимдан ҳаракат қилар экан. Кимнидир дор остига, кимнидир зиндонга келтирар экан. Кимнидир суягигача оқартириб юборар экан... Балки, одамнинг умри силлиқ ўтмагани маъқулдир... Ўзбекнинг бир ҳассос ёзувчиси Тоғай Муроднинг "Яшасин, ганимларим!" деган машҳур сатри бор. Балки, менинг ҳам ганимларим тош отмаганда бу қадар куч менга келмасди! Уч йилда бир неча бор диссертациямни ҳимоя

қилолмасдим? Аллоҳ, неки бўлса, ўзингдан... Мени синовлар учун яратган бўлсанг, шукур! Адолат учун яратган бўлсанг, шукур! Аллакимларга ўхшаб ҳасад, бузгунчилик учун яралган бўлсам нима қилардим?! Ўзинг асра бундай умрдан! Ахир, уч йил давомида ҳимоя қилинган диссертациямни қайта-қайта ҳимоя қилишимга "ёрдам бериб" юрган одамлар ВАҚдан тасдиқ келганда табриклашга ҳам ярамадилар. Бир оғиз табрикка тиллари келмади. Фақат бир-иккитаси нимадир деб гўлдирагандай бўлди. Ҳасаднинг қоп-қора башараси эмасми бу? Бировнинг қувончига шерик бўлишга ҳам ярамаган олим олимми?! Мен улардан голиб бўлдим, деб осмонларга учмайман. Бир оғиз табриклашса, "Беайб Парвардигор", деб кечириб кетаверардим. Ҳозир эса илм кишиларининг ҳасадгўйликларидан дилим қаттиқ оғриди...

Илм йўлининг йўлчиси...

Ойбек институт ҳовлисидаги ўриндиққа муштдай бўлиб ўтирган кампирга салом бериб ўтди. Онаизорини эслади. Ҳожиябону салобатли, улуғвор аёл эди. Ўзининг қадрини биларди. Ҳеч қачон дазмолсиз кўйлак киймасди... Аммо ҳамма оналарда бир-бирига ўхшаш нимадир бўлади. Кимни излаб келди экан бу аёл? Бирорта талабанинг онасимикин, бувисимикин? Тушмагур талаба бир-икки ойлаб уйига бормадимикин, хат ёзмадимикин? Ойбек энди кафедрага кириб иш столига ўтирган эди, котиба мўралади:

— Ойбек Муқаддирович, сизни бир кампир сўраяпти...

"Менга экан-да", ғалати бўлди Ойбек.

— Айтинг, кирсин...

Бу кафедра "Автомобилларни ишлаб чиқариш ва таъмирлаш" кафедраси эди. Доим кўрсатгичлар бўйича орқада қолиб, танқиддан боши чиқмасди. Уч йил бўлди шу кафедрани Ойбекка беришди. ... Партбюро котиби, аъзоси бўлдингиз, ҳар йили пахтада штаб бошлиғи. "Тажриба етарли, энди кафедрани бир кўтариб беринг", дейишди. Ойбек рози бўлди. Ахир, одам бир жойда ўтиравермайди-ку, доктор бўлди, шунга яраша ўзига имконият майдони очиши керак. Мана, яхшигина ишляяпти...

— Келинг, онахон,-Ойбек кампирни ўрnidан туриб қарши олди, стулга ўтқазди.

Кампир қўлини очиб, узундан-узоқ дуо қилди.

— Қодиров ўғлим, мен сизнинг камида қишлоғимиздаги Али раисдай салобатингиз бўлса керак, дебман. Ўзимизнинг укалардай экансиз...

Котиба чой олиб кирди, Ойбек қуйиб узатди. Нима иши бор экан кампири тушмагурнинг?

— Раҳмат, болам, сувдай сероб будинг. Мен Шукруллонинг бувисиман. Шукрулло-кенжатоийм, супрақоқдим. Сизни тилидан қўймайди...

Шукрулло, Шукр—қайси талабаси экан...

Ойбек кафедра мудири бўлгач, ўқиш жараёнига ўзгартиришлар киритишга эришди.

"1-авторемонт" заводда кафедра филиали ва "Авторемонтчи" номли ўқув-илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этишга эришди. Ўқув билан ишлаб чиқариш жараёни бирга қўшиб олиб бориладиган бўлди.

Диплом лойиҳалари заводнинг буюртмалари билан хўжалик шартномаси асосида қилинади. Талабалар двигателларни таъмирлашни амалиётда тўла ўрганиб, тайёр муҳандис бўлиб чиқишади.

— Биз асли риштонликмиз. Шукруллохон қўлингизда ўқиб, ишлаб юрувди. Йилдан йилга ўн-ўн беш сўм бермасак, ўзини ўзи эпларди, бу йил тугатиб борди, иш йўқ, дейишяпти, бекор сандирақлаб юрибди. Қодиров домлангнинг олдига бор, десам, ўқитгани етмагандай иш ҳам топиб беринг, дейми, юзим чидамайди, дейди. Қўшниларим билан бешик тўйга келгандим Занги отага, сўраб-сўраб топиб келдим, болам. Ёрдам бермасангиз бўлмайди. Бировнинг эшигига совчи бўлиб борсак ҳам "нима ҳунари бор?" деб сўрайди...

Эслади, Шукур, Шукрулло, ушоққина, абжир бола, домла, домла деб ёнида кўп айланарди, меҳри бошқача экан-да...

— Ҳозир котиба қиз сизнинг адресингизни тўла ёзиб олади, албатта, ёрдам берамиз. Институт 5 йил пул сарфлади болангизга, албатта, иш бўлади,—деди Ойбек. Кампир яна узундан узоқ дуо қила кетди. Котиба қизни чақириб, ҳозир айтганларини такрорлади. Кампир эшик олдидан орқага қайтди, қўлидаги тўрхалтадан қоғозга ўралган нимадир олди. Столга қўйди.

— Қодиров болам, бу—туршак, ўзимизнинг боғдан. Бу кампир нимага алмисоқдан қолган туршакни кўтариб

юрибди, дема, бу мирсанжар деган ўрик, ичида олтини бор, болам. Есанг, юрагинга қувват бўлади. Кузингдан кўришиб турибди, бошингдан кўп савдо ўтган,—деди кампир... Ойбек кампирни кузатиб қайтгач, туршакни очди. Бир ҳовучдан кўпроқ туршак озода, дона-дона, "ичида тиллоси бор", беихтиёр кулимсиради Ойбек. Ростдан ҳам бу кампир Шукруллонинг онасими? Ё Ойбекнинг чап кўкида ўқтин-ўқтин пайдо бўлиб турган санчиқни сезган бир илоҳий зот юборган инсонми? Аммо у бу сонияда бу хаёлдан бошқасига ўтди. Фикрини ўқиш, иш масалалари тортиб кетди. Болаларимизга ўқитишдан аввал иш жойи ҳозирлаш керак, ҳаммаси ҳисоб-китобли бўлиши шарт, ўқиган одамнинг ишсиз қолиши мамлакатда катта муаммоларни келтириб чиқаради, бу доим диққат-эътибордаги масала бўлиши керак... Ҳали ўйи поёнига етмасдан стол устидаги қўнғироқ жиринглади, гўшакни кўтарди. Фолибжон декан...

— Ойбек ака, эрийдиган бўлдингиз.

— Тинчликми?

— Назаримда, унвон аниқ бўлибди, шекилли. Эртага фармон чиқади, дейишяпти...

Бугун ажойиб кун бўлди-ку, хизрсифат бир кампирнинг йўқлови, таркибида тиллоси бор ўрик... сўнг бу хушхабар... Гап шундаки, икки йил аввал институтдан турли даражадаги унвонларга олимларни тавсия қилиш ҳақида гап бўлди. Декан Фолибжон: "Ойбек ака, доктор бўлдингиз, дарсликларингиз талабаларимиз билими учун ишлаб турибди, сизнинг ҳужжатларингизни тайёрлаймиз", деди. Ойбек: "Менинг дарсликларим иттифоқ миқёсида қанақа тош босар экан", деб бироз иккиланди-ю, ортиқча камтарликка ҳам тоқати йўқлиги учун, ҳужжат тайёрлаб берди. Ҳамкасби, профессор Мурашов ҳам унвонга тавсия қилинган эди. У бир-икки бор:

— Ойбек Муқаддирович, мукофот харажатсиз бўлмас экан. У ёқ, бу ёққа югуриш керак экан,—деди.

— Унақа югуриб олинадиган мукофотга ҳавасим йўқ. Лойиқ кўришса, беришсин,—деди.

— Ҳеч замонга мослашмадингиз-да, Ойбек Муқаддирович, мен сизга айтдим, кейин хафа бўлиб юрманг,—деди...

...Мана, Мурашов югуриб етаётган мукофот Ойбекка ўзи юриб келаяпти. Адолатнинг борлиги шу-да...

— Голибжон, ҳали фармон чиққунча ҳам вазият ўзгариб қолиши мумкин, подадан олдин чанг кўтармай турайлик, — деди Ойбек.

— Бир марта чангитсак, чангитибмиз-да, Ойбек ака. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби... чиройли жаранглайди-а... Ойбекнинг кўз олдига яна ўша эрталабки кампир, унинг дуолари келди...

— Домла, бекорга "Волга" навбатингизни бировга бердингиз. У киши катта одам, олардилар "Волга"ни. Қолаверса, энди минмасалар ҳам бўлаверарди... Шу машина сизга муносибми? Бир ойдан буён ямаб-чатамиз...

Ойбек гапдон талабасининг эътирозларини кулиб тингларди. Бир жиҳатдан у ҳақ. Мана, Мурашов унвон олган заҳоти қонун бўйича навбатсиз "Жигули" олди-кетди. Ойбек ҳам олиши керак эди. Қоида бўйича "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби" унвонига эришганларга институт касаба уюшмаси тарафидан навбатсиз машина берилар эди.

Ойбек: "Йўқ, аввал устоз олсинлар", деди. Фан арбоби бўлдим деб устоздан аввал "Волга" минишни ўзига муносиб кўрмади. Устоз "Волга" миниб, Ойбекка навбат келгунча машина тўрт баравар қимматлаб кетди. Жамғарган пули етмади, қарз сўрашга... уялди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби ва қарз... Биров эшитса, кулади. Тагин илмий хулосалари амалиётда минг-минглаб фойда келтираётган олим бўлса, "Волга"га пулим етмади, деса, айниқса, хорижлик ҳамкасблари мутлақо ишонмаслиги аниқ. Бу орада ўзининг миниб юрган "Жигули"сини ҳам ўғирлаб кетишди, фан арбоби бой бўлади, яна олаверади, деб ўйлашган-да ўғриси қурмагурлар...

Мана, энди талабалари эксплуатацияга ярамай қолган машинани таъмирлаб, бўяб беришяпти...

Нима бўпти, машина чандиқ бўлса, дарз кетган бўлса... муҳими, одамнинг виждони, иймонига чандиқ тушмасин!

Кураш бўлса кураш-да

Ойбек бир зум иккиланиб турди. "Эркин акага бор гапни айтсам, тушунармикинлар, ёки "Ойбекнинг дарди унвон бўлиб қолибди", деб ўйлармикинлар? Майли, нима бўлсаям

Эркин акага дил ёради. Умуман, нима учун одам ўйлаётган дил сўзларини дўстларига ишониб айтмаслиги керак?! Қачонгача одам бошқача ўйлаб, бошқача гапириши керак?". Ўзининг саволи, ўзининг жавоблари ўзига далда бўлди-да, гап бошлади.

— Эркин ака, сиз мени шуҳрат йўлига тушиб олди, шуҳратпарастлик касаллиги билан оғриди, кеча фан арбоби бўлганди, бугун академикликка оғзининг суви келяпти,— деб ўйламассиз... Эркин Йўлдошевични—1-стационар бош шифокорини—Ойбек Москва даврларидан биларди. Аспирантурада бир пайтда ўқишганди.

— Нега энди, Ойбек, ...биринчидан, мен сизни бугун кўраётганим йўқ. Иккинчидан, одам аввал ўзини ўзи ҳурмат қилиши керак. Ўз меҳнатлари даражасини ўзи билиши зарур, шундагина унинг меҳнатини биров қадрлайди. Нималар қилдингиз? Нима қилмоқчисиз?—деди Эркин ака. Улар 1-стационарнинг сердарахт ҳовлисида оддий ўриндиқлардан бирида ёнма-ён ўтиришар эди.

— Биласиз, СССР парчалангач, ВАСХНИЛ ўрнига бизда ҳам қишлоқ хўжалиги фанлар академияси (ЎзҚХФА) ташкил қилинди. Танлов-сайлов ҳам эълон қилинди. Бу танловда қатнашишим мумкинга ўхшаб кўринди. Ахир, 70-йиллардан буён қишлоқ хўжалиги машиналари соҳасида илмий иш олиб бораман. Монография, дарсликларим бор... Қолаверса докторлик ишим шу мавзуга бағишланган...

— Хўш, хўш?

— ТИИМСХ кафедра мудири, профессор Шукрулло Убайдуллаевич Йўлдошев ҳам, устозим, қатағон чиғирикларидан омон қайтиб, илмий ишлариниям, устозлигини ҳам давом эттираётган Оқил Умрзоқович ҳам ҳужжат топширишган. Улар билан бирга номзодимни қўйишга сал андиша қилдим...

— Э, Ойбек Муқаддиорович, улар жуда ажойиб инсонлар. "Менинг ёшим фалон жойга борди, албатта, академик бўлишим керак, академикликдан нафақага чиқишим керак"—деган одамлар тоифасидан эмас улар...

— Ҳа, олдиларидан ўтдим. Ҳужжат топшираверинг, дейишди... Эркин ака, академиклик қари олимликнинг рутбаси бўлиши керак эмас. Бу унвонни ишлаб турган, фанга, халққа хизмат қилаётган одамлар олиши керак. Бизда

ҳамма соҳада унвонлар навбат билан берилади. Ёшига, сочининг оқиға қараб. Э, қўяверинг, Эркин ака, хуллас, мен ҳужжат топширдим.

— Жуда зўр бўлибди-да, энди қанақа муаммо?

— Мени двигателчи олимлар яхши билишади. Қишлоқ хўжалиги соҳасининг гигантларига ўзимни ўзим таништиришим керак экан. Сизни эксперт комиссиясининг раиси Садриддин Хўжаевич Йўлдошев билан яқин, дейишади. Ёнимда борсангиз бу оғайнимнинг бундай-бундай илмий ишлари бор, десангиз,—деди Ойбек. Даб-дурустан ўзим айтгани ғалати бўлаяпман...

— У зўр одам, гап йўқ, борамиз. Курашми —кураш. Мени борганим бир нарсани ҳал қилса, боравераман,— деди Эркин ака.

Кечинма

Менга юзимга, кўзимга тик қараб: "Чучварани хом санаб юрибсиз, йигит, сиз бозор кўрмагансиз, барибир кучингиз етмайди"—деди. Қани энди, бир маданиятли соҳанинг зиёли одами бўлмасангиз бу қорнидан ўзга салобати бўлмаган "олим"ни бугун дучлашиб қолган жойдан—тўртинчи қаватдан пастга мушукболадай отиб юборсам! Йўқ, фақат менга бўлган муносабати туфайли эмас! Ўзининг ифлос назариялари билан жамиятни булғаб юргани учун! Академия ва ҳоказо муқаддас даргоҳларга ўзларининг об-ҳаволарини олиб киришга эришаётгани, тоза ҳаволарига сассиқ алафлар ҳидини аралаштираётгани учун.

— Ҳа, мен бозор кўрмаганман. Садриддин Хўжаевичнинг олдиға ҳам, ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими Президенти Абдували Имомалиев ҳузурларига ҳам фақат илмий ишларимни кўтариб борганман. Эксперт Кенгаши йиғилишида ишларимни ижобий баҳолашди, бозор кўрмасам ҳам, озор кўриб бўлсаям, ҳақиқатға етаман, ишонаман,—дедим. Қоринбой қорнини селкиллашиб кулди:

— Сиз эккан тераклар кесилиб кетган. Ҳамма нарасада тош-тарози бор,—деди. Уни ким бу қадар ошкор илжайтиради? Кимиға, кимларига суянади улар?! Кўз олдимға яна жаннатмакон Абдулла Қодирийнинг "Меҳробдан чаён" асаридаги мулло Абдурахмон келди. Анвар ўлимға буюрилганда одамлар орасидан илжайиб турган башараси кўз олдимға келди.

Одамзод қачон қутулар экан бундай кимсалардан? Умуман, қутулармикан?!

Кўп олимлардан ижобий фикр эшитган бўлсам-да, сайлов яқинлашгани сари "Академикларнинг ўрни аниқ экан" деган "миш-миш"лар урчиб борарди. Яна Эркин акамнинг олдига бордим.

— Эркин ака, Ойбекнинг томошасини кўрай, деб юрганларга текин томоша яратиб бериш ниятим йўқ. Нимадир қилишимиз керак,— дедим.

— Устозингиз Олег Владимирович Лебедев нима деяптилар, академик-ку... билар об-ҳавони?

— Охиригача курашамиз, деяпти...

— Мен бир ўтиришда вице-президент Саидмахмуд Усмоновни кўргандим, у киши билан ҳам танишчилигимиз бор. "Қодиров бир менга учрашсин", — деди...

...Эркин аканинг гапи билан Усмоновга учрашдим, "Аризангизни қайтариб олинг. Ярим йилдан сўнг сизга конкурс эълон қиламиз", — дедилар.

"Бизга қийин қилманг", деганларидан билдимки, менинг академик бўлишимга йўл йўқ, ҳисоби...

Яна маслаҳат, яна фикрлашиш... Майли, мен бу маслаҳатлардан ёмонлик кўраётганим йўқ. Аммо нега ҳамма муваффақиятга, баъзилар осон эришган муваффақиятга мен доим шундай курашлар билан етаман?! Бу пешонамга ёзганими, қисматми, билмадим!

Зўрлигизни билмабман

Ўзбекистон қишлоқ хўжалик Фанлар Академиясининг улуғвор биноси. Ойбек яқиндагина академик Имомалиев номига ариза топшириб кетган эди. Номзодимни мухбир аъзоликка тавсия қилишингизни илтимос қиламан, деган аризани ёзгунча анча иккиланди. Мусулмончилик аста-аста, деб, ахийри ёзди. Мана, бугун шошилишч академияга чақиришди.

— Сиз кўшимча рўйхатга киритилгансиз, Академиклар сайланиб бўлинди ҳисоб,— дейишди Ойбекка...

Ниҳоят, мажлис бўлаётган залга кирди. Ойбекни меҳрли, изтеҳзоли-ҳар хил нигоҳлар кузатарди...

— Қодиров Ойбек Муқодирович — 23 та тарафдор, 3 та қарши.

Сиз Ўзбекистон қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг

мухбир аъзолигига—"Қишлоқ хўжалик машиналари конструкциясининг технологияси" соҳаси бўйича сайландингиз. Табриклаймиз!—деди академик Абдували Имомалев. Қарсақлар янгради...

Ойбек табрикларни қабул қилар экан, вужудида ажиб бир ҳорғинлик ҳис қилди.

Қани эди, ҳув болалигидаги ойнинг олачалпоқ нурлари жимирлаб ётган боғда-супада-онасининг алласини тинглаб ухлаётган бўлса... Мана бу шовқин-суронлар, бир лаҳзадан сўнг бошланадиган самимий, носамимий қўнғироқлардан олис хилват бир гушада озгина ором олса...

Яшамоқ ўша болаликда осон экан... Энди яшамоқ курашмоқ, дегани.

—...Ойбек Муқаддирович, мен сизнинг иқтидорингизни билмаган эканман, қойил қолдим!—Ойбекнинг рўпарасида ўша уни "бозор кўрмаган" деган қоринбой турарди. "Суллоҳ!"—деди ичида Ойбек, аммо ташида: Раҳмат,—деб кўйди... Табриклар қуршовида зиналарни битта-битта босиб тушар экан, яна болалигини—бир боши Чигатой кўчаси, иккинчи боши "Ўзбекистон" колхозига туташган қадрдон Хўжапархонини, у қараган ҳудуд—"Аллон" маҳалласини эслади. Шу кичкина ҳудуддан қандай зўр одамлар чиққан:

Нуритдин Ақромович Муҳитдинов; машҳур файласуф олим Абдулла Аюпов; "Ўзгазаппарат" заводига кўп йиллар давомида директорлик қилган Саидмурод Султонов; Ўзбекистон Фанлар академияси қошидаги Математика институти директори, академик Шавкат Аюпов; Республика Фан ва технология маркази бошқарма бошлиғи профессор Марвар Тошпўлатов; "Давстандарт" илмий текшириш институтининг илмий бўлим мудири профессор Мирсобир Мирагазов; Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг собиқ кафедра мудири, профессор Мирортиқ Мўминов; Тошкент ахборот технологиялари университети проректори профессор Ниғматилла Мўминов; Тошкент тиббиёт ходимлари малакасини ошириш институтида фаолият кўрсатаётган, тиббиёт фанлари номзоди, доцент Жалолиддин Тожиев; Ипакчилик институтида кўп йиллар директор ўринбосари бўлган Одил ака; Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими Эркин Комилов-туғилиб, ўсиб, улғайиб вояга етганлар. Ўзбекистон тарихи институти масъул ходими, фан номзоди

Ахмат Аюпов ва шу маҳаллалик ака-ука Мирфаёз (фан номзоди-географ), Мирсоат(таниқли журналист) Мусаевлар ҳам маҳалламиз фаҳри ҳисобланадилар. Маҳалладош Баҳодир ака Абдуллаев эса радио-телевидение соҳасининг отахонларидан. Ойбек ҳам шу маҳаллада ўсиб улғайган. Академиянинг муҳбир аъзоси—Ойбек Қодиров.

Балки, ўзбекларга шунча фаҳру гурур берган бу маҳалланинг тупроғида минг-миллион йиллар аввал ҳам зўр алломалар, шавкатли саркардалар яшаб ўтгандир? Ахир, гул саҳрода эмас, дарё, анҳор бўйларида унади-ку!...

Энди Ойбек туғилиб, ўсиб, ўйнаган у кўчалар Тошкент зилзиласидан сўнг ўзгарган, янги уйлар тушган...Аммо киндик қони тўкилган ер уфори уни қариндош-уруғлар сари чорлайверади.

Шунинг учун бўлса керак шу пайтда, шу қувончли онда у ерга шу қадар боргиси келдики, бу истак нақадар кучли эдики...

Кечинма

Менинг ҳаётим фақат кураш, мағлубият ёки ғала-балардангина иборат эмас. Умрим китобининг қанчалар қувончли лаҳзалари бор... Шулардан бири—саёҳатлар.

Инсон умри аслида турфа сафарлардан иборат. Кўнгилга сафар, тарихга сафар, келажакка, бошқа ўлкаларга сафар...

Эсимда қолган сафардан бири собиқ Югославияга... Мен биринчи гал бу мамлакатга институтда бирга ишлайдиган ҳамкасбим Шавкат ака Собиров билан борган эдим, иккинчи гал Ойдин билан бирга дам олишга йўлланма олиб кетдик.

Югославия

1980 йил, август... Ҳамманинг қўлида иккитадан жомадон. Бизнинг иккимизга битта кичкина латта сумка. Бу аёлга ёрдам бериб юборинг,—деди Ойдин. Жомадонни олдимун бир ёққа оғиб кетдим. Ичига тош солиб олганми?—дедим шивирлаб, Ойдин кулиб, елка қисди. Кейинчалик билдик. Кўпчилик борганлар савдогарчилик билан шуғулланиб, уйига совға-саломлар билан тўлиб-тошиб қайтишар экан. Биз эса қуп-қуруқ қайтдик, йўқ-йўқ, қуруқ қайтдик, десак ўшамас. Ажойиб гўзал шаҳарларни, музейларни, меҳмон-хоналарни, денгизни кўрдик. Айниқса, Югославия ўзининг

ойнадай ярқираган тоғлик йўллари билан бизни тоғ қолдирди. Аёлим таниқли йўлчи олима эмасми, шу боис барча йўлларга баҳо бериб борди. Мен ҳам буш келмайман, қачон бизнинг йўллар ҳам Европа йўлларига ўхшайди?

Автобуснинг тезлиги 110-120 км/соат... Адриатика денгизининг сувини айтмайсизми? - 3-4 метр чуқурликдаги балиқлар, тошлар қўриниб турибди. Биз қўнган меҳмонхона кўркам ва шином. Ўғирлик йўқлигини қўриб таажубландик, очиги. Барча автомобиллар кўчада "тунайди". Ҳеч ким ҳеч нарсага тегмайди. Бошқа давлатга саёҳатга ёки иш билан борар экан, киши беихтиёр икки давлат халқининг турмуш тарзи, одоби, урф-одатини бир-бирига қиёслайди.

Югославия мамлакати гўзал табиатли ва ажойиб шаҳарларга бой. Белград шаҳрининг номи аслида—Оқ шаҳар демак, барча иморатлар оппоқ, яъни оқ ғиштдан қурилган. Тарихий обидалар—янги қурилишлар билан уйғунлашиб кетган. Иш куни жуда яхши режалаштирилган: иш вақти соат эрталабки 6⁰⁰ дан кундузги 14⁰⁰ гача. Демак, ҳар бир инсон тушдан сўнг ўз хўжалигининг ишлари билан машғул бўлади ёки дам олади. Инсон қанча вақтли турса, иш унуми шунча кўп бўлади. Шунинг учун, боболаримиз азал-азалдан қуёш чиқмасдан, яъни тонг ёришиши билан туришни одат қилганлар. Салқин пайтда ишлашган, иш унумли бўлган.

Саёҳат 14 кун давом этди ва Югославиянинг 5 та вилоятини бориб томоша қилдик, ҳозирда мустақилликка эришган Македонияга ҳам бордик. Юнон халқининг маданияти ва урф-одатлари билан танишдик.

Адриатика денгизида бир неча кун мазза қилиб чўмилдик. Бу саёҳат ҳеч қачон бизнинг эсимиздан чиқмайди.

Ўн тўрт кун давомида рафиқам иккаламиз 14 ёшга яшаргандай, муҳаббатимиз янгилангандай бўлди. Денгизнинг кўпикли тўлқинларида биз ташвиш деб кўтариб юрган майда-чуйда гап-сўзлар ювилиб кетгандай, дунё тоза ҳаволарга тўлгандай бўлди ўша лаҳзаларда.

Мана, яна саёҳат имконияти пайдо бўлаяпти, бу гал энди қадим Ҳиндистонга... Ҳиндистонга йўлланмани ҳам кафедрам мусобақада ғолиб чиққани учун мукофот сифатида беришди. Сирли ва жозибали Ҳиндистонга! Бу ўлканинг номи қалбимда ҳамиша қизиқиш, эҳтиром уйғотган. Балки, Беруний бобомиз бу диёр ҳақида энг мукамал, энг қадимий

китоблардан бирини ёзгани учундир, балки, соҳибқирон Темурнинг Ҳиндистон юришлари билан боғлиқдир бу қизиқиш, балки, ҳам шоҳ, ҳам шоир Мирзо Бобур ҳазратларининг иккинчи ватани бўлгани боис бизнинг ҳам кўнглимизни ўзига тортиб турар... Ҳар ҳолда, Ҳиндистонга боришимиз хаёлдан ҳақиқатга айланган сайин Ойдин икковимиз Югославия сафаридан олдинги кунлардан ҳам кўпроқ қувонар эдик...

Ҳинд сори юзландим ...

1989-йил, 10 ноябрда эрталаб соат 5 да божхона кўригидан ўтиб, Деҳлига ИЛ-62 самолётида парвоз қилдик. Фазога кўтарилганимизда, Карачи шаҳрига (Покистон) шартномага мувофиқ бир соат тўхтаб ўтишимиз маълум бўлди. Бундай кўниб ўтиш соғ, юраги бақувват инсонлар учун ҳеч гап эмасдир, лекин юраги хасталарнинг мотордан чиқаётган бурқсиган газлар ҳиди нафасини сиқади. Энг ёмони шуки, моторлар бир соат давомида ишлаб туриши шарт экан. У эса самолёт салонини бадбўй ҳидлар билан тўлдиради. Бир соат ўтар-ўтмас Карачидан кўкка кўтарилиб, Деҳлига учдик. Деҳли аэропортида божхона вакиллари сайёҳлар гуруҳларини бир зумда кўриқдан ўтказиб юбордилар. Юқларимизни ихчам аравачаларга жойлаб, автобус томон филдиратиб кетдик. Автобусга ўтириб шаҳар меҳмонхонасига йўл олдик. Деҳлининг қоқ марказидаги 16 қаватли шинам меҳмонхона — "Канишка" га жойлашдик. Меҳмонхонада хизмат кўрсатиш маданияти юксак даражада. Унда 4 та ресторан, ўнлаб магазинлар, бассейн мавжуд, такси истаган пайтингизда муҳайё, хоналарнинг барчасида рангли телевизорлар, совутгич ва зарур жиҳозлар бор.

Тарихий обидалар шаҳри

Деҳли-Ҳиндистон пойтахти. Аҳолиси 14 млн. киши. Ҳиндистоннинг шимолий-ғарбида Жамна дарёси бўйида, денгиз сатҳидан 216 метр баландликда жойлашган. Деҳлида июл ойининг ўртача температураси 31°, январ ойиники 14,2° бўлади.

Ҳозирги 8-асрдан Деҳли Султонлигининг, 1526-йилдан Бобурийлар салтанатининг пойтахти (Деҳли шаҳрини пойтахт тутган ҳукмдорларнинг деярли барчаси туркийлар) бўлган.

1803 -йилда Деҳлини англизлар босиб олди. 1857-59 йилларда шаҳар ҳинд миллий қўзғолонининг муҳим марказларидан бири бўлган. 1911 -йилдан Британия Ҳиндистонининг пойтахти, ўша йилдан Деҳлининг жануби ғарбида Нью-Дели шаҳри қурила бошланди. У 1947- йилдан мустақил Ҳиндистон пойтахти, 1950- йилдан Ҳиндистон Республикаси пойтахтидир.

Деҳли—мамлакатнинг йирик иқтисодий, маданий маркази ва Ҳиндистон шимолидаги муҳим транспорт йўллари тугуни. Бу ердан мамлакатнинг турли томонига ва кўп мамлакатларга темир-йўллар, автомобил ва ҳаво йўллари кесиб ўтади. Деҳлида 3 та аэропорт бор.

Шаҳарда пойтахт аҳолиси эҳтиёжи учун маҳсулот ишлаб чиқарадиган саноат тармоқлари: тўқимачилик, тикувчилик, трикотаж, пойафзал, ойна-керамика, кимё-фармацевтика, электроника, металлсозлик ва машиносозлик саноати ривожланган.

Деҳлининг эски қисмида—Деҳли жоме масжиди, Лаъл-Қалъа (Қизил форт) сарой комплексида бобурийларнинг оқ мрамардан ишланган саройлари (ранг-Маҳал, Девони-Ом, Девони Кхас (барчаси 1639-49 йилларда қурилган), Марварид масжид (1660) бор. Эски шаҳардан жануб томонга юрсангиз Ферузобод шаҳри вайроналари (1351-1398й), Кулон (1380й) ва Қилан-Қила Сарой-қўрғон ансамбли (1540й), Ҳумоюн мақбараси-(1565) ва бошқа обидалар сақланган.

Деҳлининг янги қисми улкан майдонлар, кўркам боғлар ва улардан бошланган кенг кўчалардан иборат бўлиб, бу ерда "Ҳиндистон дарвозаси", марказий ҳукумат қароргоҳи, маъмурий идоралар, банклар жойлашган. Шаҳарда 2 та университет, кўплаб коллеж ва интернатлар, санъат ва бошқа академиялар, бадиий галереялар, музейлар, Маҳатма Ганди ва Жавоҳарлал Неру меъмориал музейлари, театрлар, миллий музей, амфитеатр, расадхона ва бошқалар бор.

Аммо Ҳиндистондаги ҳамма кунларимиз силлиқ ўтди, деб бўлмайди.

Тушдан сўнг Деҳлидаги энг улкан ибодатхонани зиёрат қилдик. Ушбу ҳашаматли обидани Деҳлининг энг бой Маҳараджиси қурдирган экан. Ибодатхонада рамзий маънода барча урф-одатларни (ритуаллар)ни бажарган ҳолда ҳинд маъбудларидан дунёда тинчлик бўлишини тиладик. Лакшми,

Кришна, Шива илоҳларининг ҳайкаллари ажойиб қимматбаҳо тошлар билан безатилган.

Ҳар бир илоҳнинг ўз вазифаси бор: Лакшми—севги тангриси бўлса, Шива—эзгулик маъбудиди. Янги Дехли кўчаларини пою пиёда сайр қилдик Ҳиндистон дарвозаси ва Президентнинг муҳташам саройи шаҳарга кўрк бағишлаб турибди. Кўриб кўзинг тўймайди. Одамлар майсазорлар устида бемалол ялло қилиб дам олишмоқда. Ибодатхонада фаройиб воқеа содир бўлди. Одатда, ибодатхонага оёқ кийим ечилиб, пайпоқ билан кирилади. Чиқаетганда эса пайпоқ қолдирилади. Қашқадарёлик йўлдошимиз, Қосим ака чиқсалар туфлини "илиб кетишибди". У ҳам бўш келмай ўлчами оёққа мос бир пойафзални кийиб олибди. Тоза ҳазилкашлик бўлди буёғи. Домла, яланг оёқ юрмаймиз-ку, дейдилар. Кулишиб оламиз.

Қудратли подшоҳ ва мағрур малика

Ҳумоюн ва унинг яқинларининг мақбараларини зиёрат қилиш биз учун бир қарзни узишдай туюлди. Гуё улар мақбараларда бизнинг дуоларимиз, тиловатларимизни кутиб ётгандай... Борганимиздан: "келдиларингизми?" деб суюнгандай...

Муҳаммад Ҳумоюн Мирзо Бобурнинг тўнғич ўғлидир. Унинг онаси Моҳимбегимдир. Мирзо Бобур ўз васиятига биноан Қобулда дафн қилинган. Ҳумоюннинг афсонавий мақбарасини Ҳумоюннинг жуфти ҳалоли Ҳамидабону қурдирган. "Ҳумоюннома" муаллифи Гулбаданбегимнинг ёзишича, Ҳамидабонубегим Ҳиндол Мирзонинг пири Мирбобо Дўстнинг қизи бўлган. У Ҳиндол учун сингилдек бўлиб қолган эди. Шунинг учун подшоҳнинг укаси Ҳиндол акаси Ҳумоюн бу қизга кўнгилик қўйганидан хабар топиб, бўлажак никоҳга унчалик рўйхушлик бермайди. Ҳумоюн Мирзо қизни бор-йўғи бир марта кўриб, совчи юборади ва ҳузурига чорлайди. Бўлажак малика қирқ кун совчиларни кетма-кет розилик бермай қайтариб юбораверади. Охири орага подшоҳнинг ўғай онаси Дилдорбегим тушади. Шунда ҳам қиз "қўлимни узатсам этагига ҳам етмайдиган киши билан қандай турмуш қураман"—дейди ўжарлик билан. Ҳамидабону Ҳумоюнга текканида 14 ёшлик қиз эди. Ҳамидабонудан 1542 йилда Акбаршоҳ туғилди. Манбаларда

ёзилишича, малика эри вафотидан (1556 йил) қирқ саккиз йилдан сўнг, яъни 1604 йилда вафот этган. Мавзолей мрамардан, кошоналари эса қизил тошдан ясалган. Зиёратга келадиган одамларнинг кети узилмайди. Шуниси қувонарлики, ҳинд халқи Бобур Мирзо сулоласининг тарихий обидаларини кўз қорачиғидек асраб-авайлаб келмоқда ва уларни ўзларининг муқаддас зиёратгоҳларига айлантирган. Ҳинд халқи Бобур Мирзони босқинчи сифатида эмас, балки Ҳиндистондек буюк давлатни барпо этган давлат арбоби деб эътироф этади. Жавоҳарлал Неру таъбири билан айтганда, "Бобур дилбар шахс, уйғониш даврининг типик ҳукмдори, мард ва тадбиркор одам бўлган. У санъатни, адабиётни севарди, ҳаётдан ҳузур қилишни яхши кўрарди"...

Мавзолейдан чиқаётганимизда қўққисидан кулгу кўтарилди. Бояги акахонимиз ўз оёқ кийимларини бир инглиз сайёҳининг оёғида кўриб қолибдилар ва имо-ишора билан алмашиб қолганини тушунтирибдилар ва алмаштириб ҳам олибдилар. "Ҳа, ҳақингни қўймайсан, ўзбек", деб кула-кула томошага ўтдик. Зиёратгоҳ олдида кобра илон ўйнатувчилар бор экан. Томоша қилдик. Вишиллаган илон одамзод қўлида қўйдек ювош тортиб қоларкан. Бу бозугарликлар ҳамма илонларни ҳам шундай амрига бўйсундирармикан, ё уларнинг кучи етмайдиган илонлар ҳам бормикан бу дунёда?!... Кўз очиб юмгунча кун ҳам ботди.

Буюклик-содаликда

12 -ноябрда эса Индира Ганди уй-музейини томоша қилишга бордик. Гандининг уйи ҳашаматсиз, яъни хоналари оддийгина безалган. Ҳатто, унинг ичида ҳар биримизнинг уйимизда мавжуд бўлган стенкалар, креслолар, диванлар ҳам йўқ. Фақатгина мўъжазгина кутубхона, иш столи бор холос. Гандига ўқ узилган жойга бориш учун эса махсус ойнадан йўлакча қилинган ва у ерга гулчамбарлар қўйилган. Боғ ҳам шинамгина ва ундаги анвои гулларни кўриб баҳри-дилингиз очилади. Кўм-кўк майсазордан юрсангиз, юрагингиз кенгайиб кетгандай бўлади. Махатма Ганди ва Индира Ганди куйдирилган мажмуани зиёрат қилар эканмиз, одамнинг юраги увишиб кетишини ҳис этдик. Ўз халқининг озодлиги, фаровонлиги учун жонини фидо этган инсонлар... кулга айланган. Буям қисмагми? Зиёратгоҳ

одамлар билан тирбанд, ҳам зиёрат, ҳам тижорат деганларидек, ҳамма ўз иши билан машғул.

Чошгоҳдан сўнг эски шаҳарни томоша қилишга йўл олдик. Ҳумоюн қурдирган "Қизил қўрғон" шоҳнинг қароргоҳидир. Афсуски, хоналарни безашга нақш ўрнига ишлатилган қимматбаҳо тошлар қачонлардир ўйиб олиб кетилган (ўрни бор, холос). Ўз вақтида, бу иншоотлар жуда ҳам гўзал ва ҳашаматли бўлган. Мармар тошларга ўйиб ишланган гуллар қимматбаҳо тошлар (ёқут, феруза, марварид) билан безатилган. Қайтаётганда қўрғон ичидаги қатор расталарни, атторлик дўконларини айландик. Қўрғондан сал нарироқда жойлашган Ҳумоюн қурдирган масжид осмонўпар ва муҳташам... қараганда, кўнглинг юксалиб кетади. Эҳтимол, бу ҳаммаси иморатлар шарофатидан эмас, Мирзо Ҳумоюннинг шахси туфайлидир. Унинг бизники эканлиги, илдизимиз эканлиги кўнгил дарахтимизга куч бераётгандек...

Бобур Мирзо пойтахтида

Бобур Мирзо 1483- йилнинг 14 феввалида Андижонда Фарғона мулки ҳукмдори Умаршайх Мирзо оиласида дунёга келган. Бобур Мирзонинг онаси Қутлуғ Нигорхоним Тошкент ҳокими Юнусхоннинг қизи бўлиб, у мўғул ҳукмдори Чингизхоннинг ўн бешинчи авлодидир. Бобур Мирзо соҳибқирон Амир Темурнинг олтинчи авлоди ҳисобланади.

Бобуршоҳдан тўрт ўғил, яъни—Ҳумоюн, Камрон, Ҳиндол ва Аскарийлар қолганлиги ҳақида манбаларда ёзиб қолдирилган.

Шоҳнинг Маъсума Султонбегим, Гулбаданбегим, Гулрангбегим, Гулчеҳрабегим, Гулзорбегим исмли қизлари бўлган.

Бобур Мирзо Ҳиндистон тарихида муҳим ўрин тутадиган шахслардан. Бобуршунос инглиз олими Ж. Малмсон Бобур ҳақида "моҳир ташкилотчи сифатида, шунингдек, биз—инглизлар кўп жиҳатларини ўзлаштириб олганимиз—мукамал давлат тизимининг асосчиси сифатида, Ҳиндистонда беш юз йилдан буён давом этиб келаётган парокандалик ва бошбошдоқликка барҳам бериб, ўзаро ғанимлик муносабатида бўлган қавмлар ва уларнинг хон ва султонларининг бошини бир қилишда холисона сиёсат юргизган одил ҳоким деб тасаввур қиламан"—дейди.

13-ноябрда эса эрта билан Бобурнинг қароргоҳига, Ҳиндистоннинг биринчи пойтахти Аграга қараб автобусда йўлга тушдик. Бобурдан бизга шеърий девон билан бирга "Бобурнома", "Хатти Бобурий", "Муфассал", "Мубаййин", ҳарб иши, мусиқа илмига оид асарлар мерос қолган. Агра билан Деҳли оралиғи 205 километр экан. Йўлда сув ичиш учун бир кемпинг (вақтинча дам оладиган жой) олдида тўхтадик. Не кўз билан кўрайликки, майсазорда 3 метрли бўлма илон ястаниб ётар эди. Оғирлиги нақ 20-25 кг келади. Сайёҳлар уни бўйинларига ўраб суратга тушишди. Маълум бўлишича, илоннинг эгаси шу жонивор туфайли оиласини боқар экан, чунки у билан суратга тушганингиз учун рупия ёки бирор нарса бериш зарур. Ҳар кимники бир тирикчиликда, биров сувдан, биров ердан... Ҳалоли бўлсин! 5 соат йўл босиб, Сикандра шаҳарчасига етиб келдик. Бу ерда Мирзо Бобурнинг набираси Акбаршоҳ қабри бор экан. Мавзолей ҳашаматли қурилган, атрофи кўркам, лекин маймунлар билан лиқ тўла. Ҳинд халқи бу зиёратгоҳни ҳам жуда эъзозлар экан. Акбаршоҳ Ҳиндистонда энг кўп давр яъни 49 йил (1556-1605) шоҳлик қилган. Бобуршоҳ эса атиги 4 йил подшоҳлик қилган. Лекин унинг авлодлари 3 аср (1526-1858) мобайнида Ҳиндистонни идора қилишган. Акбаршоҳнинг уч хотини бўлган. Улардан фақат қизлар дунёга келган. Айтишларича, кунларнинг бирида унинг ҳинд хотинидан ўғил, яъни Жаҳонгир туғилган. Ривоятларга кўра, бунинг учун Акбаршоҳ Аградан 40 чақирим нарида яшайдиган устози шайх (Салим Чештий)га сиғиниб боради. Чунки авлиёнинг дуолари ижобат бўлар экан.

Завжаи муҳтарамаси ҳам яёв шайх ҳузурига қатнаб дуодан баҳраманд бўлади. Худоданми, бандаданми, бир йилдан сўнг Муҳаммад Салим Жаҳонгир дунёга келади. Шайхга бўлган ихлос туфайли, Акбаршоҳ пойтахтни Сикандрага кўчиради ва ҳашаматли қасрлар бунёд этади. Ҳамма қасрлар қизил тошдан. Қолаверса, ўша машҳур авлиёнинг дуо ўқийдиган кошонаси ҳам мавжуд. Худди шу жойда шоҳ ўн йилча яшайди. Қурғоқчилик оқибатида бу ер кейинчалик ўлик шаҳарга айланади. Бир замонлар ҳаёт, базми-жамшид авжига чиққан масканни кўз олдимга келтираман. Ҳа, ҳеч нарса абадий эмас. Шоҳ ҳар бир хотини учун алоҳида қаср қурдирган. Жуфти ҳалолларининг бири насроний бўлган экан. Суратини музейда кўрдик. Тарихдан маълумки, Акбаршоҳдан сўнг Ҳиндистонни

Жаҳонгир бошқарган ва у Лоҳур яқинида шоҳдарада дафн қилинган. Ундан сўнг подшолик Шаҳзода Хуррам—Шоҳжаҳон қўлига ўтган. Албатта, бутун дунёга Мирзо Бобурдан сўнг Шоҳжаҳон маълум ва машҳур. Негаки, у барпо этган Тожмаҳал оламшумул тарихий обида, жаҳондаги етти муъжизанинг бири ҳисобланади. Хаёлимда бобурийлар тарихи чархпалақдек айланади. Тадқиқотчиларнинг аниқлашича, Тожмаҳалнинг бош меъмори Усто Исо исмли устадир. Атрофдаги боғни эса Раимол боғбон режалаштирган.

Агранинг ҳавоси Деҳли ҳавосидан тубдан фарқ қилади: майин ва тоза. Тожмаҳал шундай қурилганки, бино сатҳи 14 минг квадрат метр майдонни эгаллайди. У тўртбурчак шаклида бўлиб, мақбаранинг атрофида 4 та минора қад ростлаб турибди ва уларнинг баландлиги 50 метрдан ортқ. Мақбара ял-ял товланувчи мрамар тошдан ясалган, қимматбаҳо (ёқут, феруза) тошлар билан безатилган. Мавзолейнинг ички қисмига кириш машаққат. Бинонинг ички қисми ҳам ўта маҳорат ва нозик дид билан сержило қилиб ишланган. Минг-минглаб одам турнақатор тизилиб турибди. Амаллаб, ичкарига кирамиз. Гумбаз остида Шоҳжаҳон ва Мумтозбегимнинг ясама мақбаралари. Шоҳжаҳонники бироз каттароқ қилиб ишланган, лекин нақшлари бир хил. Ажойиб санъат асари кишини ҳайратга солади. Ертўладаги асл қабрларнинг тошлари гўзал ва кўркем. Қуръон тиловат қилиб яна тепага кўтариламиз ва мавзолей атрофини томоша қилиб бошқа қабрларни ҳам зиёрат қиламиз. Афсуски, сайёҳлар ичида араб тилини биладиган таржимон бўлмаганлиги учун мақбаралар пештоқидаги куфий ёзувларни ўқий олмадик. Келажакда сайёҳлар орасида араб ва инглиз тилини биладиган таржимон бўлса, деб орзу қилдик, балки, бу сирли ёзувлардан боболаримиз бизга айтиб қолдирган бирор сўзни англандик... Бу зиёратгоҳнинг атрофида ўнлаб бошқа даргоҳлар бор, лекин уларни кўришга имконият бўлмади. Ажратилган вақт жуда қисқа эди. Ҳинд тарихчиси Л.Шарма таъбири билан айтганда, Тожмаҳал нафақат бобурийлар меъморчилигининг бетакрор нусхаси, балки бутун ҳинд, қолаверса, дунё меъморчилигининг бетакрор намунасидир.

14 -ноябрда эрта билан "Ўлик-шаҳар"га қараб йўл олдик ва у ерга бир ярим соатда етиб бордик. Бийдек чўлда айиқбозларни учратдик, ҳинд деҳқонлари экин-тикин билан

машғул. Бир талай одамлар бошларидаги саватчаларда майдаланган тошлар ташиб, йўл четига йўлка қилмоқдалар. Ҳеч қандай машина-механизм йўқ, барча ишлар инсоннинг қўл кучи билан бунёд этилаётир...

Машҳур ишқ қиссаси

Шаҳарни томоша қилиб, яна Аграга қайтамиз ва тушлик ҳам қилмасдан Деҳлига жўнаймиз. Шу куни автобусда қимирламай 9 соат ўтиришга тўғри келди. Аъзойибаданларим автобуснинг елим ўриндиғи ва ичининг диққинафаслигидан увишиб, қақшаб кетди.

Ҳинд адибаси Нина Эптоннинг ёзишича, "Аржумандбонуга, яъни Мумтоз Маҳалбегимга гўзаллик бахш этадиган нарсаларнинг энг муҳими—ёниб турган каттакатта кўзлари-ю, юзининг майин ифодаси, белигача тушиб турган тим қора ялтироқ сочлари, гунчадай лаблари эди. Унинг бадани майин етилиб пишган ўрик рангида бўлиб, ияги бир оз чўзиқроқ, остидан сезилар-сезилмас бақбақаси кўзга ташланиб турарди. Ўнг ёноғида чиройли кулдиргич чуқурчаси бўлиб, бу унинг икки хислатидан, биринчи—нозик қалбида яшириниб ётган кучли иродасидан, иккинчи томондан—кулгу шинавандалигига ва ҳаёт неъматларидан лаззатлана олиш кайфиятидан гувоҳлик бериб турарди. Қўллари кичикроқ, бармоқлари калта ва бақувват бўлиб, бу ҳол эгасининг саҳоватли ва маҳоратли эканидан далолат бериб турар эди. Ҳаракатлари оҳуникидек нозик ва ёқимли, овози майин ва сероҳанг эди".

Аржумандбону сарой амалдорларидан Асафхоннинг қизи бўлиб, 1594-йили дунёга келган. Табиатан камтар ва эътиқоди мустаҳкам бу қиз 1611- йилнинг 26- июнида шаҳзода Хуррамга узатилади. Шоҳжаҳон Аржумандбонудан ўн тўрт нафар фарзанд кўрган.

1628 -йилда Шоҳжаҳон тахтни эгаллаганда, маънавий таянчи Аржумандбонуга "Мумтоз Маҳал" (Саройда тенги йўқ) деган унвон беради. У ҳар доим, қолаверса, ҳарбий юришларда ҳам эрининг ёнида бўлади, яхши ва ёмон кунларда далда ва таскин беради. Мумтоз Маҳал садоқат ва вафо тимсолидир. 1631- йилда маликанинг Гавҳароробегимга кўзи ёрийди. Бироқ, туғруқ пайтида кўп қон йўқотиши

туфайли жони йўлда (подшоҳ билан ҳарбий юришда эди) узилади. Мумтоз Маҳалбегим жасади Бурхонпурдан Аграга келтирилиб, сўлим боққа дафн этилади.

Мумтоз Маҳалбегим ўлиmidан аввал эри Шоҳжаҳонга бундан буён бошқа уйланмасликни илтимос қилган экан. Шоҳжаҳон ҳеч кимга уйланмай, ваъдасининг устидан чиқади ва боз устига унга бағишлаб дунёда тенги йўқ, оқ мрамрдан ял-ял товланиб турган мақбара қурдирган. Айтишларича, 20 минг ҳунарманд 22 йил давомида ушбу мўъжизани барпо этган. Ҳунарманд усталар сафида боғдодлик ва мисрлик усталар ҳам бўлган. Усталарнинг меҳнатига тасанно ўқишдан чарчамайсан, киши. Ривоятларга қараганда, Шоҳжаҳон ўзига ҳам бу обидага қарама-қарши қилиб қора мрамрдан мақбара қурдирмоқчи бўлган экан. Афсуски, унинг ўғли Аврангзеб, тахт талашиб, падарини зиндонбанд қилади ва Тож Маҳал кўриниб турадиган ҳужрага қамайди ва ниҳоят, афтодаҳол ота ушбу кулбада вафот этади.

Толиқиб Деҳли аэропортига етиб келдик, чунки бу ердан Бомбейга учишимиз керак. Яна осмону фалакда, сутдек оппоқ булутлар қўйнида парвоз қиламиз.

Икки соат Раджеш Кханнани кутиб

Тасодифни қарангки, Деҳлида бомбейлик машҳур ҳинд артисти Раджеш Кханнани учратиб қолдик ва рафиқам Ойдин инглиз тилида бироз бўлса-да гаплаша олгани учун ундан дасхат олишга ҳам муяссар бўлди.

Кейин билсак, шу артист туфайли бизнинг рейс 2 соатга кечиктирилган экан. Самолёт 300 кишилиқ бўлиб, ихчам ва қулай. Шовқин-сурон деярли йўқ. 8-10 дақиқа ичида у зарур баландликка кўтарила олади. Аэропортга кўнишга ҳам кам вақт сарфланар экан. Бу эса йўловчилар учун жуда қулайдир. Бомбей шаҳрига эрталаб етиб келдик, парвоз давомида мижжа қоқмадик. Аэропортдан чиққач, бир соатдан ортиқроқ вақт ичида автобусда "Ҳоризон" меҳмонхонасига олиб келдилар ва бизни мезбонлар илиқ кутиб олиб, бўйнимизга гулчамбарлар тақишди. Кайфиятимиз кўтарилиб кетди. 10 дақиқа ичида хоналарга жойлашиб ҳам олдик. Меҳмонхона ҳам ўта шинам, барча қулайликларга эга. Меҳмонхонадан тўғридан-тўғри Араб

денгизига чиқилади. Аммо, бора солиб, меҳмонхона бассейнида мазза қилиб чўмилиб олдик. Узоқ-узоқ автобусларда йўл босганимиз чарчоғи чиқди, ҳисоб...

Икки томонлама келишув

Дам олиш фурсатларида Ҳиндистон технология институтига қўнғироқ қилиб боғландим. Афсуски, декан дўстимиз Сингапурга бир йилга шартнома асосида ишга кетган экан, бахтимизга, кафедрадаги бошқа бир фан доктори (у билан камроқ танишмиз) бор экан. Бу киши бундан бир неча йил муқаддам Боку шаҳрида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган эди. Камина ва жаноб Дхаривал бир-биримизни танир эдик. Илм бизни бир-биримизга яқинлаштирганди. Телефонда гаплашдик ва у билан учрашишга келишиб олдик. Доктор Дхаривал ярим соат ўтар-ўтмас хонамизга кириб келди. Кучоқлашиб, қуюқ сўрашдик. Суҳбат мобайнида илмий-ўқув ишларимиз ҳақида қисқача ахборот алмашдик. Ҳиндистон технологик ҳамда Тошкент автомобил ва йўллар институтлари ўртасида илмий битим тузиш ҳамда имконияти бўлса, инглиз тилида биргаликда дарслик ёзишга келишиб олдик, бунинг учун эса институт раҳбарлари билан маслаҳатлашиш лозимлиги таъкидланди. Камина саёҳат ўрнига доктор Дхаривал билан бирга технология институтига равона бўлдим. Кафедра мудири профессор Шарма билан 3 соатлар чамаси дўстона суҳбат қурдик. Суҳбат самараси ўлароқ, Ҳиндистонда инглиз тилида дарслар олиб борилишидан ҳамда унинг иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда, талабалар учун мен яратган "Автомобильные и тракторные двигатели" дарслигини инглиз тилига ўгиришга келишиб олдик. Учрашувда илмий ҳамкорлик битимининг баённомаси кўриб чиқилди. Тошкентга қайтгач, бу баённомани вазирликка тақдим қилишга келишилди. Мазкур битим институт раҳбарияти томонидан маъқулланган. Бомбейдаги институт биноси хушманзара жойда, яъни кичкинагина қўлнинг бўйига қурилган бўлиб, майдони 400 гектардан иборат. Ҳамма ёқ боғ, шоҳлари гуркираб кетган дарахтлар билан ўралган. Институт алоҳида шаҳарча ҳисобланади. Домлалар ушбу шаҳарчада яшашади. Талабалар эса қатнаб ўқийди. Домлалар дарс беришда МДҲ давлатлари олимларининг китобларидан

кўпроқ фойдаланадилар (албатта, инглиз тилига ўтирилган). Агар Ўрта Осиё олимлари ҳиндистонлик ҳамкасблар билан ҳамкорликда ишласалар, натижа ёмон бўлмайди деб ўйлайман. Чунки, мамалакатларимизнинг иқлими ва автомобил-йўллар соҳасидаги муаммолари ҳам деярли ўхшаш.

Қайдасан Элефанта?

16-ноябр куни эрта тонг билан автобусда Араб денгизи томон йўл олдик. Бир ярим соат чамасида портга етиб келгач, пароходга ўтириб, Элефанта (филлар) оролига отландик. Оролда тоғ ёнбағридан ўйиб ишланган ҳиндуийларнинг ибодатхонаси бор. У VI асрда бунёд этилган. Ибодатхонада Шива худоси 9 хил шаклда тасвирланган. Мазкур тош асар ҳинд усталарининг юксак маҳорати маҳсулидир. Бу ерда ҳам сайёҳлар илонизи зинапоялардан юқорига кутарилади. Ибодатхона ёнгинасида ҳинд атторлари турли-туман молларни сизга таклиф қилишади. Феруза тошлардан ясалган тақинчоқлар Ойдинга ёқиб тушади, харид қилади. Ҳаётим мазмуни бўлмиш фарзандларим учун чиройли совғалар излаймиз, топганимизда суюниб, сотиб оламиз...

Арзоннинг шўрваси...

Бомбейга қайтиб, тушлик қилдик, сўнгра яна совға-салом ахтариб дўконларни айландик. Дўконларда ҳамма нарса бор. Таассуфки, кўпчилик ҳамроҳларимиз "кўзи оч" одамдек қўлларига илашган, кўзлари тушган кийим-кечакларни арзонгаровга сотиб ола бошладилар. Автобус олдида соат 18⁰⁰гача йигилишга келишилганди. Аммо самарқандлик бир ҳамроҳимиз белгиланган вақтга етиб келмади. 15 дақиқа, ярим соат кутдик, вақт зувиллаб ўтмоқда, у эса хануз йўқ. Ҳамманинг тоқати тоқ бўлди. Гуруҳ раҳбари жиғибийрон. 32 киши 1 кишини кутаяпти. 40 дақиқа ўтгандан сўнг у киши бемалол, ҳеч нарса бўлмагандек келаяптилар. Дунёни сув босса ўрдакка не ғам, деб шунга айтсалар керак-да. Акахонимизнинг танобини тортиб қўйиш учун тўрт тарафдан "ҳужум" бошлаган эдик, ўзи тўлиб турган экан, жаҳл билан қўлларидаги пойафзални боққа ирғитиб юбордилар. Воқеа мана бундай бўлган: У "сув текин" деб ёзги пойафзални сотиб олиб, кийибди ва сувли жойдан кечиб ўтибди. Ўн дақиқа ўтар-ўтмас унинг "чакаги" очилиб кетибди. У сабил қоғоз ипда тикилган экан.

—Э, бор-йўғи босоножка экан-ку, қоздан ясалган мошин олганингизда нима бўларди?!—деб бир амаллаб аразгўйнинг ўпкаланишига қарамасдан автобусга чиқардик ва у ўрнидан кўзғалди. Транспорт оқими кечкурун шундай зич эканки, "тошбақа" юриш қилиб кеч соат 22⁰⁰ларга меҳмонхонага етиб бордик.

Мадрасда маданиятлар туташади

17-ноябрда саҳарлаб Мадрас шаҳрига учиш учун ҳозирлик кўра бошладик. Аксига олиб бомбейлик учувчилар шу куни иш ташлаган экан. Шу сабабли бизларни вақтидан 3-4 соат илгари учириб юбордилар. Бомбей жуда ҳам серҳашамат ва гўзал бўлиб, у ерда 10 миллион аҳоли истиқомат қилади. Лекин ҳавоси иссиқ, дим.

Мадрасга ҳам соғ-саломат етиб олдик. Шаҳарда жала кўйиб ётарди. Ерлар шалаббо бўлиб кетган, юкларимизни автобусга ортгунча бизнинг ҳам бўларимиз бўлди. Одатдагидек, ҳашаматли меҳмонхонага жойлашдик. Унда барча шароитлар муҳайё.

Мадрас ҳудуди бир замонлар Франция ва Португалиянинг мустамлакаси бўлган. Шу сабабли кўчалар, иморатларнинг ташқи кўриниши кўпроқ европача. Кўчалар нисбатан озода, қашшоқлар кам. Тонг отгандан сўнг шаҳар бўйлаб сайр қилдик ва гўзал ибодатхонани бориб кўрдик. Унинг баландлиги 40 метр. Энг ҳайратли жойи шуки, бу ибодатхонани мусулмонлар дўстлик рамзи сифатида ҳиндуларга қуриб берган экан. Ибодатхона 3000 та ҳайкалчалар (санъат асарлари) билан безатилган. Улар офтобда шундай ярақлардики, кўзни қамаштиради. Ибодатхона олдида жуда катта сунъий ҳовуз ясалган бўлиб, у ерда диний маросимлар ўтказилар экан. Тарихдан яна шу нарса маълумки, бобурийлар Мадрасни ҳеч қандай қаршиликсиз забт этишган. Сўнгра португалияликлар томонидан қурилган ибодатхонани томоша қилдик. Махатма Гандига ўрнатилган (Бенгал кўрфазиди) ҳайкал олдида суратга тушдик.

19-ноябрда эса Серпентарий (илонлар, тимсоҳлар, калтакесаклар сақланадиган жой)га бордик. Бу ерда гаройиб, аммо ўта заҳарли илонлар, ҳамелеонлар ва 100 кг оғирликдаги тошбақаларни томоша қилдик. Чошгоҳдан сўнг бизни шаҳар бўйлаб айлантириб бозорга олиб боришди. Бозор ўта гавжум,

ҳамма нарса бор. Бозорга киришдан олдин, "гид" бизга тайинлади, савдолашиб харид қилинса, сотувчи айтган нархдан 4-5 баробар арзонга ул-бул сотиб олиш мумкин экан... Ҳақиқатан, кам ҳаражат қилиб, зўр харид қилдик.

Кафтингизда Ҳинд океани

20-ноябрда яна қадрдон автобусда Пондичерри шаҳри томон йўл олдик. Мадрас ва Пондичерри оралиғи 160 км, бу йўлни тўрт ярим соатда босиб ўтдик. Йўл жуда ҳам тор, лекин ҳайдовчилар ўзаро мулозаматли. Шунинг учун бўлса керак, нохуш ҳодисалар ва автоҳалокатлар кўринмайди. Йўл бўйлаб гўзал боғларни, кўркам далаларни кўрдик. Деҳқонлар ўз юмушлари билан машғул. Ҳинду деҳқонларининг паст-баланд уйлари кўзга ташланади. Кулбалар Аградагидан фарқли ўлароқ, Европа услубида қурилган. Гоҳ автобус ойнасидан ҳаёт қайнаётган далаларга, гоҳ йўловчилар кўзи қадалган салон телевизоридаги видеофильмларга қараб зерикмайсан киши.

Пондичеррига келиб, икки қаватли меҳмонхонага жойлашдик. Деразадан шундоққина Ҳинд уммони (Бенгал кўрфази) кўриниб турибди. Боши-адоғи йўқ пўртаналар, сув мавжлари узоқдан киши кўнглини тўлқинлантириб юборади. Ҳамма ёқда анвойи гуллар, кўм-кўк майсазорлар. Меҳмонхона янгитдан қурилгани билиниб турибди. Ойдин билан 4 кун мазза қилиб, океан бўйида, тўлқинлар бағрида ва қумда ётиб, қуёш нурида тобландик. Чарчоқларимиз чиқиб кетди. Пондичерри шаҳрини томоша қилиб келдик. Шаҳар озода ва гўзал. Меҳмонхона ошхонасида самарқандлик ҳамрохимиз ўзбекча паловхонтўра тайёрладилар, эртасига яна ўзбек таоми—нўхот шўрва тортилди. Ҳар ҳолда ўзбек таомлари бошқача-да!

21-ноябрда Ойдин билан денгиз бўйига чиқдик ва у ерда 7-8 ёшли болаларни учратдик. Нега мактабга бормадинглар?,- деб сўрадик. Улар-ручка, қалам, дафтаримиз йўқ, деб жавоб беришди. Биз: "пешин пайтида меҳмонхонага келинглар, ручка, дафтар берамиз"—дедик.

Ҳақиқатда, пешиндан сўнг, бир неча болалар боғ томондан, полицай олдидан бизни бақриб чақира бошлашди. Биз балконга чиқдик ва тайёрлаб қўйган совгаларни олиб уларнинг олдига бордик. Ҳар бир болага ручка, қалам, дафтар бердик. Шунда полицай ҳам ёнимизга келиб "менга ҳам беринглар",—деб қолди. Унга ҳам бердик.

Мен шунда ўзимиздаги мактаблар, ҳамма нарсаси бўла туриб дарсга келишга эринадиган ўқувчилар, талабалар ҳақида ўйладим. Бировлар ўқишга зор, бировлар қўлида ўқиш хор.

Ҳинд таомлари тўғрисида: бизга одатда барча ресторанларда "шведский стол" таклиф қилишарди. Унда турли хил (15-20 хил) таомлар қатор қилиб чиройли териб қўйилади. Иссиқ таомлар совиб қолмаслиги учун идишлар тагида спирт ёниб турибди. Сиз эса қўлингизга каттароқ тарелка олиб истаган таомингиздан хоҳлаганингизча солиб олиб, столга ўтириб тановул қиласиз. Аммо қўлингиздаги тарелкада овқат қолмаслиги керак, акс ҳолда таомил бузилади. Афсуски, бошида бу ўринда ҳам бизлар "юқори маданиятимиз"ни кўрсатдик. Кейинчалик ҳаммаси жойига тушиб кетди. Таъкидлаш лозимки, овқатларнинг тури кўп: гўштли овқатлар (қўй, товуқ гўшtidан ва балиқ), ҳар хил салатлар, гарнирлар, лекин гўштли таомлар жуда ҳам аччиқ қилиб тайёрланар экан.

Пондичерридаги Ботаника боғи экзотикага бой экан. Дарахтлар, палмалар бетон-трубаларга ўрнатилганга ўхшайди, бир хил дарахтнинг мингта тупи бор, шоҳи пастга ўсиб ерга кириб кетаверар экан. Яна бир гўзал, шар шаклидаги одамлар яшаши учун мўлжалланган қурилиш мажмуасини кўрдик. Бу мажмуада инсон учун барча шароитлар мавжуд. У озод шаҳар деб аталар экан.

Хайр, Деҳли!

23-ноябр эрта билан Мадрасга йўл олдик. Мадрасдан парвоз давомида Ҳайдарободда кўниб, Деҳлига қараб учдик. 24-ноябр куни Деҳлини томоша қилдик, ер ости бозорини кўрдик. Қолган-қутган рупияларимизни ҳам сарф қилиб, меҳмонхонага қайтиб келдик.

Кечқурун сайёҳатни уюштирган фирманинг раҳбари ўзининг боғи, яъни "фазенда"сида бизни қабул қилди. Бундай юқори даражадаги қабул ҳаммамизни беҳад қувонтирди. Бўйнимизга ялтироқ иплар билан безатилган туморлар тақишди. Майсазорда теннис, бадминтон ўйнадик. Бошимизга сингларнинг салласини кийиб, дўстлик рамзи сифатида суратга тушдик. Рангли суратлар 3 соатда тайёрланиб, бизларга тақдим этилди. Фазендани минг марта эшитгандан бир марта кўрган маъқул. Чунки уни сўз билан тасвирлаш мушқул. Ҳамма ёқда анвойи гуллар ва дарахтлар, текис чиройли қилиб ўрилган духобадек майсазорлар.

Шарафимизга мушакбозлик уюштирилди. Хайр-хушлашиб бу ердан жунадик ва йўлда ясатилган филларда тебраниб кетаётган келин-куёвларга кўзимиз тушди. Ҳиндистонда тўйлар дабдабали ва чиройли ўтар экан. Тўйлар кўплигидан, Ҳиндистонни тўйхоналар мамлакати дегим келди. Ҳа, ҳамманинг куни ўйин-кулги, шодлигу қувончга тўлсин! Меҳмонхонага келиб юқларимизни олиб, Халқаро аэропортга отландик. Йўл-йўлакай Деҳлининг кафтдек равон ва озода кўчаларига тикиламан. Транспорт ходимларининг хушмуомалалигига ҳам ҳавасинг келади. "Мерседес" ҳайдовчиси ҳам, рикша ҳайдовчиси ҳам бир хил имкониятга, бир хил эътиборга лойиқ. Йўлларда барча белгилар мужассам. Чорраҳанинг ўртасидаги "безопасная зона", яъни хавфсиз жой баланд қилиб ишланган, бу эса ЙПХ ходими учун жуда қўл келади. Сигирлар ва маймунлар йўлларда бемалол юрганлиги учун шофёрлар эҳтиётлик билан улов бошқарадилар (чунки Ҳиндистонда сигирлар ва маймунлар улуғланади). Автомобиллардан кўк тутун ёки қора тутун бурқсиб чиқмайди, тоза бензин ишлатишади-да, техник талаб ҳам кучли. Ҳар қандай қонунсизлик чўнтакка пул тиқиб тўғриланиб кетилавермайди.

Аэропортда божхона кўригидан ўтиб ўзимизнинг ўша ИЛ-62 самолётимизга чиқиб олдик. Самолёт бортида бироз тартибсизлик бошланди. Ҳар ким қаерга хоҳласа шу ерга ўтирди. Ахир чиптада ўриндиқлар номери кўрсатилган-ку, йўловчилар ўз ўринларига ўтирсалар олам гулистон бўларди-ку! Бир амаллаб жойлашдик. Бир ярим соат учганимиздан сўнг яна бизни Карачи қарши олди. Салонни яна ўша эски "қадрдон" қўланса ҳид қоплади, бурқсиб кетдик. Ноилож, лом-лим демай чидадик. Хайрият, самолёт яна фалакка кўтарилди ва эсон-омон она шаҳримиз— Тошкентга кўндик.

Тошкент бизни кучоқ очиб кутиб олди. Ватан барибир Ватан, кўзимизга ёш келди. Соғинчларимни яшира олмай, мени кутиб олишга чиққанларни тўйиб-тўйиб бағримга босдим.

Ўйлаймизки, биз қалбан жуда катта бойлик орттириб келдик. Ҳиндистонни зиёрат қилиш барчага насиб этсин.

Албатта, ўн тўрт кун давомида Ойдин ҳам мазза қилиб дам олди. Бу 50 ёшли севишганларнинг саёҳати бўлди ва хотиралар абадий қолажак...

Ал-Хоразмий мукофоти

Ойбек илм, иш одами эди. Бирон бир зарурият бўлмаса, ресторан, кафеларга боравермасди. Бунга хоҳиши ҳам, вақти ҳам йўқ эди. Шунинг учун "Халқлар дўстлиги" майдонига кўрк бериб турган "Наврўз" ресторанини ҳам ўтиб-қайтаётиб йўл-йўлакай кўрган эди. Бир пайтлар Ҳиндистонга сафар чогида ниҳоятда дид билан қурилган иморатларни кўриб: "Ўз эрк-ихтиёри ўзида бўлган мамлакат-да, нима хоҳласа қуради, қандай хоҳласа, шундай қуради", деб ўйлаган эди. Мана, Аллоҳнинг марҳамати билан Ўзбекистон ҳам мустақилликка эришди. Мамлакат Президенти биринчи йилларданоқ бунёдкорликка алоҳида аҳамият бера бошлади. Мана бу, Ойбек бир қувончли воқеа сабаб ташриф буюраётган "Наврўз" ресторани ҳам ана шу қурилишлар силсиласидаги битта гўзал кошона, Ойбек кичик залга кирди. Биллур қандиллар, девордаги ганчдан ишланган оппоқ қордай нақшлар залга ниҳоятда тантанавор кўриниш бахш этган эди. Республика Ташқи ишлар Вазири, Ўзбекистон Фанлар академияси Президенти, Эрон элчиси Ҳошимий Гулпоягоний... Баъзи одамлар бўладики, мана шундай йиғинларда катталар пинжига кириб олишни, ўзларини танитиб қолишни яхши кўришади. Айнан танилиш, яқинлашиш учун энг яхши имкон деб биледи шундай жойларни... Ойбек ўзини бироз ноқулай ҳис қилди, кўздан четроқ бирон жойда ўтира қолсамми, деб ўйлади. Аммо элчихона ходимларидан бири унинг қўлтигидан олди:

—Ойбек Муқаддирович, сизнинг жойингиз тўрда. Бу кечанинг асосий "айбдор"исиз, ахир... Уни Ташқи Ишлар Вазирининг ёнига ўтқазишди. Ойбек ўнг ва чап тарафдан ўзига қараган самимий, тавозели нигоҳларни ҳис қилар экан, "Наҳот, энди катта йўлга чиқиб олдим?! Наҳот, мен қилган меҳнатлар фақат ўзимизда эмас, хорижда ҳам тан олина бошлади?" деб ўйлади. Бу ўй уни бир тарафдан қувонтирар, бир тарафдан бироз хавотирга ҳам соларди. Чунки ҳаётдаги ҳар бир қадамини жуда катта заҳмат, машаққат билан босадиган одам бирор муваффақиятга енгилроқ эришса: "Шу чиндан рўй бердимикин? Орқасидан бирор ишқал чиқмасмикин?"—деб ўйлаб қолади. Эрон элчихонаси котиби жаноб Музаффарий унга алоҳида бир эҳтиром билан, хиёл бошини эгиб, жилмайиб ўтди. Ойбекка мукофот ҳақида илк хабарни мана шу киши етказган эди.

Гап шундаки, ўтган ёзда, Техронда 1995-йили бўлиб ўтадиган 2-Ал-Хоразмий Халқаро илмий анжуманга таклифнома келиб қолди. Унда бўлажак конкурснинг барча талаблари ёзилган эди. "Илмий ишларимни шу конкурсга юборсам-чи?"—деб ўйлади у. Илмий анжуманнинг номи Ал-Хоразмий эканлиги Ойбекка "Дадил бўл!"—деб турганга ўхшарди. Ахир, нима учун Ал-Хоразмий авлодлари бобоси номидаги анжуман мукофотига даъвогар бўлмаслиги керак?! Бу қонуний мерос туйғуси-ку...

Ойбек илмий ишларини юборди, ҳадемай: "Илмий ишларингизни олдик, чуқур ўрганиб, танловга қўйишга қарор қилдик", деган хат олди...

—Азиз биродарлар, хонимлар ва жаноблар! Ал-Хоразмий номидаги халқаро илмий анжуман, ўйлаймиз-ки, ўз кўлами, нуфузи жиҳатдан йилдан-йилга илм оламида ўзгача бир эътироф қилинмоқда. Бугунги анжуманга йиғилганларга маълумки, бу йилги танлов ғолибларига мукофот топшириш маросими шу йилнинг 8-февралда Техрон шаҳрида бўлиб ўтди. Мукофотларни Эрон Президенти шахсан Ҳошимий Рафсанжонийнинг ўзлари топширдилар, ўзбек олими Ойбек Қодиров ҳам бу мукофотга сазовор бўлди. Айрим сабабларга кўра бу киши Техронга бора олмадилар, сизларнинг гувоҳлигингизда ана шу мукофотни топширишга изожат бергайсиз...

Ойбек элчининг қўлидан диплом, пул мукофотини қабул қилиб олди... 50 ёшга кирганда ёру дўстларини чорлаб бир кичик зиёфат қилган эди. Казо-казолардан ҳеч кимни таклиф қилмаган, бунга зарурат йўқ, мен бир оддий ўзбек олимиман, ҳамма қатори меҳнат қилиб ётибман, деган эди. Ўшанда яқин дўсти "Ўзавтотранс" вазири Лэрик Аҳметов "Ўзбекистон фахрий автотранспортчиси" деган унвонни тақиб қўйган эди... Сўнг Академияга сайлов..., мухбир аъзолик, мана, энди хориж мукофоти... Техронга борганда-ку зўр бўларди. Бормоқчи эди. Эрондаги Ўзбекистоннинг фавқулодда ва мухтор элчиси Эркин Хўжаев билан мулоқатлар олиб борди. Аммо мукофот топшириш пайти билан самолётлар рейслари бир-бирига номуносиб келиб боролмади. Эрон элчиси Ойбекка мукофотни топширар экан, Ўзбекистон номини, унинг илми, олимларини бир неча бор ҳурмат билан тилга олди.

Ойбек шу топда ўзини буюк бир халқнинг қисмидай қудратли ҳис этди. Элчига жавобан миннатдорчилик нутқи сўзлар экан, ҳар бир сўзда ўша ҳиссиёт акс этарди:

—... Марказий Осиёнинг оғир иқлим-тувроқ шароитларида дизел двигателларини унумли ишлатиш, ейилишини прогноз қилиш муаммоларига бағишланган лойиҳамни юборган эдим. Унда янги ҳаво тозалагич ва уни синаш натижалари ҳам келтирилган эди, — Ойбек миннатдорчиликдан сўнг илмий анжуманга юборган ишларини қисқача таърифлади, токи унинг иши арзирли эканини бу ерга тўпланганлар ҳам билишсин.

Мен бу эътирофни барча ўзбек олимлари шаънига дея қабул қиламан. Чунки бугун улар юрт мустақиллиги имкониятларидан фойдаланиб жуда катта қўламли илмий ишлар қилишмоқда. Ҳаммасининг бошида юрт, миллат ташвиши... Қайси халқнинг фани, техникаси ривожланса, у илгарилайверади.

Олимлари, илмини хор қилган давлат хор бўлади, — Ойбек нима гапирса, юракдан гапирди... Устозларини, Президентни эслади, бугунги шараф учун уларга ҳам миннатдорчилик билдирди...

Ҳақиқат эгилади, аммо синмайди

Дунёда иложсизликдан оғирроқ дард йўқ. Ойбекнинг юраги ўртаниб борарди. Дўхтирлар: "Буёғига бардам бўлинг, домла, биз қўлдан келган ҳамма чорани қилдик", дейишди... Акасига бу бедаво дард-саратон хасталиги қайдан ёпишди экан?! Аксига олиб, Ойбекнинг шу кунларда институтдаям иши кўпайиб кетган эди...

Тирикликдан насибаси узилган, паймонаси тўлган эканми, ТАЙИ ректори Пўлатов иш пайтида йиғилиш ўтказаси, юрак хуружидан беҳос вафот этди... — Бундан ўн йилларча олдин худди шу ректор Олий таълим вазири эди. Ойбекни чақириб, суҳбатлашган. Уни ТАЙИ га ректорликка тавсия этган ва унинг номзоди МҚ Фан бўлими томонидан маъқулланган ва бюрога топширилган эди. Аммо бирданига унинг ўзи ишдан олиниб, Ойбекларнинг институтига ректор бўлиб келиб қолганди... Шу боис Ойбекнинг ректорликка тасдиқланиши масаласи ҳам ўз-ўзидан кун тартибидан тушиб қолган эди.

Ойбек акаси Анварни қандай иллатлар ажал сиртмоғига топширганини аниқ била олмасди. Фақат хотинининг рашиқидан эркак киши йиқилавермайди-ку.

Аммо Пўлатовнинг қоқ юрагига найза санчган ёвузликни биларди: бу—гуруҳбозлик, "ёз-ёз"лар... Бир жиҳати одам ўз

бахтсизлигига баъзан ўзи ҳам сабаб бўладими, ҳар ҳолда Пўлатов транспорт соҳасининг одами эмасди. Шунинг учун у аввалида ташкилий ишларни яхши йўлга қўйгандай бўлди..., айниқса, ҳужжатларни тартибга солди. Аммо ўқув-илмий жараёнларига аралаша олмади. Бошқарув муовинлар қўлига ўтди. Порахўрлик бошланди, айниқса, сиртқиларнинг баҳоси ошкора савдога қўйилди, олимлар ўрнига уларнинг аспирантлари дарс ўтадиган бўлишди... Виждонли олимларга бу шароит ёқмас, уларга ёқмаганидан косаси мой устидаги "устоз"лар хавотирга тушар, йўқотмоқчи бўлишиб, ёзишар эди...

Пўлатов ана шу вазиятнинг қурбони бўлди. Унинг тупроғи совимасдан институтда ректорлик лавозими учун кураш бошланди...

Ойбекнинг акаси ана шу қалтис кунларда жон талашиб ётарди.

—Ойбек Муқаддирович, сизнинг ҳам номзодингиз бор экан, ҳаракатингизни қилинг!

—Яна бирорта тепадан юмалаган одамни ўтқазишади бошимизга, кейин додимизни кимга айтишимизни билмай юраверамиз...

Ойбек бемор йўқлаш баҳона билан келган дўсту нодўстларнинг бундай гапларини ўйлайдиган аҳволда эмас эди.

"Бирор мўъжиза рўй берса-ю, акамнинг бу тузалмас дардга дучор бўлгани ёлғон бўлса!"—деб ўйларди.

Тушларига онаси кирарди. "Онам мендан умидвор бўляпти, бирон йўлини топ, деяпти", деган оғриқ юрагини тилиб кетарди баъзан тунлари.

Аммо... ҳаёт-ҳаёт, ҳаёл-ҳаёл экан... Акаси ҳуд беҳуд ётган куйи бандаликни бажо келтирди. Ойбек белини боглаб тобут олдига тушди. У онасининг тобути олдига тушганди, Ҳамид поччасининг, қайинонасининг, мана энди акасининг...

...Ҳали юзларидан ғам излари кетмаган Ойбек Президентнинг давлат маслаҳатчиси билан юзма-юз ўтирар эди.

—Сиз ҳақингизда яхши фикрлар эшитганмиз. Ал-Хоразмий халқаро илмий анжуман танловида голиб чиқиб, мукофот олганингизни айтишганда, Президентимиз: "Бизда ҳам дунё тан оладиган олимлар бор экан-ку", деган эканлар. Бу жуда катта эътироф, ишонч. Ректорликни кимдир мансаб

деб биледи, кимдир юртга хизмат қилиш имконияти. Ректор бўлган одам энг аввало ўз хўжалигининг нотекис жойларини яхши билиши керак...

Маслаҳатчи савол назари билан Ойбекка қаттиқ тикилди. Ойбек бу одам билан ҳаётда ҳеч қачон юзма-юз келмаган эди. Аммо: "Менга бир гапирган гапим ҳавода қолмайдиган жойда минбар тегса, ичимдаги ҳамма дардларимни тўкиб солардим"—деб юрарди. Ҳозир шундай пайт келгандай эди. Бир дақиқа иккиланди. Бошқача хаёлга бормасмикин? Мени гап ковлаб юрадиган кимса, деб ўйламасмикан деган хаёл "йилт", этиб ўтди. Йўқ айтишим керак!

—Институтда ўқув жараёни тобора иккинчи даражага ўтиб кетаяпти. Кун ўтса, дипломга етсак бас, деган кайфият вужудга келиб қолган...Ўқув жараёнининг таҳлили, хатолардан хулоса чиқариш йўқ. Олий таълимда бири-биридан яхши фармонлар қабул қилишяпти, қоғозда қолиб кетяпти...

Ойбек иккиланиброқ гап бошлаган бўлса-да у ёгига қизишиб кетди. Суҳбатдоши уни бўлмаё эшитди:

—Мобадо, раҳбар бўлиб қолсангиз бу камчиликларни қандай тўғрилар эдингиз?

—Бизда стандарт ойликлар—катта ўқитувчини, номзод, доктор ва ҳақозо... Шунча соат ўқитади. Шунча ойлик... Аслида дарснинг сифатига қараб тўлаш керак. Масалан, катта ўқитувчининг фанидан 20 талаба сессияни ҳақиқий ўз кучи билан "5"га ёпса, фан докторининг фанидан "3"га ёпса... Нима учун катта ўқитувчи унинг ойлигининг ярмини олиши керак? Талаба ҳам шу, стипендияларни яна ҳам кўпроқ ажратиш керак... гуруҳларга, "3" баҳога ўқиганларга алоҳида, "4"ларга юқорироқ, ўқиш жараёнига ижобий таъсир қилади. Гуруҳбоз кишиларни ишга, фойдали ишга кўмиб ташлаш керак, токи уларга ғийбат учун вақт қолмасин. Мен умуман порахўр фан номзоди ё докторни бошқа жойга жўнатиб, муҳитни яхшилаш мумкин, деган фикрга қўшилмайман. Чунки борган жойида у яна ўз муҳитини яратади. Ишласин, тинмай ишласин. Тузалмаса баҳридан ўтиш керак.

Ойбек суҳбатдошини ўзини диққат билан тинглаётганини ҳис этар, шунинг учун тобора аниқроқ фикрлар эди.

—Сиз нима учун Илмий Кенгашларда бу ҳақда фикрлар билдирмагансиз?

— Мен кафедра мудири эдим. Ўз имкониятим даражасидаги фикрларни айтганман. Қолаверса, сир эмас, яхшиларнинг бошининг бирикиши қийинроқ кечади...

Давлат маслаҳатчиси Ойбек билан узоқ суҳбатлашди. Ойбек маслаҳатчи олдига суҳбатга кириб чиқаётган ёлғиз ўзи эмаслигини билар эди... Номзодлар кўп эди, кўпи ўзининг ҳамкасблари...

— Домла, институтда мажлис бўлди... Ойбек шогирдининг нигоҳида айбдорона бир ифодани ҳис этди. Ойбек акасининг маъракаси билан банд, кеча-бугун уйда эди.

— Қанақа мажлис?

— Олий таълим вазири келиб: Проректор Саматовни ректор вазифасини бажарувчи, сизни эса проректор, деб эълон қилиб кетдилар...

— А... шундайми?

Ойбекнинг ичидан ғалати бир оғриқ келди. У ўзи билан ректорликка номзоди қўйилган одамларнинг имкониятларини, нималарга қодир, нималарга қодирмаслигини яхши биларди... Шогирди унга ҳамон ўша алфозда қараб турарди. "Ойбек, сенга нима бўлди? Наҳот, сенинг бу ҳаётдаги мақсадинг бор-йўғи ректорлик бўлса..." дея ўзини куч билан босди.

— Шундай бўптими? Шундай бўлса, шундай-да!— деди Ойбек ва қўлида ўйнаб ўтирган новдани "қарс" этиб синдириб, иккига бўлди-да узоққа отиб юборди.

— Домла, ахир... умуман, бунақа ишларга қачон чек қўйилади?

— Қўяверинг, сиз сиёсатга аралашманг... Сиз менинг олдимга шунинг учун келмагандирсиз, ахир, менинг аспирантларим олдимга илмий иш кўтариб келишига ўрганганман. Биласизу буни...

Шогирди устозининг гап оҳангидаги ўзгаришни-ҳаммасини ҳис қилиб турарди. Аммо бу ҳаётнинг шундай дақиқалари борки, кўп нарса қилишни истасанг ҳам ҳеч нарса қўлингдан келмайди, Ойбекка ўхшаб: "Шундай бўлса, шундай-да!" дейсан...

Ойбек эртасигача бу хабарнинг аниқ, ноаниқлигига бироз шубҳа билан юрди. Ахир ректор дегани ҳазилакам амал эмас-ку! Минг- минглаб кадрларнинг тақдири баъзан шу шахснинг виждони, иймони, қўрқоқлиги ё жасорати,

ташаббускорлиги ё лоқайдлигига боғлиқ бўлиб қолади-ку. Шундай келиб: "Эшмат, ректор, Тошмат проректор" деб кетавермайди-ку... Аммо эртаси ҳаммаси шогирди айтгандай бўлиб чиқди. Проректор Саматов аллақачон Пулатовнинг кабинетига кириб, кечагина қазо қилган, руҳи шу атрофда чирқиллаб юрган одамнинг креслосига ўтириб олибди. Амри вожиб деб Ойбек ҳам унинг ўрнига кўчиб ўтгандай бўлди. Ойбек галати бир кайфиятдан чиқиб кетолмас, худди оёқ-қўли боғлиққа ўхшарди. Қизиқ, амал одамни шу қадар тез ўзгартирар экан. Саматов худди ўз қиёфасини ечиб, ректор қиёфасини кийиб олганга ўхшайди. Ҳатто, овозининг оҳанглиригача ўзгарган.

Узун-узун кунлар бошланди. ... Ойбек елкасидан биров босиб тургандай оғир-оғир қадамлар билан уйга келар, уйдан ишга борарди. Ўзига ўзи: "Нима бўпти, кимнинг пешонасида бўлса ўша-да", деса ҳам ботиний бир овоз, жуда ишончли овоз: "Шу ўринга сен муносиб эдинг", деяётгандай эди.

—Сиз ишларга қараб тулинг, Ойбек Муқаддирович, мен бир ҳафтада қайтиб келаман, отамнинг маъракаларининг бошида туришим керак, ўзингизнинг ҳам бошингиздан ўтган, тушунасиз,—деди Саматов...

Ойбек сукутга ўрганиб қолди. Чунки "проректор" деган янги лавозимга ўтиргандан буён на уйида, на бу янги кабинетида телефон ишламайди. Ойбекнинг ҳозирги кайфиятига худди ўша сукунат мос келарди... Бирдан ички телефон жиринглаб қолди. Истамайгина гўшакни кўтарди.

—Ҳамкасбларидан бири, проректор Рўзиев:

—Табриклаймиз, дўстим!—Ойбекнинг кулгиси қистади. "Энди етиб бордимиз?"—дегиси келди. Ахир, проректор бўлганига бир ҳафта бўлди... Орадан икки-уч дақиқа ўтмай, собиқ проректор Багдасаров кириб, кучоқлаб табриклади. Ойбек ҳайрон... Уни қўшни хона телефонига Вазир чақиртирди: "Соат учда мажлис бўлади, ўқитувчилар тарқамай турсин...". Бу хабарни ҳазм қилиб улгурмай Ойбекни Президент девонининг маслаҳатчиси йўқлаётганини айтишди. Ойбек галати бир ҳолга тушган эди. Нима бўляпти ўзи?

Яна ўша кабинет, "Нега бундай бўлди, нега бир ҳафтага бировни ректор қилдиларинг?"—деб сўрай олмади. Бунақа ишлар ўзи муҳокама қилинмайди ҳам. Балки, шу жараён мана бу одамлар учун ҳам осонгина кечмагандир:

— Президент фармонга қўл қўйди. Аммо айтиб қўяй, сизга осон бўлмайди. Институтдаги аҳвол ўзингизга маълум, гуруҳбозлик авжига чиққан, "ёз-ёз"чилар алоҳида бир мафия бўлиб олишган, порахўрлик йилдан-йилга гуллаяпти... Бизнинг ҳамма нарсадан хабаримиз бор. Энди белни маҳкам боғлайсиз. Сизнинг бир устун жиҳатингиз, қудратли қуролингиз бор, Ойбек Муқаддирович, сиз ҳалол олим бўлган одамсиз. Нимага эришган бўлсангиз, ўз тафаккур кучингиз билан эришгансиз, сиз ана шунга суяниб бу қийинчиликлардан чиқиб кетасиз, деб ишонамиз...

Ойбек миннатдорчилик билдириб чиқди... Соатига қаради. Бир. Учгача—мажлис бошлангунча анча вақт бор. Ойдин, дўстлари, қариндошлари эшитишгандир, одам амалга минса, унинг атрофида истаса, истамаса югуриб юрадиган хабарчилар топилади. Ойбек таксига қўл кўтарди...

Қабристон... Ёз. Айтиш туш чоғи бўлгани учунми ҳеч зор йўқ... Фақат кираверишда ярим тўсилган мўъжазгина айвончада сўрида пешонасини оқ чорси билан тангиган мўйсафид ўтирарди. Ойбек қўлини кўксига қўйиб салом берди-да, онасининг қабри тарафга ўтди. Онаизорининг қабри сувга яқин жойда. Бошида гуллар, дарахт. Боғларни, гулларни, сувларни яхши кўрарди, сўнгги маскани ҳам шундай жойлардан буюрди. Ойбек онаси бошида чўққайиб ўтирди... Тиловат қила бошлади. "...Аузи биллоҳи... Сиротал мустақим, сиротал лазина..." У вазият талаб этганда, бирор жойга фотиҳага борса, кўпроқ оҳистагина тиловат қиларди. Бирор эскичада саводхон одам ёнида ўтирган бўлса, бирор жойида талаффузда хатога йўл қўйсам хижолатли бўлмасин, дерди... Бу гал овозини қўйиб юборди... Юраги ҳам юмшади... Ойбек ўзини ўзи бошқара оларди, қайғуда ҳам, қувончда ҳам. Аммо ҳозир ўзини тутгиси келмади, юзларини ёшлар юва бошлади. "Онажон бир пайтлар мактабдан чарчаб келганимда: "Болам, бўла қол, чойни ич, далага бор", деганингизда "Онам нега доим ишга бор, бор" деяверадилар, анави қўшниларнинг болаларига ўхшаб ўйнаб юргим келади менинг ҳам" дердим... Бу оний кайфият бўлса-да, ҳар ҳолда тез-тез якшанба кунлари эрталаб бемалол ухлагим, баъзан оғайниларим қатори велосипед гизиллатиб кўча чангитгим келарди. Лекин сиз мени меҳнатга солдингиз. Энди билсам, жуда тўғри қилган экансиз. Агар меҳнатга ботир бўлиб улғаймаганимда, менга бу қадар ишонч қайда эди?" Ойбекнинг назарида онаизори уни чиндан эшитаётгандай

эди. Ҳозиргина саратон ҳансираб ётган эди, қайдандир шабада келди, шундайгина ёнидаги баланд атиргулнинг гулбаргларини онаси қабрига сочиб юборди.

"Худойим, бу қандай ишора, онамга раҳматларнинг ёғилганими бу? Бир ўғилни илм одами қилиб тарбиялаб, эл юкига елка тутадиган қилгани учун Аллоҳнинг марҳаматими бу..."

Ойбек узоқ ўтирди... Яқиндагина акасини дафн қилгани келганда онасининг қабри мунгайиб қолганга ўхшаган эди, ҳозир кўтарилиб, улуғвор бир кўриниш олгандек туюлди. Қайтишда эшик олдидаги мўйсафидга яна бир карра тиловат қилдириб, назр берди...

— Бу нима ирим энди, Ойбек Муқаддирович, Саматов бу кабинетда бир ҳафта ўтиролмаганига қўрқиб қолдингизми?

Хоҳолаб кулиб ҳазиллашаётган бу одамнинг гапи Ойбекка малол келди:

— Мен яхши-ёмонни кўп кўрганман, оғайни. Оғирга ҳам, енгилга ҳам тез кўникаман. Давлатми, омад берса, шишиб ҳам кетмайман, олиб қўйса, ўлиб ҳам қолмайман. Бу худойи—бир кўнгилга келган иш. Шу одам—ректоримиз, Худо раҳмат қилсин, яхшими-ёмонми ишладилар, қариндош уруғи олдидан бир ўтиб қўяй, дедим. Бу оддий инсоний бурч... Ойбек гапини бошлаши билан кулишдан тўхтаган киши гап охиригача бироз ноқулай ҳолга тушди.

— Яхши ўйлабсиз,—деб қўйди.

...Онасини зиёрат қилиб қайтгач, ўша куни Бош Вазир ўринбосари, ҳукуматнинг масъул ходими, Олий таълим вазири—ҳаммаси келишди, залда ўқитувчи, профессорлар йиғилишди. Уларда қандайдир саросималик борга ўхшади. Бунинг сабабини Ойбек мажлис бошланмасдан сал аввалроқ билди. Оқил Умрзоқович уни чеккароққа имлади.

—Юқорига "Коллектив Ойбек Муқаддировичга ишонч билдирмаслиги ҳам мумкин, тўполон қилиши мумкин, деган гап етибди... Шундан сал",—деди Оқил Умрзоқович.

—Домла, мен 33 йилдан буён шу институтда ишлайман, ҳеч қачон илм қиламан, ҳалол ишлайман, деган одамнинг йўлини тўсмаганман. Ҳеч кимни итариб ташлаб, олдинга ўтиб кетмаганман. Билмадим, бу гапларни ким ўйлаб топди экан?—деди Ойбек қизишиброқ.

— Катта амал атрофида катта талашлар бўлади, Ойбек, жуда оғир, жуда босиқ бўл!—деди Оқил Умрзоқович, шу кайфият билан залга киришди...

Йўқ, зал Бош Вазир Уринбосарининг гапини жим ўтириб тинглади...

У ҳам Давлат маслаҳатчисининг Ойбекка айтган гапларини такрорлади. Ойбек минбарда ўтириб, зални кузатди. Ҳамма жим ўтирган бўлса-да, бу жимлик остида нимадир бор? Очиқ баҳс бўлса майли, Ойбек тайёр эди, аммо пинҳона жанглари-чи? Елкадан отиладиган найзалар-чи?

...Ойбек шундайларнинг кўзини тутишга ҳаракат қилди, аммо ҳеч қайсиси кўзига қарамас эди...

Мана, шунга ҳам икки-уч кун бўлди. Ректорнинг кабинетига кирмади. Онаси қабрини зиёрат қилгани борганда кўнглига бир фикр келган эди. Бир қўй олиб, институт ҳовлисида сўйиб, худойи қилсам, қариндош-уруғларининг олдидан ўтсам... Мана, бугун шу ниятини амалга оширяпти. Ўз кўнглида яхши бир иш қилаётгандай, аммо олдида аввал хоҳолаб, сўнг ноқулай ҳолга тушган мана бу кимсага ўхшаганлар нима хаёлга борди, Худо билади...

Йўқ, кўпчиликнинг нигоҳида хайрихоҳлик бор эди. Қора, оқ мовут тўн кийган, баҳмал дўппили кексалар, мўйсафидлар Ойбекни қайта-қайта алқашди. Ойбек Пулатовнинг хонасига ҳам унинг қариндошлари билан бирга кирди. У бўлар-бўлмасга ректорнинг олдида киравермасди. Худо раҳматлининг ўзиям кафедрага тушавермасди. Зарурат юзасидан учрашмаса, кам кўришишарди.

—Ўтинг, ўғлим,—деди юзларидан нур ёғилиб турган кексалардан бири. Ойбек тараддуланиб турган эди, ўша чолнинг ўзи дуога қўл очди:

—Унинг, ўсинг, ўғлим, элнинг иззатидан, Аллоҳнинг назаридан қолманг,—деди. Бошқалар "Омин" деб қўшилди... Ойбекнинг руҳи енгиллашди...

Умрим дафтарининг варағи азиз

Мен бир пайтлар ҳаммага севикли "Чолиқуши"га ўхшаб кундалик дафтар бошлаган эдим. Аммо вақт ўтиб билдимки, одам кўпроқ қалбан ёлгиз чоғларида кундалик ёзишга эҳтиёж сезар экан. Ойбек билан ҳаётимиз изга тушгач, кўпроқ қизларимнинг тарбияси билан шуғулландим. Онам

раҳматлик ҳаётлигида ёнларида яшадик. Қорақамишда машаққат билан етишган уйларимизда жуда яйраб яшамадик ҳисоб... Сўнг онамнинг ёнидаги уй бўшагач, ўша тарафга кўчдик, онам дунёдан ўтгач, уларнинг уйлари ҳам бизга қолди. Саодат ажойиб қиз бўлиб улғайди, сўнг Шаҳризода...

Ишим ҳам оналикнинг соясида қолиб кетгани йўқ. Институтимиздаги "Автомобил йўлларини лойиҳалаш" кафедрасига 10 йил раҳбарлик қилдим. Олис-яқин қишлоқлардан келган йигитлар, қизларга устозлик қилдим. Уларнинг дўсти, сирдошига айландим. Муҳаббатлари, армонларига гувоҳ бўлдим. "Автомобил йўллари соҳаси бўйича биринчи мутахассис аёл"—деб эъзозлаб минбарга чиқаришганида меҳнатларим қадрини билдим. Профессор унвоним ҳам шу меҳнат қадрининг натижаси. "Автомобил йўлларини лойиҳалаш" деб номланган 2 томлик таржима дарслигим чоп этилди. Бу соҳадаги биринчи ўзбек тилидаги дарслик... "Йўлчи усталар устози" унвонига ана шу китоб тақдимотида муяссар бўлдим... Умрим саҳифаларидаги ёзувлар заҳмат, саодат билан эгизлиги учун кундалик ёзишга эҳтиёж сезмадим. Фақат ён дафтарчамда қисқа-қисқа қайдлар бор.

"Саодатимни Москва педагогика институтига ўқишга бергандик. Чунки адаси билан бизнинг муҳаббатимизга айнан мана шу шаҳар бешик бўлган, бир йил ўқиди, одам тўнғич фарзандига суяниб қолар экан, катта қийинчиликлар билан ўқишини Тошкентга кўчирдик".

"Бунча адасига ўхшамаса бу қиз, содда, ҳақиқатгўй, тил ёғламачиликни билмайди, ҳаётда яшаш осон бўлмайди бундай қизга..."

Шаҳризодам бугунлай бошқа олам. "Ўғил бола қизим" деймиз уни. Ерга урса, осмонга сапчийди, ўн йил фақат "аъло"га ўқиди. Унинг медал олиш ҳангомаси ҳеч эсимдан чиқмайди... У асосий фанлардан имтиҳонни олтин медалга даъвогарлар билан Шайхонтохур халқ таълими бўлимига топширади. Шаҳризода "ҳаммасидан "5", дея ўзига ишонч билан юради, мени, адасини ўртага солмайди. Аммо 3-4 кун ўтгач, "меники математикадан "4" эмиш, дея аччиқланиб келади. Ойбекнинг бу дунёда энг ёмон кўргани— адолатсизлик. Ҳамма ишини ташлаб, туман халқ таълимига борадилар, текширтиришса, биттаям хато йўқ, лекин баҳо "4". Қайта комиссия тузилиб, "5" қўйилади. Қизиқ, кимлардир бу баҳога осонгина эришади, кимлардир кураш билан..."

"Шаҳризода институтга ўйнаб-қулиб кириб кетади,— деб ўйладик. Математикадан "5" олса-талаба... Аммо кейинчалик билсак, Шаҳризода "ҳеч қандай машаққатсиз олдим деган "5" баҳо фақат проректор Багдасаровнинг рухсати билан қўйилар экан, Шаҳризодага "4" қўйишибди. Математика бўйича имтиҳон раиси, профессор Гафуров ведомостга қўл қўяётиб қараса, Шаҳризоданики "4". Ахир у ўзи аввал Шаҳризодадан адаси илтимоси билан икки марта норасмий имтиҳон олиб кўрган, ҳар иккисида ҳам Шаҳризода "5" олган эди.

Гафуров Багдасаровга:

— Домла, иш "5"га ёзилган-ку, боз устига фамилиясига қаранг, шу фамилиядагиларга ноҳақлик қилиб барака топармикансиз, дебди... Менга кейинчалик бу ҳангомаларни Ойбек айтиб берган эди... Ўшанда фамилиямизнинг адолат учун кураш тимсолига айланганидан қувонган эдик".

"Шаҳризода Тошкент Халқаро иқтисодиёт ва Дипломатия Университетини битирди. Иккинчи ихтисослиги-иқтисодчи ... От босмаган изларни ..." деган гапни эшитганмисиз? Умидимиз кўп бу қиздан..."

"Саодат таржимон, адасининг ёрдамчиси, у ҳам ўқиб иккинчи мутахассислик олди, иқтисодчи..."

"Шаҳризодани узатдик, ўзимизга муносиб оила, куёв тадбиркор, заҳмат йўлидаги йигит. Шаҳризода аспирантурани тугатди, фан номзоди бўлди, аввал Ташқи Ишлар Вазирлигида ишлаётган эди, ишлаб чиқаришга ўтди, ўз соҳасининг билимдони".

"Невара кўрдик, жажжи қизалоқ... Соғлом ўсяпти. Аммо бир куни қизиқ воқеа рўй берди. Қизалоқ ўйнаб дори ичиб юборди. Бувасининг дорисидан заҳарланди. Мен ҳам, Ойбек акам ҳам ҳаётимизда бундай катта кўрқувда қолмаганмиз. Туни билан мижжа қоқмадик. Куёв, Ойбекнинг шогирдлари — ҳеч ким тинмади. Тонгда хатар ўтди... Менинг қон босимим 220 га кўтарилиб кетибди ўша тун... Аллоҳ ҳамиша фарзандларимизни ўз паноҳида асрасин..."

Баъзан дафтаримни варақлаб шундай қисқа қайдларни ўқиб қўяман. Қисқа бўлса-да бу ёзувлар ҳам менинг, қолаверса, Қодировлар ҳаёти силсиласидаги олмос халқалар...

Меҳробдан чиққан чаёнлар

—Ойбек Муқаддирович, бу нима деган гап?—Давлат маслаҳатчиси "Б" блокнинг 8-қавати пештоқида ловуллаб

турган шиорга ишора қилди. Ойбек бир лаҳза карахт ҳолда турди. "Ўқиш, ўқиш ва яна ўқиш. В.И. Ленин" деган сўзлар ярқираб турарди.

— Бу қайдан келиб қолди?—деди Ойбек ва сал орқароқда қадам ташлаб келаётган проректорга қаради.

— Сиздан сўраётган эдим,—деди давлат маслаҳатчиси, аммо у Ойбекнинг нигоҳидаги ҳайронликдан аллақачон кўп нарсани фаҳмлаган эди, овози аввалги гапидагига қараганда юмшоқроқ чиқди. Ҳолбуки, Ойбек кеча кечкурун шу атрофдан ўтган эди. Девор бўм-бўш эди. У ректор бўлгандан буён институт биносини кунига икки бор айланиб чиқарди. Столи устида кундалик дарс жадвали турарди. Қайси факултет, қайси аудиторияда қандай дарс ўтиляпти, қайси профессор дарс ўтиши кераклигини биларди. Кўпинча, огоҳлантирмасдан дарсга кириб ўтирар эди. Чунки талабаларнинг давомати пасайиб кетган, дарслар ўлда-жўлда бўла бошлаганини кафедра мудирлигида билар эди. Институтда "Ҳозир ректор дарсга кириши мумкин", деган масъулият уйғона бошлаган эди. Тўғри, Ойбек бунинг жуда ҳам тўғри йўл эмаслигини биларди. Чунки ҳар ким дарсга виждонан кириши керак. Бўйиндан боғлаган ит овга ярамайди, деган гап бор. Аммо ҳозирча бошқа иложи йўқ эди.

Ректор ортидан етиб келган проректорлар Рўзиев, Саматов, елка қисишди.

—Битта-яримта талаба шўхлик қилиб... минғирлади деканлардан бири.

—Бу шўхлик эмас, провакация, қип-қизил безорилик, ҳатто, жиноят,—деди Давлат маслаҳатчиси: —Қани, Ойбек Муқаддиорович, кабинетга кирайлик... Ойбекнинг миясига қон қуйилгандай бўлди. Наҳот тинч ишлагани қўйишмаса?

Бу зимдан адоват, ректорликка тайинланиб, ишга тушган соатларидан бошланган. Ўшанда мана шу минғирлаган декан кириш имтиҳонлари бўйича масъул эди. У Ойбекка "домла, домла" деб ялтоқланиб Тест марказига бутунлай тескари ахборот етказар экан. "Ҳамма иш сушт, ректор ҳеч балони эплай олмаяпти, аълочи абитуриентларни алоҳида гуруҳ қилаяпти, ҳеч кимнинг гапига қулоқ солмайди, жиззаки, гап эшитмайди"... Яхшиям, тест синовларидан бир неча кун аввал ўзи тест марказига боргани... Тест маркази раиси билан очиқ-ойдин суҳбатлашилди: у мақсадни тушунди. Мезон—билимли ёшлар институтга кириши керак...

— Ойбек Муқаддирович, бу котибингиздан воз кечинг, оёгингиздан чалади!—деди. Шу гапни ўзини чақириб, кўз олдида айтган эди.

— Ойбек Муқаддирович, иш кечаси шиор ёзиб қўйишгача етган бўлса...рақибларингиз кечаю-кундуз ишляптими, дейман,—деди Давлат маслаҳатчиси ўйчанлик билан.

— Мен уларнинг ҳаммасини биламан, аммо курашишга вақт сарфлагим келмайди. Қолаверса, мен уларга қарши кураш бошлаб юборсам, улардан фарқим қоладими?!—деди Ойбек.

— Индамаса ҳам бўлмайди. Таниқли кафедра муди-рингизни кўрдингизми, ёнига бордик ҳамки, қимир этмайди... Буларнинг сал попугини пасайтириш керак...

Яна зал, яна йигилиш. Ойбек ўзи ҳадеб мажлис чақиравермас эди, раҳбарларга ҳам йўл-йўлакай вазифа топшириб кетаверарди. "Агар менда ихтиёр бўлса, 15, 10, 5 минут деб эмас, фикрингни бешта, ўнта жумлада ифода эт", дея ...регламент кўярдим", деб юрарди Ойбек...

Давлат маслаҳатчиси қисқа гапирди. Юмалоқ хатлар тинмаяпти, ҳадеб комиссия, ҳадеб текшириш олимлар ишлайдиган даргоҳга муносибми шу иш? Келишиб ишланглар, дегандай гап қилди ва бугунча "шиор" спектакли учун икки проректорни ишдан бўшатишни таклиф қилди...

"Хўш, энди нима бўлди? Тинчгина ишлаб турган эдиларинг, иззат-обрў, мансаб ҳаммаси кетди...". Ойбек улар билан уришгиси келмас, уларга раҳми келарди. Қандай жоҳил инсонларки, ўқиб, уқмаган... Ахир, ректорнинг фаолияти сенга ёқмаган бўлса, ўз ўрнингда сен яхши иш қил, зўрлигингни исботла, унда истагингга етишиш осон бўлади... Ойбек Давлат маслаҳатчисини кузатиб қайтаркан бир чеккада гуж бўлиб турган бир неча "дўст" домлаларга кўзи тушди. Яна Абдулла Қодирийнинг "Меҳробдан чаён" асаридаги Мирзо Анвар хон ҳузурига кириб кетганда бошларини бириктириб пичирлашадиган Шаҳодат муфти, мулла Абдурахмон ва унинг бошқа шерикларини эслади... Абдулла Қодирий уларни "Меҳробдан чаёнлар" дегани ҳам ёдига келди... дунёда шундай одамлар борлиги Ойбек учун доим огриқли эди. Чап кўксига яна огриқ турди...

Кечинма

Одамга ўз ватани азиз.

Бошқа тупроққа борса, уч кун, нари борса, бир ҳафта яйрайди. Кейин кўзидан ўзиникилар ўта бошлайди. Баъзан,

ҳатто, ташвишларини ҳам соғинади... Барибир, саёҳатнинг гашти бор: Ўз тупрогингни соғиниш, қаттиқ соғиниш учун ҳам саёҳат қилиш зарур! Бизга бу гал Германияга саёҳат насиб этди. Албатта, яна ёнимда рафиқам—олдимизда эса йўллар, йўллар...

Германия

Германия Федератив республикаси - марказий Европадаги энг катта давлат бўлиб катта саккизлик давлатлари қаторига киради. Шимолий ва Болтиқ денгизлари соҳилида жойлашган. Пойтахти Берлин шаҳри.

ГФР—Федератив Республика. Амалдаги конституцияси 1949 йил 23 майда қабул қилинган. Давлат бошлиғи—федератив Президент. Федерал мажлис томонидан 5 йил муддатга сайланади ва яна фақат бир марта сайланиши мумкин.

Қонун чиқарувчи ҳокимиятни парламент амалга оширади.

Ижроия ҳокимияти федерал канцлер бошчилигидаги федерал ҳукумат кўлида.

Германиянинг табиати гўзал ва мафтункордир. Иқлими мўътадил, денгиз иқлими. Аҳолисининг 90% дан кўпроғи немислар; қисман данияликлар ва голландлар яшайди. Шаҳар аҳолиси 85% дан ортиқ. Расмий тил—немис тили.

Мамлакатдаги 82 млн. аҳолининг 7,2 миллиони чет элликлар.

Ўсиб бораётган диёр

Темир йўлларининг узунлиги—91,4 минг км, автомобил йўллари узунлиги 496,6 минг км. Энг катта Аэропорт—Франкфурт-Майн шаҳрида.

Германия ташқи савдо айланмаси ҳажми бўйича дунёда АҚШдан кейин иккинчи ўринда туради. Германия асосан четга автомобиллар, станоклар, шиналар, кимё маҳсулотлари ва электр техника буюмлари чиқаради. Олий таълим тизимига университетлар, олий ўқув юртлари, олий бадиий мактаблар, техника мактаблари ва бошқалар киради.

Германияда 3 мингдан ортиқ музей бор. Ерлар, шаҳарлар, уюшмаларнинг музейлари, ўлкашунослик ва хусусий музейлар, ибодатхоналар, қасрлар, саройдаги музейлар шулар жумласидандир.

Энг йирик музейлари: Ахендаги собор хазинаси, Янги галерея, Берлиндаги "Пруссия маданий бисоти" давлат музейи, Бонндаги шаҳар санъат асарлари мажмуаси, Дрездендаги эски ва янги устахоналарнинг расмлар галереяси "Кўк гумбаз", Эссендаги "Фолькванг" музейи каби санъат музейлари ва бошқалар. Йирик кутубхоналари: Мюнхендаги Бавария давлат кутубхонаси (6 млн. дан ортиқ асар сақланади); "Пруссия маданий бисоти"нинг Берлиндаги давлат кутубхонаси (4 млн асар); Кёльндаги Марказий кутубхона ва бошқалар.

Германия феномени

"Автомагистрал" бирлашмасининг раиси ташаббуси билан Олмониянинг "WIRTGEN GROUP" фирмасининг Ўзбекистондаги вакили жаноб Ойген Шпенст йўл транспорт комплексининг йирик мутахассислари сифатида мен ва рафиқамни ўз ватанидаги йўл қурилиш машиналари заводлари, бетон ва асфальт йўллар қуриш технологиялари билан танишишга таклиф қилди. Барча сарф-ҳаражатларни фирма ўз зиммасига олди. Таклиф қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг Олмониядаги элчихонаси билан келишиб, автомобилсозлик бўйича олий ўқув юргларига бориш ҳам режалаштирилди.

28-май, эрта билан соат 7⁰⁰ да Боинг-310 самолёти Франкфуртга қараб парвоз қилди ва Олмония вақти билан 10³⁰ у ерга юмшоққина қўнди (вақт фарқи 3 соат). Бизни жаноб Ойген шахсан кузатиб борди. Биз қўнган аэропорт катталиги ва гўзаллиги билан бизни ҳайратга солди. У Европада энг катта аэропорт экан. Бир минут ичида 2 та самолёт учади ва қўнади. Биз енгил-елпи борган эдик, паспорт назоратидан тезда ўтиб, ҳаво салқин бўлгани учун ўзимизни автомобил "кучоғи"га урдик. Ойген бор-йўғи 5 минут ичида дизел двигателли "Мерседес" автомобилени ижарага олди. У энг замонавий машина, 100 км йўлга 6 литр ёнилғи сарфлайди. Учовлашиб Кёльн шаҳрига қараб йўл олдик. Улар оралиғидаги масофа 200 км. Ойдин йўллар бўйича мутахассис бўлгани учун, тезда баҳо берди: "Идеал йўллар!". Атрофда гўзал манзаралар, 6 қаторли автомагистрал (автобан), катта тезлик билан "учиб" бораёпмиз. Кёльнга етмасдан бир шаҳарчага (бизнинг шароитлардаги "қишлоқ"қа ўхшаш) кирдик. Кичкинагина шаҳарчадаги саранжомлик, тозалик ва хоналарни гуллар билан бежирим

қилиб безалганлиги бизни лол қолдирди. Уйларни ташқи томондан шунақа пардозлаш, гуллар билан безашларига қойил қоласан киши.

Кўп ўтмай фирманинг бош идорасига етиб борилди. Ўн беш минутлардан кейин Ўзбекистондан, йўл қурилиш концерни раисининг муовини Турғунбой Азимбоев раҳбарлигидаги гуруҳ заводга етиб боргани ҳақида хабар эшитдик.

Биз ҳам ўша томонга ошиқдик, юртдош йўлчилар гуруҳига қўшилдик. Уларнинг ичида талабаларимиз кўп экан, бизни илиқ қаршилашди.

Асфальт қирқадиған пичоқлар тайёрлаш технологияси билан, бетон ётқизувчи машиналарнинг (3,75 метрдан 15 метргача катталиқдаги) корпус деталларини тайёрлаш жараёнлари билан танишилди. Завод билан танишиб бўлгач, бизларни шинамгина автобусга ўтқизиб, Кёльн шаҳрига, меҳмонхонага олиб келишди ва ҳеч қанақа ҳужжат кўрмасдан, ёзмасдан ётоқхоналар калитини беришди. Аэропортда ҳам божхона декларацияси ёзилмаған эди.

Йўлларнинг икки томони ўрмон билан қопланған, манзаралар кўзни қувонтирганидан 200 км йўлни 1,5 соатда босиб ўтганимизни ҳам сезмай қолибмиз.

Кечқурун Ойген билан ресторанга бориб, Кёльн пивоси ва таомларидан тановул қилдик. Шундай қилиб, Олмониядаги биринчи кун якун топади.

29 май эрта билан соат 9⁰⁰ да нонушта (Шведский стол) қилдик. Алоҳида таъкидлаш лозимки, меҳмонхонада овқатланиш пули хонани банд қилиш пулига қўшилған экан. Ҳамма автобусга ўтириб, Белгия мамлакатига қараб йўл олди. Ариза ёзиш, виза олиш деган гаплар йўқ, ҳар эҳтимолга қарши паспортингларни олволинглар, дейишди. Маълумки, Европа Иттифоқи ҳудудида визасиз юрилади. Яна, қаёққа денг, Олмониядан қўшни Голландия мамлакати худудини юриб ўтиб, Белгияга борилади! Сафардан мақсад Олмонияда ишлаб чиқилған машиналар ёрдамида қурилаётған бетон йўлларни кўриш. Масофа 300 км.дан ортиқ, адашиб қолдик. Ойген бир амаллаб қурилиш бошлиғи телефонини топиб, қўнғироқ қилди. У тезда етиб келди ва бизни бошлаб кетди: қурилиш майдонида иш жараёнлари ва кўлами билан танишдик. Эни 3,75 метр, қалинлиги 12 см бўлған бетон йўл бир минут давомида 1,2 метр қопланиб қолаётганини ўз кўзимиз билан кўрдик. Йўл машиналарининг ишлаш принципини ва технологиясини ўрганиб қайтдик.

30- майда йўлсозлар делегацияси билан биргаликда бошқа шаҳарда жойлашган заводларнинг ишлаб чиқариш технологиялари билан танишдик. У ерда йўл қуриш машиналари ишлаб чиқарилар экан. Заводни томоша қилиб бўлиб, тушлиқдан сўнг таъмир қилинаётган трассани кўришга бордик. Асфальтнинг қалинлиги 18 см. Бу йўл 100 йилга мўлжалланган. Ойдин ният қилдики, яқин келажақда республикамизда ҳам асосий йўлларнинг сифати шу даражага кўтарилади.

31 майда Ойген бизни Берлинга борадиган тез юрар поездга ўтқазиб юборди ва у 5 соат ичида манзилга етиб борди, бизни элчихона ходими Мавлон кутиб олади ва элчихонага олиб бориб ходимлар билан таништиради. Бироздан сўнг элчимиз Владимир Норов кириб келади ва улар билан 3 соат давомида илиқ суҳбат ва меҳмондорчилик бўлади.

Цвикау институти

1-июн куни тонгда Дрезден орқали Цвикау транспорт институтига бизни Мавлон ўз машинасида олиб борди. Учрашув олдиндан белгилангани учун бизни ректор, проректор ва декан кутиб олади. Проректор рус тилида бемалол гаплаша олар экан, чунки Россияда таълим олган. Илмий ва ўқув жараёнлар ҳақида узоқ суҳбат олиб бордик. Германияга талабаларни амалиётга юбориш мумкинлиги таъкидланди.

Цвикау институтида магистрантларга билим инглиз тилида берилар экан. Агар, ТАИИ ўқитувчилари инглиз тилида маъруза матни ёзиб юборишса ва у уларнинг талабига жавоб берса, 7000 марка ойлик билан (3500 доллар) ишга 1 йил ёки 6 ойга қабул қилажакларини билдиришди.

Ундан сўнг ректор билан хайрлашиб проректор билан биргаликда двигателларни ва автомобилларни синайдиган илмий лаборатория билан бир неча соат давомида танишиб чиқдик. Ҳаммаси замонавий асбоб-ускуналар. Аспирантлар синов олиб боришмоқда. Сўнг қайта йўлга чиқиб Дрезден шаҳрига кечроқ 18⁰⁰ларда етиб келдик ва дунёга машҳур Галереяни ташқаридан томоша қилдик.

Ҳаракат хавфсизлиги ҳақида икки оғиз сўз: умуман Германия йўллари ўта замонавий, барча белгилар мавжуд, ҳеч қаерда ГАИ ходими кўринмади. Уларнинг вазифасини электроника бажаради ва қоидабузар ҳеч қаерга қочиб кета олмайди. Жарима қоғози уйга келади. Қачон бизда ҳам шундай бўлади, барча ишларни электроника бажаради?

Фақат Дрезден яқинида битта аварияга дуч келдик ва шу ерда учта ГАИ ходимини кўрдик холос. Дрездендан чиқиб кеч соат 8⁰⁰ларга Берлинга етиб келдик ва Мавлон бизларни ўз уйида қабул қилди. Стол устидаги барча мевалар чиройли, лекин... ўзимизнинг меваларга ўхшаши йўқ, жаҳонда. Меҳмонхонага бориб ётдик ва эрта билан бизни яна Мавлон машинасида Берлинни бироз томоша қилдирди, универмагга олиб кирди. Ҳамма нарсалар қиммат бўлгани учун ҳеч нарса харид қилмадик. Сўнг у бизни яна поездга кузатиб қўйди. Хайрлашиб Кёльнга йўл олдик. Кёльнда бизни яна Ойген кутиб олди. Кёльнда ёмғир шаррос қуя бошлади. Биз Кёльн ибодатхонасини зиёрат қилдик. Ажойиб қурилган. Кечки овқатдан сўнг дам олдик. Шанба куни бўлгани учун Ойген биздан узр сўраб фазендасига кетди.

Биз дам олиш кунимизни Кёльн шаҳрини пою-пиёда кезиб, зиёрат (томоша) қилиш билан ўтказдик. Эртасига тонгда биз учовлон Франкфурт аэропортига қараб йўл олдик ва ҳамма текширувлардан ўтиб самолётга чиқдик. Кечкурун жонажон Тошкентга келиб кўндик.

Аллоҳга шукр. Германия бўйлаб 4000 км. йўл юрдик. Бу ташриф натижасида биз катта бойлик, яъни маънавий бойлик орттириб қайтдик. Ўйлайманки, Ўзбекистонга келган меҳмонлар ҳам ўзига хос бойлик билан қайтадилар. Бизнинг бир-биримиздан ўрганадиган жойларимиз кўп.

... Ойдин маҳалламизга кирганда:

—Адаси, иссиқ нон ҳиди келяпти,—деди... Кўнглим алланечук бўлиб кетди. Чунки шу лаҳзада менинг димоғимга райхон иси уфурган эди...

Бу нима?

...Ойбек ҳарчанд кўзини очишига ҳаракат қилса-да, қовоғидан биров босиб турганга ўхшарди. Кўзини очолмас, назарида, оёқ-қўлини ҳам кимдир боғлаб қўйгандек... "Бу қаер, шифохонами?", ё абадий масканга келдиммикан? Ойбекнинг ўй-хаёллари гоҳ тиниқ, гоҳ туманли эди. Чап кўксидаги санчиқни ҳис қилаяпти, демак, тирик... боши айланди, ҳушидан кетди, қаерда, қачон? Йўқ, яна аллақандай туманлар орасида қолиб кетди. Учиб кетаяптими? Бошида нимадир тургандек бўлди, йўқ, кимдир. Оп-оппоқ, худди ўз гирдобига тушиб қолган туманлар, булутларнинг бир қисмига ўхшайди:

— Исмингиз Ойбек... Муқаддир ўғлисиз...

— Ҳа... Ойбек учун ким жавоб берапти, ахир у гапирмайди-ку, оғзини ҳам кимдир юмиб тургандек, аммо овози ўзиники, қизиқ, жуда қизиқ...

— Сизга Худо олимлик салоҳиятини ато этди, сиз эса яратган эгамга хиёнат қилдингизми? Аллоҳ Сизга-сарварликни лойиқ кўрди. Оқладингизми?

— Ҳа, менбиринчи бўлиб техника соҳасидаги дарсликни таржима қилдим, ўнлаб дарсликлар, рисоалар ёздим. "Автомобил ва трактор двигателлари" номли 30 табоқли дарсликни чоп эттирдим. Бизнинг соҳада 30 табоқли китоб ёзиш учун умрнинг ўттиз йилини заҳматга бериш керак бўлади. Русча-ўзбекча 50 босма табоқли, 2 томда автотрактор атамалари луғатини туздик ҳаммуаллифликда. Техника соҳасидаги битта сўзнинг изоҳини топиш учун неча-неча том китобларни титиш керак. Чунки қанча-қанча сўзлар хорижники. Бу луғатга ҳам қанча заҳматимиз кетди. Аксарият раҳбар олимлар фақат раҳбарликка куч берадилар. Эҳтимол, бу ҳам ўзига хос бир йўлдир. Аммо мени илм раҳбар қилди. Мен қадрни илмдан топдим. Шунинг учун қандай вазифада ишласам ҳам, илмга содиқ бўлдим. Аллоҳнинг менга ато этган илмининг учунини ҳам ўзимда яшириб олиб қолмадим. Ким ҳавасманд бўлса, бердим. Иқтидорли талабалар алоҳида ажратиб олиниб махсус дастурлар асосида ўқитилмоқда.

Мен бош бўлган ўқув даргоҳи Ҳалқаро автомобил-йўл таълими ассоциацияси—МААДОга қабул қилинди. 1996 йилда институтимизда Ҳалқаро илмий анжуман бўлди. Франция, Германия, Эрон, Туркия олимлари иштирок этди...

"Бу ким менинг номимдан минбарда сўзлаётгандек нутқ сўзлаётган?" Ойбек билгиси келарди-ю, аммо овоз унинг истагини босиб кетарди:

— Институт қошида "Талаба" жамғармаси ташкил этилди. Шу йили тузилган Ҳомийлар кенгаши тарафидан "Талаба" жамғармасига 5 миллион сўм туширилди. Бу пуллар етим талабаларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва аълочиларни рағбатлантириш учун ишлатилди.

Ҳамма қилган ишларимиз ўтиш жараёнида ўз самарасини берди. Ўнга яқин талаба ва аспирантларимиз "Умид" жамғармаси грантига сазовор бўлиб АҚШ ва Англияга ўқишга киришди. Институт бойимоқда, Ҳомийлар ёрдамида институтга 5 та енгил машина, 1 та автобус олдик, иссиқлик

системасини тўлиқ таъмирладик, институт қошида турли фирмалар ишлаб турибди...

— Сиз ўзингиз... қандай наф кўрдингиз? Ахир ҳамманинг ҳам данғиллама уй орзуси бўлади, айтишади-ку, ўзбек бойиса, уй солар..." деб.

Ойбек бу савол-жавобни тўхтатгиси, тин олгиси келарди. Шу яқин жойда боғ бордек туюлади, қандайдир ўткир ҳидлар димоғига уради, аммо савол-жавоб давом этаверади.

— Ҳа, мен ҳам ҳовлини орзу қилдим. Бир пайтлар Чкалов номидаги Авиа завод қаршисидаги ташландиқ жойни олмоқчи бўлиб, туман ҳоқимига ариза ёзиб борганман, беришмади. Олий таълим вазири Салимов ва шаҳар ҳокими Тўлаганов имзоси қўйилган аризам билан шаҳар ҳокими муовини ҳузурига кирганман. Муовин: "Ректор экансиз, марказдан иккита эски уйларни сотиб олиб, сарой қуриб ялло қилиб яшамайсизми?" деган...

— Сиз айтган имкониятим бўлганда олдингизга келармидим, дедим... Барибир, ишонмади. У университет, институт ректорларини "пул одам" деб тасаввур қилади, шекилли...

Муовин "Иложи бўлса, ёрдам қиламиз", деган эди, аммо натижа бўлмади... Аммо мен ўзимни яхшигина бир уйга ҳақли ҳисоблардим. Нима учун инсондай меҳнат қилган одам инсондай яшамаслиги керак? Яна Оқил Умрзоқовичга кирдим. Квартирани фақат қурилиш трести орқали сотиб олиш мумкин экан. Аммо миллион-миллион пуллар қайда? Баъзиларга ўхшаб, эшигимда ойлаб талаба ишлатмадим... Ниҳоят Вазири мизнинг хатларига биноан институт кадрлар тайёрлаб берадиган концерн, ассоциациялар маслаҳат қилишиб пул ўтказиб беришадиган бўлишди. Пулнинг маълум қисми ўтказилди ҳам. Аммо менга ҳаётда бирон нарса осонликча насиб этганми? Худди ўша кунларда Оқил Умрзоқович пенсияга чиқиб, ўрнига янги вазир бўлди. Таклиф қилган экан, бордим. "Кеннойи билан қариндошчилигимиз бор, агар сизга квартира олиб берсам, гап-сўз кўпаяди", деди... "Ҳеч безовга бўлманг, уй учун тушган пулни "Ўзавтосаноат" уюшмасининг ҳисоб рақамига қайтариб юборинг, дедим... Аллоҳ азиз қилган бандасини биров хор қилармиди? Курсдош дўстим "Ўзавтотранс" корпорацияси раиси Лэрик Ахметовични Бош вазир ўринбосари этиб тайинлашди ва менга уй сотиб олиб бериш ишлари янги тдан бошланди.

2003-йил 63, яъни пайғамбар ёшимда ўзим, рафиқам, фарзандларим орзулаган уйга—квартирага етишдик...

... Ойбек хануз булуглар орасида учарди... Аммо ким унинг умр китобини ўз овозида ўқиб берапти? Сўроқчи ким? Нега қўл-оёғини ҳис қилмайди, фақат чап кўксини ҳис этади?

— Яна ўша овоз. — Ректорлигингиз даврида сизга ҳам тузоқ қўйганлар бўлдимми?

— Замонанинг зайли билан, Президентимизнинг назарига тушиб, Аллоҳ иродаси ила менга ректорлик лавозими насиб этди. Мана 9 йилдирки, бу мушкулот вазифани баҳоли қудрат, лекин сидқидилдан бажариб келмоқдаман. Салоҳиятли, ташкилотчи, журъатли ва адолатли, тадбиркор ва айтган сўзида турадиган инсонга бу ишнинг оғирлиги йўқ. Фақат барчани (ҳам ўқитувчиларни, ҳам ходимларни ва талабаларни) бир мақсад сари, яъни ватан равнақи ва манфаати йўлида жипслаштириш даркор. Бу иш осонми? Афсуски, йўқ. Бунинг учун кунни тунга улаб, астойдил меҳнат қилмоқ зарур. Тушунишимча, ректорнинг шиори шундай бўлмоғи зарур: "Менинг қабулимдан бирор бир киши норизо бўлиб чиқиб кетмаслиги керак". Демокчиманки, инсонларга қўлдан келганча яхшилик, меҳрибонлик қилиш ва, қолаверса, керакли маслаҳатни бериш айни муддао. Умр давомида ўзингга дўстлар (ҳайрихоҳлар) орттириб боришинг даркор. Ўтиш даврида олий даргоҳни барқарор ҳолда тутиб туришнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун ҳамиша дўстларинг ёрдами қўл келади. Ректор бўлганингдан сўнг кўп кишиларнинг иши сенга тушади. Баъзилари юқори ташкилотлардаги раҳбарлар кўнғироғи орқали ҳам келишади. Қонун даражасида ёрдам ҳам берилади. Секин-аста илиқ муносабат пайдо бўлади ва ўзингиз уни дўст деб ўйлай бошлайсиз. Институтга кириш имтиҳонлари яқинлашиб қолганда у сенга жиянимнинг ўқишга киришига ёрдам беринг, деб сўрайди. Сиз унга бу иш қўлингиздан келмаслиги, унинг ягона йўли тайёрлов курслари эканлигини тушунтирасиз ва ўшаларга олиб боринг, деб чиқариб юборасиз. У эса сенинг ишончингни суиистеъмол қилиб, "жияни"нинг отасидан мўмайгина пул ундиради. "Менга ректор ундай деди, бундай деди" деб ёлғон гапириб, содда кишиларни чув туширади. Ректор унга "Бола тайёргарлик кўрсин. Худо хоҳласа кириб кетади", деб тасалли берган бўлади, холос. Чунки ректор ҳар кимни ноумид қилиб чиқариб юбориши мумкин эмас. Бу Аллоҳга ҳам хуш келмайди. Ҳар бир инсон ректор ёнига бир умид билан

киради. Биров ректорнинг қўлидан ҳеч нарса келмаслигини тушунади, биров асло тушунмайди. Бола ўқишга киролмагандан сўнг товламачи сувга тушган мушукдек бўлиб қолади ва тумшугидан илинади ва сўроқ қилинганда, бир қисм даромадни ректорга бермоқчи эдим, деб бўҳтон кўрсатма бера бошлайди. Чунки у қопқонга илинган сичқондек нима қилиб бўлса ҳам қутулиб чиқиб кетиши керак-да. Лекин юзлаштирилганда "мен бу номаъқул ишни ёлғиз қилганман"— деб дийдиё қилишга ўтади. Қиссадан ҳисса шуки, ректорлар, огоҳ бўлинглар, тулки қиёфасидаги "дўст"лардан нарироқ юринлар. Ҳаёт бу синов, Яратган ҳалол бандаларига ҳаром луқма юбориб ҳам уларни синаб кўради. Ён-теварагингда замонавий шайтонларнинг пайдо бўлиши ҳам тақдир имтиҳони. Шунинг учун ўз мақсадингда қатъий туриб ҳаракат қилишинг, фирибгарлар тузоғига илинмаслигинг лозим. Ўзини асрагани тангри ҳам асрайди. Парвардигор ва қонундан кўрқинг...

—Аллоҳ инсонларни ҳамма нарсани бор-борича қабул қилиш учун яратмаган. Нимани ўзгартиринг келади?

—Жуда кўп нарсаларни. Масалан, ВАК ҳимояда қатнашсин, Илмий Кенгаш билан баҳслашсин, аммо ундан сўнг фақат ҳужжат "титмасин". Қолаверса, унинг олдида тирик инсон—ёқлаётган одам туради. Нега уни қўйиб ҳужжат титади?! Оппонентлар-чи? Сайлов кунигача маълум бўлмагани маъқул. Олдиндан тайинланган айрим оппонентлар ҳимоя қилаётган одамни соғиб ичиш илинжида бўлади. Илмий котиб ҳар йили янги сайлансин. Унинг иши қаттиқ назоратда турса, қинғир ишларга йўл очилмайди...

Бу битта истак, холос. Минг истагимнинг бири—бу... Мен чет элларнинг олийгоҳларида бўлганман. Уларда ўқиш пулик. Шунинг учун талабаларнинг барчаси ишлаб ўқийди. Олимлар ҳам дарс беришдан ташқари, турли ишлаб чиқариш корхоналарида ишлашади. Уларнинг биз ҳавас билан қарайдиган бойлиги—заҳматдан. Бизда ҳам шундай бўлиши керак деб ўйлайман. Қийналиб ўқиган одам унинг қадрига етади... бизда чаласавод домлалар кўпайиб кетяпти. Тўғри, "ўқитувчилар талаба нигоҳида" деган сўровнома ўтказилади. Аммо сўровномада маънавияти, илми паст баҳоланган ўқитувчига бирон чора кўриш қийин... Кадрлар етишмайди. Америкада аттестациядан ўтмаган ўқитувчиларга муҳлат берилади, ўша муддатда ўз устида ишлаб малакасини оширмаса, унга иш беришмайди. Бизда эса, аксарият

ҳолларда дарс бериш-бермасликни пора ёки таниш-билишчилик ҳал қилади. Гоҳида "орқаси" бақувват лаборантни ҳам ўрнидан қўзғатиш мушкул.

—Устозларинг олдида ҳижолатинг йўқми?

—Йўқ... Ҳеч бирига ҳурматсизлик қилмадим. Мен Ўзбекистондаги устозларим тугул, Москвадаги устозларим —Ховах, Доброгаев, Никитинларнинг ҳам яхши-ёмон кунларида ёнида турганман. Юбилейларига ўзбекона совғалар билан борганман. Бири чанғи учаётиб, бири касаллик туфайли вафот этган. Таъзияларида фарзандлари ёнида турдим. Баъзиларининг фарзандлари хорижга кетган, ҳануз излайман... Домлам Доброгаев яқинда 90 ёшга киради.

—Аҳли аёлингиз олдида-чи?

—Фан доктори бўладиган салоҳияти бор эди, менинг ишларим, ташвишларимга шерик бўлиб илмий ишини давом эттира олмади. Баъзан озгина дилим хижил бўлади... Ойбекнинг чап кўксини кимдир ё нимадир қаттиқроқ босгандай бўлди. "Шунга шунчами? Ахир бор оғирлигини заифаси гарданига ташлаб юрганлар камми? Баъзи йигитлар четга ишлагани кетиб ётибди, кими пул юборяпти, кими йўқ. Аёллари бозорда, енгил табиатлилари кўчага чиқиб кетишган..." "Улар олдида мен эрлик, оталик бурчларимни ҳалол адо этдим", дегиси келди. Аммо оғзини очолмас эди... негадир ҳали ўзи бўлиб сўйлаётган овоз ҳам тинчиб қолди.

"Ҳой, сўроқчи, қайга кетдинг, яна кўп нарсаларни айтмоқчи эдим, кўп нарсаларни... имкон берсанг-чи..."

Ойбек қанча муддат шу ҳолатда ётди, билмайди... кечами, кундузми, ёзми-қишми... Ахийри, босиб турган нарса қовоғидан узилди.

...Ёнбошда нимадир "чик-чик" томарди... Узун штативга осилган шиша-лимон ранг дори томирига уланган система... Лимон егиси, ҳидлагиси келди. Бошини кўтаришга ҳаракат қилди.

—Қимирламанг. Қўзингизни очдингизми, домла? Қўрқитиб юбордингиз-ку. Ойбек бошида оқ халатли врачни кўрди, ёш, соғлом йигит, чеҳраси ёқимли...

—Мен ... менга нима бўлди? Ойбекнинг овози жуда заиф эди, ҳалиги сўроқ-жавобда гулдираган овозга ўхшамасди.

—Юрагингиз сал шўхлик қилди, домла... ўтиб кетди, Худо хоҳласа...

Ойбекнинг кўзи яна юмила бошлади. Савол берган

дўхтирмиди? Йўғ-ей, шу ёш йигит-а? Балки, у дўхтир қиёфасидаги келажакдир, жавоб берган ким? Хотирами, иймонми, виждонми? Ойбек ўзининг болаларча тасаввуридан ҳайрон қолди... Шу куйи яна оппоқ будутлар бағрида уча бошлади...

Хотима

—Машинани шу ерда тўхтатинг,—деди Ойбек институтга етмай, кўчанинг бошида. Ҳайдовчиси савол назари билан унинг юзига қаради.

—Пиёда юрмоқчиман бироз. Ёмгирдан сўнгги ҳаво зўр бўлади,—деди Ойбек. Ҳайдовчиси чаққонлик билан тушиб, "Эсперо"нинг олд тарафидан югуриб ўтди-да эшикни очди. Ойбек бундай ҳолларда кўпинча ҳайдовчисига: "Ўрнингизда ўтиравермайсизми, битта эшик очиб-ёпиш иш эмас-ку",—деб қойиб қўярди. Бугун: "Раҳмат", деб қўйди-да, йўлакдан аста одимлади. Ҳаво мусаффо, жуда мусаффо эди. Шоир Ойбекнинг: "Сева симирдим" деган сатрлари эсига келди. Ёмгирдан яшилланган дарахтлар остида бир зум тўхтаб тўйиб-тўйиб нафас олди. Юраги безовта қилиб шифохонада ётиб чиққанидан буён врачлар тавсияси билан тоза ҳавода кўпроқ юрарди. Врачлар унга: "Домла, ишингиз анча огир экан. Бунинг устига, ўзингиз ҳам тинмас экансиз, ҳар йили бир янги дарслик ёзиш, беш-олти аспирантга раҳбарлик, институтда олий таълимдаги янги ислоҳатларни тадбиқ этиш—ҳаммаси юрагингизга куч бўлиб тушиши мумкин. Ўйлаб кўринг"—дейишди. Аммо Ойбекнинг юрагига бундай ишлар завқ берарди. Гуруҳбозлик, порахўрлик, илмий аҳамиятсиз, ёстиқдай-ёстиқдай диссертациялар, ўтказмасанг, сендан норозилик—ана шулар Ойбекнинг юрагининг куюклари эди..."

Бирдан орқасида кимнингдир турганини ҳис этиб, ўгрилди. Соч-соқоли ўсган, кийимлари ғижим бир кимса қалтироқ қўлларини чўзди.

Ойбек ижирғанди, "Ичади, наҳот ичиб-ичиб, ичаклари яра бўлса-да, ҳушёр яшашни истамайди булар?!"-деб ўйлади. Ўтиб кетмоқчи эди, ўша одам яна йўлини тўсди:

—100 граммга, илтимос,—деди... Ойбек бу овозни қаердадир эшитгандай бўлди. Диққат билан разм солди. Ойбекнинг докторлик ишини йўққа чиқариш учун уч йил курашган гуруҳ аъзоларидан бири. У ҳамманинг олдида

ошкора: "Сиртқилардан пул олиб баҳо қўядиган бир менми? Тўлиб ётибди бунақалар. Менга ҳайфсан беришди. Ойбекнинг иши бу. Пора деган гапни у қўзғади. Энди улгунимча унга қарши курашаман",— деган экан... Ойбек унинг институтдан бошқа соҳага ўтиб кетганини, бизнес билан шуғулланаётганини эшитган эди. Сўнг: "Товламачилик билан қўлга тушибди, иши судда эмиш"—деб ҳам қулогига чалинган эди... Ўша одам...

Ойбек ғалати бўлиб кетди, чўнтагига қўл тикди-да нима илинса, рўпарасидаги одамнинг қалтироқ қўлларига ташлади. Ифлос бир нарсани босиб олгандай оёқларини қоқди-да, институт ҳовлисига кирди.

—Салом, устоз.

—Ассалому алайкум, домла!

—Ойбек Муқаддирович, яхшимисиз?

Талабалар, аспирантлар, ҳамкасблар... Ойбек уларнинг саломига алик оларкан, ректоратга қараб юрди. Уфқдан қип-қизариб чиқиб келаётган қуёш нурлари манглайини силарди.

М у н д а р и ж а

Муқаддима	4
Биринчи қисм. Қайтмас тўлқинлар. Мен ботинка кияман	6
Ойи, эртақ айтинг	7
Ёнроқ ўйини-ган	11
Тарсаки	14
Ўзи енгил, заҳмати оғир	16
"Гулнорни мен ўйнайман"	19
Эсдан чиқмайдиган кун	21
Узоқ тунлар, узун кундузлар	23
Биринчи бўлиш ёмонми?	27
Катта йул бошида	30
Ҳаётнинг ҳар куни синов	32
Сирли орзулар	35
Сизнинг йўлингиз бошқа	37
Ёлғизлик Аллоҳга хос	40
Кечинма	44
Гуллаган ёшлик чоғим	46
Бир оғиз гапнинг ботмон юки	48
Йўллар, йўллар	50
"Сиз ўшами?"	53
Улғайиш азоблари	57
Кечинма	60
Ўзбекона ихтиро	62
Кечинма	64
Кунларнинг бири	65
Муҳаббат бекати	67
Шамоллар чорраҳасида	71
Кечинма	72
Дядя Айбек	73
Мени "Синтия" деди	77
Яқинлик	80
Кузда баҳор қувончи	82
Иккинчи қисм.Бахтнинг ўзи келмайди	86
Сен тегмасанг, сенга тегишади	88
Ким ҳақ?	92
Кечинма	94
Худонинг асрагани шу	95
Олтин ришта	97
Қувончу ташвишлар аро	99
"Ман-ман" деманг	103
Яхшиям Сиз борсиз	106
Суюнчи	108
Игна билан қазилган қудуқ	111
Кечинма	114
Номзод Қодировдан доктор Қодировгача босилган йўл	115
Кечинма	117
Мағлубият ва қувонч	118
Кечинма	119

Ҳимоя	120
Янги ўйинлар, эски ўйинчилар	123
Кечинма	127
Илм йўлининг йўлчиси	128
Кураш бўлса кураш-да	131
Кечинма	133
Зўрлигингизни билмабман	134
Кечинма	136
Югославия	136
Ҳинд сори юзландим	138
Тарихий обидалар шаҳри	138
Қудратли подшоҳ ва мағрур малика	140
Буюклик-солдаликда	141
Бобур Мирзо пойтахтида	142
Машҳур ишқ қиссаси	145
Икки соат Раджеш Кханнани кутиб	146
Икки томонлама келишув	147
Қайдасан Элефанта?	148
Арзоннинг шўрваси	148
Мадрасда маданиятлар туташади	149
Кафтингизда Ҳинд океани	150
Хайр, Деҳли	151
Ал-Хоразмий мукофоти	153
Ҳақиқат эгилади, аммо синмайди	155
Умрим дафтарининг вараги азиз	162
Меҳробдан чиққан чаёнлар	164
Кечинма	166
Германия	167
Ўсиб бораётган диёр	167
Германия феномени	168
Цвикау институти	170
Бу нима?	171
Хотима	177

●

С.Қодиров
«Яқин ўткан кунлар»

Ношир	<i>Рустам Рўзматов</i>
Масъул муҳаррир	<i>Ҳалима Ҳўжаева</i>
Муҳаррир	<i>Рустам Обид</i>
Техник муҳаррир	<i>Васила Ҳидоятова</i>
Саҳифаловчи	<i>Хотам Рўзматов</i>

Теришга берилди 10.02.2006 й.

Босишга рухсат берилди 15.07.2006й.

Бичими 60x84 1\16. Босма табағи 27,0. Timez UZ гарнитураси.

Буюртма № Баҳоси шартнома асосида. Адади 1000 нусха.

“Zarqalam” нашриёти, Тошкент ш. Навоий кўчаси, 30-уй.

«Принт Медия» масъулияти чекланган жамият босмахонасида

чоप этилди.

4500